

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК 811.512.133

ОМОНТУРДИЕВ АНВАР ЖАББОРОВИЧ

ПРОФЕССИОНАЛ НУТҚ ЭВФЕМИКАСИ
(чорвадорлар нутқи мисолида)

10.02.01 – ўзбек тили

Филология фанлари доктори илмий
даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий маслаҳатчи:
ЎзР ФА академиги
А.П.Ҳожиёв

Тошкент – 2009

МУНДАРИЖА

Диссертациянинг умумий тавсифи.....	5-11
Кириш	12-20
1-БОБ. Табу ва эвфемиканинг назарий асослари	21-83
1.1. Табу ва эвфемика – этнолингвистиканинг ўрганиш объекти	21-28
1.2. Табу ва эвфемиканинг шаклланиш асослари	28-58
1.2.1. Диний-мифологик асос	28-34
1.2.2. Сўз магияси	34-46
1.2.3. Нутқнинг этик-эстетик талаби.....	46-52
1.2.4. Сиёсий-мафкуравий эҳтиёж талаби	52-56
1.2.5. Сўзловчининг субъектив эҳтиёж талаби	56-58
1.3. Эвфемиянинг ёндош ҳодисаларга муносабати ва эвфемик маъно мезони	58-65
1.4. Эвфемиянинг тил сатҳига муносабати	65-66
1.5. Эвфемиянинг таснифий асослари	66-80
1.6. Табу ва эвфемиянинг эволюциясига доир	81-82
Боб бўйича хулосалар	82-83
2-БОБ. Чорвачилик билан боғлиқ чорвадор нутқи эвфемикаси ...	84-153
2.1. Ҳайвон номи ва хусусиятлари билан боғлиқ эвфемик воситалар	94-102
2.2. Чорва билан «мулоқот» эвфемияси	103-105
2.3. Чорванинг урчиши билан боғлиқ эвфемик воситалар.....	105-108
2.4. Чорва маҳсулоти билан боғлиқ эвфемик воситалар.....	108-118
2.5. Чорва миқдори билан боғлиқ эвфемик воситалар	118-119
2.6. Мол суяклари ва уларнинг қисмлари билан боғлиқ эвфемик воситалар.....	119-121
2.7. Чорва ахлати билан боғлиқ эвфемик воситалар	122-122

2.8. Чорва ўлими билан боғлиқ эвфемик воситалар	122-125
2.9. Ўт лексемаси билан боғлиқ эвфемик воситалар	125-126
2.10. Чорва касалликлари билан боғлиқ эвфемик воситалар.....	126-127
2.11. Чорвани бичиш ва тамғалаш билан боғлиқ эвфемик воситалар	127-128
2.12. Чўпон ва таёқ билан боғлиқ эвфемик воситалар	128-132
2.13. Мол савдоси (бозор нутқи) билан боғлиқ эвфемик воситалар	133-135
2.14. Қассобчилик билан боғлиқ эвфемик воситалар	135-136
2.15. Бой(лик) ва камбағал(лик) тушунчалари билан боғлиқ эвфемик воситалар	136-139
2.16. Ҳалол ва ҳаром тушунчалари билан боғлиқ эвфемик воситалар	139-140
2.17. Ўғри ва ўғирланган тушунчалари билан боғлиқ эвфемик воситалар	140-141
2.18. Чорва пайрови билан боғлиқ эвфемик воситалар.....	141-143
2.18.1. Чорва пайрови эвфемаси	141-142
2.18.2. Кўпқари (улоқ) пайрови эвфемаси	142-143
2.19. Эвфемик идиома	143-145
2.20. Парафрастик эвфема	145-151
Боб бўйича хулосалар	151-153
3-БОБ. Этнографик удумлар билан боғлиқ чорвадор нутқи эвфемикаси	154-218
3.1. Абрук чиқармоқ удуми	155-156
3.2. Ис чиқармоқ удуми	156-156
3.3. Мотам-маросим билан боғлиқ эвфемик воситалар	156-167
3.3.1. «Момоши» билан боғлиқ эвфема қўллаш	157-158
3.3.2. Қурбонлик билан боғлиқ эвфемик воситалар	158-159
3.3.3. Кўпқари билан боғлиқ эвфемик воситалар	159-163

3.3.4. Кураш билан боғлиқ эвфемик воситалар	163-166
3.3.5. Хатна тўйи боғлиқ эвфемик воситалар	166-167
3.4. Қасам матни эвфемикаси	167-169
3.5. Қарғиш ва олқиш эвфемикаси	169-183
3.5.1. Эвфемик қарғиш воситалари	172-180
3.5.2. Эвфемик олқиш воситалари	180-183
3.6. Оила қуриш билан боғлиқ муомала эвфемикаси	183-201
3.6.1. Совчи нутқи эвфемаси	183-190
3.6.2. Никоҳ нутқи эвфемаси	190-192
3.6.3. Никоҳ тўйи нутқи эвфемаси	193-193
3.6.4. Келин-куёв нутқи эвфемаси	193-201
3.7. Гўянда нутқи эвфемикасининг лингвопоэтикаси	201-213
3.8. Прогностик эвфема	213-218
Умумий хулосалар	219-221
Илова	222-240
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	241-252
Респондентлар рўйхати	252-252

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Ҳар бир тилнинг тараққиёт даражаси, аввало, унинг услубиятининг қай даражада ишланганлиги билан баҳоланади. Чунки тилнинг моҳияти услубда – нутқда намоён бўлади. Англашиладики, тил тараққиёти глобал муаммоларининг ечими услубшуносликни нотиклик санъати илми мақомига кўтаришни, жумладан, профессионал нутқнинг барча тармоқларини – чорвадор, овчи, деҳқон, юрист, журналист, дипломат, бахши, шифокор, курашчи, тўқувчи, тикувчи, темирчи кабилар нутқини фундаментал тадқиқ қилиш, хусусан, уларнинг эвфемик воситаларини ёзиб олиш, эвфемиялогияни илмий-назарий ва амалий жиҳатдан мустақил соҳа – тилшуносликдан ўсиб чиққан фан сифатида асослаш, дастур ва дарсликлар, луғатлар тузиш кабиларни тақозо қиладики, бу – мавзунинг долзарблигини белгилайди.

Маълумки, профессионал (касбий) лексика ва унинг эвфемияси, синтактик имкониятлари – нутқий қиммати ўрганилмаган. Ҳатто, п р о ф е с с и о н а л л е к с и к а ва п р о ф е с с и о н а л н у т қ тушунчалари, булар ўртасидаги муносабат умумтилшуносликда у қадар ўз ечимини топмаган. Профессионал нутқ, яъни касбий соҳа билан боғлиқ нутқ, услубшунослик аспектида ишланиши зарур бўлган муаммо ҳисобланади.

Профессионал нутқ тушунчаси, унинг таснифи, турлари, тармоқлари, мундарижаси, ўрганиш объекти, функционал (вазифавий) услуб ва унинг турлари (сўзлашув, илмий, расмий, публицистик, бадий)га муносабати кабилар жиддий тадқиқот талаб қилади. Бу жараённинг етарли даражада ўрганилмаганлиги унинг эвфемикасини тадқиқ қилишни янада қийинлаштиради. Қолаверса, табу ва эвфемика, хусусан, профессионал эвфемик нутқнинг ўрганиш объекти, методологик асослари кенг планда (ҳатто умумтилшуносликда ҳам) назарий ва амалий жиҳатдан текширилган эмас. Ҳолбуки, ҳар бир муаммо ўзининг умумназарий асосига эга бўлиши керак (45, 6-,17).

Умуман, профессионал лексик қатлам, асосан, лексикологик планда, яъни «касб-хунар лексикаси», «профессионал лексика», «профессионализм» каби терминлар остида луғавий бирлик сифатида баҳоланган ва қатор ишларда ўз аксини топган (14; 19; 120; 106; 36; 57; 86).

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Табу ва эвфемия – этнолингвистиканинг ўрганиш объекти ҳисобланади. И.Т.Гердер (XVIII аср) ва В.Гумбольдт (XIX аср боши) асос солган бу соҳа XIX аср охири ва XX аср бошларида фан сифатида шаклланган. Этнограф Ф.Боас Америка ерли халқлари маданиятини, урф-одатларини тадқиқ қилган. Лингвист, этнограф Э.Сепир ва унинг издоши Б.Уорф бу изланишларни давом эттирган.

Қозоқ тилшуноси, эвфемист, профессор Адил Аҳметов "Қазак тилиндеги табу мен эвфемизмдер" номли номзодлик, "Турки тиллериндеги табу мен эвфемизмдер" номли докторлик диссертацияларида туркий тиллардаги табунинг этнолингвистик асослари, эвфемизмнинг таснифи, ҳосил бўлиш усуллари, уларнинг нутқ маданиятини бойитишдаги роли ҳақида маълумот берган (16, 62; 17, 176).

Ўзбек тилшунослигида бу масала биринчи марта Неъмат Исматуллаев томонидан ўрганилган. Муаллиф ўз тадқиқотида табу ва эвфемизмга доир маълумотлар тўплаган, уларга муносабат билдирган, умумлаштирган, муайян хулосаларга келган (48, 3-59; 49, 3-12; 50, 19).

Шунингдек, Б.Ўринбоев ҳам қатор ишларида сўзлашув нутқини тадқиқ қилиш муносабати билан эвфемизм ҳодисасига доир қимматли фикрлар баён қилган (147, 3-37).

Кейинроқ ушбу сатрлар муаллифи Н.Исматуллаевнинг табу ва эвфемизм ҳақидаги қарашларини давом эттириб, номзодлик диссертацияси ёклаган, қатор ишлар нашр қилган (77; 78; 79; 80). Аммо табу ва эвфемизм ҳодисалари назарий томондан етарли даражада ўрганилмаган. Ушбу ишда табу ва эвфемиянинг пайдо бўлиши қонуниятлари, эволюцияси чорвадор нутқи мисолида ёритилди.

Диссертациянинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот мавзуси Термиз давлат университети ўзбек тилшунослиги кафедрасининг “Ўзбек тилшунослиги ва нутқшунослиги муаммоларини диахрон ва синхрон ўрганиш” мавзусининг таркибий қисми саналади ва университетнинг 2003 йил 8 майдаги Илмий кенгашида тасдиқланган.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари. Чорвадорлар нутқи эвфемикасини чорвадор ҳаёти, дунёқараши, яшаш тарзи, урф-одатлари, ирим-сиримлари мисолида – этнолингвистик аспектда ўрганиш. Улар нутқида унутилиб бораётган кўплаб атама, ифода ва ибораларни ёзиб олиш, луғатлар тузиш, шу асосда тилимизнинг имконият ва салоҳиятини намоёни қилиш тадқиқотнинг асосий мақсади ҳисобланади.

Диссертацияда қуйидаги вазифаларни бажариш режалаштирилди:

- табу ва эвфемизм ҳодисаларининг пайдо бўлиш сабабларини аниқлаш;
- табунинг этнографик (ижтимоий) ва лингвистик жиҳатдан турларини фарқлаш ҳамда уларнинг ўзаро муносабатини белгилаш;
- табу ва эвфемиянинг шаклланишига асос бўлган омиллар (диний-мифологик асос, сўз магияси, нутқнинг этик-эстетик талаби, сиёсий-мафкуравий эҳтиёж талаби, сўзловчининг субъектив эҳтиёжи кабилар) ни аниқлаш;
- эвфемиянинг тил сатҳи ва ёндош ҳодисаларга муносабатини аниқлаш;
- профессионал лексика ва профессионал нутқ тушунчаларининг ўзаро ўхшаш ва фарқли томонларини аниқлаш;
- чорва номи, хусусиятлари ва улар билан боғлиқ эвфемик воситаларни таснифлаш;
- ўзбек халқининг этнографик удумлари билан боғлиқ касбий нутқи (совчи нутқи, никоҳ нутқи, хутба нутқи, гўяндалар нутқи, соғувчилар нутқи, яллачи ва аллачилар нутқи, кўпқари ва кураш баковуллари нутқи, ё рамазончи нутқи, савдо муомаласи нутқи, қассоб нутқи, чўпон нутқи

кабилар) ва уларнинг ўзига хос ранг-баранг, бой эвфемик қатламга эга эканлигини аниқлаш;

– чорва билан боғлиқ профессионал эвфемик воситалар бора-бора ижтимоий-фалсафий моҳият касб этиб, улар умумадабий тилга хос бўлган идиома, парафраза, фразема, пайров, мақол, матал, топишмоқ, туш таъбирлаш, аллегория, ривоят каби бадиий ифода ва халқ оғзаки ижодига хос жанрларнинг шаклланишига асос эканлигини исботлаш;

– профессионал нутқ ва унинг эвфемикасининг ўрганилиши минглаб сўз, термин, ибора ва ифодаларни бугунги умумадабий тилга олиб киришга, ўзбек тилининг изоҳли эвфемик, тарихий-этимологик, этнолингвистик луғатларини яратишга ёрдам беради. Этнолингвистика ва эвфемиялогияни махсус фан сифатида ўқитиш зарурлигини исботлаш;

– кекса авлод касб-хунар эгалари нутқини, халқнинг барча этнографик удумлари ижроси билан боғлиқ муомала воситаларини, фонограмма, транскрипция, техник воситалар ёрдамида фонограммалаштириш, ноталаштириш зарурлигини таъкидлаш;

– дастлаб чорвадор нутқида пайдо бўлиб, кейинчалик умумхалқ мулкига айланган мақолларимизнинг кўчими – эвфемиклик даражасини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объект ва материаллари. Чорвадор ҳаёти билан боғлиқ бадиий асарлар, маҳаллий матбуот, радио, телевидение, илмий монографик манбалар, фольклор асарлари, бахши, ёр-ёрчи, лапарчи, гўянда, чўпон, баковул, ровийларнинг жонли мулоқот ва нутқий воситалари, шунингдек, талабалар орқали йиғиб олинган тарқатма анкета маълумотлари, Ҳисор ва Кўхитанг тоғ тизмаларида жойлашган 100 дан ортиқ қишлоқ чорвадорларидан ёзиб олинган табу, эвфемик, эвфоник, диафоник материаллар диссертация учун асос қилиб олинди.

Тадқиқотнинг методологик асоси ва методлари. Тилнинг диалектик ва қиёсий-тарихий методлари, шунингдек, этнолингвистик таҳлил усуллари диссертациянинг методологик асосини ташкил этади.

Ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар:

1. Табунинг пайдо бўлиш сабаблари, эвфемиянинг юзага келиши, уларнинг назарий асосларини илмий жиҳатдан ўрганиш долзарб масала ҳисобланади.

2. Табу ва эвфемиянинг шаклланишига асос бўлган омиллар, эвфемиянинг тил сатҳида тутган ўрни, ёндош ҳодисаларга муносабатини белгилаш зарур.

3. Профессионал лексика ва профессионал нутқ тушунчаларига муносабат билдириш масаланинг ечимига аниқлик киритади.

4. Чорвадор нутқи эвфемикаси унинг турмуш тарзи, дунёқараши, урф-одатлари, анъаналари, ирим-сиримлари мисолида ёритилиши керак.

5. Табу ва эвфемиянинг назарий асосларининг ишланиши бошқа профессионал нутқларни, уларнинг эвфемиясини махсус режаларда ўрганишга имкон беради.

6. Нутқимизда кенг қўлланилувчи, дастлаб, чорвадорлар ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ пайдо бўлган 300 га яқин мақолларнинг кўчими – эвфемиклик даражаси аниқланиши керак.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Диссертацияда биринчи марта чорвачилик эвфемикаси тизим сифатида яхлит ва атрофлича монографик планда ўрганилди. Қуйидагилар ишнинг илмий янгилиги сифатида тақдим қилинди:

- касбий лексика ва унинг эвфемияси биринчи бор нутқий аспектда ўрганилди;

- табу ва эвфемизмнинг назарий асослари тадқиқ қилинди;

- профессионал нутқ тушунчаси мезони белгиланди, сўнгра унинг эвфемик қатлами (чорвадор нутқи мисолида) ўрганилди;

- тилимиздан йўқолиб кетаётган кўпгина эвфемик воситалар ёзиб олинди;

– чорвачилик эвфемикасини ташкил қилувчи унинг ички қисмлари 20 та, этнографик удумлар билан боғлиқ эвфемик воситалари 8 та мавзуй гуруҳга ажратиб ўрганилди ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари очиб берилди;

– ўзбек тили луғатларида мавжуд кўпгина сўз ва ибораларнинг маъноларидан ташқари, эвфемик маънолари ҳам аниқланди;

– чорвадорлардан луғатларимизда мавжуд бўлмаган кўплаб сўз ва иборалар ёзиб олинди ҳамда уларнинг эвфемик воситалари ўрганилди;

– ўзбек луғатчилиги тарихида биринчи марта эвфемик луғат нашр қилинди.

Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти. Чорвадорлар нутқи мисолида табу ва эвфемия тарихий-этнографик категория сифатида биринчи марта монографик планда ўрганилди. Профессионал нутқий қатлам, унинг эвфемикаси тадқиқ қилинди. Табу ва эвфемиянинг назарий асослари ишланди.

Диссертация материалларидан академик лицей, касб-хунар коллежи ва олий ўқув юртлири талабалари учун тил услубияти, нутқ маданияти асослари курсини яратиш, талаба танлови ёки нотиклар тайёрлаш учун дарслик ва қўлланмалар ёзиш, диалектология, этнография, этнолингвистика соҳаларини тадқиқ қилишда фойдаланиш мумкин. Ушбу иш ўзбек халқ дostonларида учровчи сўз ва иборалар маъносини очишда, фольклор асарлари эвфемик луғатларини яратишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Диссертациянинг хулосалари ва материалларидан Термиз давлат университети бакалаврият босқичи талабаларига услубшунослик, социоллингвистика, нутқ маданияти фанларидан маъруза ва амалий машғулотларни олиб боришда кенг фойдаланмоқда. Шунингдек, махсус курс, махсус семинар ва талаба танлови фанларида, соҳага оид ўқув қўлланма ва дарсликлар яратишда ундan манба сифатида фойдаланиш мумкин.

Ишнинг синовдан ўтиши. Диссертация мавзуси юзасидан Термиз ДУ профессор-ўқитувчиларининг анъанавий илмий-назарий анжуманларида (1998-2009), ЎзМУ ўзбек тилшунослиги кафедрасининг “Тилшуносликнинг долзарб масалалари” мавзусидаги анъанавий илмий-назарий анжуманларида (2002, 2006), шунингдек, халқаро ва республика миқёсида ўтказилган анжуманларда маърузалар қилинган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертациянинг асосий мазмуни эълон қилинган 30 га яқин илмий, илмий-методик мақолаларда ҳамда “Фан” нашриёти томонидан нашр этилган “Профессионал нутқ эвфемикаси” (2006), “Ўзбек тилининг қисқача эвфемик луғати” (2006) деб номланган монография ва луғатда, шунингдек, “Чорвадор нутқида уй-рўзгор буюмлари номи ва мақоллар эвфемикаси” (2007) номли рисолада акс этган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, илова ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг умумий ҳажми 252 саҳифани ташкил қилади.

КИРИШ

Табу ва эвфема ҳодисаси тил ва тафаккурнинг пайдо бўлиши билан узвий шаклланган, тараққий этган, инсоннинг муомала эҳтиёжи, нотиқлик талаби асосида тилнинг ўзи каби эволюцион босқичларни босган, эндиликда ўз ўрганиш объектига эга бўлган супернутқий қатламдир. Бугунги табу ва эвфемика тадқиқи шуни кўрсатадики, кишилар ўртасидаги алоқа воситалари воқеликни баён этиш – уни ифодалаш усули даражасига кўра, бир-бири билан узвий боғланган уч қатлам: т и л (хабар, алоқа), н у т қ (муносабат, мулоқот), с у п е р н у т қ (эвфемик, экспрессив-эмоционал муомала)дан ташкил топади. Нутқ – тилнинг, эвфемик қатлам эса нутқнинг ҳосиласидир. Эвфемик нутқ тафаккурнинг, инсон ақл-заковатининг олий формаси, «қаймоғи», воқеликнинг пардозланган, "парда ичига олинган", беозорлаштирилган, юмшатирилган образли ифодасидир.

Табу ва эвфемия – тарихий-этнографик категория. Лекин у услубий восита сифатида қачон, қайси асрда пайдо бўлганлиги ва шаклланганлигини исботловчи матнларга эга эмасмиз. Бундан қатъи назар, эвфемик нутқ тил каби қадимий бўлиб, ибтидоий тузумга, уруғ, қабила тилларига бориб тақалади. Гап шундаки, табу ва эвфема кўллаш удуми тил тараққиётининг барча босқичларида, ҳамма халқларда, барча социал қатлам ва гуруҳлар нутқида ўзига хос тарзда амал қилган. Бироқ ўтмишда эвфемик қатламни-ку кўйинг, тилнинг тарихий тараққиёт босқичлари деярли ўрганилмаган. Табу ва эвфемия этнографик ёки этнолингвистик планда, асосан, XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, ҳар хил сабаблар муносабати билан тадқиқ қилина бошланган. Табу ва эвфемия ҳодисасининг пайдо бўлиш сабаблари, уларнинг қандай мақсадларда кўлланилишига доир умумтилшуносликда, туркологияда, жумладан, ўзбек тилшунослигида анчагина манбаълар: илмий ишлар, мақолалар, йўл-йўлакай айтилган фикрлар мавжуд бўлиб, қуйида булар ҳақида қисқа тўхталамиз.

Ж.Вандриес: "Эвфемизм – бу ман этилган луғатнинг мулойимроқ ва маданийроқ формасигина, холос" (34, 206), – дейди.

Л.А.Булаховский: «Эвфемизмлар ёмон фикр уйғотадиган нарса ёки ходисанинг асл номини алмаштириш ва улар ҳақида сўз орқали ёвуз кучларни чақириш "ҳавфи"ни туғдирмай гапириш, ... ҳаммадан олдин "ҳавфнинг олдини олиш" формуласидир",– деб ёзади (31, 51).

Н.А.Самойлович олтой аёллари айтиши мумкин бўлмаган 42 та сўзнинг луғатини беради. Масалан, қозоқ, қирғиз аёллари эрлари ва уларнинг ака-укалари отларига кўшиб айтиладиган **бўри, қўй, қўзи, дарё, қамиш** сўзларини айтмаслик натижаси ўлароқ, улар нутқидан қуйидаги гапларни ёзиб олган: Оқувчи (дарё)нинг нариги томонида кўкарадиган (қамиш)нинг тагида увловчи (бўри) маъровчи (қўй)нинг боласи (қўзи)ни еб ётибди (100, 124-125).

Н.А.Баскаков ҳам олтойлик аёл **сув** (дарё), **тут** (дарахт), **бўри, қўй** сўзларини тилга ололмай (эри ва унинг қариндошларининг номи бўлганлиги учун) Оқувчи (дарё)нинг нари ёғида турувчи (тут)нинг остида улувчи (бўри) маъровчи (қўй)ни еб ётибди, деган ибора билан хабар берганлигини ёзган (22,17).

А.Н.Самойлович қозоқ, қирғиз аёллари нутқидан яна қуйидаги парчани ёзиб олган: ... Бир қирғиз аёлини муллага қўяди. Қуръон ўқиётган аёл "**кавсар**" сурасига келганда, суранинг номини "**Кавшикил**" деб талаффуз қилишини, чунки "кавсар"даги "сар" талаффуз жиҳатдан ман этилган "**сари**" сўзига яқин бўлиб, "сари" эса эрининг қариндошларидан бирининг исми бўлган. Шу сабабли аёллар тилида дарёнинг сары-су (сарик сув) номи **ишкил сув** сўзи билан алмаштирилганлигини уқтирган (101, 107; 48, 8).

Шунингдек, машҳур бир мударриснинг шогирдлари унинг ҳузурида (кал бўлганлиги учун) "**Кавсар**" сурасидаги "калкавсар" сўзини доимо "гулкавсар" тарзида талаффуз қилишлари ҳақида ҳам ривоят мавжуд (158).

Э.А.Агаян арман қишлоқларида **илон** сўзи ўрнида **арқон, канат** сўзлари ишлатилганлигини ёзади (7, 269).

А.Н.Трубачев Европа овчилари, балиқчи ва деҳқонлари ов мавсумида қўрқинчли ва зарарли ҳайвонларнинг номини айтмасликка ҳаракат қиладилар,— деб ёзади ва муаллиф ўрмон ҳайвонлари (**айиқ, бўри** каби)ни Швеция, Финландия, Эстония ва бошқа мамлакатларда эркалатиб, хушомадгўйли, кинояли лақаблар билан аташлари расм бўлиб қолганлигини қайд қиладди (117,12).

А.А.Реформатский табу ва эвфемизм ҳодисасини кенгроқ планда тушунган ва:

1) ҳарбий дипломатия талаби билан мамлакат, шаҳар, корхона, ҳарбий қисм ва айрим атоқли шахс номларини бирор шартли белги билан алмаштирилишини **n** (эн), **nn** (эн-эн), **x, y, z** (икс, игрек, зет);

2) одоб нуқтаи назаридан, хавфли касаллик номларини ошкор айтмаслик учун лотинча терминлар, қисқартма белгилар билан аталишини (ракни **conser**, туберкулезни **tbc**, операцияни **жарроҳлик касали** дейиш ва б.);

3) ўғрилар нутқидаги яширин қўлланадиган сўз ва ибораларни ҳам (ўлдирмоқни **тикиб қўймоқ**, ўғирламоқни **сотиб олмоқ** дейиш каби) эвфемизм ҳисоблайди (95, 100-102).

К.К.Шахжури грузин тилидаги кўпгина эвфемизмларни баён этиш билан бирга, рус тилида қўлланадиган «**Иди ты...**», қўрқоқ кишини масхаралаб: "**герой**" – "**қахрамон**" дейишларни ҳам эвфемизм дейди (135, 20).

С.Отаев туркман болаларига ирим қилиб қўйилган **Турсун, Итолмас** каби номларни эвфемизм дейди (15, 21).

Г.Г.Мусабаев қозоқ нутқида инқилобгача қўлланган эвфемизмларни ва инқилобдан кейин бу ҳодисанинг қўлланиш доираси ахлоқ-одоб талаби

билан кенгайганлигини (масалан, **ўтрик айтманг** ўрнида қўшманг, **шайтон** ўрнида сари бола дейиш каби) қайд қилган (61, 27).

С.С.Широков бир қисм эвфемизмлар қўпол, ёқимсиз сўзларнинг синоними сифатида майдонга келиб, зодагонлар, «оқсуяклар» нутқи учун хизмат қилишини ёзади ва «Кто последний? – Я не последняя, а крайняя; я не из провинции, а из периферии» мисолларини келтиради (136, 248-249).

В.П.Дарбакова қадимги монголлар тоғ, камар ва ғорлар бекорга ердан баланд қилиб яратилмаган, улар ерни ушлаб турувчи устунлар (бу ғоя «Қуръон»да ҳам бор – А.О.), яъни улуг жойлар сифатида муқаддаслаштирилганликларини, шу туфайли унинг ўрмонларини кесиш, ҳайвонларини ўлдириш ёмонлик келтиради деб тушунганликларини, ҳаттоки, тоғларнинг номлари тилга олинмаганлигини (агар у кўриниб турса, шивирлаб гапирилганлигини), улар жойлашган ўрнига қараб: **Шимолий тоғ, Шарқий тоғ, Ғарбий тоғ, Жанубий тоғ**; бирор белги хусусиятига қараб: **Кўктов, Алатов, Олтинтов, Кумуштов, Сирлитов, Баландтов, Қорлитов, Етимтов** каби номлар билан, кейинчалик шахс номлари билан атаганликларини ёзган (37, 199-200).

Н.А.Баскаков ҳам В.П.Дарбакова каби олтой халқларида баъзи тоғ номлари табулаштирилганлигини, масалан **Айиқ тоғ** ибораси ўрнида **Абай кабы** – катта ака, катта тоғ; **Аба каан** – акахон, отахон (бунда **айиқ** сўзи ўрнида **катта ака, ота**) сўзлари қўлланганлигини қайд қилган (23, 23).

Н.Г.Михайловская Ханتي-Мансий, Нанай, Чукот каби Узоқ Шарқ халқлари этнографиясида кўпгина тил воситаларининг табулаштирилган шаклда сақланиб қолганлигини, бу халқлар **айиқ, бўри** каби йиртқич ҳайвонларни кишиларга яхшилик келтирувчи сўз ва иборалар билан атаганликларини, чунончи, убили ўрнида **низвели**, медведь ўрнида **добрый, хозяин леса** (ўрмон эгаси), **таёжный гигант, таёжный великан** (тайга каттакони), **лохматый** (пахмоқ) каби эвфемизмлар билан ёки фольклордаги ёмонлик келтирувчи **росамахи, тулмаҳ** каби руҳ номлари

ўрнида **хитрый, злой, вор** сўзларини; айиқ орқасидан кетди, айиқ овлаб кетди ўрнида **они пошли по следу росамахи** фразеологик-эвфемик ибораларни қўллаганликларини ёзган. Шунингдек, Н.Г.Михайловская юқоридаги халқлар ўзларини табиат, ўсимлик, ҳайвонот олаmidан ажрата олмаганликларини, масалан, айиқлар ҳам одам каби яшайди, болалайди, ўсади, ўлади; уларнинг ҳам яхши-ёмони бор, деб тушунганликларини қайд қилган (59, 24-29).

С.П.Вайнштейн жуда кўпгина халқларда, жумладан, Тува тилида учрайдиган атоқли отларнинг кўпчилиги оилада болаларнинг ўлими туфайли ёмон руҳлардан сақлаш маъносида уларнинг номи тилга олинмаган ёки «кўча» номлари қўйилган, унинг бирор хусусияти ҳисобга олинган. Масалан, **Чимит-Ўлмас, Ўғил бола, Қиз, Мерган, чечак** каби. Бу одат дунёнинг кўпгина халқларида борлиги, хотин эри ва унинг қариндош уруғларининг номларини айтмаслигини ёзган (32, 128-131).

И.В.Арнольд инглиз тилида эвфемизмнинг луғавий маъноси, таърифи, эвфемизм қадимдан олимлар эътиборини жалб қилганлиги, кейинчалик ахлоқий нормалар учун, масалан, Худонинг номи эвфемалаштирилганлиги кабилар ҳақида тўхталган (13, 147).

Ш.Ч.Сат табулаштириш туваликлар фаолиятида, хусусан, уларнинг жонли тилида, фольклорида: кўшиқ, мақол, топишмоқларда, шунингдек, чорвадорлар, овчилар, аёллар нутқида фаол қўлланиши; энг кўп йиртқич ҳайвон, заҳарли ҳашорат номлари, ўлим билан боғлиқ жараёнлар табулаштирилганлиги ва бунда қўлланадиган эвфемик воситалар ҳақида бой материал берган (104, 45).

Н.Ц.Басчаева эвфемизм термини остида салбий моҳиятли предмет ёки воқеликларни юмшатиб тасвирлашни тушунамиз, – деб ёзади (28, 79).

Қозоқ тилшуноси, эвфемист, профессор Адил Аҳметов номзодлик учун ёзган "Қазақ тилиндеги табу мен эвфемизмдер", докторлик учун ёзган "Турки тиллериндеги табу мен эвфемизмдер" номли диссертациялари ва

бошқа қатор илмий мақолаларида туркий тиллардаги табунинг этнолингвистик асослари, у билан боғлиқ эвфемизмнинг таснифи, ҳосил бўлиш усуллари, уларнинг тил лексик қатламини, нутқ маданиятини бойитишдаги роли батафсил ёритилган. Олим, хусусан, этнограф-лингвист сифатида кўпгина халқлар, жумладан, туркий халқларнинг тарихи, фольклори, мифологияси, менталитети билан боғлиқ ҳолда шаклланган эътиқоди, урф-одати, расм-русумига доир материал тўплаган. Мана шу фактлар асосида табу ва эвфемизмни кенг планда тадқиқ ва таҳлил қилган, фақат тилшунослик учунгина эмас, этнолингвистика ва нутқшунослик каби фанлар учун ҳам назарий-амалий аҳамиятга молик хулосаларга келган (17; 18). Бу, ўз навбатида, бошқа миллат тилларидаги табу ва эвфемизмни алоҳида – кенг планда тадқиқ қилишга хизмат қилади.

Ўзбек тилшунослигида табу ва эвфемизм ҳақида унга ёндош ҳодисаларни ўрганиш муносабати билан йўл-йўлакай айрим фикрлар баён этилган (4, 25; 116, 44-47; 91, 117; 88, 66).

Ўзбекистонда Алақўйлик, Қорақўйлик, Тойлоқ каби аҳоли пунктлари номи этнонимлардан юзага келган, – деб ёзадилар О.Т.Ўринова ва Т.Ўриновлар, – этнонимларнинг чорвачилик лексикасидан юзага келиши халқнинг тотемик тасаввури ва тушунчалари билан боғлиқ. Бу тушунчалар халқнинг ибтидоий турмуш маданияти ва диний кечмиши билан изоҳланади (148, 178).

Сўнгра бу мавзуга – "Тилшуносликка кириш" курсида ("Табу ва эвфемизм" сарлавҳаси остида) қисқагина ўрин ажратилган (9, 67-68; 107, 105-106).

Бироқ бундан табу ва эвфемизм ўзбек тилшунослигида ўрганилмаган эканда, деган хулосага келмаймиз. Бу масала Неъмат Исматуллаев томонидан илмий планда ўрганилган. Олим 1964 йилда "Ҳозирги ўзбек адабий тилида эвфемизмлар" мавзуида номзодлик илмий даражасини олиш

учун диссертация ҳимоя қилган. Муаллиф ўзининг бу тадқиқотида биринчи бўлиб табу ва эвфемизмга доир бой маълумотлар тўплаган, уларга муносабат билдирган, умумлаштирган, илмий ва амалий хулосаларга келган.

Н.Исматуллаев ўзбек тилидаги эвфемизмларнинг пайдо бўлиш сабаблари ҳақида гапиргач, уларни гуруҳлайди (масалан, заҳарли ҳашоратлар номи ўрнида қўлланадиган эвфемизмлар, йиртқич ҳайвонлар номи ўрнида қўлланадиган эвфемизмлар, хотин-қизлар тилида ишлатиладиган эвфемизмлар каби) ва ҳар бир социал қатлам нутқида қўлланадиган эвфемизмларнинг муомаладаги аҳамиятини, луғат составини бойитишдаги қимматини таҳлил қилиб берган (48, 3-59; 49, 3-12).

Бу иш шу соҳа билан боғлиқ масалаларни, жумладан, эвфемизмни кейинги босқичда ўрганиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Табу ва эвфемизм мавзуси ана шу мавжуд ишлардан фойдаланиб, биринчи марта 1983 йилда олий мактаб учун тузилган ва нашр қилинган "Ўзбек тили стилистикаси" номли дарсликда анча кенг ёритилган. Унда муаллифлар эвфемизмнинг нутқ воситаси сифатидаги аҳамияти, ҳатто, контекстуал ва индивидуал эвфемизмлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтганлар (140, 66).

Ушбу сатрлар муаллифи томонидан Н.Исматуллаевнинг табу ва эвфемизм ҳақидаги қарашлари давом эттирилиб, 1997 йилда "Эвфемик воситаларнинг функционал-услубий хусусиятлари" мавзуида номзодлик диссертацияси ёқланган. Мавзу кенг режада ишланиб, "Ўзбек нутқининг эвфемик асослари" номли монография, шунингдек, "Бир сўз луғати", "Сўз қўллаш санъати" (ҳамкорликда) ва "Ўзбек тилининг қисқача эвфемик луғати" (77; 78; 79; 80) каби ишлар нашр қилинган.

Бу ишларда эвфемизмнинг маъно мезони, кўлами, тасвирий ифода объекти, семантик-функционал таснифи, ёндош ҳодисаларга, тил сатҳига

муносабати, эволюциясига доир фикрлар баён этилган. Бироқ бу ишларда биз нутқшунослик муаммолари, унинг эвфемикаси назарий ва амалий жиҳатдан ечим топган, деган фикрдан йироқмиз.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, табу ва эвфемизм ибтидоий дин, онги ожиз одамларнинг ғайритабиий дунёқараши, хурофот, бидъат, расм-русумлар таъсирида пайдо бўлган эскилик қолдиқлари, булар жамиятнинг кейинги тараққиётида – маданийлашган босқичларида йўқ бўлиб боради деган қарашлар (54, 19) ўзини оқламайди.

Бундан ташқари, ҳали табу ва эвфемизмнинг пайдо бўлишидаги сабаб, зарурият ва қонуниятлар, уларнинг эволюцион тараққиёти, табулаш асослари; эвфемизмнинг ўрганиш объекти, мезон ва меъёри, кўлами, чегараси, тил тизими (сатҳи)га муносабати; эвфемизмнинг шаклланишида – эвфемик маъно кўчишда метафора, метонимия, синекдоха, вазифадошликнинг роли; эвфемик маънонинг: а) омонимия, полисемия, синонимияга муносабати; 2) нутқнинг бадий воситалар (фразеология, мақол, матал, афоризм, эпитет, аллегория каби), яъни услубий фигуралар, эмоционал-экспрессив ифодаларга муносабати, қисқаси, функционал-услубий хусусиятлари, таснифи ва таснифлаш асослари, ўрганиш методлари кенг илмий-назарий асосда ҳали тадқиқотталаб ҳисобланади.

Айрим манбаларда эвфемик воситалар тор доирада, тил факти – лисоний ҳодиса, пассив лексик бирлик деб қаралган (39, 120). Ҳолбуки, эвфемик ҳодиса тилнинг муайян бир сатҳида фақат тил бирлиги сифатидагина эмас, нутқий қатлам, яъни семантик-функционал методга асосланган бадий тасвирий воситалар: троп ёки услубий фигуралар сифатида ҳам таҳлил қилиниши керак.

Фактлар тилимизнинг эвфемик қатлами – эвфемииологияни услубшуносликнинг алоҳида соҳаси сифатида ўрганишни, эвфемик синонимлар луғати (семантик-функционал луғатлар) тузиш ҳамда унинг

тематик ва изохли турларини яратишни тақозо қилади. Бу – бугунги услубшуносликнинг долзарб масалаларидан бири саналади.

Маълумки, ўзбек тилшунослигида нутқни вазифавий-услубий таснифлашда, турларга ажратиб ўрганиш ва мезон белгилашда, айрим ноаниқликлардан қатъи назар, катта ютуқларга эришилган, бу уларнинг (турларнинг) эвфемикасини ўрганишни осонлаштиради, албатта. Бирок профессионал нутқ тушунчаси, унинг таснифи, турлари, тармоқлари, мундарижаси, бир сўз билан айтганда, ўрганиш объекти, вазифавий услуб ва унинг турлари (сўзлашув, илмий, расмий, публицистик, бадиий)га муносабати жиддий тадқиқот талабдир. Ҳолбуки, бу жараён (бирламчи объект)нинг ўрганилмаганлиги унинг эвфемикасини тадқиқ қилишни яна бир карра қийинлаштиради (профессионал нутқ ҳақида кейинроқ тўхталамиз).

Англашиладики, профессионал нутқ эвфемикасини ўрганиш, аввало, табу ва эвфемизм¹нинг назарий асосларини алоҳида бобда тадқиқ қилишни тақозо қилади. Бошқача айтганда, табу ва эвфемика, хусусан, профессионал эвфемик нутқнинг ўрганиш объекти, мезони, тадқиқий, таснифий, тавсифий асослари, мустақил соҳа сифатидаги ўрни кенг планда (хатто умумтилшуносликда ҳам) назарий ва амалий жиҳатдан ўрганилган эмас. Зотан, ҳар бир муаммо ўзининг умумназарий асосига эга бўлиши керак (45, 6-,17).

¹ Бундан буён биз **эвфема**, **эвфемик**, **эвфемистик** (ҳодисанинг номи); **эвфемия**, **эвфемика**, **эвфемиялогия**, **эвфемашунослик** (фаннинг номи); **эвфемиялог**, **эвфемист**, **эвфемашунос** (мутахассисга нисбатан) терминларидан фойдаланиш маъкул деб ҳисоблаймиз.

1-боб. ТАБУ ВА ЭВФЕМИКАНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Табу ва эвфемика – этнолингвистиканинг ўрганиш объекти

Табу (tabu, tabo, taboo) сўзи Полинезиянинг Тонга тилидан олинган бўлиб, **м а н э т м о қ, т а қ и қ л а м о қ** тушунчасини англатади. Бироқ унинг полинезия ва меланезия шеваларида қўлланадиган **tapu, kapu, tambu** каби диалектал синонимлари, "ман этмоқ" тушунчаси билан бирга, "кияли" (зарарли, зиён етказиш кучига, хоссасига эга бўлган нарсалар) деган маънони ҳам англатади.

“Табу” сўзи ва тушунчасининг ўз даврида йирик ҳудудни эгаллаган **А ф и л ш и н** империяси тилига кириб келишида, сўнгра халқаро термин сифатида тарқалишида Ер шарини кемада уч марта айланиб чиққан, 1768-1779 йилларда Тинч океани (Тынық муҳиты)нинг кўпгина ороллари, Австралия ерлари ва аҳолисининг урф-одатларини тадқиқ қилган, географик кашфиётлар очган, машҳур сайёҳ, этнограф олим **Жемс Кук** (Капитан Кук) нинг хизматлари каттадир (18, 9).

Бундан табу тушунчаси – табулаш анъанаси XVIII асрларда полинезийларда келиб чиққан экан-да деган хулосага келинмайди, албатта.

Табунинг этногенезисини, яъни қаерда, қачон пайдо бўлганлиги, қайси уруғ, қабила ёки халқнинг удуми эканлигини айтиб бериш қийин. Зотан, у ижтимоий, тарихий-этнографик ҳодиса бўлиб, тил ва тафаккур каби қадимийдир. Унинг илдизлари ибтидоий онгнинг, яхшилик ва ёмонлик тушунчаларининг пайдо бўлиши, борлиқнинг илоҳийлаштирилиши (фетишизм), руҳ тушунчасининг пайдо бўлиши (анимизм), кўчиб юриши (реинкарнация – таносух), ҳайвонларга сиғиниш (анимализм), умуман, тотемик, мифологик тасаввурларга бориб тақалади.

Ибтидоий даврда – варварликнинг қуйи босқичларида юзага келиб, одатга айланган, бироқ бора-бора жамият тараққиётига ғов бўла бошлаган одамхўрлик (каннибализм: **conbal** – одамхўр), одамни қурбонлик қилиш,

юрак қонини ичиш, қизларни тириклай кўмиш, эр ўлса, хотини ва буюмларини кўшиб кўмиш, мархумга тегишли ашёларни қабр устида куйдириш (мархум ўзи билан нарсаларини ҳам олиб кетади маъносида), кексаларни гавургонга олиб бориб ташлаш, ўлгандан кейин этини қузғунларга едириб, суягини кўмиш, қонга қон, жонга жон олиш; ота-бола, она-бола, ака-сингил ўртасидаги жинсий алоқа, никоҳ (эндогамия), кўп эрлилик ва кўп хотинлилик (полигамия, гетеризм), одам сотиш ва сотиб олиш каби ғайритабиий, ғайриинсоний, ғайриахлоқий одатлар ман этилган (табулаштирилган).

Археологик тадқиқотлар каннибализмни Европа ва Осиёда сўнгги палеолит давригача давом этганлигини кўрсатади.

Сўнгроқ — ҳайвонларни қўлга ўргатиш ва чорвачиликнинг ривожланиши билан (матриархатдан патриархатга ўтиш даврида) очлик, табиат олдидаги ожизлик мажбур этадиган каннибализм йўқола бошлаган. Лекин у билан боғлиқ иримлар, ҳар хил одатлар у ёки бу кўринишда давом этган. Қадимги Шарқ кулдорлик мамлакатларида одамни қурбонлик қилиш одати ҳам каннибализмнинг диний тасаввурлар билан боғлиқ шаклидир. Бу одат индеецлар орасида XV-XVI асрларда ҳам учраб турган.

Ибтидоий диний тасаввурга кўра, одам кучи ва қуввати унинг гўшти билан бирга одамга ўтади деб қаралиб, жанглarda ҳалок бўлган душманнинг юрак қони ичилган, гўшти ейилган. Бу кўринишдаги каннибализм одат даражасигача кўтарилган (146, 302).

Бу фикрни қуйидаги маълумот янада тўлдиради: ҳозирги тоифадаги одам бундан, тахминан, 40-50 минг йил муқаддам вужудга келгач, ижтимоий ҳаёт аста-секин шакллана бошлаган. Ижтимоий ҳаётни қарор топтириш одам руҳий оламидаги ҳайвоний ҳис-туйғуларни барқарор қилиш эҳтиёжи заминида ҳар бир минтақада ўзига хос маданият, маънавият вужудга кела бошлаган. Маънавиятни қарор топтиришнинг дастлабки шакли бўлмиш т а б у — яъни ибтидоий жамиятда муайян хатти-ҳаракатлар ва нарсаларга

тегиш, истеъмол қилишни тақиқлашдир. Табу жамиятни ижтимоий бошқариш, инсон руҳини поклаш, ижтимоий назарияни йўлга қўйишнинг тарихий шакли бўлган. Масалан, унинг ёрдамида кексалар, хотин ва болаларни сўйиб ейиш (каннибализм) тақиқлангани, бундай йўл тутган одамларга нисбатан жамоатчилик нафрати қўзғатилиб, жазолангани, уруғдан чиқариб юборилгани жуда катта аҳамиятга эга бўлган. Натижада кексалар уруғ фаолиятини чорвачиликка йўналтирганлар, маънавий-ахлоқий жараённи соғломлаштирганлар. Табуни бузувчиларга олий жазо берилган ёки жамоа (уруғ, қабила) дан ҳайдалган. Бу каби ҳолатлар илоҳий китобларда ҳам акс этган. "Авесто"да Ийим (Одам Ато) ман этилганлигига қарамай, қора мол гўштини, Одам Ато ва Момо Ҳавво бугдойни ("Қуръон"да), Адам ва Ева "Донишмандлик дарахти"нинг меваси (олма ёки анжир)ни ("Инжил"да) еганликлари учун Аллоҳнинг ғазабига учраганлар: Беҳиштдан ҳайдалиб, турли жазоларга гирифтор этилганлар.

Ёки ўша давр шариати томонидан ман этилганлигига қарамай, ўз туғишган жуфти – синглиси (Иқлима)ни хотинликка олиш учун талашиб, укаси Ҳобилни ўлдирганлиги учун Қобилни ер ютганлиги (баъзи манбаларда ўз ўғли томонидан ўлдирилганлиги), қон-қариндошлик (уруғ) ичидаги никоҳ (эндогамия) ман этила бошлаганлиги ёзма адабиётда ҳам акс этган (150, 29-32).

Ибтидоий табу билан маданийлашган жамиятдаги табу воқеликка муносабат нуқтаи назардан айнан бир хил эмас, албатта. Биринчи ҳолатда узоқ давом этган объектив жараённинг, кейингисида кўпроқ субъектив ёки диний қарашларнинг таъсири кучли. Масалан, ислом шариати томонидан аёллар юзини очиб юриши тақиқланганлиги (табу), чўчқа, қузғун (маслиқ)

гўштини истеъмол қилиш, шароб (май), қон ичиш қатъиян ман этилиши (ҳаром қилиниши) каби¹.

Табу ҳодисаси, баъзи олимлар айтганидек, жамиятнинг кейинги тараққиётида йўқолиб кетмайди, балки ўзига хос шаклларда юз бериб туради. Табу агар жамиятнинг табиий тараққиёт қонунлари асосида юз берса, ижобий натижаларга олиб келади. Масалан, қурбонликка одам сўйилишининг тақиқланиши – ман этилиши тафаккур тарихида буюк инқилоб бўлиб, ғоя, ҳатто, Аллоҳ иродаси билан юз берганлиги – самовий китоблар орқали тасдиқланган (Иброҳим ўғли Исмоилнинг сўйилмай қолиши ва унинг сабабларини эсланг).

Агар табу тараққиётга хизмат қилмайдиган, субъектив ёки ғайритабиий мақсадлар билан амалга оширилса, салбий оқибатларни келтириб чиқаради: таталитар тузумдаги динлар, диний эътиқодлар ёки "Наврўз" каби дунёвий байрамларнинг ман этилиши ва б.

Табуни ифода объектига кўра, социал ёки этнографик табу ва лингвистик табу терминлари остида иккига ажратиш мумкин. Биринчи ҳолат кўпроқ тарихчилар, этнографлар, иккинчи ҳолат тилшуносларнинг ўрганиш объектидир. Ташқи томондан улар ўртасида боғланиш йўқдай кўринса-да, аслда бундай эмас: **этнографик табу** термини остида тарихан шаклланиб одатга айланган, бироқ маълум сабабларга кўра, ман этилган ижтимоий ҳаракат, воқелик ёки одат тушунилса, **лингвистик табу** термини остида маълум сабабларга кўра, бирор воқелик ёки предметнинг ўзи эмас, унинг номини тўғридан-тўғри тилга олиш ман этилади. Бундан ташқари, баъзи ҳолларда этнографик табу лингвистик табунинг шаклланишига бевосита сабаб ҳам бўлади. Масалан, чўчка гўшти ейиш, ароқ ичиш одатининг исломда ман этилиши (этнографик табу) билан боғлиқ воқелик

¹ "Қурримат алайкумул майтату ваддаму валаҳмул хинзири" ("Моида" сураси) ёки "Иннана ҳаррама алайкумул майтата ваддама ва лаҳмал хинзири ва ма у ҳилла лиғайриллаҳи биҳи" ("Ал-инжил" сураси).

номлари ҳам тўғридан-тўғри тилга олина бермаган. **Чўчка** сўзи ўрнида қора кийик, оқ қўй; **ароқ** сўзи ўрнида ичимлик, шиша, оқ, захри қотил, оғу, ҳалиги эвфемалари қўлланилган. Аёллар юзи очиқ юришининг ман этилиши (этнографик табу) билан боғлиқ "юзи очиқ" ёки "очиқ" тушунчасининг у ёпиқ, у пардада, у ҳижобда, у чимматда, у паранжида, у пешбандда, у рўмолда каби эвфемалари юзага келган. Ҳаттоки, ёввойиликнинг ибтидоий даврларида одамхўр инсонлар тилидаги бугун "битта одам ўлдирдик", "битта одам сўйдик", "гўштини едик", "қонини ичдик" каби тушунчалар эвфемалаштирилмаган, бунга зарурат бўлмаган деб фараз қилганимизда ҳам, бу жараён каннибализм ман этилган (этнографик табу)дан кейинги даврларда эвфемалаштирилган бўлиши керак. Гарчи бунда эвфемик воситалар қўлланганлигини муайян матн – манба асосида айтиш имкониятига эга бўлмасак-да, ҳозирги тилдаги "қонхўр", "оғзидан қон ҳиди келади", "оғзи қон", "қон ялаган", "қонини тўккан"; "қонингни ичаман", "қонингни симираман", "бошига етди", "гўштингни ейман", "бошини еди", "юрагингни кабоблаб ейман", "жонга жон", "қонга қон оламан" каби воситалар **одам ўлдирмоқ, сўймоқ** тушунчаларининг эвфемик сигнафикаторидир. Сўнгроқ юзага келган "йўқотмоқ", "гумдон қилмоқ", "нобуд қилмоқ", "асфаласофилинга жўнатмоқ" кабилар эса нисбий эвфемалардир.

Уруғчилик тузумида уруғ аъзоларидан бири ўлдирилса, ўлдирган киши ёки унинг уруғидан бирор киши ўлдирилиши шарт бўлган. Бунда **ўлдирмоқ** тушунчаси ўрнида "ўлимга-ўлим", "қонга-қон", "жонга-жон олмоқ" (рус тилида ҳам "смерть за смерть", "кровь за кровь") эвфемик сигнафикатори қўлланилган. Бу одат (ўлдирганни ўлдириш одати) ман этилгач (этнографик табу), ўлимга-ўлим эмас, ўлимга хун тўламоқ (одам баҳосини тўлаш), бадал тўламоқ, товон тўламоқ нисбий эвфемалари шаклланган.

Уруғ ичида никоҳ ман этилгач (этнографик табу), киз бошқа уруғдан олинган, ҳатто, олиб қочиб келинган (ҳозирги "Келин олиб қочди" одати шундан қолган). **Келин** атамаси ҳам аслида "келгинди" (кел+ин) сўзининг

эъзозланган – эвфемиклашган шакли. Русча **невеста** (не+веста – не вести) сўзи заминида ҳам аслда "келгинди" тушунчаси келгинди эмас, эъзозланиб (не приезжая) – ўзимизники тарзида эвфемалаштирилган. Бошқа бир уруғ ёки қабила хонадонига тушиб келган қиз (келгинди) шу хонадон аъзолари билан тенг ҳуқуқли бўлмаган (аслда келинларнинг тонг қоронғусида туриши, ҳовли супуриши, чой қўйиб бериши, таъзим қилиши шундан қолган), эрининг, ота-онаси ва қариндошларининг номларини тилга олиши ман этилган (табу)ки, бу ҳолат келин нутқида символик эвфеманинг ("келин тили"нинг) шаклланишига сабаб бўлган (келинлар нутқидаги Кенжа, Кичик қиз, Сарик сочли қиз, Мулла ака, Мудир ака каби эвфемик мурожаатлар).

Қулдорлик тузуми майдонга келгач, қул ва қулдорнинг асл номи (масалан, Асқар, Салим)дан ташқари, уларнинг социал атамалари (қулдор, қул) ҳам ҳеч кимга боғлиқ бўлмаган ҳолда, у ёки бу даражада табулаштирилган – тўғридан-тўғри айтилмаган. Натижада қулдор учун **хўжа, хужайин, соҳиб, сеньор, сэр, шеф**; қул учун **хизматкор, мардикор, чоракор, ходим, навча, чўри, оқсоч, жория** каби нисбий эвфемик атамалар юзага келган. Табулаштириш ва эвфема қўллаш қонуниятлари жамиятнинг барча тараққиёт босқичларида ҳам амал қилган.

Юқоридагилардан англаниладики, табу термини бир-бири билан узвий боғланган уч (баъзан икки) босқичли тушунча: 1) воқелик (масалан, кўкнор ейиш, ароқ ичиш, ўғирлик қилиш одати)ни; 2) воқелик номи – субъекти (кўкнор, ароқ, ўғри)ни очик айтишни ман этиш; 3) эвфема қўллаш зарурати. Бунда этнографик табу бирламчи ҳодиса бўлиб: а) лингвистик табунинг; б) эвфеманинг шаклланишида асос бўлиб хизмат қилади.

Табу аслида этнографик тушунча бўлса-да, кейинчалик лингвистик термин сифатида ҳам қўлланила бошлаган. Шу сабаб профессор Адил Аҳметов ҳам этнографик ва лингвистик табу терминларини қўллаган (18). Этнографик табу, асосан, тарихий-этнографик воқеликларни, лингвистик табу, асосан, тил ҳодисаларини, шу билан боғлиқ шаклланган эвфемиялогия

– услубшуносликни ўрганади. Бу учала соҳа бир-биридан узилган, алоҳида соҳалар эмас, улар тилшуносликнинг мустақил соҳаси бўлмиш этнолингвистиканинг ўрганиш объектидир. Бу фан – этнография, лингвистика ва нутқшуносликнинг шунчаки қўшилмаси эмас, балки янги шаклланган яхлит объект – бир бутун фаннинг фазаларидир. Зотан, лингвистик табу заминиди халқлар тарихи, урф-одати, расм-русуми, ахлоқ-одоби, хулқ-атвори, удумлари, рухий-психологик, мифологик эътиқоди, бир сўз билан айтганда, дунёқараши – менталитети мужассам.

Ҳар қандай этнографик табу – этнографик ҳодисадир. Масалан, совчи қўйиш, унаштириш удуми (этнографик ҳодиса) муносабати билан совчи нутқи табулаштирилади (қизингиз Меҳринисони ўғлим Тоштемирга хотинликка беринг дейилмайди). Туш таъбирлаш – йўллаш (этнографик ҳодиса) вақтида, кўрқинчли бўлса, табулаштирилади (хонадонингизда ўлим бўлади дейилмайди). Яхши туш бўлса, табулаштирилмайди. Таъкидлаш керак, ҳар қандай этнографик ҳодиса табуни келтириб чиқармайди. Масалан, тўй билан боғлиқ "ун сепиш", "кампир ўлди", "оёқ босиш", "ойна кўрсатиш", "соч сийпатиш", "оловдан сакратиш" каби удумлар номининг ўзи қўлланилаверади.

Англашиладики, этнолингвист маълум даражада этнограф бўлиши мумкин, бироқ ҳамма этнограф ҳам лингвист бўла бермайди. Зотан, баъзи йирик этнографларнинг асарларида табу билан боғлиқ маълумот ёки фактларга дуч ҳам келмаймиз (53).

Демак, этнолингвистика фани табу билан боғлиқ бўлган этнографик материални ўрганади.

Этнолингвистикада этнография ва лингвистикагина эмас, илмнинг социоллингвистик, этимологик, топонимик, археологик, антропологик, этик-эстетик, этномаданият, нотиклик, теологик каби соҳалар ҳам учрайди.

Табу ва эвфемия этнолингвистиканинг ўрганиш объекти эканлиги ва бу фан ҳақидаги фикрлар дастлаб И.Т.Гердер (XVIII аср) ва В.Гумбольдт (XIX

асрнинг боши)дан бошлангани билан, у XIX аср охири ва XX аср бошларида фан сифатида шакллана бошлаган. Шу асосда Америка ерли халқлари маданияти, урф-одатларини тадқиқ қилган этнограф олим Ф.Боас, лингвист, этнограф Э.Сепир ва уларнинг издоши Б.Уорфлар томонидан давом эттирилган. Бундан ташқари, Н.И.Толстойнинг этнолингвистикага бағишланган қатор ишлари диққатга сазовор (112, 397-405).

1.2. Табу ва эвфемиканинг шаклланиш асослари

1.2.1. **Диний-мифологик асос.** Ибтидоий одам табиат ва жамият тараққиёти қонунларини билмаган. Натижада сайёралар ҳаракати, ҳолати: ой ва қуёш чиқиши, ботиши, тутилиши, қизариши, куйиши, янги ой чиқиши, тўлиши; юлдузлар ҳаракати, ҳолати: катта-кичиклиги, учиши, сўниши, Сомон йўли, Хулкар, Тарози, Етти қароқчи, Катта айиқ, Кичик айиқ; чақмоқ, момақалдирок, камалак, унинг ранглари; шамол, унинг ҳаракати; булутлар ҳаракати, ранги; қор, қизил қор; ёмғир, қурбақа, илон, тош, қум кабилар ёғиши; зилзила, ер ёрилиши, тоғ кўчиши, ер қимирлаши, вулқон отилиши; тошқин, тўфон, булоқ ва дарёларнинг қуриб қолиши: фасллар ва кеча-кундуз алмашинуви; касалликлар тарқалиши, вабо, ўлат, офат, ўлим каби доимий (ёки мавсумий) юз берадиган жараёнлар илоҳийлаштирилган (фетишизм). Яхшилик қилувчи – эзгу ва ёмонлик қилувчи – ёвуз кучлар бор, улар ўртасида доим кураш бўлади деб ҳисоблаганлар. Масалан, ёз ғолиб келса, киш енгилган бўлади, ўз ўрнини баҳорга бўшатиб беради (бу ғоя Маҳмуд Кошғарийнинг "Девони луғотит-турк" асарида ҳам бор). Ёруғлик (кун) ғолиб чиқса, қоронғулик (тун) чекинади (тонг отди – кечани отди шундан қолган). Йил яхши келиб, тўкин-сочинлик бўлса, эзгулик кучларининг ёвузлик устидан ғалабаси, аксинча, бахтсизлик (тўфон, зилзила, очарчилик, қурғоқчилик, вабо, ўлим кабилар) юз берса, ёвузлик кучлари (шайтон, жин, дев, алвасти кабилар)нинг ғалабаси деб тушунилган. Бу ғоя кейинчалик илоҳий адабиётларда ҳам акс этган. Чунончи, Ҳиндларда Брахма – коинот

ижодкори ва унга жон ато этувчи; Вишну – мурувват кўрсатувчи, яхшилик худоси; Шива – ёвузлик, табиатни вайрон этувчи худо ("Рамаяна"даги Рам – Вишну, Раван – Шива худоларининг ердаги тимсолларидир). "Авесто"даги Ахурамазда – яхшилик, Аҳриман – ёмонлик худоси. "Қуръон"да ҳам инсонга нажот йўлини кўрсатувчи Аллоҳдан ташқари, ёвузлик тимсоллари сифатида Шайтон, Ҳаннос, Жин, Дажжол образлари мавжуд.

Эзгулик кучларига атаб қурбонликлар қилинган, уларнинг тимсоллари ясаб сиғинилган (буддизм), уларга бағишлаб мадҳиялар ўқилган, маросимлар ўтказилган. Ҳатто, ўзларини қурбон ҳам қилишган (26, 6).

Кейинчалик ўзларини Ер худоси деб эълон қилган, гўё осмонни ер билан, одамларни осмон худоси билан боғлайдиган коҳинлар, браҳманлар, шаманлар, роҳиблар, авлиёлар, поплар, пайғамбарлар пайдо бўлган ва улар инсоннинг жисм ва руҳдан ташкил топганлиги, ўлганда жон (руҳ) танадан ажралиб чиқиши (анимизм), кўчиб юриши (таносух), худо хузурига парвоз қилиши (уруж), ерга қайтиб туша олиши (нузул), абадий яшаши, инсон қайта тирилиши, Аллоҳ олдида ҳисоб бериши кабиларни тарғиб қилганлар (Кейинчалик бу жараён самовий китобларда ҳам акс этган). Бундан ташқари, руҳ жисмни тарк этса-да, у тириклар билан узвий алоқада бўлиши, агар тириклар руҳларни унутсалар, хафа қилсалар, номини эъзозламай тилга олсалар, хусусан, ёмон сўз билан ғийбат қилсалар, марҳумдан қолган меросни талон-тарож қилсалар, хотин ва болаларини хўрласалар, улар (руҳлар) ёмонлик келтириши – зарар қилиши мумкинлиги уқтирилган (арвоҳ урган, арвоҳ қайишган, арвоҳ тутган, арвоҳ тортган, арвоҳ норози иборалари шундан қолган).

Омадсизлик юз бериши билан боғлиқ руҳларга сиғиниш одати (шаманизм – шомонлик) келиб чиққан.

Теологик таълимотда, исломда ҳам, руҳий оламдаги барча илоҳий объектлар (Аллоҳ, фаришталар, Жаннат, Дўзах, Сирот, Кавсар, Тубо, Арши Аъло, Лавҳ ул-Маҳфуз кабилар)гина эмас, моддий оламдаги мавжудотлар

(инсон, ҳайвон, ҳашорот, наботот кабилар) ҳам илоҳий кашфиёт бўлганлигидан муқаддаслаштирилган. Уларнинг ҳаммасида Аллоҳнинг жилваси (зуҳури) мавжуд. Шу сабаб уларни топташ, вайрон қилиш, тирик жонни қийнаш, ўлдириш, нон, туз, сув, сўз каби барча неъматларни исроф ва ифлос қилиш, вақт – умр (кеча, кундуз кабилар)ни зое қилиш, ҳаттоки, ёстук, бўсаға (остона), нон ушоғини босиш, сувга туфлаш кабилар ман этилган (табу). Аллоҳ ўз "Калом"ида шаҳар (Макка), Одам Ато ва ундан тарқалган зурриёт ("Балад" сураси), замон ("Аср" сураси), анжир, зайтун, Тур тоғи, Сийно шаҳри ("Тийн" сураси), чошгоҳ, тун ("Зуҳо" сураси), тонг ("Фажир" сураси), осмон, юлдуз ("Ториқ" сураси), куёш, зиё, ой, кеча, кундуз, ер, осмон ("Шамс" ва "Лайл" суралари), қиёмат куни ("Буруж" сураси), фаришта ("Назиат" сураси) номлари билан қасам ичадики, бу санаб ўтилганларларнинг муқаддаслигини тасдиқловчи исботдир.

Диний эътиқодларнинг илк шаклларида бири – **тотемизм** (тотем сўзи Шимолий Америка ҳиндуларининг Ошибве қабиласи тилидан олинган бўлиб, уруғи, гени демакдир). **Тотемизм** инсон билан ҳайвон ва ўсимликларнинг муайян турлари ўртасида қон-қариндошлик бор, деган эътиқодга асосланади. Бошқача айтганда, ҳайвон ва ўсимликлар инсон ҳимоячиси, нажоткори деб ҳисобланилиб, уларга сиғинилган (масалан, АҚШда – **айиқ**, Австралияда – **кенгуру**, Канадада – **буғу**, Ҳиндистонда – **сигир**, туркийларда – **бўри** – тотемлардир), уларни овлаш, ўлдириш, гўштини ейиш ман қилинган. Тотемик эътиқод ва маросимларнинг айрим кўринишлари кўп жойларда, айниқса, Австралия қабилаларида сақланиб қолган. Австралия маҳаллий аҳолисининг ҳар бир қабиласи муайян ҳайвон ёки ўсимлик номини олган уруғларга бўлинади (147, 203).

Америкадаги ирокезларнинг **сенека** қабиласи саккиз уруққа бўлинган ва саккиз ҳайвон (бўри, айиқ, тошбақа, бабр, буғу, қизилоёқ, қарқара, лочин) номи билан аталган (141, 95-96). Уруғ ва унинг аъзолари ўз тотемини

қариндоши – отаси, онаси, дўсти деб ҳисоблаб, уларга бағишлаб махсус маросимлар ўтказганлар.

Милоддан аввал туркийларнинг байроғида ҳам бўри сурати бўлган. гуннлар Европага борганда, уларнинг бошлиқлари расмини худди мана шу суратдагидек қилиб чизишган. Олис авлодларимиз ўзларининг келиб чиқишларини бўрига боғлашган (131, 186).

Шарқ халқларида ҳам ўн икки йил (бир мучал) ўн икки ҳайвон (муш – сичқон, бақар – сигир, фаланг – илон, асп – от, гўсфанд – қўй, ҳамдуна – маймун, мурғ – товуқ, сак – ит, хук – чўчка (баъзи халқларда акула, тимсоҳ, аждарҳо ҳам қатнашади)); ўн икки ой ҳамал (қўй рамзи), савр (хўкиз), жавзо (икки қиз бола ёки эгизаклар), саратон (қисқичбақа), асад (шер), сунбула (бошок), мезон (тарози), ақраб (чаён), қавс (ўқотар), хут (балиқ) номлари билан аталган ва инсон тақдири, феъл-атвори, бахт ва бахтсизлиги унинг мучали (қўй йилида туғилганми, илон йилида туғилганми каби), йил ва фаслларнинг қандай келиши ҳам мучал номлари билан боғлиқ, деб тушунилган (102; 106; 146; 147).

Тотемистик эътиқоднинг ўзгарган қолдиқлари барча динларда учрайди. Масалан, Исломга эътиқод қиладиган кўпгина халқларда ҳозир ҳам ит, мушук, кабутар, мусича, кўк қарға, қалдирғоч, лайлак каби жониворларга озор бериш, ўлдириш ман этилган (табу) ёки гуноҳ ҳисобланган. Манбаларда бунинг ўзига хос исломий талқини ҳам мавжуд (бу ҳақда тўхталмаймиз).

Ҳозир ҳам Ўзбекистоннинг айрим тоғ қишлоқларида тирик тутилган бўри ва айиқни қишлоқ бўйлаб, эшакка ортиб, эшикма-эшик олиб юриш одати учрайди. Бунда овчига бирор совға ёки пул берилади. Овчи бўри ёки айиқнинг тиши, тирноғи, юнги ёки терисидан (агар ўлган бўлса) хонадон ва унинг аъзоларини ёмон кўздан ҳимояловчи восита сифатида уларга қолдиради.

Кийик ҳам пок ҳайвон сифатида муқаддаслаштирилган. Хусусан, бўғоз ёки улоқли кийикни отиш мумкин бўлмаган ёки гуноҳ ҳисобланган. Кийик

шоҳлари зиёратгоҳ жойларга осиб қўйилган. Бу удум ҳозир ҳам мавжуд. Бир ривоятда Балх подшоси Иброҳим Адҳам бир кийикни отда қувлаб етиб отаман, деганда кийик (бўғоз бўлади) тилга кириб:

Не деб мени бунча қувдинг, Иброҳим,

Ўлмайсан деб яратдими Худойим, дейди ва шу ҳолат Иброҳимнинг тожу тахтни тарк этиб, Каъба зиёратига кетишига сабаб бўлади. С.Аҳмаднинг "Жимжитлик" романида бир табиб кампир уруғдошларининг ноҳақликлари туфайли ўз қишлоғини тарк этиб, замбуруғқоя тоғига келиб макон тутди – узлатга чекинади. Улоғини овчи олиб кетган бир она кийик тоғдан тушиб келиб, кампирга ўзини соғдириб туради. Кампир юзга кириб ўлгач, унинг қабри "Кийиксоғди Момо" номи билан зиёратгоҳга айланади (С.Аҳм. "Жимжитлик", 63-71- б.).

Исломий халқларда ҳайвонлардан, хусусан, қўй, ит, от, туя маданийлаштирилган. Қўй энг пок – Беҳиштдан чиққан. Исмоил алайҳиссалом жонига бадал сифатида ҳам Жаннатдан қўчқор юборилади. Шундан бошлаб, одамни қурбонликка сўйиш ман этилади. Ривоятга кўра инсонни Сирот кўпригидан қўй олиб ўтади ва ҳ.к.

От – инсон нажоткори, йўлдоши (151, 46-47). "Лайлат ул-меърож" тунида Муҳаммад алайҳиссаломни Аллоҳ ҳузурига етказган, асли нурдан яратилган Буроқ ҳам от; олти ойлик йўлдан Ҳазрат Алининг нидосини эшитиб етиб борган Дулдул ҳам от ("Бобо Равшан"); Алпомишни муродига етказган назаркарда, тўрт ярим газ қаноти бор Бойчибор ҳам от; ўз эгасини ўлимдан қутқарган, сўнгра, эгаси (Зиёдулло Қурбонов) унга: "Акамсан, укамсан, қиёматлик биродаримсан", деб илтижо қилган Тарлон ҳам от (Т.М., "От кишнаган оқшом", 216-218- б.).

Отнинг илоҳийлаштирилиши бежиз эмас. Зотан, Аллоҳ от номи билан қасам ичган: "Нафасидан овоз чиқариб душман томон чопаётган отлар билан қасам; туёғидан ўтлар чиқариб чопаётган отлар билан қасам; тонг чоғида

душман устига ғарот қилиб боровчи отлар билан қасам" ("Адият" сураси) (67, 150).

Ит – вафодор, инсон ва унинг ҳаёти, ризқини қўриқловчи. У, ҳатто, "Қуръон"нинг "Каҳф" сурасида мадҳ этилган Рим подшоҳи Дақёнус зулмидан қочиб, ватанни тарк этиб кетаётган етти биродарга эргашади, ғор (каҳф)га киради, биродарларни қўриб, ғор оғзида уч юз йил ётади.

Кўпгина ўсимликлар, чинор, арча, pista, тут, ёнғоқ, анжир каби дарахтлар ҳам илоҳийлаштирилган. Чинор – сабр-бардош, умрбоқийлик рамзи. А.Мухторнинг "Чинор" романидаги Очил бобо ҳар доим сафарга кетиш олдидан минг ёшли, шохлари ҳар томонга кетган азим чинор ёнига келиб сукут сақлаб туради, нималарнидир пичирлайди, атрофидан айланади, танасини силайди, руҳий қувват олади, ундан изн ва зафар сўрайди; қайтиб келганда ҳам миннатдорчилик, эҳтиром билдиради.

Туғдона дарахти ҳам бўлар-бўлмасга кесилмайди, ундан ёғоч олиниб, тумор шаклига келтирилади, кўз-суқдан ҳимояловчи восита сифатида болалар елкасига, бешикларига, от пешоналарига тақиб қўйилади. Хусусан, ундан кубба – туғ ясалиб, мазорлар тепасига қўйилади: **туғдона** номи шундан олинган.

Қадимги Галлия донишмандлари ҳар бир инсоннинг биоэнергик ҳосиятларга эгаллигини, чунончи, туғилган йили ва кунига қараб ўзига яқин ёки ўз дарахти борлиги, у ўз эгаси соғлигининг посбони эканлиги, инсон ўзини ёмон ҳис этса, руҳий парижонликка учраса, ўз дарахтига келиб суяниши, япроқларининг шитирлашига қулоқ тутиши, барча ҳаёлларини унутиб, унга (шитирлашга) қўшилиб кетиши ва қувват олишини исботлаганлар (сув оҳанглари ҳам қувват манбаи)ки, буни ҳозирги руҳиятшунослик фани ҳам тасдиқлайди (Дарахтингиз қайси? "Сурхон тонги", 1999, 23 февраль, 8-б.).

Абадий ҳаёт дарахти ва тириклик суви тушунчаларининг мавжудлиги ҳам бежиз эмас. Ушбу фикрлар билан боғлиқ ривоят ҳам бор: Ҳазрат Али

Биби Фотима устиларига уйланганларида, Биби Фотима Жисмларини титроқ тутади. Буни сезган оталари Жаноби Расулоллоҳ теракни кучишни буюрадилар. Терак кучилгач, титроқлари дарров теракка ўтади. Шундан терак сокин ҳавода ҳам барги титрайдиган бўлиб қолганмиш.

1.2.2. Сўз магияси. Диний-мифологик таълимотга кўра, сўзлар, исмлар азалдан "Лавҳ ул-маҳфуз"да Қудрат қалами-ла рақам қилинган ва сўнгра осмондан туширилган ("Ал-асмау танзилу мин ассамаи"). Тил ҳам Аллоҳнинг бандаларига ато этган буюк инъомидир (Русларда "Язык – божественный дарь человеку" дейилади). Демак, сўз муқаддас, у орқали Аллоҳ ваҳийлари баён этилган самовий китоблар ҳам муқаддас. Ҳаттоки, бутун мавжудот ҳарфлардан, чунончи, икки олам (кавнайн) "коф" ва "нун" дан яратилган, яъни улар қўшилишидан ҳосил бўлган. "Кун" (бўл) сўзи орқали берилган хитобдан пайдо бўлган дейилади (87, 93-94).

Ҳуруфийлар ҳам бутун мавжудотнинг асоси 28 ҳарфдир дейдилар. "Чор китоб" ҳам ана шу ғоя тарғиботи билан бошланади:

Ибтидо мекунем ба номи Худо,

Газ ду ҳарф офари ди арзу само.

Мазмуни: Еру осмонни икки ҳарфдан яратган Аллоҳ номи билан бошлаймиз. Бунда "коф" ва "нун" назарда тутилган. Бу талқиннинг мумтоз намунаси Алишер Навоийнинг қуйидаги икки мисрасида акс этган:

Муҳаммад "коф"у "нун"га қуррат ул-айн,

Туфайли кавн ўлиб, йўқ, йўқки кавнайн (68, 318-319).

Бунда Навоий: Муҳаммад икки олам чароғи, Сарвари дейиш ўрнида, ҳуруфи далолат санъатини қўллаб: Муҳаммад "коф" ва "нун"нинг (икки оламнинг) қуррат ул-айни (кўз қораси) иборасини қўллаган.

"Қуръони Карим"даги 114 суранинг 29 таси ("Бақара", "Оли имрон", "Аъроф", "Юнус", "Ҳуд", "Юсуф", "Раъд", "Иброҳим", "Ҳижр", "Марям", "Тоҳа", "Шуаро", "Намл", "Қасос", "Анкабут", "Рум", "Луқмон", "Сажада", "Ёсин", "Сод", "Ғофир", "Фуссилат", "Шўро", "Зухруф", "Дихоп", "Жосия",

"Алқоф", "Қоф", "Қалам") маъноси, манбаи ёлғиз Аллоҳга маълум бўлган "сирли" ҳарфлар, яъни ҳарфий оятлар (хуруфи муқаттаот) билан бошланганлиги ҳам юқоридаги фикрларимизни асослайди.

Жон одам танасига киришга қўрқиб турганда ҳам, сўз орқали, яъни Аллоҳнинг "Ярҳамка Робби!" ибораси билан кирган (150, 18).

Ривоятларда жон танага киришга унамай турганда, Аллоҳ амри билан Жаброил алайҳиссалом дутор чалиб, "Ёсин" сурасини ўқиган, жон жисмга кирганини билмай қолган. Шу боис, ўлим олдидан жон чиқиш осон бўлсин учун "Ёсин" ўқилади, одатда.

Диний манбаларда (150, 20) Аллоҳ "Асмо" илмини биринчи бўлиб Одам Атога таълим берган. Одам ҳамма тилда, ҳамма исмларни ўрганиб, фаришталарга айтиб берган ва ҳ.к.

Алишер Навоийнинг:

Сўздурки берур хабар ўлукка жондин,
Сўздурки берур хабар жонга жонондин,
Инсонни сўз айлади жудо ҳайвондин,
Ҳеч бир гуҳари шарифроқ йўқдур ондин

мисраларида сўзнинг қуйидаги тўрт мўъжизавий қудрати очиб берилган: а) жон ўлик жисмга сўз бўлиб кирганлиги, У инсонга маънавий-руҳий қувват эканлиги; б) сўз банда (жон)га Аллоҳ (жонон)нинг борлигини хабар бериб – англатиб туриши; в) сўз (нутқ) туфайли инсон яралганлиги; г) сўз қимматига тенг келадиган, унга тенглаштириладиган ҳеч нарса йўқлиги.

Ёзув пайдо бўлганда ҳам, дастлаб унинг сири тушуниб етилмаганлиги сабабли лотинларда: «Сўз учади, ёзув қолади» («Verba volant, scripta manent»), русларда: «Сўз чумчуқ эмас-у, учиб кетади – тутиб бўлмайди» (Слово не воробей: вылетит – не поймаешь), қалам билан ёзилганни болта билан кесиб бўлмас ("Что написано пером, не вырубишь топором") каби афоризмлар юзага келган (95, 348).

Қадим замонлардан бошлаб ҳарф ҳам, сўз ҳам, ёзув ҳам, хат битувчи (хаттот) ва хат ўқувчи шахс (мулло) ҳам муқаддаслаштирилган. Ҳатто, ерга тушиб ётган бир парча битик, унда нима ёзилганлиги номаълум бўлса ҳам, ердан олиниб, кўзга суртилиб, пок жойда сақланган. Чунки барча мавжудот каби сўз ҳам Аллоҳнинг кашфиёти, унда сеҳру жоду, қувваю қудрат, илоҳий мўъжиза мужассам. Одамнинг бахти ва бахтсизлиги, омади ва омадсизлиги, соғлом ва касаллиги, ҳаттоки, кўп ва оз яшаши, тақдири Унинг номи билан боғлиқ; ном ва предмет, жумладан, У орқали аталган инсон билан узвий боғлиқ, унинг моҳиятини, хусусиятини ўзида сақлайди, намоён этади, у (ном) тилга олиниши билан ўзи боғланган воқеликни, жумладан, ўз эгасини хабардор қилади, деб тушунилган. Ривоятга кўра, барча исмлар гўё Тубонинг баргларида ёзилган. Бирор кимсанинг ўлими олдидан унинг исми ёзилган барг узилиб тушади ва эгасини хабардор қилади. Масалан, Абдулла исмли кимса ўлса, унинг номи ёзилган барг фақат ўз эгасинигина эмас, барча Абдулло исмли баргларга урилиб тушади ва уларни ҳам ўлимдан хабардор қилади — огоҳлантиради. Шунда барча номдош (адаш)ларнинг қулоқлари чингиллаб кетади. Қулоқ чингиллаганда, **Жалли Жалол! Ўлимдан хабарим бор!** дейиш одати шундан қолган.

Сўз, жумладан, ном магик қудратга эга деб ишонган қадимги халқлар дев, жин, алвасти, шайтон, ялмоғиз каби ёвуз кучлар; тимсоҳ, ақула каби хавфли махлуқлар; айиқ, бўри, шер каби йиртқич ҳайвонлар; аждарҳо, илон, чаён, бий каби заҳарли ҳашаротлар; саратон, сил, вабо каби хавфли касалликлар; марҳум номлари ва шу қабилаарни табулаштирганлар. Марҳумлар номи айрим ҳолатларда: дафн қилиш ёки арвоҳни шод этиш, унга савоб юбориш муносабати билан тилга олинган. Чунки савоб марҳумга фақат унинг номи орқалигина бориб тегади, деб тушунилган.

Овчилар қаерга, қачон, нима мақсадда кетаётганликларини ошкор қилмаганлар, яъни овланиши керак бўлган ҳайвон, бориладиган манзил (овлоқ), ов қуроллари номлари, ҳатто, ўз номларини ҳам айтмаганлар: рамзий

эвфемик воситалар қўллаганлар, акс ҳолда, ов ҳайвонлари хабар топади, қочиб қолади, деб ўйлаганлар. Бошқача айтганда, ибтидоий одам ном тилга олинса, у ўз предметини – эгасини чақиради деб тушунган (*Бўрини йўқласанг қулоғи, Хизрни йўқласанг таёғи кўринади* мақоли; дostonларда қаҳрамон номи аталиши ёки бирор тола сочи тутатилиши билан етиб келиши шу ғоя асосида туғилган). Ёки заҳарли ҳашарот, ваҳший ҳайвон номлари тилга олинса, улар келиб зарар етказиши, хавфли касалликлар номи тилга олинса, ўчакишиб, ўлимга олиб бориши, марҳумларга ҳурматсизлик қилинса, номлари эъзозланмаса, руҳлари аччиқланиб, бахтсизлик олиб келиши, ўлимга етаклаши (ҳозирги тилимиздаги *арвоҳ урган, ўлик тутган, ўлик тортган, арвоҳ норози* иборалари шундан қолган) мумкин деб тушунилган.

Худо, пайғамбар, авлиё, коҳин, роҳиб каби руҳий кучларнинг номлари ҳурматсизлик, ноўрин ёки лоқайдлик билан тилга олинса, тўфон, зилзила, шамол, очарчилик, вабо каби офатлар юборилади, деб тушунилган: ҳозирги тилимиздаги **худо урган, пайғамбар қаргаган, хассаси билан туртган** каби иборалар ана шу тушунчалар заминида пайдо бўлган. Жин, дев, пари, алвасти, балo, қора, шайтон каби ёвуз куч номлари тилга олинса, гўё дарров пайдо бўлади-ю, бирор бахтсизлик келтиради. Ривоятларда жинлар одамнинг бирор яқини ёки таниши бўлиб, унинг отини атаб чақириси, бундай пайтда чақирилаётган одам **"ҳа", "лаббай"** деб жавоб бермаслиги, номини айтмаслиги, бунинг ўрнида: **кимсан?** ёки **кўзингга қалампири-пиёз** дейиши, акс ҳолда зарар етказиши уқтирилган (117, 44-47).

Демак, жин урган, жин чалган, жин теккан, момолар теккан, шайтон йўлдан оздирган (васвас қилган, бўйнига минган) каби иборалар ибтидоий тушунчалар маҳсулидир.

Бироқ одамлар қийин, чорасиз аҳволда қолганда, яхшилик кучлари (худо, пайғамбар, авлиё, пир кабилар)дан мадад сўраб, номларини ёлворувчи, беозор сўзлар, эвфемик воситалар билан тилга олганлар. Қиёсланг: Тилимиздаги **эй Тангри, эй Худо, ё Аллоҳ, ё Рабб, Илоё, ё Расуллоҳ, ё**

пирим, ё Ҳазрати Али Шохимардон, ё Баҳоуддин Балогардон каби илтижо ифодаловчи эвфемик мурожаатлар шу йўсинда пайдо бўлган.

Инсон ўзича Хизр, Илёс, Исо, Чилтон каби доимий барҳаёт рухий кучларга суянган, қийин ҳолатларда уларни номи орқали (ё чилтонлар, ё Хизр бобо деб) чақирган ва улар гўё пайдо бўлган-у, мадад берган.

Шу ўринда номи бўла туриб уни ўз номи билан атамаслик мантиққа зид ҳодиса эмасми? Қолаверса, ҳар бир воқеликнинг номи, яъни ўз ифода воситаси бўлмаса, у онгда тушунча сифатида яшамайди-ку!- деган саволлар ҳам туғилади. Гап шундаки, предмет ёки бирор воқелик эвфемик воситалар орқали англашила беради-ю, бироқ асл номи – бош, табулаштирилган тушунча сифатида онгда мавжуд бўлади.

Воқеликларнинг табулашиш қонунияти ва шу билан боғлиқ эвфема қўллаш санъати ном қўйиш илми (ономастика) билан ҳам боғлиқ. Табу ва эвфема этнолингвистик ҳодиса сифатида ном қўйиш жараёнини мукаммаллаштиради – бошқаради. Маълумки, ном қўйишда муайян бир давр руҳияти, урф-одатлари намоён бўлади.

Туркий халқларда ном беришнинг одатдаги тартиб ва талабидан ташқари, қуйидаги сабаблари ҳам мавжуд:

а) расмий ном билан яшаётган бола ёки ўсмир сурункали касал бўлаверса, номи (хусусан, Аллоҳ, пайғамбар, авлиё ёки, умуман, буюклар номи билан аталган бўлса, номни кўтаролмади деб ҳисобланиб) қайтарилади (масалан, Ғаффор, Саттор, Раҳмон, Холиқ, Муҳаммад, Сулаймон, Алишер каби) ва у камтарона эвфемик бир ном билан алмаштирилади. Натижада, бола қўшалок (бир расмий, бир эвфемик) номга эга бўлиб қолади. Бу номнинг иккинчиси ҳимояловчи, сақловчи ном сифатида фаоллашиб кетади;

б) оилада бола туравермаса, туғилиб ўлаверса, навбатдаги туғилган чақалокқа, ўғил-қизлигидан қатъи назар, Ўлмас, Турсун, Турғун, Умрзоқ, Сотиболди, Худойберди, Яшар, Турдибой, Тоштемир, Бўри, Арслон каби

бало-қазодан ҳимояловчи, асровчи, ёмон кўздан сақловчи, ёвуз руҳларни чалғитувчи эвфемик номлар қўйилади (24, 74-75; 25, 27-29);

в) айрим социал қатлам (масалан, шоирлар) маълум мақсад ва ният билан ўзларига тахаллус танлайдилар. Бу тахаллус ёки лақаб бора-бора фаоллашиб, расмий атамага айланади. Чақалоқлик ном кишилар хотирасидан узоқлашади. Ҳозирда кўпчилик Улуғбек, Муқимий, Ҳабибий, Чустий, Ойбек, Уйғунларнинг асл номларини билмайди. Бундан қатъи назар, тахаллус ва лақаблар муомала маданияти ривожига, эвфемик нутқ тараққиётига ҳисса бўлиб қўшилади.

Профессор Адил Аҳметов томонидан сўз магияси билан боғлиқ удумлар Африка, Америка, Австралия, Осиё қитъалари халқлари орасида ҳам мавжудлиги, масалан, Шимолий Америка ундистери одам исмини тиш билан кўздай асраганлиги, уни айнан айтишдан сесканганлиги, номни очик айтиш одам танасига тушган жароҳатдай қийнайди, деб тушунганлиги; аракуан халқининг ундистери бошқа жойлардан келган кишилар одамларга ёмонлик истайди, деб ўз исmlарини бирдан айтмасликлари, бу халқ одатларини билмайдиган одамларнинг бирдан: – Номинг ким? деб сўралса, менинг номим йўқ, деб жавоб бериши; аджибвей қабиласи одатича, ўзи жавоб қайтариш ўрнига ёнидаги уруғдошларидан бирига: – Мен учун айта қол, деб илтимос қилиши, улар ирими бўйича, киши ўз исмини ўзи айтиши мумкин эмаслиги, агар бу одат бузилса, уни бузган одамнинг бўйи ўсмай қолади, деб ишонилганлиги; эскимослар ҳам сўзнинг қувватига, сеҳрига қаттиқ ишонганликлари, ҳатто, улар қариганларида ҳам ўз исmlарини ўзгартирганликлари, янги ном умрни узайтиради ёки ҳаётни қайта бошлашга имкон беради, деб тушунганликлари; Малай Архипалагининг Целебес оролида жойлашган, талампу уруғига қарашли одамларнинг одати бўйича киши исмини қоғозга тушириш унинг жонини олиш билан баравар саналиши ёки австралияликлар ўз исmlарини пинхон тутганликлари, агар душманлари исmlарини билиб қолса, шу исmlар орқали оила аъзоларимизни

жодулайди, деб кўрққанликлари, ҳатто, хуфия сақланиши, яъни чин отни уруғ орасида ҳам очик айтиш катта гуноҳ саналиши, шу сабаб ҳар бир одамнинг чин оти билан бирга лақаб ёки қўш оти борлиги; Чили оролларидаги одамлар ҳам бир-бирларининг номларини бақириб, кичқириб айтишлари ман этилганлиги, агар бу одат бузилса, жин, пари ёки, умуман, ёвуз кучлар қўшни ороллардаги исмларни эшитиб олиб, шу орқали оила ва унинг аъзоларига қасд қилади, деб кўрққанликлари баён этилган (18, 31-33).

Сўз магияси билан боғлиқ одамнинг чин отини яшириш – табулаштириш, шу сабаб лақаб бериш Европа халқларида ҳам кучли бўлган. В.Н.Перетрухин ёзади: "Русларда ҳам чўқинтириш пайтида христианча ном беришдан ташқари, лақаб (норасмий ном) билан аташ одати узоқ давом этган. Баъзида одамнинг учта номи (лақаб ва иккита христианча ном) бўлган: бири ошкор, кейингилари яширин. Яширин номи фақат болани попга олиб борган шахс ва унинг энг яқин кишиларига маълум бўлган. Бунда боланинг чин номи уни ёмон кўзлардан, касалликлардан сақлаш учун яширилган. Шундай ҳолатлар ҳам бўлганки, ҳамма танишлари Дмитрий деб юрган одам ўлганда –дафн вақтида поп унинг номини Федот деб тилга олади. Шундагина кишилар марҳум Дмитрий эмас, Федот эканлигини эслашади (87, 18).

Сўз магиясидан табобатда, чунончи, илон, чаён, бий чаққан кишиларни, руҳий касалликларни даволашда кенг фойдаланилади.

Маълумки, мулло (мулло эмаслар ҳам) илон, чаён, бий чаққан кишиларни ўкиб тузатади. Бу – сеҳргарлик, дуохонлик (дуо кучи) деб ишонади халқ. Зотан, бу жараён узоқ даврлар маҳсули. Қадимда газандалар захридан одамлар ўлиб кетаверганлар. Кейинчалик газанда захрини одам танасидан ҳайдаш – чиқариш ёки ёвуз кучлар (инс-жинс, дев, пари, зиён каби)нинг салбий таъсирини даф этиш учун курашилган. Буни даволашда, аввало, газандани тутиб, илон бўлса, тошга бостириб, бий ёки чаён бўлса, игна, бигиз санчиб қўйиш йўли билан амалга оширишга уринилган: газанда ўз захрини ўзи чиқаради, ўзи тортиб олади, ҳатто, ўзи ўқийди, деб

ишонилган. Бундай қараш ҳозир ҳам мавжуд. Сўнгроқ, хусусан, газанда қочиб қолган вақтларда, унинг захрини бемор танасидан чиқариш ёки ёвуз кучларни ҳайдаш, уларнинг номларини билиб олиш, буни унинг номи орқали амалга ошириш мумкин, деб тушунилган. Газанда чаққан кишини ўқишда қўлланадиган матнлар (булар азойим, қасида деб ҳам аталади), асосан, оятлар эмас, балки газанда ва ёвуз куч номлари иштирок этган қофияланган дуо ёки шеърӣ парчалардирки, бу юқоридаги фикрларимизни бемалол тасдиқлайди.

Одатда, мулло оят ёки қасида ўқиётганда газанда ёки ёвуз куч билан фикран курашади. Агар газанда ёки ёвуз куч мулло номини эшитса, мулло енгилган – таслим бўлган бўлади. Акс ҳолда, мулло енгган бўлади. Шу сабаб мулло ўқиётганда, унинг номи аталмаслиги, унинг ёнига, у ўтирган уйга ҳеч ким кирмаслиги талаб қилинган. Бу удум ҳозир ҳам мавжуд. Номоз Эргашевнинг "Ўзанбий авлодлари" номли романида Жўрабой Нигорага: "У (аждар, илон) сенинг номингни эшитди (Бундан олдин Жўрабой ноҳасдан: Нигора! деб чақирган эди). Хоҳлаган пайтида сени излаб топа олади, агар истаса, чақириб ҳам олади, – дейди (24-бет)ки, бунда ҳам ном орқали предметни – эгасини топиш, бўйсундириш, ендиш, сеҳрлаш, жодулаш ғояси акс этган.

Туркий халқларда қадим замонлардан бошлаб, инсонни (ҳайвонни ҳам) ўқиш, дарддан халос этиш дуолари, аниқроғи, халқ оғзаки ижодининг бир кўриниши бўлган сўз магияси (сеҳргарлиги)нинг турли вазн ва шакллари яратилганки, булардан қуйида намуналар келтирамиз:

Оҳо, оҳо санносимиз,
Қатовга тушган жонимиз,
Чимир-чимир чаёнимиз,
Чил тўтиё эронимиз.

Олчин-гулчин, бакир-букир,
Қўй келар, қўзи келар,

Муҳаммаднинг сўзи келар,
 Баҳаққи Сулаймон пайғамбар,
 Бадаиси Аҳмад каби,
 Бир дам билан чиқ!
 Сумма, сумма, суммаҳо,
 Сумма қаҳон душмаҳо,
 Дарда бо чи даво,
 Оби чармон даво.
 Баҳаққи Сулаймон пайғамбар, чиқ!
 Бадаиси Аҳмад каби,
 Бир дам билан чиқ!

Илон, илон!
 Қатовдан энган, қора илон!
 Кўнгил келтирма,
 Турма, илон!
 Баҳаққи Сулаймон пайғамбар,
 Чиқ! Чиқ! Чиқ!
 Бадинакал, пичи кал, рўй кал, кал гуфтам,
 Сандрих паиншо,
 Баҳаққи Сулаймон пайғамбар,
 Чиқ! Чиқ! Чиқ!
 Жарон, жарон, жарон, барон,
 Чил тўтиё шоҳим барон,
 Жумла терон! Жумла терон!
 Калта мор, туя мор, фил мор,
 Саг мор, хар мор,
 Баҳаққи Сулаймон пайғамбар, суф-куф,
 Чиқ! Чиқ! Чиқ!

Бий (қорақурт)ни ўқишда:

Бийдиргана – бийдирган,
 Теккан жойинг куйдирган,
 Сенинг жойинг бу (ер) эмас,
 Чақир билан чуқурда,
 Айғир билан уйғурда,
 Улуғ дарё бўйида,
 Катта қизнинг қўйнида.
 Қўй келар, қўзи келар,
 Муҳаммаднинг сўзи келар.
 Баҳаққи Сулаймон пайғамбар,
 Бир дам билан чиқ, куф-суф!
 Чиқ! Чиқ! Чиқ!
 Мор ғунда, тор ғунда,
 Ширин ғунда, шакар ғунда,
 Қора ғунда, ола ғунда,
 Бева ғунда, шева ғунда.
 Чили чор газанда!
 Бижи-бижи, гала-бижи,
 Баҳаққи Сулаймон пайғамбар, суф-куф!
 Чиқ! Чиқ! Чиқ! (Бойсун тумани Мачай қишлоғида яшовчи 70

яшар илон ва бий ўқувчи Менглихол Жўра қизидан ёзиб олинган).

Ёки одамдан ёвуз кучларни ҳайдашда:

Инсмисан, жинсмисан, девмисан,
 Паримисан, зиёнмисан, заҳматмисан,
 Кўкка учганлар, булут қучганлар,
 Кўч! Кўч! Кўч!
 Кўчмасанг ўқирман,
 Қўрғошиндай эритурман,

Баҳаққи Сулаймон пайғамбар

Кўч! Кўч! Кўч! ёки Чик! Чик! Чик!

бандлари такрорланиб турилади.

Беморларни ўқиб тузатишда сўз магияси билан бирга, овоз (эвфония) ва нафаснинг таъсир кучи, шифобахшлиги, беморда ҳосил бўладиган иммунитет, профилактик жараён, вазият, руҳий ҳолат илмий руҳиятшунослик нуқтаи назаридан ҳали ўрганилмаган.

Фақат сўз (ном)гина эмас, айрим рақамлар, шу билан боғлиқ сана – йил, вақт, ой, кун ёки инсон ёши кабилар ҳам магиялаштирилган. Масалан, **етти** рақами: етти кунда чақалоққа ном бериш, сочини олиш, бешикка солиш – бешик тўйи ёки "ақиқа" ўтказиш; етти ёшда хатна қилиш, мактабга бериш; ўлим билан боғлиқ етти ўтказиш, шунингдек, етти оғайни, етти ўғил онаси бўлмоқ, етти юлдуз (Етагон), Етти қароқчи, етти хазина, етти мўъжиза, етти қават кўрпача, Еттинчи осмон, етти ёшдан етмиш ёшгача, етти ўлчаб бир кесмоқ, етти пушт, етти ухлаб тушда кўрмаслик, етти кечаю етти кундуз тўй бермоқ каби ибораларда етти сўзи одатдаги сон эмас.

Ёки **қирқ** сўзи (144). Қирқ сон маъносидан ташқари, етуклик, комиллик тушунчаларини англатади. Қирчиллама (йигит) ҳам қирқ ва чил (қирқ)+ла+ма элементларидан келиб чиққан. “Муҳаммадга пайғамбарлик рутбаси қирқ ёшида берилган. Ҳазрати Умар билан мусулмонлар сони қирқта бўлди. Энди ислом ривожини бошланади” ("Ҳадис"дан). Шунингдек, қирқ қиз, қирқ йигит, қирқ қароқчи, қирқ чилтон (чилтон – қирқ тан, қирқ рух), чилла (қирқ), қишнинг, ёзнинг, ёшнинг, чақалоқнинг, марҳумнинг қирқ куни; қирқ бўлак қилиб ташламоқ: чил-чил синмоқ (бўлмоқ), чиллаки (чилги – қирқ кунда пишадиган узум), қирқ ўтказмоқ (мотам маросими), қинга солса, бир қулоч, қиндан чиқарса, қирқ қулоч (қилич), қирқ кечаю қирқ кундуз тўй бермоқ, қирпичоқ бўлмоқ (уришмоқ), қирққулоқ (қозон), қирқоёқ (хашарот), қирқ терак, қирқ бўлак, қирқ булоқ, қирқтепа (жой номлари),

чилла ўтирмоқ, чиллага кирмоқ каби ибораларда ҳам қирқ сўзи магик характер касб этган.

Бир сўзи ҳам рақамни (ёки **алиф** ҳарфини) ифодалашдан ташқари, яккаю ягона (бир ўзи, ёлғиз), Аллоҳ (биру бор), ҳамма нарсанинг бошланиши маъноларида рамзийлаштирилган ва ҳ.к.

Юқоридаги фикрлардан предмет билан унинг номи ўртасида ҳеч қандай алоқа йўқлиги ҳақидаги таълимот ўзини у қадар оқламаслиги сезилади. Бошқача айтганда, унда сўзнинг магик қуввати инкор қилинган. Шу билан боғлиқ академик Ш.Шоабдурахмоновнинг қуйидаги фикрлари диққатга сазовор: "Антропонимларни тўплаш ва тадқиқ этиш тилшуносликнигина эмас, фаннинг бошқа соҳаларини ҳам қизиқтириб келмоқда. Антропонимлар физиклар, биологлар, психологларнинг ҳам эътиборини торта бошлади. Улар антропонимларни ташкил этган товушлар ва уларнинг талаффузидаги вибрация (тебраниш), товушларни ифода этувчи ҳарфларнинг алифбо тартибидаги ўрни орқали ном эгаси тақдири, характери, феъл-атвори, жисмоний ва руҳий ҳолатларини билиш мумкинлигини айтмоқдалар. Антропонимлардаги товушлар уйғунлигида муайян бир генетик ва ижтимоий берилувчанлик мавжуд деб ҳисоблайдилар. Дарҳақиқат, бу соҳада биолокация усулида тажрибалар ўтказиб, назарий хулосалар берган Белоруссия Фанлар академиясининг муҳбир аъзоси Альберт Вейник ҳар қандай антропонимнинг бахтлилик даражасини аниқлашга муваффақ бўлдики, бу айти вақтда номларнинг матлуб ва номатлуб бўлиши инсон ҳаётида катта роль ўйнашини кўрсатиб берди (138, 20; 108, 180-188).

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, сўзнинг магик қувватга эгаллиги қадимдан барча халқларда маълум бўлган. Масалан, инглиз олими Дж.Фрэзер сеҳр-жодуда икки хил: гемеопатик ва мулоқот магияси мавжудлигини таъкидлайди. Хусусан, мулоқот магиясида айтим (сўз, нутқ, матн)нинг сеҳрли таъсири – "сири" очиб берилган (130, 37-38).

Рус фольклоршуноси Т.Г.Богатырев ҳам тил унсурларининг таъсир кучи ҳақида фикр билдирган (27, 189). Профессор Баҳодир Саримсоқов тадқиқотларида эса халқ афсун-дуо матнлари жанр сифатида таҳлил қилиниб, сўзнинг таъсир кучи ва унинг амалий аҳамияти баён қилинган (103, 27-35; 102, 189). Фольклоршунос Салима Мирзаева бу мавзу билан шуғулланиб, қоракурт чакқанда ўқиладиган афсун-дуолардан парчалар келтирган:

Ола ғунда, бало ғунда,
 Кад келди, кади келди.
 Пайғамбарнинг сўзи билан,
 Худойимнинг амри билан,
 Арбайтиғон олим ўзим,
 Куймайтиғон золим ўзим.
 Куф-суф, чиқ, куф-суф, чиқ!

Сўнгра матнда қўлланадиган сўзларнинг таъсир кучи, эвфоникаси (масалан, буйруқ оҳанги) ҳақида яхши фикрлар баён этган (58, 31-34).

Дарҳақиқат, сигналлар сигнали бўлмиш сўз (тил) шундай магик таъсирга эгаки, у орқали инсон асаб тизимини, ҳам ижобий (аустрес), ҳам салбий (дистрес) маънода издан чиқариб юбориши мумкин. Эвфемик воситалар инсонни ана шу хавфли жараёнлардан ҳимояловчи, унинг фикрини керакли нуктага буриб юборувчи супернутқдир.

1.2.3. Нутқнинг этик-эстетик талаби. Кўп вақт воқеликларни айнан – ошкор баён этмаслик (табулаш)ка муайян муомала маданияти, ахлоқ-одоб талаби сабаб бўлади. Шу тамойил бузилган вақтда, нутқ яланғочланган, ўз безаги: зебу зийнати ва ибосидан ажралган, таъсирчанлигини йўқотган, тингловчида нафрат, ғазаб ўйғотган бўлади. Шу жиҳатни назарда тутиб Алишер Навоий:

Оғизға келганни демак нодон иши,

Олиға келганни емак ҳайвон иши (Н., 13-т., 244-б.) деган бўлса керак.

Ҳорун ар-Рашид бир туш кўради: тушида оғзидаги барча тишлари тўкилиб, битта тиши қолган эмиш. Эрталаб туриб, бир таъбирчини чақириб, туш таъбирини сўрайди. У: –Эй, Амир ал-мўъминин, сенинг ҳузурингда барча қариндош-уруғларинг ўлади, сендан бошқа ҳеч ким қолмайди, дейди. Ҳорун ар-Рашид: Менинг юзимга шундай дард-андух билан тўла сўзни айтасанми? Агар менинг ҳамма қариндош-уруғларим ўлса, мен нима иш қиламан, қандай қилиб кун кечираман? – дейди ва таъбирчини юз дарра уришга буюради. Сўнгра бошқа бир таъбирчини чақиртириб, тушининг таъбирини сўрайди. Буниси: Эй, Амир ал-мўъминин, сенинг умринг барча қариндошларингнинг умридан узун бўлади, дейди. Шунда Ҳорун ар-Рашид: –Ҳа, барча ақлнинг йўли бирдир ва икковининг таъбири бир ердан чиқди. Аммо биринчи таъбирчи билан кейинги таъбирчининг ибораси орасида фарқ каттадир, дейди ва кейинги таъбирчига юз тилла беришни буюради (152, 38-39).

Бошқача айтганда, аввалги таъбирчининг таъбири – воқеликнинг тўғри, бироқ очик, "яланғоч" айтилиши ман этилган баёни; кейинги таъбирчининг таъбири – айнан шу воқеликнинг кўчма – эвфемик баёни.

Очик айтилиши ман этилган – табулаштирилган нутқий жараёни эвфемик баён этишда жамият аъзоларининг савияси, диди, руҳияти, эътиқоди, дунёқараши, интеллектуал салоҳияти, фикрлаш қобилияти, сўзамоллиги, суҳандонлиги, зукколиги, ҳозиржавоблиги, касби, ёши, ижтимоий ҳолати, умуман айтганга, ахлоқ-одоби муҳим роль ўйнайди. Мисоллар: **Ҳеч кимнинг боласи ўлмасин** гапи (денотат ёки доминант)нинг ҳеч ким боласидан ажраб қолмасин, ҳеч ким боламламасин, ҳеч ким бола ҳажрида (дардида, фироқида, аламида, ғамида) куймасин, ҳеч ким бола ғамини тортмасин (чекмасин) каби эвфемалаштирилган синонимик воситалари **ҳеч ким "болам" демасин** эвфемасининг ўрнини боса олмайди. **Ўлади** (ўлими яқин) денотати ўрнида умри битгандай, умри тугаб қолибди, бир ҳафтага ҳам бормайди, вақти-соати битибди, вақти-соати яқин, тўрт-беш

кунлиги қолибди, юзига чанги лаҳад урибди, хуфтонга қолмайдиган кўринади, кўзида нур сўнибди, кетар бўлибди, кетиши яқин қолибди, томоқдан қолибди, намоздан қолибди, омонат бўлиб қолибди, ҳаётга қайтмайди, яхши бўлмайди, одам бўлмайди, соб бўлган, меҳмон бўлиб қолибди, бир кунлик меҳмон, нариги томоннинг шарпаси тушиб қолибди каби эвфемик синонимлардан бири қўлланилади. Лекин буларнинг ҳеч бири **"чехра очаётибди"** эвфемасининг ўрнини қоплай олмайди: Беморни кўриб чиққан қариндошларидан букри бир кампир кўзига ёш олиб: "Бечора, "Чехра очаётибди",— дейди. Пастлатилган чироқ узоқ лопиллагандан кейин, буткул сўниши олдидан бир лопиллаб ёғду сочгани сингари тугаб қолган касал ҳам абадий кўз юмиш олдидан шунақа қувват пайдо қилиб "чехра очар" экан (А.Қ., 3-т., 303-б.).

Акажон, қаранг, қаранг,

Отангиз қари экан.

Оғзида бир тиши йўқ,

Бери эмас, нари экан дуэтида отангизнинг **бир оёғи ерда, бир оёғи гўрда – ўлими яқин экан** дейиш (табулаштирилиб) ўрнида **бери эмас, нари экан** эвфемасининг қўлланилишига ҳам нутқий одоб нормаси сабаб бўлган.

Нутқнинг этик-эстетик талаб нормаси табулаштирилган, очиқ ёки тўғридан-тўғри тилга олиш ноқулай бўлган воқеликлар, хусусан, энг кўп мурожаат воситаларининг эвфемалаштирилишига асос бўлади.

Қуйидаги матнларга эътибор берайлик:

1. Жон олишга келган Азроил Пайғамбаримизга юзланиб: Эй, Муҳаммад, Аллоҳ Таоло Сизга мунтазир,— деди. Сарвари олам бу сўзни эшитиб: — Эй, Азроил, ўз ишингизга киришинг, дедилар. Шу тариқа Муҳаммад алайҳиссалом дунёи фонийдан дунёи бақога сафар қилдилар (153, 94).

2. Янги меҳмонга Муҳаммад Тарағай деб ном бердилар. Маълумки, бу ном Темурнинг марҳум отасининг номи бўлиб, ҳали темурий

шаҳзодаларнинг ҳеч қайсисига берилмаган эди. Лекин кўп ўтмай, чақалоқнинг ҳақиқий номи тилдан тушиб, унинг ўрнида Улуғбек деб атала бошлаган. Бунинг сабаби нимада? Бу ҳақда манбаларда ҳеч нарса учрамайди. Фикримизча, Темур ҳузурида ёш болани Муҳаммад Тарағай деб чақиришга истиҳола қилишган. Чунки Тарағай бобосининг оти. Шарқ халқлари удумида каттани улуғлаш одат бўлган. Ҳарқалай Темурни "бек" деб, отаси Муҳаммад Тарағайни "катта бек", яъни "Улуғ бек" деб аташган. Улуғбек исми берилган болани мазкур рамзий ном билан, яъни бекларнинг улуғи деб аташган бўлсалар ажаб эмас. Шундай қилиб, Муҳаммад Тарағай Улуғбекка мубаддал бўлиб, абадийлашиб кетган бўлиши керак (128, 40).

3. Баҳром бинни Баҳром бинни Баҳром ота ва абука отин анга қўйдилар ва лекин ани шаҳаншоҳ дедилар (69, 272).

4. Бу зот эл орасида Баҳоуддин Балогардон, Баҳоуддин пирим, Девонаи Баҳоуддин, Девонаи Баҳоуддини Бухорий; уламо ва авлиёлар орасида Баҳоуддин Муҳаммад Нақшбанд, Шайх Баҳоуддин, Ҳазрати эшон, Хожай бузруг исмлари билан машҳур. Ул зотни шогирдлари, замондошлари ва бутун халқ пирнинг асл номини тилга олишни беодоблик ҳисоблаб, Ҳазрати хожа, Ҳазрат хожамиз деб улуғлардилар (64, 208).

5. Ҳусайн Бойқарога севимли хотинининг ўлими ҳақида Навоий: Сарвиғул соясида сўлди гул, нетмоқ керак? тарзида хабар берган. Ҳусайн Бойқаро: Сарвдин тобут ясаб, гулдин кафан бичмоқ керак деб жавоб берган (ривоят).

6. Амирзода Шохруҳ деди: Мен туркларнинг қонунларида ўқиган эдимки, жаҳонда шон-шавкатли бешта подшоҳ бордир, уларнинг улуғворлигини ҳурматлаб, номларини айтмай, лақаблари билан атайдилар: Ҳинд подшосини – Рой, Рум подшосини – Қайсар, Хитой ва Чинмочин подшосини – Фағфур, Туркистон подшосини – Хокон, Эрону Турон подшосини – Шаҳаншоҳ дейдилар (111, 112).

7. Ўзбекда ахир ҳар бир эркак ўз хотинини – ўз ҳалол жуфтини қизи ё ўғлининг номи билан атаб чақиради. Ўз хотинининг исмини айтиб чақариш ярамайди. Хотиннинг исми – Марям, қизининг исми – Хадича бўлса, мўъмин-мусулмончилик шарму ҳаёси юзасидан хотинини Хадича деб чақиради. Аксар она-бола "лаббай" дейди. Шундайда оиланинг ҳақиқий эгаси бўлган ота: Каттангни айтаяпман, каттангни!– дейди. Ҳатто шунда ҳам Марямни демайди (134, 576).

Англашиладики, келтирилган матнларнинг биринчисида: Жонингизни олишга келдим тушунчаси табулаштирилиб, ўрнида **Аллоҳ Сизга мунтазир**, Жонимни олинг гапи ўрнида **ўз ишингизга киришинг**, Муҳаммад алайҳиссалом ўлдилар гапи ўрнида **дунёи фонийдан дунёи бақога сафар қилдилар** эвфемалари қўлланилган. Иккинчисида: Улуғбекнинг асл – расмий номи бобосининг исми-шарифи бўлганлиги учун табулаштирилиб, ўрнида **Улуғбек** эвфемик атамаси, кейинчалик бу ҳам эвфемалаштирилиб, ўрнида **шаҳаншоҳ, давлатпаноҳ, олампаноҳ** каби эвфемик мурожаатлар қўлланилган. Учинчисида: Баҳромга (ота, бобосининг номи билан аталганлиги учун) **Шоҳ Баҳром, Шаҳаншоҳ** каби эвфемик атамалар билан мурожаат қилинган. Тўртинчисида: авлиёнинг расмий-ҳужжатий номи, исми-шарифи Муҳаммад ибн Жалолиддин табулаштирилиб, ўрнида **Баҳоуддин Балогардон, Ҳазрати эшон** эвфемик воситалари қўлланилган. Бешинчисида: Хотинингиз ўлди тушунчаси – гапи табулаштирилиб, ўрнида **сўлди гул, кўмиш керак** гапи ўрнида **гулдан кафан бичмоқ керак** эвфемалари қўлланилган. Олтинчисида: буюк подшоҳлар, чунончи, Ҳиндистон, Рум, Хитой ва Чинмочин, Туркистон, Эрону Турон подшоҳларининг номлари табулаштирилиб, улар **Рой, Қайсар, Фағфур, Хоқон, Шаҳаншоҳ** эвфемик номлар билан аталган. Еттинчисида: эр томонидан хотин номи табулаштирилиб, фарзандларининг номи билан аталиши – эвфемалаштирилиши ўз аксини топган.

Тушунчалар, жумладан, мурожаат атамаларининг юқоридагидек табулашиш ва эвфемалаштириш жараёнлари нутқнинг этик-эстетик, яъни узоқ давом этиб келаётган муайян удум, расм-русум, ахлоқ-одоб талаби асосида юз беради.

Табу ва эвфемалаштиришнинг ахлоқ-одоб меъёри талабига кўра, қадим-қадимдан келин оилада эрининг, қайнота-қайнонасининг, қайнсингил ва қайнларининг, эри ҳамда бошқа қариндошларининг номларини тилга олмаган. Уларга ўзи ижод қилган махсус лақаб – эвфемик ном билан мурожаат қилган. Худди шунингдек, чақалоққа марҳум бувиси, бобоси, аммаси, холаси ёки бошқа кекса қариндошлар номи берилган бўлса, бундай болага унинг номини айтиб мурожаат қилишмаган. Чунки бунга амал қилмаслик номнинг асл эгаси бўлмиш марҳум (ёки кекса)га нисбатан ҳурматсизлик бўлади, деб ҳисобланган. Номнинг асл эгаси бўлмиш бобо ёки бувининг, амма ёки амакининг норозилиги эса чақалоққа бахтсизлик келтириши мумкин, деб ўйлашган. Мана шундай ҳолларда болага кўшимча исм-лақаблар (эвфемик атамалар) берилган ва унга ўша лақабни айтиб мурожаат қилишган. Кўп ҳолларда боланинг лақаби унинг асосий исмига айланиб кетган (24, 72-73).

Ота-боболар номларини авлодлар (боласи, невараси, чевараси...)га кўйиш удуми аجدодларни унутмаслик, номини ёд этиш, сулола шажарасини сақлаш, шу орқали уларнинг руҳларини шод этиш, уларга эҳтиром билдириш бўлади, деган ғоя асосида юзага келган. Ҳамма халқларда мавжуд бўлган бу қадимий удум ҳозир ҳам қисман сақланиб қолган. Масалан, Сурхондарё вилояти Бойсун туманининг кўпгина жойларида, чунончи, Мачай, Дарбанд, Сайроб, Панжоб каби тоғ қишлоқларида ўтган отаси, онаси, бобоси, момоси ёки яқин қариндошларининг номлари неvara, чевара, эвараларига кўйилади. Сўнгра аждодлар номини олган чақалоқ ёки боланинг исми табулаштирилади: уларга нисбатан кимнинг номи берилганлигига қараб, ўғил болага Бобо, Ота, Амак (амаки сўзидан), қиз болага Момо, Она, Амма

(эркалаб Аммашка ҳам дейилади) ёки, умуман, Ката (Катта), Калон, Бобо (эркалаб Бобойка ҳам дейилади), Улуғ каби эвфемик атама – лақаблар орқали мурожаат этилади. Ота-онага, бобо-момога қандай муомала қилинса, чақалоққа, улғайган ўсмирга ҳам худди шундай, сизлаб, сўкинмай, урушмай, баланд гапирмай муомала қилиш талаб этилади. Табу, яъни асл номлар расмий ҳужжатларда қайд қилинса-да, оила аъзолар, яқин қариндошлар хотирасида сақланса-да, бора-бора атрофдагилар томонидан, юқорида айтилганидек, унигилади ҳам.

1.2.4. Сиёсий-мафкуравий эҳтиёж талаби. Жамиятда муайян бир сиёсий-ижтимоий давр ёки унинг ўзгариши билан боғлиқ янги ахлоқий-фалсафий ғоялар шаклланади. Ана шу зарурият янги-янги нутқий ифода воситаларининг пайдо бўлишига сабаб бўлади. Бундай ифода воситалари кўпроқ публицистик услуб орқали намоён бўлади. Бироқ сиёсий-публицистик услубда ҳар қандай танқидий ёки ғайрисиёсий, ғайримафкуравий тушунча ёки воқеликлар ҳамма вақт ҳам аниқ-ошкор тасвирлаб бўлмаганидан, баъзан улар эвфемалаштирилади – "юмшок", "ёпик", "пардали" тарзда ифодалашга ҳаракат қилинади. Бундай эвфемик ифода воситаларини **сиёсий-бадний** ва **сиёсий-мажозий** эвфема деб аташ мумкин.

Сиёсий-мафкуравий тушунчаларни эвфемалаштириш* узоқ тарихга эга бўлиб, бу кўпгина халқлар ёзувчилари ижодида, нутқларида ҳам акс этган.

Сиёсий воқеликларни эвфемалаштириш жараёни, яъни тасвирнинг эвфемик-публицистик усули ўзбек адабиётида, хусусан, улуғ адиблар нутқида ҳам ўз ифодасини топган.

Масалан, Уйғун ва Иззат Султоннинг "Алишер Навоий" драмасида қотиллик, қонхўрлик, маишатпарастлик тушунчалари **Саройдан қон ва шароб ҳиди келади**; золим ва жоҳиллар қонунга бўйсинмайдилар, энди тожу тахтни ҳалокатдан сақлаб қолиб бўлмайди тушунчалари

Қўйинг, алар билганча қилсин, ...

Зулм чакмоқлари, майли, чақилсин,

Денгиз тўлқинлари қирғоққа урсин

ёки адолатсиз замон тушунчаси **Замон донога дор, жоҳил учун ёр** символик-эвфемалари орқали ифодаланган.

Муқимий ҳам бу замон – адолатсиздир дейиш ўрнида: **Сув келтирган – хор, кўза синдирган – азиз**. Ёки мансаб – мартабаларни донолар эмас, жоҳилу нодонлар эгаллади, дейиш ўрнида:

Боғларни тарк этиб булбул,

Учибон келдилар зоғлар символик эвфемаларини қўллаган.

Сиёсий-ижтимоий воқеликни эвфемалаш эҳтиёжи қатағон қурбонлари нутқида янада кучли бўлганлиги кузатилади. Мисоллар: Рус тўралари сути оппоқ ва ширин сигирларни қўлдан чиқаришни истарми? (Ч., "Кеча ва кундуз", 217- б.). Империя улкан бир кема, лекин у номаълум ва хавфли томонга сузиб бормоқда (Ч., "Кеча ва кундуз", 279- б.). Чекингиз сигаретани, соврилсин кули кўкка! (Фитрат, "Сигарета") эвфемик гапларидаги **соғин сигир** – мустамлака қилинган халқлар; **номаълум ва хавфли томонга сузмок** – рус империясининг яшай олмаслиги, ҳалокати; **сигарета чекиб, кулини кўкка совурмок** – Чор Россияси босқинчиларини юртдан ҳайдаш, йўқотиш ғояларининг рамзий-эвфемик ифодасидир.

Бугунги нутқимизда ҳам, хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллиги билан боғлиқ сиёсий тушунчалар эвфемикаси шаклланди. Масалан, Лавозимларда ўрнашиб олган бир неча шахслар мамлакат бўйлаб эсган тоза шабадани... мавсумий бир гап, деб билардилар (С.Аҳм., "Жимжитлик", 7-б.). Мана, қуёш юзидан парда кўтарилиб, ҳаммаёқ нурафшон бўлгач, манбалар эшиги очилди. Анбиё ва авлиёлар ... ҳақида ҳеч қандай маълумотга эга эмас эдик (Муҳаммад Боқир, "Баҳоуддин Балогардон", 6- б.) гапларидаги **мамлакат бўйлаб эсган тоза шабада, қуёш юзидан парда кўтарилиб, ҳаммаёқ нурафшон бўлмок** иборалари мустақиллик ва ғалаба, **манбалар эшиги очилмок** – диний китоблар ўқиш,

ибодат билан шуғулланиш эркинлиги тушунчаларининг эвфемик воситаларидир.

Бундан ташқари, ўзбек тилида жуда фаол қўлланилган кўпгина сиёсий воқелик ва тушунчалар (давлат, давлат арбоблари номи ва ҳ.к.) кейинчалик маълум объектив сабабларга, аниқроғи, сиёсий-мафкуравий эҳтиёж талабига кўра, тўғридан-тўғри айтилмайдиган бўлди – табулаштирила бошланди. Шу билан боғлиқ Совет Иттифоқи, СССР ўрнида "Собик Иттифок", "Собик бепоён мамлакат", "қизил империя", "Совуқ ўлка", "қизил мафкура", "қўрқув салтанати", "таталитар тузум", "тиканли сим ичидаги мамлакат" каби эвфемиклашган воситалар қўлланила бошланди: Совуқ мамлакатдан келганлар маданий меросимизни олиб кетдилар (С.Аҳм., "Жимжитлик" 105-б.). Бу ҳолда бутун бошли "совуқ" ўлкаларни айблаш инсофданми? (Ў.Х., "Нотаниш орол", 80- б.). Аслида бу ҳам ўша қўрқув салтанатининг садоси эканлиги аён (Ў.Х., "Қўрқув салтанати", 108- б.). Қайта куриш, ошкоралик ва демократия жараёнлари "Қизил империя"нинг пўлат занжирларини парчалаб ташлади ("Ўзбекистон овози", 1993, 14 май). Чет элга борганимда, "тиканли сим ичидаги мамлакат" ҳақида эшитганмиз, дейишди фирма раҳбарлари (телекўрсатувдан).

Москва тушунчаси марказ, юқори, тепа эвфемалари билан ифодалана бошланди: Такдир тақозоси билан китобларимиз тепага ташиб кетилган (Ч., "Кеча ва кундуз", 209-б.). Юқорига чақиришганда бешта районни айтишди (С.Аҳм., "Жимжитлик", 247-б.). Юқоридан пахта талаб қиладилар (Ў.Х., "Нотаниш орол", 65-б.). Тепадан буйруқ бор (С.Аҳм., "Жимжитлик", 89-б.).

Мафкуравий эҳтиёж талаби билан Ленин, Сталин, Брежнев, Горбачев номлари ҳам табулаштирила бошланди. Улар ўрнида қўлланган катта, катта бошлиқ, биринчи, доҳий, жаҳон пролетариатининг доҳийси, қадрдон "устозимиз", йўлбошчимиз, халқлар отаси, Москвадаги оқсоқолимиз, мамлакатимиз раҳбари, ўзбек пахтакорларининг отаси, азиз меҳмон, юқори даражали меҳмон, ҳурматли, отамиз, ҳаммамиз учун ҳурматли каби

воситалар ҳам эвфемиклигини йўқотиб – дисфемалашди, энди киноя, кесатиқ маъноларида – қўштирноқ ичида қўлланила бошланди. Масалан, Бу – халқлар отасини масқаралаш... деган айбни қўйиш эди (Ш., "Кафансиз қўмилганлар", 60-б.). Шу муҳташам бино доҳий деб аталмиш кимсанинг номи билан аталиб келинди (радиодан). Москвадаги оқсоқолимиз ҳозир Олмаотадалар (С.Аҳм., "Жимжитлик", 98-б.). Бу фикрни мамлакатимиз раҳбари айтган (Ў.Х., "Нотаниш орол", 21-б.). Куни кеча Тошкентга келган кадрдон устозимиз, ўзбек пахтакорларининг меҳрибон отаси ишимизга юқори баҳо берди (С.Аҳм., "Жимжитлик", 155-б.). Биринчи унинг гапига кулоқ солади,– деди Усмонов (Н.Қобил., "Унитилган соҳиллар", 21-б.). Мирвали фақат биринчини тан олади. Биринчи эса уни ўғлим деган (С.Аҳм., "Жимжитлик", 81-б.).

Илгари рус миллатига нисбатан улуғ рус, улуғ рус халқи, катта миллат, буюк миллат, улуғ миллат, оғамиз, улуғ оғамиз каби иззат-икром англатувчи эвфемик воситалар қўлланилган бўлса, ҳозир, аксинча, истехзо, кесатиқ, киноя маъноларидагина ишлатилади. Қиёсланг: Менинг оғам рус бўлур (Ғ.Ғ., 5-б., 277-б.) – рус сўзи ҳурмат маъносида. Биз яқин-яқинларгача "улуғ оғамиз"га эргашидик («Ф.Т.», 1993, № 4) – "улуғ оға" – кесатиқ, киноя маъносида. Жаҳон бўлди мунаввар ер юзида – "катта миллат"да, Ётармиз дўстлар, тоқайгача бизлар зулматда (Гулшаний) – "катта миллат" бунда ҳам кесатиқ маъносида.

Шўро даврида тилимизга кириб келган **қулоқ, унсур, мафия** (халқ душмани, яширин ташкилот маъноларида), **қатағон қилмоқ, қатағонга учрамоқ** (қамамоқ, отмоқ, йўқотмоқ маъноларида), **ўзбек иши, пахта иши** (хиёнаткор, хоин халқ маъноларида), **вахобий, ҳизбут-тахрирчи** (сиёсий хоин, мафкуравий душман маъноларида), **террорчи** (халқлар душмани: миллати, ватани йўқ, космополит маъноларида), **наркоман, наркобарон, наркокуръер** (қорадори еб ўзини-ўзи захарловчи, ўлимга олиб борувчи, қорадори ташувчи, қотиллик қилувчи маъноларида) каби нисбий эвфемик

терминлар, шунингдек, очиқ айтилиши сир тутилган – табулаштирилган давлат ва ҳарбий қисм номларининг бошқа предметлар ("Лочин", "Бургут", "Ер", "Венера" каби), рақамлар (мен – биринчи, мен – иккинчи каби), ҳарфий шакллар (х, у, z каби), яъни шартли эвфемик символлар билан алмаштириб аталиши ҳам эвфема қўллашнинг сиёсий-мафкуравий эҳтиёж талабидир.

Баъзан номини тилга олиш, ҳатто, эслаш кишида ғазаб, нафрат, нохуш кайфият уйғотадиган кимсалар номи табулаштирилади. Масалан, Оқподшо саройида ишлаб ёмон ном чиқарган Распутин 1916 йилда ўлдирилганда, унинг ўлими ҳақидаги хабарни сиёсий назорат (цензура) исми, фамилияси, ҳатто, лақаби ("Оқсоқол") билан ҳам эълон қилишни тақиқлаган. Журналистлар **"Бир машҳур шахс ўлди"** ("Умер одно значительное лицо") эвфемасини қўллашга мажбур бўлган. Шунда ҳам одамлар барибир ўлган киши ким эканлигини билишган (96, 100-102).

Шунингдек, Усама бин Лодин номи кейинчалик табулаштирилиб, ўрнида "Биринчи рақамли халқаро террорчи" эвфемаси қўллана бошландики, бунда: 1) ўша ғайриқонуний ҳаракат туфайли юз берган мудҳиш веқеликни эсламаслик; 2) "биринчи рақамли халқаро террорчи" эвфемасида, айти замонда, террорчи шахсини фош этувчи, эълон қилувчи атама эканлиги назарда тутилган.

1.2.5. Сўзловчининг субъектив эҳтиёж талаби. Эвфемик маъно сўз, сўз бирикмаси, гап (вербал) ва сўзсиз (новербал) – кинетик усуллар билангина эмас, маълум грамматик шакллар – аффикслар ёрдамида ҳам ифодаланади. Бошқача айтганда, баъзи аффикслар гапнинг реал мундарижасига (денотатга) ҳурмат, эъзоз, эркалаш-кичрайтириш каби модус маънолар қўшади, воқеликни эвфониклаштиради – ёқимли оҳанг билан юмшатади (163, 3-6; 157, 42; 5, 118-121).

Модал-эвфемик маънонинг ифодаланишида қуйидаги аффикслар қўлланилади: а) аффиксоид деб аталадиган **хон, жон, бек, бону** каби модал формалар: Қумри: Пўлат**хон**, шу чокқача жойни тайёр қилмадингизми?

Пўлат: Менга "хон"и нима керак? Тўппа-тўғри Пўлат ё деҳқон деяберсангиз бўлмайдими? (Ч., "Ёрқиной", 276-б.). Пинҳона севиб юрган хизматкор қиз "Пўлат" дейишга тили бормай, эъозлаб, ҳурматлаб, унинг номига "хон"ни қўшиб айтади. Дафъатандан айтилган бу сўз боғбон йигитни саросимага солади; б) эгалик қўшимчалари: Хонзода: Чақирган сизми? Мен – Холматингиз (Ҳ.Ҳ., "Бой ила хизматчи", 59-б.). Ғулом ака – кул ака манглайим ўпиб, Айтгандир, жигарим, жоним, азизим (Ғ.Ғ., 5-т., 181-б.). Бир сағир акам бор эди, деб йўқламадингиз ҳам, тентагим! (С.С., "Саратонда қор ёғди", 74-б.). Ўн бир йилдан бери мусофирман, амирзодам (П.Қод., "Юлдузли тунлар", 147-б.); в) эркалаш-эъозлаш аффикси+эгалик қўшимчалари: Садрингга самангинанг сувлиқ тортиб бойланди, Фироқингда онагинанг кўк каптарга айланди (Сафар Омон, "Лайлатулқадр", 17-б.); г) кўплик қўшимчаси: 1) бирлик маъносида қўлланганда: Дадам дам олгани кириб кетдилар, бирор соат ухлаб оладилар (С.Аҳм., "Жимжитлик", 78-б.). Олий даражадаги меҳмонимиз рафиқалари билан келдилар (С.Аҳм., "Жимжитлик", 99-б.). Пошшоойим: Ҳалиги овоз Ҳолматжон эди. Юракларингиз шув этиб кетгандир (Ҳ.Ҳ., "Бой ила хизматчи", 96-б.). Бу тухматларнинг тагида бирон сиёсий мақсад борлиги эҳтимоли тўғрисида Президентнинг ўзлари ҳам айтган эдилар ("Оила ва жамият", 1992, 2 янв.); 2) гапнинг шахси умумлашганда: Муҳаббатда вафоли бўл, бевафони унутмаслар (қўшиқдан). Ҳатто сенинг меҳнатингни, билмадилар, аттанг-а (М.Юсуф, "Уйқудаги қиз", 129-б.); д) кўп ҳолларда аффиксоидлар (хон, жон...) билан эгалик қўшимчалари бирга қўлланиб, модус маъно янада кучайтирилади: Ундан ташқари, отахонимизга Самарқандни кўрсатмоқчимиз (С.Аҳм., "Жимжитлик", 98-б.); е) кўплик англатувчи кесимлик қўшимчаси бирлик маънода қўлланганда: Бой Ғофирга: Энди отасимиз, Жамилани хизматга буюраверамиз-да (Ҳ.Ҳ., "Бой ила хизматчи", 57-б.); ё) бирлик маъносидаги эга (мен)нинг кўплик (биз, бизлар), бирлик маъносидаги тўлдирувчи (сендан)нинг сизлардан – кўплик (сиздан, ўзларидан), бирлик

маъносидаги кесим (сўрайман)нинг кўплик (сўраймиз) формаларида қўлланилиши гап мазмунининг эвфемиклашишига сабаб бўлади. Масалан, Биз бу топшириқнинг ижросини ўзларидан сўраймиз,— деди раҳбар (С.Аҳм., "Жимжитлик", 49-б.) гапи аслида Мен... сендан сўрайман; Мен... сиздан (хурмат) сўрайман гапининг мазмунига (денотатга) нисбатан модал маънолар билан бойиган, воқелик юмшатирилган – эвфемиклаштирилган.

Биров олиб кетса, қайтиб кела бер, деб айтиб қўйилмаган экан-да. – Нега йиғланади? –А? –Йиғланмасин (А.Қ., "Ўғри", 86-б.) шаклидаги эгаси мажхуллаштирилган нутқларга нисбатан ҳам шундай фикрларни айтиш мумкин.

Хатто овознинг юмшаши – эвфония юзага келиши, шу билан боғлиқ каттиқ товушнинг юмшоғи билан алмашиши каби ҳодисалар ҳам нутқда модус маъно орттиради: Бировга кўнглида яхшилик сезиб яхши гаплашгиси келганда, Кабиров ғулдираган мағрур овози ўзгариб "билдингизми" сўзини ингичка товушда "билдийизми" деб кўп ишлатар, шу сўз баробарида унинг афти-ангорида ҳам бир итоаткорликми, эзилишми акс этар эди (О.Мух., "Минг бир қиёфа", 68-б.). Шу сабаб бўлса керак, "қадамингизда" сўзини ашулачилар "қадамийзда", "қадамизда" (гуллар очилсин) деб талаффуз қиладилар.

Ошкор айтилмайдиган (табулаштирилган) яширин нутқлар (масалан, пул ўрнида лой, соққа, қуруғ, кўк сўзларини қўллаш) ҳам сўзловчининг субъектив-индивидуал мақсади талаби асосида шаклланади (Бу ҳақда "арготик эвфема" баҳсида тўхталамиз).

1.3. Эвфемиянинг ёндош ҳодисаларга муносабати ва эвфемик маъно мезони

Табу ва эвфеманинг шаклланишидаги тарихий-этнографик жараёнларни – этнолингвистиканинг объектини ўрганмасдан, эвфемик маънога мезон ва меъёр белгиламасдан, уни (эвфемани) ёндош, ўхшаш,

турдош, жинсдош ҳодисалардан фарқлаб ёки чегараламасдан туриб, эвфемиилогик тадқиқотни амалга ошириб бўлмайди.

Бу борада маълум қийинчилик мавжудки, у, аввало, биз текшираётган объектнинг ечими билан боғлиқ бўлиб, ўзбек нутқи бадий-тасвирий воситаларининг талқинидаги айрим назарий нуқсонлар билан характерланади.

Булар қуйидагилар: 1) омонимия, синонимия, антонимия, полисемия, метафора, метонимия, синекдоха, вазифадошлик, фигура, парафраза, перифраза, мақол, матал, қанотли ибора, эпитет, муболаға, литота, жонлантириш, фразема, эвфема, топишмоқ, афоризм, аллегория, ирония, пайрав, пичинг, қочирик, қистирма, сўз ўйини, чандиш, туюқ (тажнис), такрор (анафора, эпифора), ишора, эллипсия каби бадий-тасвирий воситалар ҳалигача лисоний ва бадий аспектда (тил ва нутқ ҳодисаси сифатида) етарли таърифланмаган;

2) юқоридаги терминлар остида ўрганилган ҳодисаларнинг ўзаро муносабати (муштараклиги), ўзига хослиги (ажратувчи, фарқловчи белгилари) ва маъно мезонлари аниқ чегараланмаган;

3) ҳамон терминологик анархия, ноаниқликлар мавжуд ва б.

Масалан, О.С.Ахманова "парафраза" терминини: 1) тасвирий ифодалар (описательные выражения), 2) троплар, 3) табу парафраза (парафраза – табу), 4) эвфемик парафраза (парафраза эвфемическая)га нисбатан умумий термин (жинс тушунча) сифатида қўллаган (16, 312).

Манбаларда метафора, метонимия, синекдоха, эпитет, ўхшатиш, ирония, парафраза (перифраза), гипербола (муболаға), литота (кичрайтириш), аллегория, символ, жонлантириш кабилар "троп"; такрор, сукут, риторик мурожаат, антитеза, градация, параллелизм, инверсия, эллипсия кабилар "фигура" термини остида ўрганилган. Бошқача айтганда, **троп** термини кўчимга – мажозий маънога, **фигура** эса махсус гап шакллари (синтактик фигура, нутқий фигура каби) нисбатан қўлланилган. Лекин аслида **фигура**

терминининг тагида ҳам кўчим – образ, мажоз маъноси мавжуд, троп терминига яқин, маънодош: **троп** – юнонча образли ифода; **фигура** ҳам лотинча – образ, қиёфа (162, 300).

Метафора, метонимия, синекдохани троп термини билан аташ ҳам мантиқан тўғри эмас. Чунки троп – кўчим, кўчма маъно, образли ифода. Метафора, метонимия, синекдоха, вазифадошлик барча мажозий ифодаларнинг, жумладан, тропларнинг (эвфемаларнинг ҳам) шаклланишида асос бўлиб хизмат қиладиган усуллар – маъно кўчиш йўллари дир. Тилшуносликда эътироф этилган маъно кўчиш усуллари (метафора, метонимия, синекдоха, вазифадошлик) уруғ экиш ёки сепиш воситаларига (сеялка), троплар етиштирилган ҳосилга ўхшайди. Ана шу ҳосила ҳодисалар (троплар) тур тушунча сифатида ўз атамаларини топиши керак: эвфема, фразема каби. Троплар маъно кўчишнинг метафора, метонимия, синекдоха, вазифадошлик усуллари асосида шаклланган образли нутқий ҳосилалари дир.

Шу муносабат билан қуйида эвфемик маъно кўчиш асосларига доир мисоллар келтирамиз:

1. Шахсан менинг ўзим мамлакатдаги энг қайноқ нуқталарга бориб келишимга тўғри келди (И., "Қабоҳат ёхуд...", 312-б.). 2. Ўрис тўра Империя улкан кема, у ботиб бораяпти,– дейди (Ч., "Кеча ва кундуз", 67-б.). 3. Қиз дарёга тушиб кетган гавҳар бўлди (Ч., "Ёркиной", 20-б.). 4. Шокир ота қизнинг юкли эканлигини эшитиб, Худо оқ йўл берсин,– деди (Ғ.Ғ., 5-т., 86-б.). 5. Бу бахтиёрлик, бу турмуш муз устига солинган уй (А.Қ., 2-т., 29-б.).

1-гапдаги **қайноқ нуқта** – жангтоҳ, уруш бўлаётган жой; 2-гапдаги **ботиб бормоқ** – ҳалокат; 3-гапдаги **дарёга тушган гавҳар** – йўқолиб кетмоқ; 4-гапдаги **юкли** – болали, **оқ йўл** – осон туғиб олсин; 5-гапдаги **муз устига солинган уй** – бевафолик, бахтсизлик тушунчаларининг **метафорик усул** билан шаклланган эвфемик воситалари дир.

1. Чўлғаниб сокин хаёлга,

Жим ётар соғоналар.

Не кўрар Мирзо Улуғбек

Беш асрлик хобида (Э.В., "Самарқанд").

2. Бу дори Ҳиндистондан келгунча касалнинг йигирмаси ўтиб, қирқи яқинлашмоғи аниқ эди (Ғ.Ғ., 5-т., 96-б.). 3. Вазирларнинг чўнтагида шоҳ қасдиға финҳон ўқ (Э.В., "Садоқатнома", 46-б.). 4. Юзингда доғ кўрдим... муборак бўлсин (А.Қ., 3-т., 325-б.). 5. Шундоқ қарасам, камида бир кўрпага еткулик қора атласдан кўйлак кийган хотин... гурсиллаб ерга йиқилди (Ў.Х., "Икки карра икки – беш", 25-б.). 6. Йигирма иккинчи июн саҳари, Чикмас кишилиқнинг асло ёдидан (Х.О.).

1-гапдаги **соғоналар** – ўлиқлар; 2-гапдаги **йигирмаси ўтмоқ, қирқи яқинлашмоқ** – ўлмоқ; 3-гапдаги **ўқ** – ўлим; 4-гапдаги **юзида доғ кўрмоқ** – ҳомиладор; қорнида боласи бор; 5-гапдаги **бир кўрпага еткулик қора атлас кийган** – беҳад семиз; 6-гапдаги **йигирма иккинчи июн саҳари** – уруш бошланган кун тушунчаларининг **метонимик усул** билан кўчган эвфемик воситаларидир.

Адабини бермоқ, бети очилмоқ, балоғатга етмоқ, бошини иккита қилмоқ, бир ёқли қилмоқ, дон олишмоқ, ёстиғини қуритмоқ, кўзи ёримоқ, қўли эгри каби бирикмалар кўчма – мажозий тушунча англатиши жиҳатидан **фразема** бўлса, воқелиқнинг салбий таъсирини, нохуш хабарни юмшатиши, нутқий беозорликка, одоб доирасида муомала қилишга имкон бериши нуқтаи назаридан **эвфема** ҳисобланади.

Мақол, матал, афоризм, топишмоқ, қарғишлар ҳам бошқа-бошқа ходисалар бўлса-да, уларнинг маълум қисми эвфемик хусусиятга эга (93, 53; 60, 52-53; 142, 136). Эвфемиология бундай ёндош, муштарак фактларни ҳам ўрганади. Масалан, очиқ айтишга истиҳола қилинган **Ҳаммамиз ҳам ўламиз** гапи: "Бир уйда неча жонсан, бир-бирингга меҳмонсан", **Умр қисқа, ўлим тез етиб келади** фикри: "Умр – мисоли дарё", **текинхўр** тушунчаси: "Ўроқда йўқ, машоқда йўқ – хирмонда ҳозир" эвфемик мақоллари, топилиши керак бўлган (яширилган) **ўлик (жасад)** тушунчаси "Ҳаргиз-ҳаргиз, бўйи бир газ,

чақирса келмас, пиёда юрмас", **кафан** тушунчаси "У нимадир? тикмадилар, бичдилар", **қабр** тушунчаси "У нимадир? дарвозасиз бинодир" (Махтумқули) каби эвфемик топишмоқлар орқали ифодаланган ва б.

Эвфемиянинг антонимия, синонимия, омонимия, полисемияга муносабати масаласи ҳам эвфемиилог эътиборини жалб қилади. Масалан, **бузилмоқ** лексемасининг: 1) қулф бузилган, 2) ишламай қўйган киши, 3) сасиган гўшт, 4) қизлиги олинган, 5) фоҳиша, 6) пес лексемалари мавжудки, "бузилмоқ" лексемаси ўрни билан ана шу лексемалар (2-,3-,4-,5-,6-лари)нинг эвфемик воситаси бўлиб хизмат қилади.

Тилда сўзларнинг полисемияси, кўчими ниҳоятда катта аҳамиятга эга. Даниялик машҳур тилшунос Есперсон "Полисемиядан маҳрум бўлган тил "лингвистик дўзах"га айланган бўлур эди",— деган (99, 384).

Шуни таъкидлаш керакки, эвфемик ифоданинг шаклланишида ҳар қандай кўчим асос бўлавермайди. Чунончи, одам, хайвон, парранда аъзоси ёки қисмлари номининг бошқа предметларга кўчими (дугторнинг қулоғи, дарахтнинг шохи, самолётнинг қаноти каби); мева номи билан дарахтнинг, идиш билан ундаги овқат ёки суюқликнинг аталиши кабилар **лингвистик кўчим** (метафорик, метонимик, синекдохавий, вазифадошлик усуллар каби) бўлиб, улар образлилик ҳосил қилмайди. Бунда бирор ноҳуш ёки дағал тушунчани ёпиш, пардалаш зарурияти ҳам йўқ. Мана шу нуқта филологлар эътиборини аллақачон тортган, улар кўчимни **лингвистик** (лисоний) ва **бадий** кўчимларга ажратиб талқин қилганлар. Шу билан боғлиқ ҳолда эвфемиилогия услубшуносликнинг бир қисми бўлса-да, унинг (эвфемиилогиянинг) ўз текшириш объекти борлиги маълум бўлади. Ҳар қандай бадий кўчим эвфемиилогиянинг тадқиқот объекти бўлавермайди, яъни бадий кўчим ҳар доим ҳам эвфемик ифода воситаси бўлиб хизмат қилавермайди. Масалан, оқ олтин, зангори кема, бахтимиз қомуси воситалари эпитет — сифатлаш бўлиб, пахта, терим машинаси, Конституция номларини юмшатиб айтиш учун қўлланган эмас. Океан ортидаги давлат,

кунчиқар мамлакат, озодлик ороли, қизил империя парафразалари эса эпитет бўлиш билан бирга, муайян давлат номларини тилга олавериш, хусусан, сиёсат нуқтаи назаридан ноқулайлиги, ортиқчалиги сабабли шаклланганлиги учун эвфемик маъно ҳам касб этган.

Англашиладики, эвфемик маъно мезони реал воқелик, яъни табулаштирилган денотат тушунчага нисбатлаб аниқланади. Бунда эвфема дейилаётган восита (коннотат)нинг денотатга нисбатан юмшоқлик даражаси назарда тутилади. Хусусан, эвфемик ифода дейилаётган кўпгина воситалар, чунончи, қарғишларнинг эвфемалиги, одатда, шубҳали туюлади. Бундай ҳолларда ҳам коннотатнинг эвфемалиги денотатга нисбат берилиб аниқланади. Масалан, атрофингга гул экай (мисол Сорахон Отамирзаевадан), кийиминг дорда қолсин, отинг даврангда боғлансин, ошингни ей (чорвадор нутқидан) каби юзлаб қарғишлар ўл (ўлгин) тушунасига нисбатан эвфемалашган ифодалардир.

Тилшунослар табу ва эвфемани фақат тарихий-этнографик ҳодиса, эвфема фақат табулаштирилган тушунчанинг ёпиқ баёни, деб тушунганлар. Бу ибтидоий – этнолингвистик табу учун характерли, албатта. Бироқ маданиятнинг, тилнинг кейинги, хусусан, бугунги тараққиётида табули эвфема билан бирга, табулаштирилмаган – очик айтилиши у қадар ман этилмаган, бироқ нутқнинг этик-эстетик талаби билан йўл-йўлакай эвфемалаштирилиши керак бўлган турлари ҳам мавжуд. Юқорида келтирилган Америка, Куба, Япония, СССР номлари ўрнида қўлланилган эвфемик эпитетлар каби. Ёки ота, она номлари (булар ҳам ота-она номларига нисбатан эвфема бўлган) ўрнида дада, дода, ада, ака; ая, ойи, ажа, опа сўзларини қўллаш; мансабдорларга (номлари ўрнида) раис бобо, мудир бобо, Юртбоши, элбоши, оқсоқол, Туркманбоши деб мурожаат қилиш кабилар ҳам эвфемалаш ҳодисасидир.


Демак, эвфемалаштириш ҳодисаси айтилиши мутлоқ ман этилган (табу) тушунчалардан тортиб, айтилиши (сўзловчининг нутқий маданияти,

субъектив қараши билан боғлиқ) мумкин ёки факультатив характерга эга бўлган нутқий жараёни ҳам ўз ичига олади.

Эвфемик маъно мезони тушунчаси кенг ва мураккаб бўлиб, у ўз доирасида, табу тушунчаларни юмшатиш нуқтаи назаридан денотат билан боғлиқ ҳолда, даражаланади – поғона (иерархия)ланади, тизим – семантик структура ҳосил қилади.

Аввалги ишларимизда эвфемик маъно мезони, табу тушунчанинг эвфемик ҳосилалари, уларнинг эвфемик синонимлиги ва бу синонимик қаторларнинг миқдorigа доир фикр юритилган, чунончи, "севмоқ" (ишқий)нинг 65та, "хотин олмоқ"нинг 47 та, "эрга тегмоқ"нинг 50 та, "эр"нинг 43 та, "хотин"нинг 56 та, "жинсий алоқа қилмоқ"нинг 140 та, "бўғоз"нинг 30 та, "туғмоқ"нинг 28 та, "ароқ"нинг 42 та, "ароқ ичмоқ"нинг 49 та, "маст бўлмоқ"нинг 18 та, "жалаб"нинг 75 та, "жалабхона"нинг 50 та, "ўғри, ўғирламоқ"нинг 30 та, "ўлмоқ"нинг 370 та эвфемик воситаси қайд қилинган (78; 79) бўлса-да, уларнинг табу ва нисбий (муваққат) табулаштирилган объектлар туфайли шаклланган ўнлаб, юзлаб эвфемик ҳосилаларининг семантикаси – семантик тизими, яъни: 1) табу тушунчани юмшатиш даражаси (82, 25); 2) муайян эвфемик қаторларнинг синонимлик имкониятлари, денотатга муносабати; 3) бу икки ҳолатнинг ўзаро алоқаси ҳали ёритилганича йўқ (Бу алоҳида иш – семасиологик тадқиқот талаб қилади).

Бошқача айтганда, маъно кўчиш усуллари (метафорик, метонимик, синекдохавий, вазифадошлик) баёни, маълум даражада мавжуд. Бирок уларнинг, аввало, лингвистик ва бадий, сўнгра, лингвистик кўчимнинг эвфемик ва ноэвфемик; бадий кўчимнинг ҳам эвфемик ва ноэвфемик турларга ажратилган талқини, таснифи, улар ўртасидаги чегара ва мезонлари ҳали етарли ишланган эмас. Биз қуйида мана шу масалага доир бир диаграммани келтириш билан чегараланамиз:



1.4. Эвфемиянинг тил сатҳига муносабати

Маълумки, услубшунослик тил сатҳлари аспектида: фонетик стилистика, лексик стилистика, фразеологик стилистика, синтактик стилистика, морфологик стилистикага ажратилиб ўрганилмоқда (149, 19-95; 51; 96, 356; 140, 42-,145). Ижобий томонларидан қатъи назар, бу методлар услубшуносликнинг ўрганиш объектини муайян тил сатҳи (яруси) билан чегаралаб қўйиш хавфини туғдиради. Қолаверса, бунда нутқнинг экстралингвистик ёки паралингвистик воситалари услубшуносликнинг объектидан ташқарида қолади. Бундан ташқари, нутқнинг фразеология, эвфемия каби кўпгина тасвирий воситалари анъанавий услубшуносликнинг лексик стилистика бобида берилиши ҳам ўзини оқлай олмайди. Чунки кўчимлар тилнинг лексик сатҳига жойлашмайди. Шу сабаб бўлса керак, "Ўзбек тили стилистикаси"нинг муаллифлари синтактик фигура ва тропларни тил тизимида эмас, алоҳида баён этганлар (140, 228-246).

Тўғри, троп ва услубий фигуралар, жумладан, эвфемик воситалар сўз, сўз бирикмаси, содда гап, қўшма гап, матн, ҳатто, товуш шаклида мавжуд. Лекин бу ҳолат уларни (мажозий ма'но ифодалаганлиги, маънонинг беқарорлиги, "қалқиб" туриши, "тутқич" бермаслиги сабабли) тилнинг бирор сатҳида ўрганишга имкон бермайди. Мамажон Мукаррамов лингвистик ва бадий метафоранинг фарқини аниқлаш муносабати билан Е.П.Черкасованинг "Соф лингвистик ҳодиса саналган ўхшатиш – бу синтактик ёки морфологик структура, метафора эса конструкция ҳам, ҳатто, сўз ҳам эмас, балки семантик функциядир" (60, 52-53; 132, 13), деган

фикрини жуда ўринли келтирганки, бу – бошқа турдаги мажозий ибораларга ҳам тегишлидир.

Шу сабабли бўлса керак, иборашунослар мажозий бирликларни ўрганаётганда, асосий эътиборни структурага эмас, семантик таҳлилга қаратадилар.

Ирисали Тошалиев ҳам стилистик норма ечими билан боғлиқ ишларида шундай ёзади: "Стилистика бошқа лингвистик фанлардан фарқли, тил тизимининг барча ярусларини, яъни товушларини ҳам, сўз ва сўз формаларини ҳам, уларнинг морфем қисмларини ҳам, стилистик характериға кўра бир турдаги ҳодисалар сифатида бараварига ўрганади", дейди ва Г.О.Винокурнинг "Стилистикаға ўтиш фонетикадан эмас, грамматика ёки семасиологиядан эмас, балки бир бутунликни ташкил этувчи мана шу уч фаннинг бир йўла ҳаммасидан бошланади" (114, 29), деган фикрини ҳам келтиради ҳамда ўзи қуйидагича хулоса қилади: "Стилистик нормалар тил соҳалари – яруслари бўйича белгиланмайди. Бунинг устиға, фақат стилистик нормаларға хос махсус тил бирликлари ҳам ва уларни характерловчи алоҳида тил яруси ҳам мавжуд эмас. Шу сабабли стилистик нормаларни адабий тилнинг фонетик, морфемик, лексик, грамматик нормалари қаторида кўрсатиш ўзини оқламайди" (114, 42).

Юқоридаги баёнлардан англашиладики, эвфема ҳам кўчма – мажозий ифода, бадий-тасвирий ифодаларнинг бири. Эвфемиология услубшуносликнинг таркибий қисми – бир соҳаси. Шу сабаб у (эвфемия) тил тизимининг бирор ярусида жойлашмайди. Бошқача айтганда, эвфема фақат фонетик, лексик, морфологик ёки синтактик бирлик эмас. Унинг ҳаракат доираси кенг – тил сатҳи бўйлаб ҳаракат қилади. Ҳатто, паралингвистик ҳодисалар ҳам эвфемик маъно ифодалаш учун хизмат қилади. Эвфемани бирорта лингвистик бирлик – структура дейишдан кўра, семантик-функционал қатлам – категория, деб қараш мақсадға мувофиқ.

Хуллас, эвфемик маънонинг, умуман, тил эвфемик қатламининг шаклланишида тил тизими бевосита қатнашса-да, эвфемиология фан сифатида билвосита тилшуносликнинг семасиология, синтактик фонетика, психоллингвистика, экстра (ёки пара)лингвистика, этнолингвистика, социоллингвистика каби соҳаларига таянади.

1.5. Эвфемиянинг таснифий асослари

Фактик материаллар эвфемик нутқни қуйидагича таснифлашга имкон беради:

1. Воқеликнинг табулашиш даражасига кўра 1) номини айтиб бўлмайдиган – айтиш ман этилган, парнографик тушунчалар билан боғлиқ эвфемалар. Бунга: а) одамнинг уят ёки жинсий-таносил аъзолари; б) жинсий алоқа жараёнларининг ифодаси билан боғлиқ сўз ва иборалар; в) сўкиш, ҳақорат билан боғлиқ (ва ҳ.к.) эвфемик воситалар киради; 2) кўрқинч, совуқ, нохуш хабар ёки ўлим билан боғлиқ эвфемалар; 3) воқеликнинг номини айтиш мумкин-у, бироқ нутқ маданиятига мос келмайдиган тушунчалар билан боғлиқ эвфемик воситалар. Бу турнинг қўлланиш доираси жуда кенг бўлиб, улар: а) оила аъзолари нутқида; б) ишхона ва жамоат жойларда бўладиган муомалада; в) нотикнинг мурожаатларида (ва ҳ.к.) қўлланилади.

2. Семантик ва грамматик шаклланишига кўра нутқий эвфема 1) лисоний ва 2) нутқий турларга ажралади. Бу турлар узвийлик ва умумийликка эга бўлишидан қатъи назар, қуйидаги хусусиятлари билан фарқланади:

а) лисоний эвфема маъноси бирикма таркибидаги сўзларнинг реал маъносидан англашилмайдиган, яхлит ҳолда бир умумий тушунча – образли маъно ифодаладиган воситадир. Шу томони билан у фразема, мақол, матал каби ҳодисаларга ёндошдир;

б) лисоний эвфема луғавий бирлик, уни луғатлаштириш мумкин. Нутқий эвфема бу талабга жавоб бермайди;

в) лисоний эвфема узоқ вақт қўлланавериb, турғунлашиб, тил фактига айланганлигидан унинг эвфемик маъноси матндан ташқарида ҳам англашилади ва тил эгалари томонидан деярли бир хил тушунилади: *вафот этди, кўзи ёриди, оёғи суюқ* каби;

г) нутқий эвфемани, асосан, контекст, нутқий вазият бошқаради. Нутқий эвфема лисоний эвфема каби "ёпиб" айтиш анъанасига айланган табу тушунчаларни эмас, олдиндан табулаштирилмаган, воқеликларни нутқ моментида маълум мақсад ва талаб билан табулаштириб, сўнгра уни эвфемиклаштирилган воситаларда баён этади. Нутқий эвфема термини замирида вақтинчалик нутқий жараёнда зарурият, муваққат табулаштириш ётади. Шундан келиб чиқиб, лисоний эвфемага нисбатан аслий ёки мутлоқ, нутқий эвфемага нисбатан нисбий ёки муваққат эвфема терминларини қўллаш мумкин. Чунки улар (нисбий эвфемалар) гапдан ташқарида ўзининг реал (узуал) маъносида ҳам қўлланилади: У пичоқчилик маҳалласига кириб, жин кўчага бурилиши билан домла эшиги олдида одамларнинг қатор қўл қовуштириб турганини кўрди (М., "Умид", 337-б.). Шундай дадам ўтиб кетдилар, нега энди қабрлари совимасдан бизларни ёмонлашга тушдингиз ("Тошкент оқшоми"). Жомий: Уста Жалолиддиннинг боши кесилди. Навоий: Гуноҳи на эрди бу тилла бошнинг, Гуноҳи на эрди порлоқ қуёшнинг (У., И.Султон, "Навоий", 87-б.)

Кечқурун ош сузсак бир насиба кам,

Қумсайман бировни – аллакимимни.

Ишончим доимо бардам бўлса ҳам,

Баъзан васвасалар босар дилимни (Ғ.Ғ.)

Йигирма иккинчи июн сахари, Чикмас кишиликнинг асло ёдидан (Ғ.Ғ.). Соатингиз борми? (Сўзлашув). Бошлиқ қуруғидан талаб қилаётганлиги сезилиб турарди (С.Аҳм., "Жимжитлик", 278-б.). Улфатлар ҳар кеча шиша бўшатиш билан банд бўлганликларидан... (М., "Умид", 325-б.). Суюнчи! Дилафруз кутилиб олибди (С.Зун., "Асарлар", 56-б.). Шунақа укалардан

бултур учтаси билан хайрлашдим (М., "Умид", 71-б.) гапларида домла эшиги олдида одамларнинг қатор қўл қовуштириб туриши – домла ўлибди; ўтиб кетдилар – ўлиб кетдилар; гуноҳи на эрди – нега ўлдирилди, тилла бош, порлоқ қуёш – Уста Жалолиддин; бир насиба, биров, аллаким – шоир ўғли; васваса – ўлим хавфи; йигирма иккинчи июн сахари – уруш; соатингиз борми? – вақтни айтинг; қуруғи – пул, пора; шиша бўшатмоқ – арақхўрлик; қутулиб олмоқ – туғмоқ; хайрлашмоқ – ишдан ҳайдалмоқ тушунчаларининг эвфемик воситаларидир.

3. Таъсирчанлик, бўёқдорлик, оригиналлик даражасига кўра нутқий эвфема доирасида унинг 1) индивидуал ва 2) окказионал турлари ажратилди.

Бу тур эвфемалар оммалашмаган, ҳатто, эшитилмаган, "теша тегмаган", оҳори тўкилмаган, имкониятдор воситалар бўлиб, индивидуал нутққа таъсирчанлик, жозибадорлик, бўёқдорлик, ногаҳоний хайрат каби модус маънолар қўшади. Масалан, Хумохоннинг муҳаббати баҳорда ёққан қорға ўхшайди: бир томондан ёғиб, иккинчи томондан эриб кетаверади (Асқ.М., "Туғилиш", 49-б.). Бир қизга икки бор ёр-ёр бўлмасин (М.Юсуф, "Уйқудаги қиз", 59-б.) эвфемалари фавқулодда янгилиги ва таъсирчанлиги билан характерлидир.

4. Маъно ифодалаш усулига кўра эвфеманинг тагмаъноли тури ажратилди. Тагмаъноли (пресуппозитив) эвфемада табулаштирилган воқелик ички – семантик жиҳатдан ўзаро боғланган мажозий ифода орқали акс этади. Тагмаъноли гапларда англашилиши керак бўлган воқелик қочириқ, кесатик, киноя каби воситалар ёрдамида ишора қилинади ва табулаштирилган тушунча мантиқан англашилиб туради: Хумоюн "Бобурнома"нинг қачон тугадини сўраганда, Бобур умри тугагунча давом этишини айтади. Хумоюн: "Ундай бўлса, "Воқеъи" асарингиз юз йилда ҳам тугамасин,"– дейди (П.Қод., "Юлдузли тунлар", 98-б.) – (тагмаъно: юз йилда ҳам ўлманг). Афанди икки хотини билан қайиқда сайр қилаётганда, катта хотини довул туриб

қайиғимизни ағдарса, қайсимизни қутқарасиз деганда, Афанди: Сен сузишни биласан-ку, дейди (тағмаъно: сени қутқармайман). Бўронбек рус генералига: "Сиз мужикнинг қора қўли туфайли оқсиз,"– дейди (Э.Тур., "Бу тоғлар – улуғ тоғлар", 12-б.) – (тағмаъно: сиз текинхўрсиз).

5. Тил эвфемик қатламининг шакллантиришдаги ролига кўра риторик ва олмошли эвфемалар ажратилди.

Риторик сўроқ гаплар тантанали оҳанг, логик-эвфематик урғу билан кучайтирилганлиги ва унда ҳис-ҳаяжон ифодаланганлигидан нутқий фигура сифатида хизмат қилади. Шу сабаб эвфемиялогия риторик сўроқ гарларни ҳам ўрганади. Риторик сўроқ гаплар ҳукмни, жумладан, айтилиши ноқулай бўлган воқеликларни "яширин", "ёпиқ" ҳолатда, юмшоқ, поэтик усулда ифодалайди: Файзулло бобо! Сизни ноҳақ отдилар, Қабрингиз ҳам номаълум ҳукмига нисбатан **Қадим Бухорога лайлақлар келди, Ўзингиз қайдасиз, Файзулло бобо?! (М.Юсуф).** Муҳаммад ҳам ўлиб кетди гапига нисбатан **Қани ул Ҳазрати Хотам?** (Иброҳим Адҳам) риторик гаплари эвфемик восита сифатида қўлланган.

Минг турли хаёллар бағрим этди чок,

Лекин мен уни қилгим келмади ҳалок,

Оҳ, у қандай муҳтож эди онага,

Уни ташлаб кетдим етимхонага (Ш. Салимова, "Саодат", 1992, №6) мисраларида "ҳомила" ва "чақалоқ" тушунчалари **у, уни** олмошлари билан эвфемалаштирилган. У йигирма уч йил халқнинг тепасида турди (С.Аҳм., "Жимжитлик", 263-б.) гапида **у** – Шароф Рашидов ўрнида; Улар кеч келадилар гапида **улар** – эрим сўзи ўрнида қўлланган ва маълум бир нутқий қулайликка эришилган.

6. Ифода воситасига кўра: а) вербал ва б) новербал эвфемаларга бўлинади. Кўп ҳолларда муайян вазият, талаб воқеликни вербал нутқ билан эмас, новербал воситалар орқали ифодалашни тақозо қилади. Бошқача айтганда, эвфемик маъно ифодалашда новербал воситалар ҳам табиий ва

зарурий усуллар бўлиб, нутқ жараёнида унинг компоненти сифатида муҳим аҳамият касб этади.

Новербал эвфемик нутқ, одатда: 1) ихчамлик, тежамкорлик – тил иқтисоди; 2) контекст ва нутқий вазият талаби қонунларига асосланади. Новербал эвфемик ифода воситаларини: а) имплицатив эвфема; б) кинетик эвфема терминлари билан турларга ажратиб ўрганиш мумкин. Имплицатив эвфема кўпроқ контекстга – ёзма нутққа асосланади. Бунда пресуппозиция, эллипсия, интонация, сукут, тўхтам кабиларга эътибор берилади.

Имплицит ифодада табулаштирилган воқеликнинг эвфемик воситаси, кўпинча, қўлланмайди, бироқ улар замиридаги тушунчалар контекст ва интонация (оҳангнинг бирдан кесилиши, тўхтаб қолиши, чўзилиши, тугалланмаганлиги, сукут, давомлилик кабилар) орқали англашилиб туради. Бунда: а) гап тузилиши ўзгаради: тўлиқсизлик юз беради; б) гап мазмунида ҳам ўзгариш бўлади. Масалан, Одам ҳам дарахтдай гап: ўсади, унади, мева беради, сўнг... (С.С., "Искандарнинг очик қўли", 249-б.). Жамила, кўзимга қара! Аллақандай гумонлар юрагимни сидирмоқда. Сен чиндан ҳам бой билан... (Ҳ.Ҳ., "Бой ила хизматчи", 127-б.). Искандар Саодатга эсингдами, буғдойзорда, ғарам ичида... (Э.В., 2-том, 489-б.)

Кинетик восита махсус ўрганилиши керак. Профессор А.Нурмонов инсон нутқининг жуда мураккаблигини, унинг кўп томонларини ёзувда ифодалаш имконияти йўқлиги туфайли лингвистик таҳлилдан четда қолаётганлигини, тил картинасини тўла намоён қилиш учун нутқнинг ёрдамчи воситаларини ўрганувчи паралингвистикани фан сифатида тадқиқ қилиш ва амалда қўллаш зарурлигини жуда ўринли уқтирган (73, 32; 74, 113-120).

Кўпгина воқеликларни ифодалашда вербал эвфемик воситалар ҳам "оғиз"лик қилади. Муайян вазият сўзловчи ёки тингловчини қаноатлантирмайди – ноқулайликдан қутқара олмайди. Бундай ҳолларда новербал эвфемик восита (кинетик ифода усули) ёрдамга келади. Бошқача

айтганда, вербал нутқ эвфемик маънони лексик-семантик кўчимлар, нутқий фигуралар ёрдамида ифодаласа, новербал нутқ имо-ишора, мимика, жестикуляция, суҳбатдош ҳаракати, манералари, нутқий вазият ва шу жараёнлар билан боғлиқ оҳанг, унинг унсурлари – прасодик каби экстралингвистик ёки паралингвистик воситалар билан иш кўради. Лекин нутқнинг бу икки воситаси бир-биридан ажратилган ҳодисалар эмас, албатта. Новербал восита вербал нутқ оқимида – тил доирасида ҳаракат қилувчи, воқеликнинг реаллашувида хизмат қилувчи ёрдамчи омилдир.

Мисоллар: Вилоятга сафарга чиққан ҳукумат раҳбари – биринчи котиб Раҳимов, ички ишлар вазири Лукмоновни кузатиш тантанаси. Булар атрофида ўнлаб раҳбарлар парвона. Шулардан бири иттифоққа додруғи кетган совхоз директори Мирвали. Сал олдин Лукмонов биринчига сездирмай Мирвалига: "Бўйнингдан дорга осаман,"– деган. Момент топиб,– "Менга қаранг, ака, қандоқ қилсам, сиз айтган дорга осилмайман," – дейди Мирвали. Лукмонов жавоб ўрнига эҳтиётлик билан бош бармоғи билан кўрсаткич бармоғини бир-бирига ишқаб кўрсатди. – Қанча? Битта етадими? – Лукмонов яна овоз чиқармади. Уч бармоғини кўрсатди. – Бу кўп ишорасини қилди Мирвали ва бироздан кейин милиция бошлиғига: "Хуб, нархини айтинг," – деди. – "Сиз айтинг,"– деди генерал. – Мирвали битта бармоғини кўрсатди. Генерал энсаси қотгандай лабларини буриб, учта бармоғини кўрсатди. – Мирвали иккитасини кўрсатди. Генерал ҳамон учтасини кўрсатиб турарди (С.Аҳм., "Жимжитлик", 171-б.).

Ушбу эвфемик диалогик матнда мавжуд таҳликали вазият сўм (пора), унинг миқдори сўз билан эмас, новербал эвфемик восита (бармоқ, лаб, энса, мимика) орқали амалга оширилган. Ёки Доктор ҳайрон қолиб, қайта бошдан унинг юрагини текширмакка бошлади. Бир неча дақиқалардан кейин бошини чайқаб эшикка чиқди (М.Коз., "Қўрқинчли Техрон", 118-б.) гапида **бошини чайқамок** кинетик воситаси орқали беморнинг ўлишига ишора қилинган.

Новербал эвфемик воситалар, асосан, экстралингвистика ёки паралингвистиканинг ўрганиш объектидир.

7. Ноадабий тил воситаларининг қўлланилишига кўра аргосимволик эвфема ва унинг умумнутқий ва хусусий нутқий турлари мавжуд. Маълумки, какофемизм, вульгаризм, варваризм, жаргонизм, арготизм, криптология каби терминлар остида ўрганиладиган материаллар услубнинг умумадабий нормасига зид қўйилади. Бундан қатъи назар, улар хусусий услуб нормаси доирасига киради ва нутқда маълум мақсадларда қўлланиб, ижтимоий моҳият касб этади. Баъзи олимлар умумадабий услуб нормаси доирасида изоҳлаш қийин бўлган, матнда маълум мақсадга мувофиқ қўлланадиган бундай ноадабий (анормал) воситаларни вазифавий нутқ услублари нормасига алоқадорлигини уқтирганлар (114, 29).

Биз ноадабий нутқ бирликлари учун қўлланадиган тасвирий воситаларни шартли равишда "арго-символик эвфема" термини билан атадик.

Арго-символик нутқ умумхалқ нутқиға хос бўлмаган, яъни муайян тил эгалари томонидан бир хил тушунилмайдиган, маълум социал қатлам ёки касб-ҳунар эгалари (ўғри, қиморбоз, чайқовчи, савдогар, жиноятчи, безори ёки ҳарбийлар, юристлар, журналистлар, маҳбуслар ва ҳ.к.)нинг маълум мақсад ва манфаатлари учун хизмат қиладиган хусусий, яширин муомала воситасидир.

Арготик тил фақат ўғрилар тили бўлмай (16, 53), у жаргон, яширин нутқ (криптология), абдол (бирлиги – бадал), задгари терминлари билан аталадиган материалларни ҳам ўз ичига олади (140, 61-63). Умуман, аргонавтика (ўрганувчи – аргонавт) соҳа сифатида ўрганилиши керак.

Арго-символик нутқда бирор тушунча ёки воқелик кўп ҳолларда ўз номи – ифода воситаси билан эмас, бошқа сўзлар, шартли белгилар, символлар орқали ифодаланганлигидан, у эвфемик характер касб этади. Эвфемист аргонавтика ёки криптологиянинг ана шу томонларини ўрганади.

Эвфемиолог тилдаги ҳар қандай нутқий ҳодисаларни ўрганмайди. Масалан, С.Усмонов сўз шаклини тадқиқ қилиш муносабати билан "ими-дими" сўзининг биринчи компоненти – **“ими”** аслида "имламоқ" феълининг лексик негизи (яъни от қисми) **“им”** эканлиги, шоҳ аскарларига қўйилган, тайинланган яширин белги, пароль бўлиб хизмат қилганлиги, ҳарбий ҳаракат ими-димида бажарилиши кераклигини англатганлигини таъкидлаганки (124, 208-209; 56, 74), эвфемика нутқнинг ана шундай яширин, символик воситаларни ҳам ўрганади.

Арготик эвфемалар:

1. Кўпроқ ўғри, қароқчи, қотил, рекетчи, хоин, маҳбус кабилар нутқида қўлланади. Бунда **ўлдирмоқ** тушунчаси ўрнида жойини солмоқ, жойламоқ, жойлаштирмақ, саранжом қилмоқ (саранжомламоқ), ишини бажармоқ, тўғриламоқ, дўппи ёки салла келтирмақ, оғзига тупроқ ташламоқ, тинчитмоқ, мукофотламоқ, йиғиштирмақ, бир ёқлик қилмоқ, томоғини силаб қўймоқ, арши аълога юбормоқ, жўнатмоқ, ҳаётига нуқта қўймоқ, хайрлашмоқ каби дисфемик характердаги эвфемалардан фойдаланилади: Қасд қилса, иккимизни ҳам бир йўла жойимизни солади (Н.Қобил, "Ёшлик", 1988, №4, 37-б.). Бек, эрталабгача ҳалиги учаласини жойлаймиз. Улар бизнинг сиримизни очади... холани эртагаёқ йиғиштириб қўяман. Полвонни икки-уч кун ичида бир ёқлик қиламан. Кални ҳам тугатиб қўя қоламан. Агар бир пичоқ, бир кичкина темиртак бўлса, мен уни албатта саранжом қилар эдим. Бек: Уларнинг иши жуда осон: оғизларига бир сиқим тупроқ ташлаб қўйсақ бўлади. Хонпошша: Бир сиқим тупроқ билан иш битадур. Ёрқиной (шошилиб чиқади): Бегим, борсинлар, кални тўхтатсинлар! Мукофот беришнинг вақти ҳали жиндак бор. Бек: Аввал Кални йиғиштира, кейин унисини тўғрилайсан. Пўлат ўғрининг ҳалигидақаси бўлса, Бекни эплаб кетади. Тонгга яқин сиз айтган чакалакзорда томоғини силаб қўйдим, керилди Полвон. Кал: Арши аълога етиб қолибди-ку, бу қари куёв... (мисоллар Чўлпоннинг "Ёрқиной" драмасининг 316-, 317-, 321-, 323-, 330-,

332-, 340- бетларидан олинган). Мени бирёқли қилиш учун 1991 йил июнида яна ҳаракат бўлди. Бандитлар уни тинчитиб кетишган (Н.Латибжонов, "Адолат шамшири", 33-, 71-б.).

Баъзан бирор тушунча эмас, бутун бошли воқелик ҳам эвфемалаштирилиши, ундаги салбий мазмун юмшатилиб, яширин тусда баён этилиши мумкин. Бу фикрга С.Айнийнинг "Қуллар" романидаги қароқчилар бошлиғи Қилич ҳалифанинг:

Ўнтасини ўрдан берсин,

Қирқтасини қирдан берсин,

Бошбоғини боғлаб берсин,

Қозиғини қоқиб берсин, деб қилган дуоси мисол бўлади. Бунда, хусусан, субъект ёки адресат яширилади: Шу кунларда бир раҳбар ёзувчининг иши кўрилмоқда эди (Ў.Х., "Нотаниш орол", 81-б.).

Золим қайнонанинг вафотини уйдаги кенжа келини овсинларига хабар бергач, иккинчи овсин: –Қачон бўлди бу шодлик? дейди. Катта овсин: – Намозшомда қувондик, деб жавоб беради. Учинчи овсин эса исириқ тутата туриб: –Исириқ зое бўлмасин, яна қайтиб келмасин, дейди.

Бунда **қачон ўлди** гапи – қачон бўлди бу шодлик, **номозшомда ўлди** гапи – номозшомда қувондик, **яна тирилмасин** гапи – исириқ зое бўлмасин, яна қайтиб келмасин яширин эвфемик воситалари орқали ифодаланган.

Кейинги вақтларда арготик (криптологик) характердаги эвфемик воситаларнинг қўлланиш доираси янада кенгайди. Масалан, ҳозирги ҳуқуқшунослар нутқида адабини бермоқ (қийнамоқ, урмоқ), булбулигўё қилмоқ (зўрлаб гапиртирмоқ, айттирмоқ), меҳмон қилмоқ (қамамоқ), усул қўлламоқ, стул (кресло)га ўтирғизмоқ (азобламоқ, қийнамоқ, дўппосламоқ), қўлга олмоқ (қамоққа олмоқ), "ов" қилмоқ (қўлга туширмоқ), мафия занжир (уюшган жиноятчилар тўдаси), паровоз (бош жиноятчи), тўқмоқ (урувчи, азобловчи), кўк, кўк қоғоз (доллар), гиёҳ ёки гиёҳванд модда (героин, какаин,

опиум, наша) каби эвфемик воситалар шаклланди ва тадқиқот объектига ҳам айланди (76, 21-23).

Мисоллар: Менга ўз айбига кўра иқроор бўлишнинг аҳамиятини узок тушунтирдилар. Акс ҳолда иш бўйича мени ўз иборалари билан "паровоз" қиламиз деб кўрқитдилар (И., "Қабоҳат ёхуд...", 93-б.). 22 килограмм гиёҳ моддаси ушланди (Н.Латибжонов, "Адолат шамшири", 52-б.). Учарлар бундай нарсаларни дарҳол тинчитиб кетиши мумкин (Н.Латибжонов "Адолат шамшири", 49-б.). Уни ертўлага олиб тушиб, бир адабини бериб қўйинглар,— деди терговчи (И., "Қабоҳат ёхуд...", 94-б.). Жиноятчи гуруҳлар сизнинг бошингиз учун катта миқдорда пул тикишибди (Н.Латибжонов, "Адолат шамшири", 48-б.). Бу мафиянинг дастхати эди. Занжирнинг пухталигини қаранг: Дидаренко, Гайданов, Лаптев — ҳаммаси десантчилар гуруҳидан (Н.Латибжонов, "Адолат шамшири", 33-б.). Александр Харитоновни қўлга олиш операциясини ўзим уюштирдим (Н.Латибжонов, "Адолат шамшири", 36-б.). Бандитлар қўлида уч кун "меҳмон" бўлган (И., "Қабоҳат ёхуд...", 98-б.).

Бундан ташқари, жиноий кодекс моддалари эвфемик характерда бўлади. Ундаги рақамлар заминидан нохушлик, кўрқинч ифодаловчи тушунчалар "яширин" бўлади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят Процессуал Кодекси (ЖПК) моддаларидаги 97, 169, 210, 242, 246 каби рақамлар ўғрилиқ, порахўрлик, ўлим жазоси, контрабанда (145); шунингдек, 01, 02, 03, 04 рақамлари ёнғин, милиция, касаллик, газланиш тушунчалари билан боғлиқ бўлган нохуш воқеликларнинг шартли символик (эвфемик) атамасидир: "Илоҳим, ҳеч кимнинг иши "01", "02", "03", "04" га тушмасин" (сўзлашувдан).

Сир тутилган ҳарбий қисм ёки объектлар ҳам эвфемалаштирилади. Бунда М (эм), Н (эн) каби ҳарфлар, ё маълум (махфий маъноли) рақамлар, "кит", "кобра", "ер", "осмон", "жануб", шунингдек, "Тошкент", "Бухоро", "Самарқанд" ёки "биринчи", "иккинчи", ..."саккизинчи" ва шу каби сўзлар очик айтилиши ман этилган тушунчаларга нисбатан эвфемик ном бўлиб

хизмат қилади. "Жазоир – менинг Ватаним" фильмида инқилобчи йигитлар фабрикадаги қиз билан исм-фамилиялари ўрнида кийимлари ўлчамини (30, 42, 56 каби) айтиб гаплашадилар.

Мисоллар: Мен раҳбарлик қилишим керак бўлган бошқармага "13" рақамли шартли код берилган эди (И., "Қабоҳат ёхуд ...", 58-б.). Унинг хусусан, тифга қарши ишлатиладиган дорилари ҳатто N элчихонасига ҳам маълум эди. (М.Коз., "Қўрқинчли Техрон", 60-б.).

Яширин нутқда турли сабаблар билан ҳарф шаклларида унумли фойдаланилади. Бошқача айтганда, конкрет исм-фамилия ўрнида қўлланилган **"А" исмли, "Б" исмли шахс** каби шакллар эвфемик восита бўлиб хизмат қилади: Бу Ўш вилоятидан келган "А" исмли жиноятчи экан; Андижон станциясида "К" исмли шубҳали бир кимса қўлга олинди (Н.Латибжонов, "Адолат шамшири", 47-б.).

Баъзи халқларда, чунончи Эронда машхур шахсларнинг исм-фамилияси ўрнида бирор махсус ҳарф, мансаб-мартаба англатувчи сўз (лақаб) билан бирга, эвфемик восита сифатида қўлланганлиги кузатилади: Рамазонда Р... охуднинг ваъзини эшитганингда, ақл ўрганган бўлар эдинг. Бу гап оғойи Р... уддавланинг қулоғига етиб борган. Р... ашшарияни қамокқа олишга буйруқ берди. Мен оғойи Х...нинг ўғли бўламан. Оғойи Ф... уссалтана ҳамон аччиғидан тушмаган эди (М.Коз., "Қўрқинчли Техрон", 47-, 116-, 129-, 132-б.).

Ҳарфлар (асосан, арабча ҳарфлар) поэтик санъат (хуруфи далолат) яратишда, жумладан, эвфемик маъно яратишда рамзий восита бўлиб хизмат қилган:

Даст кўтар даврон юкини,

Этма қаддингни ё, қалам (Э.В., "Қалам").

Қоматинг ё бўлмасидин,

Қоши замбарини ўп (Э.В., "Гулнорни ўп")

байтларининг биринчисида "этма қаддингни ё" – қийинчиликлар олдида таслим бўлмаслик, ора йўлда қолиб кетмасликка хитоб; иккинчисида "...ё бўлмасидин" – қариб, ётиб қолмасингдан тушунчалари ўрнида қўлланилган.

Юз ёшга кирган ва қадди ёйдек букилган чол қўлида ҳасса ушлаб борарди. Бир йигит уни масхара қилиб деди: "Эй, шайх, ушбу ёйни қанчага сотиб олдинг, айт, мен ҳам сотиб олай." Шайх: "Агар узоқ яшасанг, сабр қилсанг, бу ёйни сенга текин берадилар," – деб жавоб берибди ("Қобуснома", 44-б.) матнида қариб, боши ерга тегай деб қолган, ачинарли қомат ёй (ҳарфга ҳам, ўқ-ёйга ҳам ишора) сўзи орқали юмшатилиб айтилган.

Ҳарфнинг эвфемик воситаси сифатида қўлланилиши мумтоз адабиётда, хусусан, Алишер Навоий асарларида юксак даражада ўз аксини топган. Бу ҳақда кўпгина олимлар, жумладан, А.Рустамов, Э.Умаров, Ё.Исоқовларнинг асарларида изчил фикрлар баён этилган (122, 188-191; 33, 22; 41; 42).

Арготик эвфема, хусусан, маҳбуслар нутқида кўп қўлланилади. Улар кўпгина тушунчаларни ошкор айтилмаганликларидан ўзаро англашиладиган шартли белгилар – "сўз"лар орқали ифодалашга ҳаракат қиладилар. Масалан, Шукруллонинг "Кафансиз кўмилганлар" романида **керуха** (шерик), **параша** (бўладиган миш-миш гаплар), **шумон** (тинтув), **стукач** (сотқин), **мах**, **махнём** (алмаштирма), **хата** (камера), **японча массаж** (қаттиқ калтаклаш), **дубак** (камерага кириб-чиқиб турувчи шахс), **мўйлов** (Сталин) каби арготик эвфемалар қўлланилган: Ўзингдан ёш чўнтаккесар чекишдан ол, керуха, деб ёнингга кела бошлайди (106-б.). Маҳбуслар ўзларини овитиш учун бир-бирларидан "Хўш, бугун қандай парашалар бор, янгисини эшитдингми? деб сўрардилар (107-б.). Чекадиган махоркаларингдан тортиб ейдиган нарсаларинггача ағдар-тўнтар, тити-пит қилиб шумон бошланади (79-б.). Стукачиликда сендан шубҳалансалар, ҳаётинг учун ҳавфли бўлиши мумкин (113-б.). ...махнём, дейди-да, гўё қонуний қилгандай, ўзининг бирор увадасини ечиб бериб, сеникини олиб кетаверади (119-б.). Бостирма шаклидаги хатада ўн чоғли одам овқат еб ўтиришарди (193-б.). Борди-ю,

ўтирган курсингдан уйқусизликдан толиқиб, мудрагудек бўлсанг, японча массаж қўллашлари ҳам ҳеч гап эмас (31-б.). Ёки мўйловга арз қиласанми, а? – Мўйловга арз қилганларнинг биттаси шуми? Яқин орада мўйловдан кутиламиз, деган гап ҳам чиқиб қолди (143-б.).


Русларга нисбатан **малла** (маллавой), **оққулоқ**, **иван**; ўзбекларга нисбатан қўлланиладиган **қора** (қоровой), баъзан **лилипут** лақаблари ҳам арготик эвфема характериға эға: У маллавойинг шошмай турсин, ҳали бошиға не кунларни солар эканман (С.С., "Туладан келган келин", 170-б.). Қарангиз, Эронни, бир томондан бизнинг иванлар ўз нуфузлари остига олди (Ч., "Кеча ва кундуз", 187-б.). Мен сизға айтсам, қоровойларнинг жони қаттиқ бўлади (Э.Тур., "Бу тоғлар – улуғ тоғлар", 159-б.). Қаёқда, ўрис кичик сержанти бизнинг юзимизға қарашға азбаройи қийналганидан "Откуда эти липипуты?" – дея жаҳли чиқди (А.Жумақул, "Юракка сиғмаган гаплар", 4-б.).

Кесими (феъл бўлса) I шахс бирлигининг истак майлида қўлланган ҳақорат, сўкишни англатадиган гаплар ҳам арготик эвфема бўла олади: Вой дедим, сенинг шу оқ кўйлакларингнинг чўнтагига бурним. Вой, дедим, вой ўша мерос бойваччасини хинолай. Вой, ўша ҳаммангга липпамни қоқай, бойлар (А. Қод., "Тошпўлат тажанг нима дейди?").

Хуллас, арготик ва диалектал сўзлар, неологизм ва жаргонлар ҳам, ўрни билан эвфемик моҳият касб этади; очик айтиш мумкин бўлмаган воқелик ёки тушунчанинг салбий таъсирини кучсизлантириш, камайтириш, юмшатиш учун хизмат қилади ва тил эвфемик қатламини тўлдиради, бойитади. Демак, эвфемия адабий тил доирасидагина ҳаракат қилиб қолмай, бадий адабиёт тилини ҳам (123, 35-40), тилнинг профессионал қатлами (сленгвизм аспекти – темирчи, кулол, деҳқон, савдогар, чорвадор; юрист, врач (генеколог), журналист кабилар) билан боғлиқ эвфемик воситаларни ҳам ўрганади**.

Бунда бирор гуруҳ ёки социал қатламнинг нутққа бўлган индивидуал муносабати (прагматик аспект) назарда тутилади.

Юқоридагиларни схемада қуйидагича кўриш мумкин:



1.6. Табу ва эвфемиянинг эволюциясига доир

Табу ва эвфема қўллаш воситалари ҳам тил ва жамият тараққиёти билан бирга тараққий қилади, эскиради, истеъмолдан чиқади; ўрнида янги эвфемик воситалар шаклланади. Бошқача айтганда, кўпгина эвфемик воситалар давр ўтиши билан эскириб, ўзи боғланган табу тушунчанинг беозор ифодаси бўлолмай қолади. Натижада биринчи эвфемик восита ўрнида янги – янада эшитилиши қулай бўлган эвфема пайдо бўлади. Битта табу тушунчанинг қайта-қайта эвфемалаштирилиши бирдан ортиқ (бешта, ўнта, йигирмата ва ҳ.к.) эвфеманинг шаклланишига сабаб бўлади.

Масалан, **илон** аслида чакувчи, заҳар солувчи тушунчаларининг эвфемаси: жил+он, жилувчи, судралувчи, кейинроқ арқон, арғамчи, олачилвир, қамчи каби эвфемалар билан алмаштирилган. **Чаён** ўрнида қўлланган гаждум, каждум эвфемаси нутқ талабига жавоб бермагач, табулаштирилиб, ўрнида эшак, номи йўқ, беном эвфемалари қўлланган. **Медведь** (айиқ) аслида эвфемик атама (мёдаед – асалхўр) бўлган, кейинчалик табулаштирилиб, ўрмончи (лесник), ўрмон ҳокими, ўрмон хўжайини (хозяйн леса), Миша, Потапич, Косолапий каби эвфемик воситалар билан аталган (93, 100). Демак, медвед эвфемасигача шу ҳайвоннинг номи бўлган бўлса, у унитилган. **Бўри** сўзи аслида оқ, оқиш, оқ тусдаги ҳайвон (бўр, бўрсик, бўз сўзлари ҳам шу билан боғлиқ) маъносини англатган эвфемик номдир. Кейинчалик бўри табулаштирилиб жондор, иткуш эвфемалари билан алмаштирилган. Бугунги чорвадор нутқида у, ҳалиги, қора (бўри маъносида) эвфемалари ҳам қўлланилади: Итлар хураяпти, у келганга ўхшайди; Кеча сурувга жондор чопибди ёки дорибди (чорвадор нутқидан).

Инсон нутқи унинг эҳтиёжидан орқада юрганидек, эвфемалар ҳам қанчалик беозор, нозик маъно ифодаламасин, табулаштирилган тушунчаларнинг салбий моҳиятини бутунлай ёполмайди – хотирадан бартараф қилолмайди. Бошқача айтганда, айтилиши уят ёки нохуш воқелик – тушунча ўзини намоён қилаверади. Масалан, номусига тегибди, номусига

тажовуз қилибди, зўрлабди, кўшилибди, алоқа қилибди, тегинибди, яқинлашибди эвфемалари ўша уят сўз... ва у орқали англашиладиган тушунча... ни хотирадан бартараф қилолмайди. Шу боис ҳам, янги-янги эвфемалар қўллашга эҳтиёж борган сайин кучайиб бораверади.

Хуллас, табу ва эвфеманинг эволюцион жараёни тил эвфемик қатламининг – эвфемиялогиянинг шаклланишига сабаб бўлади.

Боб бўйича хулосалар:

1. Табу ва эвфемия тарихий – этнографик ҳодиса бўлса-да, фан унинг қачон, қаерда пайдо бўлганлигини, қайси халқ удуми эканлигини тасдиқловчи илмий манба ёки матнга эга эмас. Табулаштириш ва эвфема қўллаш ҳодисаси қадимий бўлиб, унинг илдизлари ибтидоий онгнинг яхшилик (эзгулик) ва ёмонлик (ёвузлик) тушунчаларининг пайдо бўлиши, борлиқнинг илоҳийлаштирилиши (фетишизм), руҳ тушунчасининг пайдо бўлиши (анимизм), кўчиб юриши (таносух), ҳайвонларга сиғиниш (анимализм) ёки, умуман, тотемик, мифологик тасаввурларга бориб тақалади.

2. Табу ва эвфемия ибтидоий дин, онги ожиз одамларнинг ғайритабиий дунёқараши, хурофот, бидъат, расм-русумлар таъсирида пайдо бўлган, булар жамиятнинг кейинги тараққиётида – маданийлашган босқичларда йўқолиб кетади, деган фикрлар ўзини оқламайди – асоссиз. Чунки табу ва уни эвфемалаштириш тил ва тафаккур каби эволюцион жараёнларни босиб ўтган, муайян ижтимоий дунёқараш асосида тўхтовсиз шаклланиб, янгиланиб, тил эвфемик қатламини бойитиб, тўлдириб борувчи ҳодисалардир.

3. Табу ва эвфемия этнолингвистиканинг ўрганиш объекти бўлиб, бу фан ҳақидаги фикрлар дастлаб И.Г.Гердер (XVIII аср) ва В.Гумбольдт (XIX аср)дан бошланган, этнограф олим Ф.Баос, лингвист-этнограф Э.Сепир ва уларнинг издошлари томонидан давом эттирилган.

4. Табу (аслда этнографик термин)нинг ифода материали дастлаб ўзаро боғланган, кўпинча, бири иккинчисининг пайдо бўлишига сабаб бўладиган: социал (ёки этнографик) ва лингвистик табу терминлари остида иккига

ажратилади. Бу икки жараённи ўрганадиган фан этнолингвистикадир. Этнолингвистика лингвистик табу билан боғлиқ этнографик материал (этнографик табу)ни ўрганади. Этнолингвистикада этнография ва лингвистикагина эмас, унда илмнинг социоллингвистик, этимологик, этик-эстетик, этномаданият, нотиқлик, теологик, ономасиологик, археологик, антропологик, геотопонимик каби соҳалари ҳам учрашади.

5. Номзодлик ишимизда у ёки бу даражада баён этилганлигидан қатъи назар, табу ва эвфемиянинг назарий асослари адабий тилнинг фактик материаллари асосида – алоҳида бобда ўрганилганлиги, тасниф қилинганлиги тилимиз эвфемик қатламини янги босқичда, хусусан, профессионал нутқ эвфемикасини тадқиқ қилишда калит – таянч бўлиб хизмат қилади.

6. Табу ва эвфемиянинг тавсифий хулосаси қуйидагича: эвфемизм, бу – табулаштирилган, яъни очик айтилиши ман этилган, айб, уят, ҳаёсизлик, дағал, кўпол, ҳақорат, сўкиш ҳисобланган; кўрқинч, даҳшат, ғам-алам, изтироб, мотам, ўч, дард, ҳасрат ифодаладиган; кишига малол келадиган, ўкситадиган, иззат нафсига тегадиган, ҳурматсизлик, мазах, масхара, камситиш, ўкинч ифодаладиган; бирор шахс ёки давлат арбоби, давлат сиёсати, мафкураси, ўғирлик, хиёнат, жиноят қабилар билан боғлиқ айб-нуқсон, сиру асрорларни ошкор қиладиган; аксинча, нафрат, қаҳр, ғазаб кўзгатадиган; умуман, очик, ошкор айтилиши ноўрин, ноқулай, маданиятсизлик, одобсизлик, ахлоқсизлик ҳисобланган сўз ибора (табу, дисфемизм, какофемизм, варваризм, вулгаризм)ларнинг хотирадан салбий таъсирини юмшатиш, камайтириш, ёпиш, яшириш, пардалаш, мумкинқадар беозорроқ тусга киритиш, тасвирий эвфемик ва эвфоник услубда баён этиш, тингловчига ижобий ҳиссий таъсир этиш – ҳаяжон уйғотиш ва шу билан нутқий мукамалликка – гўзалликка, тил ва муомала маданиятига эришиш учун қўлланадиган воситалардир.

2-боб. ЧОРВАЧИЛИК БИЛАН БОҒЛИҚ ЧОРВАДОР НУТҚИ ЭВФЕМИКАСИ

Умумтилшуносликда, жумладан, ўзбек тилшунослигида профессионал нутқнинг тадқиқ қилинмай келинишининг объектив ва субъектив сабаблари бор. Субъектив сабаби: 1920-30 йилларга келиб, гўё ўзбек тилини «яхшилаш» – адабий тил қолипига солиш, бунинг учун, аввало, уни шевадан, диний, эскирган (архаизм, историзм) сўз ва иборалардан тазалаш, «соф адабий тил» учун кураш каби вулгар-социологик, пуристик ғоялар таъсири билан характерланади.

Бу жараёнга ўз вақтида кўпгина олимлар бефарқ бўлмаганлар. Масалан, академик В.В.Виноградов социал диалектлар (полудиалект, интердиалект – кайнэ)нинг адабий тил билан синтезлашиш жараёнлари, адабий тилнинг оғзаки ва ёзма формаларининг шакллантиришдаги ролига баҳо бериб, диалектларда, жумладан, профессионал лексикада, аввало, халқ оғзаки нутқи ҳамда этнографиясида намоён бўлиши, шу сабабли уларни тадқиқ қилиш кечиктириб бўлмайдиган долзарб масала эканлигини таъкидлаган (35, 27).

Муаммонинг объектив ва субъектив сабаблари бошқа олимлар томонидан ҳам изоҳланган. Чунончи, профессор С.Иброҳимов фан-техника соҳасида эришилган ютуқлар ишлаб чиқариш усулини тубдан ўзгартириб юборганлиги, ўтмишдан қолган кустарчиликка – қўл меҳнати ва содда ишлаб чиқаришга асосланган кўпгина тармоқлар (тўқимачилик, темирчилик, дурадгорлик, кулолчилик, заргарлик, чеварлик каби) механизациялашиб, такомиллашиб бораётганлиги сабабли, айрим касблар (эгарчилик, кавшдўзлик, маҳсидўзлик каби) инқирозга юз тутаётганлиги ва буларга доир қўлланадиган тил воситалари – профессионал лексика аста-секин унитилиб бораётганлиги – пассив диалектал қатламга айланаётганлиги, эндиликда буни ўрганиш, сақлаб қолиш кечиктириб бўлмайдиган долзарб масала эканлигини таъкидлаган (47, 121). Академик Ш.Шоабдурахмонов ҳам шеванинг, шунингдек, пассив, диалектал сўз қатлами деб қараладиган воситаларнинг

адабий тил тараққиётидаги аҳамиятига юқори баҳо берган (137, 16-17; 139, 202-205).

М.Абдиев юқоридаги гоё билан уйғун қуйидагича фикр юритган: «Ўлкамизда шўролар ҳокимияти ўрнатилиши натижасида ишлаб чиқаришни ёппасига саноатлаштириш баҳонаси билан, бошқа соҳаларда бўлганидек, ҳунармандчиликда ҳам инқироз бошланди: бозорларда, кўча-кўйда, майдонларда жойлашган касб-ҳунармандчилик расталари, дўконлари ёпилди, уй-жойларда якка тартибда ривож топиб келган ҳунармандчилик фаолиятлари тўхтатилди. Бу – касб-ҳунармандчиликка оид минглаб тил бирликлари, жумладан, терминлар ҳам тарихга айланди деган гап. Бундай махсус тил бирликларини тўплаш ва уларни лисоний нуқтаи назардан тадқиқ қилиш, қатор лексемаларнинг ойдинлашувига олиб келади» (1, 65-66).

Тадқиқотчи бу ҳақдаги қарашларини докторлик ишида яна ривожлантирган. Шўро ҳукуматининг Марказий Осиёда миллатларнинг парчаланишига қаратилган сиёсати туфайли маҳаллий шевалардан анча узоқ бўлган адабий тиллар ва ёзувлар жорий этилганлигини, натижада, адабий тил билан халқ шевалари орасида жарлик пайдо бўлганлигини, мана шу омиллар «адабий тил» ва «халқ шевалари» орасидаги тафовутни янада кучайтирганлигини, бунда маълум маънода, ягона ўзбек тили тушунчаси барҳам топа бошлаганлигини, ўзбек тили деганда, асосан, ўзбек адабий тили тушунила бошланганлигини, лисоний ҳодисаларни адабий тил, шева тили, шева нутқи деб ажратиш назарий асосга эга эмаслигини, адабий тил ҳам, шева нутқи ҳам бир тилнинг ҳар хил кўринишлари эканлигини таъкидлаш билан бирга тил ва унинг нутқий кўринишлари (адабий нутқ, ёзма нутқ, шевавий нутқ, жаргон, арг, сунъий тиллар, рамзий тизимлар ва ҳ.к.)ни шу асосда тадқиқ қилиш, адабий нутқ ва шева нутқи ўзаро зид, бир-бирини инкор қиладиган икки ҳодиса сифатида эмас, балки бир нарсанинг икки хил воқеланиши сифатида қаралиши лозимлигини уқтиради ва қуйидагиларни ёзади: «Шева нутқи, соҳа нутқи, паралингвистик воситалар, монолог, диалог

ва, ҳатто, нутқ одоби (эвфемик нутқ ҳам – А.О.) билан боғлиқ ҳолатлар ўзбек тили имкониятлари турли коммуникатив вазиятлар талабига биноан ҳар хил шаклларда намоён бўлса-да, моҳиятан (яъни ахборот узатиш мақсадига кўра) тилнинг турли шакл (вариант)ларидир» (2, 14-15).

«Афсуски, ҳозирги ўзбек адабий тилимиз,— деб ёзади Босим Тўйчиев,— **яйлов, қишлов, ўтов, керага** каби чорвачиликка доир бўлган кўплаб сўзларни четлаб ўтди. Ҳозирги адабий тилимиз билан мумтоз тилимиз оралиғига катта тўсиқ қўйилганидек, бундай тўсиқлар адабий тил билан умумхалқ тили ҳамда халқ оғзаки ижоди намуналари тили орасига ҳам жуда сезилмайдиган қилиб қўйилди. Натижада, адабий тилимиз уларнинг кўпчилигидан маҳрум бўлиб қолди» (121, 68). Шунингдек, муаллиф ҳозирги ўзбек адабий тили уч манбага: 1) **мумтоз тил**; 2) **умумхалқ тили**; 3) **халқ оғзаки ижоди** — топишмоқ, мақоллар, иборалар, эртак ва достонлар тилига суяниши кераклигини ҳам тўғри таъкидлаган.

Диалектолог олим Б.Жўраев ҳам шеваларнигина эмас, балки этнографик удумларимизни ҳам ўзида сақловчи фольклор матнларининг тилини ўрганмай туриб, бугунги адабий тилимиз нормасини белгилаш мумкин эмаслигини уқтирган (44, 80-81).

Диалектологик олим С.Раҳимов ҳам собиқ совет даври тилшунослигида тарихан ўзбек тилининг узвий қисми бўлиб келган шеваларга муносабат ўзгарганлигини, минглаб сўз, атама, ибораларга «шева» ёки «историзм», «архаизм», «варваризм» тамғаси босилиб, булар ўрнини «советизм» эгаллаганлигини, эндиликда (ўзбек тилига «Давлат тили» мақоми берилиши билан) таназзулга учраган бойликларимиз қайтадан тикланиши, тадқиқ қилиниши, сақлаб қолиниши, луғатлар тузилиши зарурлигини тўғри таъкидлаган (94, 3-8)ки, бу — бевосита профессионализмлар, жумладан, чорвадорлар нутқи, унинг эвфемикасини ўрганишга алоқадор. Чунки профессионал нутқ, хусусан, уларнинг эвфемик воситалари, бугунги кўпгина адабий тил эгаларига маълум эмас.

Тилшунос олим Ота Раҳим Увузим, сенга айтаман, улим сен эшит, Керагам, сенга айтаман, келиним сен эшит; Мен нима дейман-у, қўбизим нима дейди каби эвфемик мақоллар (чорвадор нутқи маҳсули) улоқтирилганлигини, буларнинг бир олам мазмуни борлигини ачиниш билан таъкидлаган (83, 24-26).

Ҳолбуки, туркий тилларнинг ҳеч қайсиси ўзбек тиличалик диалектларга бой, ранг-баранг эмаслигини, ҳар қайсиси бир адабий тилга асос бўладиган даражадаги лаҳжаларимиз борлигини Е.Д.Поливанов ҳайратланиб ёзган (89, 3)ки, бу – тил бойликларимизга диалект, лаҳжа, шева тамғасини босиб, муомаладан суриб ташламаслигимиз, аксинча, улар орқали адабий тилимизни тўлдиришимиз, бойитишимиз, юз минг ва ундан кўп сўзлик луғатлар яратишимиз кераклигига ишора қилиб туради.

Таъкидлаш керак, мустақиллик йилларида миллий меросимиз – қадриятларимизнинг тикланиши баробарида қўл меҳнати – кустарчилик ва касаначиликка алоҳида эътибор берилиб, махсус фармон ва қарорлар чиқарилмоқдаки, бу жараён мазкур соҳаларнинг ривожланиши билан бирга уларнинг лексикасини махсус режаларда ўрганишга имкон беради.

Умумтилшуносликда XIX асрнинг иккинчи ярмидаёқ, туркологияда, жумладан, ўзбек тилшунослигида XX асрнинг 50 йилларидан бошлаб: 1) тилдан нутқни фарқлаш (126, 125-151); 2) нутқшуносликни фан (услубшунослик) сифатида ўрганиш: нутқ объектини таснифлаш, функционал (вазифавий) турлар (сўзлашув, расмий, илмий, публицистик, бадий)га ажратиш, буларнинг ўзига хос хусусиятлари, мезон – чегараларига доир назарий ва амалий аҳамиятга молик ишлар яратилган (140, 6-41), вазифавий услуб эвфемикаси ҳам қисман тадқиқ қилинган (50; 77; 79).

Бироқ функционал услуб билан узвий бўлган, унинг тараққиётини тезлаштирувчи, таркибини тўлдириб, бойитиб, мукаммаллаштириб турувчи тилнинг профессионал лексик қатламини (лексик инвентаризациясини), шу билан боғлиқ унинг синтактик (нутқий) пландаги воқеланишини ўрганиш

этибордан четда қолган. Бу, бугунги кунда, профессионал нутқ эвфемикасини ўрганишни янада қийинлаштиради. Бошқача айтганда, профессионал лексик қатлам, асосан, лексикологик планда, яъни «касб-хунар лексикаси», «профессионал лексика», «профессионализм» каби терминлар остида луғавий бирлик, пассив ёки диалектал сўз қатлами сифатида баҳоланган. Шу аспектларда номзодлик (14; 19; 36; 57; 86; 106; 120) ва докторлик (46; 2) диссертациялари ёқланган.

Рус тилшунослигида ҳам бу ҳодиса «профессиональное слово», «профессиональное аргю», «профессиональная лексика», «профессиональная идиоматика», «профессиональный жаргон», «профессиональная фразеология», «профессиональный диалект», «языки профессиональные», «языки тайные», «профессиональная речь» терминлари остида талқин қилинган (16, 372-, 534).

Юқоридаги баёндан маълум бўладики, тилшуносликда, аввало, профессионал лексика ва профессионал нутқ тушунчалари мезони – чегараси аниқланган эмас. Профессионал лексика атамаси муайян касб-хунар билан боғлиқ шаклланган, муайян соҳа мутахассислари томонидан тушуниладиган тор доирадаги, қисман, диалектал характердаги лексик қатламдир. Энди шу ўринда бирор касб эгалари, чунончи, чорвадорлар ўз нутқларида **қўй қочириш, тўл, тўла, чоройна, увуз (оғуз), бўчаламоқ, палла, келагай, сузги, кўнарги, томизғи, уютма, оқлик, қўртмоқ, оқизмоқ, ийдирма, энчи, чагана, оғалиқ, қўшоқ, кўкан, куви (куби), тулуп, пишгак, кўтон, кўра, энламоқ, бичмоқ, ахталамоқ, сангач, тувча, тўхли, шишак, дагар, чибич, чув, қўҳак, уйғонмоқ, қочмоқ, тўхтамоқ** каби юзлаб сўз, ибора ва ифодаларни қўллайдиларки, бу нутқни профессионал нутқ дейиш мумкинми деган савол туғилади. Бизнингча, бунда профессионал сўзида бир-бири билан боғланган икки фазали: тор ва кенг тушунча мавжудлигини эътироф этиш керак. **Биринчи ҳолатда** касб эгалари бошқалар қўллай олмайдиган

профессионал лексик воситалардан фойдаланадилар. Нутқ профессионаллик касб этади (касб билан боғлиқ муомала).

Профессионал нутқнинг ўзига хослиги шундаки, профессионаллар нутқида қўлланадиган, биринчи галда, ўзлари ўзаро тушунадиган сўз, термин, атама, идиома, фразема, эвфема, эпитет, метафора, метонимия, диалект, арго, жаргонларга эгалиги бўлиб, бу уни (профессионал нутқни) адабий нутқнинг функционал (вазифавий) турларига зид қилиб қўймайди: функционал нутқ адабий тилга нисбатан марказий, профессионал нутқ ташқи – периферик ўрин эгаллайди. Профессионал нутқ функционал нутқнинг ажралмас қисми сифатида унга синтезлашиб, уни бойитиб, юқорида айтилганидек, тараққиётини тезлаштириб боради. Бундан ташқари, профессионал нутқнинг айрим тармоқлари, ўзига хослиги, профессионаллигидан қатъи назар, адабий тилнинг (функционал нутқнинг) ўрганиш объекти ҳамдир. Масалан, чорвадор нутқини сўзлашув нутқидан, юрист нутқини расмий нутқдан, журналист нутқини публицистик нутқдан ажратиб, конкрет чегара қўйиб ўрганиш қийин.

Профессионал нутқ жамият (саноат, қишлоқ хўжалиги, ишлаб чиқариш, касб ва ҳунармандчилик; фан, санъат, сиёсат, муомала-муносабат кабилар) нинг тараққиёти билан бирга тараққий қилади – кучли тармоқланади (ҳозирги юрист нутқи, дипломатик нутқ, журналист, генеколог нутқлари каби); ёки аксинча, айрим соҳа, ихтисосликнинг инқироzi билан бирга таназзулга юз тутаяди, тил воситалари ҳам аста-секин истеъмолдан чиқиб боради (эгарчилик, маҳсидўзлик, кавшдўзлик, овчилик лексикаси каби).

Англашиладики, профессионал нутқни: 1) тармоқланиши; 2) тармоқларнинг тараққиёт даражаси каби аспектларда таснифлаб ўрганиш мумкин (масаланинг бу томонини тадқиқ қилиш ушбу ишнинг вазифасига кирмайди).

Иккинчи ҳолатда "профессионал" сўзи (термини) касбга эмас, иқтидор ёки маҳоратга нисбатан ҳам қўлланилган. Мутахассис ёки бирор касб-ҳунар

эгаси профессионал маҳоратга эга бўлса, унинг нутқи ҳам профессионал нутқ бўлиш керак.

Профессионаллик деганда, шахсининг касбий нутқ воситалари билимдони бўлиш билан бирга, унинг юксак касбий маҳорат ва иқтидорга эгалиги ҳам англашилади: профессионал артист, профессионал боксчи, профессионал суҳандон каби.

Бунда касбий маҳорат, иқтидор – бирламчи, касбий нутқ иккиламчи, ёки аксинча, бўлиши мумкин. Масалан, артист ҳам касбий нутқ, ҳам касбий маҳорат (иқтидор) нуқтаи назаридан профессионал бўлиши; боксчи иқтидор жиҳатдан профессионал (касбининг устаси) бўлиши, касбий нутқи у қадар бўлмаслиги мумкин. Бироқ бу боксчи касби билан боғлиқ тил воситаларини ёмон билади, деган гап эмас: чунки у билган, эгаллаган профессионал лексик қатламни ёки нутқий ифодаларни бошқа соҳа – касб-ҳунар эгалари билмайди, албатта.

Хуллас, профессионал нутқ ёки нотиклик (тилга нисбатан), профессионал маҳорат (иқтидорга нисбатан) фарқли тушунчалар бўлса-да, улар бир-бири билан боғлиқ, бир-бирини тўлдирувчи ҳодисалардир.

Хулоса қилиб айтганда, 1) профессионал термини: а) нутққа (сўзшунос, суҳандон); б) жисмоний кучга (боксчи, футболчи); в) иқтидор, маҳорат (актёр, мусиқашунос, бастакор) каби соҳаларга нисбатан қўлланса-да, буларни умумий бир ҳолат – касб эгаллашдаги ўзига хос моҳирлик, комиллик, билимдонлик, мутахассислик тушунчалари бирлаштиради. Масалан, чорва ва чорвачилик билан боғлиқ лексик қатламни, шу асосда шаклланган муомала (профессионал нутқ)ни, эвфемик воситаларни бошқа соҳа вакиллари чорвадордек билмагани каби; 2) профессионал нутқ ҳам тил системалилик қонуниятига бўйсинади. У тил лексик қатлами, босқичи (касб-ҳунар, соҳавий лексика) асосида шаклланади; умумийлик (кулл)нинг хусусий (жузъий), сабабиятнинг натижавий тажаллиди, бошқача айтганда, жинсининг тури, инвариантнинг вариантлари сифатида намоён бўлади.

Энди тилнинг профессионал (касбий) лексик қатламини, унинг нутқий хусусиятларини, лингвопоэтикасини, жумладан, эвфемикасини ўрганишни, аввало, чорвадорлар нутқини тадқиқ қилишдан бошлаш илмий ва амалий аҳамиятга молик эканлигини таъкидлаш керак.

Зеро, муаммо тарихи чорвадорлик касб-кори барча касбий соҳаларнинг шаклланишига асос бўлган ёки бевосита ва билвосита таъсир кўрсатган. Буни Т. Турсунова ҳам гиламчилик лексикаси тарихини ёритиш муносабати билан тўқимачилик, гиламбофлик, зардўзлик, маҳси ва кавшдўзлик каби профессионал машғулотларнинг шаклланиши ва ривожига чорвачилик (чорва ва унинг маҳсулотлари) асос бўлганлигини тўғри таъкидлаган (119, 3-17; 120).

О.Т.Ўринова ва Т.Ўриновлар ҳам чорвачилик Ўзбекистон, умуман, Ўрта Осиё аҳолисининг энг қадимий ижтимоий хўжалик шакли бўлганидек, чорвачилик лексикаси ҳам ўзбек тилининг энг қадимий тараққий этган қатлами эканлигини, яъни улар (чорвачилик лексикаси) киши исмлари (антропонимлар), жой номлари (топонимлар), космос жисмлари (астропонимлар), илоҳий тушунча номлари (теонимлар), уруғ номлари (этнонимлар) системаси тараққиётида муҳим роль ўйнаганлигини, булар кенг планда ўрганилиши кераклигини уқтирганлар (148, 176-178).

Чорвадорлар ҳаёти, яшаш тарзи, машғулотлари билан боғлиқ муоамала воситалари, дунёқараши акс этган бадий асарлар, маҳаллий матбуот, радио, телевидение ахборотлари, илмий этнографик манбалар, фольклор асарлари (достон, халқ китоблари, терма, ёр-ёр, алла, мотам-маросим қўшиқлари, мақол-матал, ҳикмат, ҳадис, топишмоқ, латифа, афоризм каби) тили, бахши, ёр-ёрчи, яллачи, аллачи, лапарчи, гўянда, чўпон, баковул, ровийларнинг жонли айтишувлари ва мулоқотларида ишлатиладиган нутқий воситалар; хусусан, Ҳисор ва Кўҳитанг тоғ тизмаларида жойлашган юздан ортиқ кишлоқ чорвадорлари нутқида қўлланадиган (қисман аудио ва видео тасмаларга ёзиб олинган) табу, эвфемик, эвфоник, диафоник

материалларининг таҳлил натижалари, аввало, қуйидаги хулосаларга олиб келади:

1. Ибтидоий даврдан бошлаб, то ҳозиргача инсон ҳаёти ва тамаддуни жараёнида асосий омил бўлиб келган чорвачилик ва унинг асрлар давомида шаклланган, тараққий топган мумтоз лексикаси, муомала воситалари захираси унитилиб бормоқда.

2. Шаҳарлар ривож, қишлоқ ва яйловларнинг кескин қисқариши сабабли қишлоқ хўжалигининг асосий тармоғи бўлган чорвачилик олдинги, қадимий, табиий вазиятини, мавқеини йўқотиб бормоқдаки, бу тадқиқотчини келажакда чорвачилик тарихини, хусусан, чорвадорларнинг мумтоз, шарқона муомала маданияти, тил воситалари кабиларни ўрганишдан узоқлаштиради, ҳатто маҳрум қилади. Бунинг устига профессионал нутқнинг баъзи тармоғи, жумладан, чорвачилик нутқидаги олдинги профессионаллик ҳозирги жадаллашган (техникалашган) адабий тил таъсирида йўқолиб бормоқда.

3. Чорвадор «тили», унинг поэтикаси, табу ва эвфемикаси кенг планда – этнолингвистик, этнографик, этнопсихологик, лингвопсихологик, мифологик аспектларда тадқиқ қилиниши, этимологик, изоҳли луғатлар яратилиши долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Маълумки, **чорва** (10, 37-42) сўзининг маъноси форсча: чор+по – тўрт оёқ, тўрт оёқли; **чорвадор** сўзи эса тўрт оёқлиси бор (-дор – доштан феълидан – **бор**, **эга** маъносида), тўрт оёқлига, яъни чорвага эга шахс. Чорва маъноси кейинчилик кенгайиб, моҳиятлашиб, **хайвон** (71) (арабча – тирик, тириклик), **мол** (арабча – давлат, бойлик), чорва боқувчи шахс эса **чўпон** (форсча: шаб+бон – кечадан асровчи) деб аталган.

Бироқ бугунги тил эгалари, чорвадорларнинг ўзлари ҳам, юқоридаги атамаларнинг маъноларини унутганликларидан, уларни инсонни ҳақоратловчи, камситувчи восита сифатида ҳам қўллайдилар: «Семурғ ёки Паризод ва Бунёд» да Бунёд – «чўпон» сифатида камситилади. Ҳолбуки, мол – скот (юнонча – rescunia) қадимги Римда ҳам халқнинг асосий бойлиги,

товар айрибошлаш воситаси бўлган, кейинчалик пул бирлигининг юзага келишига сабаб бўлган (45, 17).

4. Чорвачилик лексикасини чорва номлари ва атамаларини, чунончи, **хайвон тури** (туя, йилқи, ҳукиз, от, эшак, қўй, эчки, чўчка, кийик, қуён каби); **жинси** (эркак, урғочи, нар-мода (нар-мода кўпроқ паррандаларга нисбатан қўлланилади); лўк, нор-туя, айғир, от-бия, байтал; хўкиз-буқасигир, ғуножин; ҳанги-моча; қўчқор-совлик; така, сарка-эчки; қабон, тўнғиз-мегажин; ғазол-ғазола); **ёши** (бўталоқ, тойлоқ, туя; қулун, тойчоқ, ғунон, дунон, от; бузоқ, тана, жувона, хўкиз; қўзи, сангач, тўхли, тусоқ (дусоғ), дагар, шишак, чори, панжи, ҳанги, манги; улоқ, сангач, чибич, тувча, эчки; чурпи, тўрпи, тўррай, чўчка каби) билан боғлиқ атамаларни билмасдан туриб (129, 81-84; 151, 46-47), унинг табу ва эвфемикасини ўрганиб бўлмайди.

5. Чорвадор нутқи эвфемикаси чорванинг яшаш тарзи: туғилиши, овқатланиши, урчиши, кўпайиши, микдори, маҳсулоти, касалланиши, ўлими, феъл-атвори, инсон ҳаётида тутган ўрни кабилар билан боғлиқ пайдо бўлади, шаклланади. Бунда чорвадорнинг чорвага бўлган муносабати; муомала нутқидаги маданияти, ахлоқ-одоби, анъанавий удумлари, эътиқоди, феъли, дунёқарашини ўрганиш талаб этилади.

6. Чорвадор нутқи эвфемикаси атамаси остида, аввало, чорва номи, чорвачилик касби билан боғлиқ шаклланган эвфемик нутқий муомала назарда тутилади: кенгроқ маънода чорвадор нутқи овчи ёки деҳқон нутқи эвфемикаси билан ҳам узвийлашиб, умумийлашиб кетади. Чунки деҳқон ҳам овчилик ва чорвачилик билан шуғулланади. Бошқа профессионал нутқлар (масалан, юрист, шифокор, журналист каби) эвфемикаси текширилганда ҳам, уларнинг ўзига хослиги (касбий соҳа эканлиги) ҳисобга олиниши керак бўлади. Зотан, профессионал нутқлар ўртасида хитой девори қўйиб бўлмайди. Қолаверса, касбий нутқларнинг ҳаммасининг асоси битта – миллий адабий тил: чорвадор нутқида ҳам ўрни билан юрист, шифокор, журналист нутқида хос эвфемик воситалар ёки, аксинча, юрист нутқида

чорвадор, шифокор, журналист нутқига хос эвфемик воситалар ҳам қўлланади. Бу нутқни профессионаллик нуқтаи назаридан таснифлаб ўрганишга ҳалақит бермайди.

7. Профессионал нутқлар бугунги тилимизда, тараққиёти нуқтаи назаридан, бир хил эмас: баъзилари инқирозга юз тутаётган ёки периферик ҳолатда бўлса, баъзилари умумадабий тилга нисбатан марказий ўрин эгалламоқда (масалан, юрист, журналист, шифокор нутқлари).

8. Чорвачилик ёки, умуман, ҳайвонот олами боғлиқ билан шаклланган профессионал нутқ, унинг эвфемикаси билан муштараклигидан қатъи назар, алоҳида тадқиқот объектига эга бўлиб, у қуйидагича таснифлаб, тадрижий ўрганишга имкон беради:

2.1. Ҳайвон номи ва хусусиятлари билан боғлиқ эвфемик воситалар

Ит. Ит инсон, хусусан, чорвадор ҳаётида катта рол ўйнаганлигидан, қадимдан унинг кўпгина хусусиятлари эвфемалаштирилган. Масалан, **ит хураяпти гапи**, агар оддий хуриш бўлса, кимдир келди; бўлиб-бўлиб зарб билан хурса (хусусан, даштда) бирор йиртқич бор; ғингшиб хурса, бирор газанда, чунончи, илон бор; ерни тирнаб, тепкиниб хурса, бегона ит келган; боғланган бўлса-ю, ер тирнаб ғингшиса, бўшанади маъноларини англатади. **Ит ҳид олиб, жадал ҳаракат қилаяпти** гапи ниманингдир изини топди. Вазиятга қараб: жосус ёки қорадори бор. **Ит улияпти** гапи хонадонда кўнгилсиз воқеа, ҳатто, ўлим бўлиши мумкин. **Ит ағанаяпти** (бу **тери ёяпти** эвфемаси билан ҳам аталади) гапи мол ўлади деган тушунчаларнинг рамзий сигналларидир.

Чорвадорлар итининг ёшини очик айтмайдилар. Бу тушунча **қор босмоқ** ибораси билан эвфемалаштирилади: бир қор босган (иккига кирган), икки қор босган (тўртга кирган) тарзида (чорвадор ит бир йилда икки ёш яшайди деб тушунади). Баъзан итлар сиртлон туёқ билан туғилади ёки куткутак

(«кут-кут» деб чақиришдан олинган)лигида сиртлон туёқ чиқаради. **Сиртлон туёқ** ибораси яхши, зотдор, бўрибосар ит тушунчасига нисбатан эвфемик атама бўлиб, шу билан боғлиқ ит сиртлон номини олади.

Итнинг жинсий алоқага киришишига нисбатан **илиқмоқ** эвфемаси қўлланилади: ит илиқибди, илиққа кетибди каби. Масалан, Товошаримиз илиққа кетган,— деди бош чўпон («Чағониён», 1998, 25 июнь). Инсонга нисбатан кесатиш, мазах маъносида қўлланадиган **илиққа кетган итдай** ибораси ҳам шу билан боғлиқ шаклланган.

Итга бериладиган овқатни чорвадор **хўрак** (тож. хўрдан – емоқ), хўрак ейдиган жойни **ялоқ** (ялашдан) дейди. Ялоқ ерни коса ёки товоқ шаклида қазиб қилинади.

Ит сўзини айтиш баъзан табулаштирилганидан **вафодор** эвфемаси билан аталади: Саройбоннинг йилингиз нима деган саволига сарбон: Вафодор, –деб жавоб берди (М., «Меъмор», 26-б.). Ялоқ муқаддаслаштирилганидан янги тушиб келган келин итни чақириб, ялоққа хўрак қуйиб беради. Бу – шу хонадонга вафодор бўлиб қоламан деган тушунча (байъат)нинг рамзий белгисидир.

Итингга ғамзада жон риштасин расан қилғил (А.Навоий), Адашган ит каби Фурқат, қаён боргум, билолмасман ёки Итлари тирноғига бўлсин хино коним менинг (Фурқат) талқинлари ҳам ана шу жараёнлар билан боғлиқ, албатта.

Узоқ йил посбонлик қилган ит қариб қолганда, унга нисбатан **қари ит, итимиз қариб қолди** дейиш ўрнига **молга эргаша олмайди, молдан қолган, молдан чиқиб кетган** эвфемалари қўлланилади. Ҳаттоки, Бойсун туманида ит қопиб касалланган беморлар даволанадиган «Куфакато» номли зиёратгоҳ ҳам бор.

Итлар, одатда, хусусиятлари ва ташқи белгиларига қараб **қоплон, йўлбарс, тўрткўз, бўйноқ, олапар, бўрибосар** (ит сўзига нисбатан) эвфемик эпитетлар билан аталади: Қўрага бўрибосар пойлоқчилик қилиб қолди (Т.М.,

«Ойдинда юрган одамлар», 143-б.). Олапар сиртлон туёқ зотидан эди (Н.Эргашев, «Ўзанбий авлодлари», 6-б.). Кутилмаганда тўрткўз бошини кўтариб ириллади (П.Қод., «Қора кўзлар», 95-б.).

Сўзлашув, жумладан, чорвадорлар нутқида қўлланадиган **адашган** (улоққан, дайди) **итдай, ит кунини бошига солмоқ, ит кунини кўрмоқ, ит азобини тортмоқ** каби ибораларни, булар орқали англашиладиган хор-зорлик, беватанлик, ҳақоратланмоқ, хўрланмоқ каби тушунчаларга нисбатан эвфемик восита дейиш қийин. Чунки бунда ит тушунчасининг салбий қирраси англашилиб туради. Бироқ **ит ётиш мирза туриш, яхши ит ўлигини кўрсатмайди** иборалари хор-зор яшамок ва ақлли одамлар бошқаларга дардисар бўлмайди тушунчаларига нисбатан юмшоқ ифодалардир.

Бўри. Бўри турли жойларда турлича: **оққулоқ, кўктака, жондор, қабишқир** (қапишсин маъносида), **қаришқул, итқуш, қора, «эга»** (кесатик) каби эвфемик номлар билан аталади.

Яйловда, хусусан, кечаси бўри кўтон ёки қўрага келади. Мана шу вазият, яъни кўйга бўри келибди, шу атрофда бўри бор гаплари **итлар чапаланаяпти, қаттиқ-қаттиқ хуришаяпти, итлар қора кўргандай, қора айланаяпти, жондор айланаяпти, кўйлар хуркияпти, безовта бўлаяпти, пирқиллашаяпти**; сурувга бўри келибди, оралаяпти гапи **сурувга жондор дорибди, жондор чопибди, жондор оралабди**; бўри кўйни ебди, бўри олибди тушунчаси **ғажир айланаяпти, ғажир ташланаяпти** ёки **емтиги** (емтик – молнинг бўри егандан кейин қолгани – қолдик) **топилибди** каби эвфемик воситалар орқали англашилади: Қидирган кўйимиз «эгаси»нинг кўлига тушибди («Бойсун тонги»дан) гапининг эвфемаси: а) бўри ебди; б) ўғри олибди маъноларида қўлланилади. Бу йил Боботоғда кўк така кўпайган, бир кечада бешта молни олибди (чўпон оғзидан).

Бўри келиши мумкин бўлган қулай – пастқам жой **чобит** (чопмоқдан) дейилади. **Чобитини олинг, чобитига эҳтиёт бўлинг** гаплари бўри келишига йўл қўйманг, бўри келадиган йўлни тўсинг тушунчаларининг эвфемасидир.

Айиқ. Айиқ номи қадимдан барча халқларда ҳам тўғридан-тўғри тилга олиनावермаган. У русларда **ўрмон хўжайини (эгаси, ҳокими), асалхўр** (мёдаед > медвед); ўзбекларда **полвон, маймоқ, пахмоқ, у, ўша** каби эвфемалар билан аталган: Тоғда қийналмадими? – Йўғ-э, фақат бир марта полвон кўрқитибди. Полвон кўрқитибди дедингми? – Айиқ-да. Э, тоғда кўп ҳайвонларни ўз номи билан аташмайди-я, ирим қилишади. Бўрини ҳам бўри дейишмайди. – Жондор дейишади (Ш.Х., «Сўнгги бекат», 168-б.). Майли, ака, борсинлар, – деди Хулкар Ортиққа – ўша Маймоқ мени ҳам хавотирлантира бериб жонимга тегди. Сен уни бугун ўйлама,– деди Аваз. Бугун қорни тўқ, бу ёқларга келмайди, Аваз ерга чўккалаб: Мана, изи бор деб шивирлади... Шу изга қараганда у инига томон ўтиб кетган. Бузоқни кўтариб кетган ҳам ўша (П.Қод., «Қора кўзлар», 218-, 96-б.).

Баъзан айиқнинг эвфемик атамаси ҳам қўлланилмайди. Гап айиқ ҳақида кетаётганлиги матндан, вазиятдан англашилиб туради: Хулкар кўзлари жавдираб Авазга қаради-ю: бирда эмас, бирда сизга дуч келса-я... деди (П.Қод., «Қора кўзлар», 96-б.).

От (129, 81-84; 151, 46-47) инсон ҳаётида энг эъзозли ҳайвон бўлганлигидан, унинг яшаш тарзи, хусусиятлари билан боғлиқ бой ва хилма-хил тасвирлар, эвфемик воситалар шаклланган.

Масалан, чорвадор нутқида, кўпинча, байтал туғибди гапи **бия болалабди, қулунлабди**; қулуни – катта, бўлимли, соғлом (кўзикишга яқин сўзлар) гапи **тойчоғи дуркингина**; бу отни миниб бўлмайди, минса йиқитади гапи **носаро, асов**; от касал бўлибди гапи **тўрва олмаяпти, ем емаяпти**; ёпилдириғи ёпилмабди, совуқда қолиб кетибди гапи **от соқовланибди**; тупроқ аралаш ем ебди гапи **тупроқлабди**; оғзи ёки бурнидан қон келаяпти гапи **шуллуқ (зулуқ)лабди**; тентак бўлибди гапи

ёмонлабди; оқсабди, чўлоқ бўлибди гапи **якамсибди**; от туёғини тош урқабди, тош ебди, тош урибди ёки музда юролмайдди, тойиб йиқилади гаплари **тақа (наъл)латинг**; оғзи яра бўлибди, қирқилибди, бичилибди гапи **от сувлиқ чайнабди**; яғир бўлибди гапи **кўп минилибди, эгар урибди**; оғир юк ортилибди гапи **зўриқибди, кўзикибди**; суқланибди гапи **пешонасига тумор** ёки **туғдона тақинг**; уйғонибди, бияталаб бўлибди гапи **узоқларга қараб чўзиб-чўзиб кишнаяпти**; оч, ем берилмаган гапи **от «ҳиҳилаяпти»**; яқин атрофда йиртқич ёки бирор газанда бор тушунчаси **от ер тепиб пирқиллаяпти**; тишланғич, тепағон, асов тушунчаси **от баллақам (бадлақаб), олдига борманг, орқасидан ўтманг**; от боқувга олинган тушунчаси – **таблада (тобланмоқда)**; боқувдан чиққан отни бирданига кўпкари ёки пойгага кўшиб бўлмайдди гапи **совутилмаган** (совутишнинг махсус усуллари бор), **қотирилмаган, қашинтирилмаган**; от олиб қочибди, йиқитибди гаплари **шабохун (шабоқун) олибди**; насл олмоқ тушунчаси ўрнида **уюрга қўямиз**; эгар олдинга кетмасин гапи **қуюшқон солинг**; эгар оғмасин, минган йиқилмасин гапи **пуштанни қаттиқ тортинг – тўғаматўғам қилинг**; от тутқич бермайдди, олиб қочади, йиқитади гаплари **жиловига эҳтиёт бўлинг, жилови қаттиқ, сувлиқ солинг, эгарлаб мининг**; отни урма, азоблама гаплари **қамчилама, қамчи тортма, қамчи кўтарма**; отни кўпикка ботирибсан, терга ботирибсан гаплари **чарчатибсан, зўрлабсан**; отни минишни билмайсан гапи **отни тобгардон** (бўйинини қайтармоқдан) **қилибсан, баллақам қилибсан**; отнинг деви, париси бор гапи **нолийди**; отнинг ажинаси бор гапи **жолу думини ешиб кетибди**; йўрға от тушунчаси **минсанг сувдай оқади, боғичи қимирламайдди**; боқувдан (табладан) чиққан тушунчаси **сағриси тошган, ёли қулоғидан ошган, юлдузни кўзлайди** каби эвфемалаштирилган эпитетлар орқали ифодаланади. Бойчиборим сувдай оққан йўрға бўлар («Алпомиш», 175-б.). Чопарлар келиб-кетгандан кейин табладаги от, сағриси тошиб, ёли қулоғидан ошиб, юлдузни кўзлаб, паракқос байлаб ўйнайверди («Алпомиш», 112-б.).

Қадимдан отларга (болага ном қўйилганидек) **Бурок** (илоҳий от), **Дулдул, Гирот, Гиркўк, Тарлон, Жийрон, Саман, Бойчибор, Тўрик, Қорабайир, Тулпор, Бедов, Қашқа, Оқёл, Чавкар, Учқур, Кўкдўнан, Қўшқанот, Қорабахмал** каби ўнлаб тавсифий-эвфемик номлар берилган: Бойчиборга қамчи чатди, Қўшқанотнинг қўйруғини сўздирса, Бобохондан пойга қўйиб ўздирса; Ўлжа қилиб миниб кепсан, Чавкар кўк, Ғарибликда минганларга кўнгил тўқ («Алпомиш», 163-, 110-, 166-б.).

Асл тулпор туёғидан тойриларму?

Мард йигит тўғри йўлдан қайриларму? (Т.Сулаймон).

Тома берса тошларни ҳам тешар томчи,

Яхши бедов баданига тегмас қамчи (Ёдгор бахши).

Одатда отда меҳмонга борилганда, суворий отини тўхтатиши билан мезбон унинг олдига чиқиши, у тушиб бўлгунча жиловидан ушлаб туриши керак. Акс ҳолда меҳмон камситилган, ҳурматсизлик, ҳатто ҳақоратланган ҳисобланади: Бийлар ҳам тўйга келди, тўйдаги катталар иззат қилиб отини ушламади, кўнглини хушламади («Алпомиш», 67-б.). **Отни ёки жиловни ушламаслик** тушунчаси олдига чиқмаслик ва итни ушламаслик тушунчаларига синонимдир. **Отини ушламади, итини ушламади** (ёки **итини тур демади**) гапларининг тагида ҳурматсизлик тушунчаси мавжуд.

Жилов тортмоқ ибораси отни ҳаракатдан тўхтатиш (Суворийлар ўтовдан анча берида отнинг жиловини тортишди (Н.Эргашев, «Ўзанбий авлодлари», 44-б.))дан ташқари, келмай қўймоқ, муносабатни узмоқ тушунчаларининг ҳам эвфемасидир.

Таъкидлаш керакки, қадим замонлардан бери инсоннинг узоғини яқин, оғирини енгил қилган, дўсти, ҳамроҳи, давлати, савлати бўлиб келган, дoston ва романларда севимли тимсол даражасига кўтарилган, ҳатто идеаллаштирилган (тотемлаштирилган) от шўро даврида инқирозга юз тутди. Сағрисиға муҳр босилиб, урушларга олинди, отилди, сўйилди, айрим ноёб ва зотдор турлари йўқотиб юборилди. Тоғай Муроднинг: Биродарлар неча-неча

Қорабайирлар кетига қараб-қараб кетди. Неча-неча жийронлар кишнаб-кишнаб кетди. Неча-неча Саманлар гўшт бўлиб кетди. Қишлоқда от кишнамай қолди. Сахарларда, кўчаларда от туёқлари тиккилламай қолди. Келинлар отда эмас, машинада келадиган бўлди. Қишлоқда от номи ўчди («От кишнаган оқшом», 146-б.) деган гаплари собиқ совет ҳукумати отларни кириб ташлади, йўқотди тушунчаларининг эвфемик матнидир.

Чорвадорлар нутқида **зоти паст, нодон, ношуд, бўлмас, камбағал** каби тушунчаларга нисбатан **отаси от минмаган, отаси от кўрмаган, от минмаган жинқарчиғай, от минмаган чопачопа ўлдирар, от минмаган чобағон (чавандоз)га иш тушмасин, бедов минмай бел боғлаган, қўли қамчи кўрмаган (ушламаган), оёғи узанги (шевада изангги) кўрмаган, оёғи узангига етмаган, қўйнига ярим нон кетмаган** каби эвфемик воситалар қўлланилади.

От лексемаси нутқда реаллашиб, одамларнинг социал табақасига ҳам ишора қилади: Сиз айтган нарса мен каби эшаклини-ку қўйинг, ҳатто отликқа ҳам топилмайди («Чағониён», 2000, 15 янв.) гапида эшакли – камбағал, отлик – бой тушунчаларининг эвфемик ифодасидир.

Умуман, кўпгина ҳайвонлар, жумладан, от инсоннинг жисмоний ҳамроҳигина эмас, унинг маънавий – руҳий қувватланиш воситаси сифатида ҳам талқин қилинган.

Шуни ҳам айтиш керакки, йил (тарих)ни ҳисоблаш зарурияти 12 бурж (ой)га 12 ҳайвон номининг берилиши, шу билан боғлиқ ҳайвон номларининг инсон мучалига айланиши муносабати билан шаклланган ўзига хос эвфемик воситалар ҳам мавжуд. Чорвадор аҳолиси нутқида мучал сўралганда, менинг йилим чўчка ёки мен – чўчка, мен – ит дейиш ўрнида кўпинча, унинг форсий номи (бу нисбатан эвфемиклашган) айтилади (муш, бақар, паланг, харгуш, наҳанг, мор, асп, гусфанд, ҳамдуна, мурғ, сағ, хук). Баъзан сўзлашувда **ит** ўрнида **вафодор; чўчка** ўрнида **оқ айик; йўлбарс (қоплон)** ўрнида **полвон**

(олапўстин); илон ўрнида хазинабон; қўй ўрнида давлат, жаннатий; хўкиз (сигир) ўрнида меҳнаткаш каби эвфемиклашган сўзлар ҳам қўлланилади.

Баъзан инсонга унинг мучали (хайвон) нисбат берилиб қўлланилади: Унинг йили – чўчка-да! Унинг йили – ит-да ёки илон-да! тарзида. Бунда эвфемик нутқ эмас, аксинча, дисфемик нутқ шаклланади – қўпол, нохуш тушунчалар ифодаланади.

Шунингдек, чорвадор муомаласида мен унинг кимлигини (сиру асрори, нималарга қодир-қодир эмаслиги, қўлидан иш келмаслиги, ҳеч қаёққа қочиб кутила олмаслиги, келажаги йўқлиги кабиларни) биламан ўрнида **мен унинг йилини** (мучалини) **ўгириб қўйганман** эвфемик ибораси фаол қўлланилади.

Мучал номлари ўзига хос пайров яратилишига ҳам сабаб бўлади:

- Мучалингиз (йилингиз) нима?
- Сигир (ёки хўкиз).
- Сизники-чи?
- Мен – беда.
- Э, беда деган ҳам йил бўладими?
- Бўлмаса-чи, ахир беда бўлмаса, қўй нимани ейди... каби.

Жамила Сайфиддинова ветеринария касби энг қадимий касб эканлиги, ҳатто, буюк Арасту шогирди македониялик Искандарга атаб, «Рисолаи дар шинохтани аспҳо» («Отларни танлаш ҳақида рисола»), Муҳаммад ибн ал-Ҳасаний «Рисолаи асп» китобларини ёзганлиги, Убайдуллахонга атаб ёзилган (муаллифи номаълум) 15 бобдан иборат отлар ҳақида китоб қўлёзмалар институтида сақланаётганлиги, бунда отларнинг тарихи, тотемлаштирилганлиги, тавсифи, тури, жинси, унга инсон муносабати, касалликлари (санчик, шамоллаш, хориш, қўтир кабилар), уларни даволаш усуллари, шу билан боғлиқ қўлланадиган ифода воситалар бугунги кун учун ҳам қимматли эканлиги ҳақида фикрлар баён этган (98, 53-55). Шу билан боғлиқ фикрлар Хадича Файзиеванинг ишларида ҳам мавжуд (129, 81-84).

Чорва номлари уларнинг фаолияти билан боғлиқ ҳолда эвфемалаштирилади: Қариб қолдим. Энди пиёда юролмайман. Қўшни қишлоққа бориб келай десам, яхшигина уловим (қўлигим) ҳам йўқ (сўзлашувдан) – **отим йўқ, эшагим йўқ** маъносида.

Ҳатто "машина" тушунчасига нисбатан **улов, қўлик** сўзлари эвфемик восита сифатида ишлатилмоқда: Худога шукур, фермерликнинг орқасидан уловли (қўликли) ҳам бўлдик (машина олдик маъносида – вазифавий қўчим),– деди оқсоқол («Чағониён», 2003, 5 июн). Шахсий овтоулов эгалари диққатига! («ДАН хабарлари»дан).

Маълумки, хирмон бир-бирига боғланган (маталган) 5-10 та хўккиз (от, эшак) лар орқали янчилади. Хирмон янчиш воситаси отлар, эшаклар, туялар, хўккизлар бўлса ҳам, **«галагов»** (хўккизлар галаси) деб аталган. **Галагов қўшмоқ** ибораси хўккиз қўшмоқ, от қўшмоқ, туя қўшмоқ, эшак қўшмоққа нисбатан юмшоқдир. Хусусан, **галагов қўшмоқ** ибораси ўрнида **оёқ қўшмоқ** (синекдохавий қўчим) ибораси қўлланиладики, бунинг хўккиз қўшмоқ, эшак қўшмоқ... ёки галаговга нисбатан эвфемалиги янада аниқ сезилиб туради: Мана, хирмонга ҳам оёқ қўшдик, ёғин-сочин бошланмай, йиғиштириб (янчиб) олайлик. Лекин оёқ камроқ, оёқни қўпайтиришимиз керак (сўзлашувдан). **Галаговчи** сўзи ҳам от ҳайдовчи, эшак ҳайдовчи, хўкиз ҳайдовчи ибораларига нисбатан юмшоқ. Галаговчи томонидан айтиладиган қўшиқларда ҳам («майда-майда» қўшиғи) эвфемик ифода мавжуд:

Майда-ё, майда-ё, майда-ё, майда,

Дони менга, сомони сенга фойда матни аслда: донини мен ейман, сомонини сен ейсан тушунчаларининг эвфемик воситасидир.

Қўш ҳайдамоқ ибораси ҳам **от ҳайдамоқ, хўкиз ҳайдамоқ, эшак ҳайдамоқ** ибораларига нисбатан юмшоқ. **Қўшдан чиққан** гапи эса **ярамай қолган, қариб қолган, чарчаб қолган, юролмай қолган** (хўкиз, от, эшак) тушунчаларига нисбатан эвфемик ифодадир.

2.2. Чорва билан «мулоқот» эвфемияси

Инсон мавжудотнинг узвий қисми эканлигидан, жумладан, ҳайвонот олами билан муайян «мулоқот»да бўлган. Ҳаттоки, ривоятларда ҳайвонлар «тил»га киради, тоғу тошлардан садо эшитилади, инсон билан «муомала» қилади ва б. Бу жараёнлар инсон истак – эҳтиёжи маҳсули, албатта.

Инсон ҳайвонот олами товушига қиёсан тақлидий (**маърамоқ, бўкирмоқ, кишнамоқ, ханграмоқ, хурмоқ, увилламоқ, улимоқ, хур-хурламоқ, миёвламоқ, кукуламоқ, қағилламоқ** каби) сўзларнигина эмас, шу билан бирга, ҳайвонлар билан бўладиган «мулоқот» воситаларини ҳам яратган. Бу воситалар қадимдан кўпгина олимлар эътиборини тортган бўлса-да (56, 188; 127, 9), бироқ бу масалага доир махсус тадқиқот кўзга ташланмайди. Бу – ҳайвон билан «мулоқот» воситалари эвфемикасини ўрганишни янада қийинлаштиради.

Маълумки, чорва ҳаракати инсон томонидан бошқарилади: ётган ҳайвон турғизилади, ҳайдалади, ҳаракатга келтирилади, ҳаракатдан тўхтатилади, озиқлантирилади, ишлатилади, сувланади, маҳсулот олинади, минилади ва ҳоказо. Мана шу жараёнлар учун қўлланадиган муайян «мулоқот» воситалари ва уларнинг эвфемик ифодалари мавжуд. Масалан, тинч ҳолатдаги мол кўтон ёки кўрадан ҳайдалаётганда (кўзгатилаётганда, хусусан кечаси), одатда бақириб-чақириб, таёқ кўрсатиб, ўқталиб, уриб-туртиб эмас, ҳар хил баланд-паст, нозик, юмшоқ, муסיқавий эвфемик оҳангдаги **хуштаклар** (буларни ёзувда ифодалаб бўлмайди), **чу, гув, чух, хуш, хушт, хайт** каби майин, беозор паст оҳангдаги ундовлар ёки **саркани кўзгатиш, турғизиш** орқали ҳаракатга келтирилади.

Молни маълум томонга бошқариш ёки қайтаришда қўй бўлса – **қўш**; эчки бўлса – **ча, чиг, чиги**; ҳўкиз, сигир бўлса – **бош** дейилади. Бошқача айтганда, қўйга – **ча**, эчкига – **қўш**, ҳўкиз, сигирга – **чиги** дейиш ғайритабиий – кулгили ҳол. Чунончи:

Эчки боқдим ча-чалаб,
 Йўлга солдим кечалаб,
 Хурмачада сутинг бор,
 Борай десам қўймайди,

Алабўйноқ итинг бор (Ошиқ чўпон қўшиғидан) – куплетиди "**ча-чалаб**" эчки ҳаракати билан боғлиқ қўлланган. Ёки "ча" дейишга эчкиси, "қўш" дейишга қўйи, "бош" дейишга моли, "ма-а" дейишга маҳаги йўк (молсиз, камбағал тушунчасининг эвфемик ифодаси) иборасида ҳам **ча, қўш, бош, ма-а** ундовлари фарқли қўлланган.

От, ҳўкиз, сигирни ҳайдашда, ҳаракатга келтиришда **чу, чув, чух** ундовлари қўлланилади. Отни тўхтатишда эса **дирр, тирр, турр, так, тек, так-так, тек-тек**, тил учининг танглайга такрорий тегишидан ҳосил бўладиган, график восита орқали ифодалаб бўлмайдиган (143, 14-16) ҳар хилдаги ритмик сигналлар қўлланилади. От ёки қўйни маълум масофадан туриб чақиришда (тузьялоққа, емга ёки йўқолиб, адашиб қолган бўлса) **курр-ей, кур-ей! туф-ей, туф-ей!**, эчки-улоқни чақиришда **чиги-и! чиги-и!** (урғу охирги бўғинда чўзиқ), от сувланаётганда, **моо-моо, моох-моох, хоовв-хоовв** ёки **нозик, майин оҳангдаги ҳуштак** (ёзувда ифодаланмайди) каби воситалар қўлланилади. Туяни чўктиришда **чўк-чўк, чих-чих**; эшакни ҳаракатга келтиришда **хих! хи! их!**, тўхтатишда **ишш, ушш, юшш**; чақиришда **беҳ-беҳ**; итни чақиришда **баҳ-баҳ** ёки **ҳуштак воситасида**, ҳайдашда **тур, кет, тур-кет**, йиртқич ёки душманга йўналтиришда **ол, киш, ол-киш**, кучукни чақиришда **кут-кут** (куткутак шундан олинган), **кут-кут-кут** (бунда юқоридан пасайиб боровчи юмшоқ оҳанг бор), ҳайдашда **чип, чипи** эвфемик воситалари қўлланилади.

Тинч мол (сурув, отар) бирор хавф-хатар муносабати билан ҳуркканда (мол ҳуркди гапи бўри келган, хавф бор тушунчасининг эвфемик сигнали), юмшоқ, чўзиқ оҳангда такрорлаб айтиладиган **ҳайт-ҳайт, ҳейт-ҳейт** ундовлари орқали тинчлантирилади.

Бундан ташқари, ҳайвонот олами инсон билан эвфоник товушлар – най, сибизға (сибизик, сибиздик), дўмбира наволари орқали ҳам боғланади. Ҳайвоннинг бундай наволарга қулоқ солиши, тўхтаб қолиши ҳатто йиғлашига доир маълумотлар бор.

Темур ғорига кирган экспедиция аъзоларининг қаттиқ ёки бақириб-чақириб гапиришлари ман этилиши, акс ҳолда ғор тепасидан тош кўчиши уқтириладики (фильм шарҳловчиси нутқидан), бу инсон овозининг (умуман товушнинг) фақат инсонга эмас, табиатга ҳам нақадар аустрес (ижобий) ёки дистрес (салбий) таъсир қилишидан далолатдир.

2.3. Чорванинг урчиши билан боғлиқ эвфемик воситалар

Ҳайвоннинг жуфтлашишга тайёргарлиги ва унга бўлган майлини англатишга **уйғонибди, куйикибди, айғирталаб** (бия, байтал), **буқаталаб** (сигир), **хангиталаб** (моча), **такаталаб** (эчки), **қўчқорталаб** (совлиқ) **бўлибди; илиқибди** (ит), **мов бўлибди** (мушук); **жуфтлашганлик, алоқа қилганлик** тушунчасига нисбатан **айғирга кетган, буқага кетган, қўчқорга кетган, такага кетган; жуфтлашиш натижаси** билан боғлиқ тушунча (бўғоз)га нисбатан **тўхтаган-тўхтамаган, қочган-қочмаган** эвфемалари қўлланилади. **Қўйқочириш** (қўйларни сунъий уруғлантириш учун махсус жой) атамаси ҳам шу тушунча билан боғлиқ. Ҳайвонларни қочириш одатда маълум тартибда, мавсумий бўлиб, эркак ҳайвонлар сурувдан ажратиб олинади (насл олиш учун), махсус боқилиб белгиланган муддатда сурувга (урғочисига) қўйиб юборилади. Шу муносабат билан **қўчқор қўймоқ, така қўймоқ** каби эвфемик иборалар пайдо бўлган: Норбой отанинг сурувида эгиз туғадиган совлиқлардан уч-тўрттаси ўтган йили ёзда ночорлик қилиб, қисир қолган, кейин уларга ем бериб, куюктирадиган дори едириб, қишда қочиришган эди (П.Қод., «Қора кўзлар», 11-б.) гапида **қисир** сўзи туғмаганлик, **куюккан** сўзи қўчқорталаб бўлган, **қочган – қўчқорга**

кетган иборалари жинсий алоқа қилган тушунчаларининг эвфемик ифодасидир.

Чорвага нисбатан **жинсий алоқа** тушунчаси ўрнига **тўхтатмоқ, қочирмоқ, ирғимоқ**; қўчқорга нисбатан **тўхтатибди, қочирибди, ирғибди**, совлиққа нисбатан **қочибди, совибди, тўхтабди** эвфемалари қўлланилади. Ҳайвоннинг жуфтлашиши билан боғлиқ **кўҳак** (тож.: **кўҳ** ва **-ак** – тоғча: қўчқор ёки таканинг вақтидан олдин жуфтлашишдан сақловчи, махсус материалдан тайёрланиб, қўчқор (така)нинг тўшига, қорнига тақиб қўйиладиган тўсиқ) ёки **кўҳак тақмоқ** символик эвфемаси така, қўчқорлар вақтидан олдин уйғониб, қўшилиб қўяди, қўзилар бевақт, масалан, қишда туғилиб ўлиб кетади тушунчаларининг ўрнида қўлланилади.

Ҳайвонга нисбатан ҳам **ичида боласи бор, ичида боласи йўқ** ёки **туғади, туғмайди** гаплари ўрнида **бўғоз** ва **қисир** (бўғоз қўй, бўғоз эчки; қисир қўй, қисир эчки каби) ёки **қорни бор, қорни йўқ, қорин қўйибди, қорни катта, елини бор, елин солибди, елини билиниб қолибди, елини йўқ** эвфемалари қўлланилади. Ҳайвон қорнида бола (ҳомила) бор ёки йўқлигини билмоқ учун мол ушлаб, пайпаслаб кўрилгач, унинг туғмаслиги – қисирлиги ҳақидаги хулоса **«обласи йўқ»** эвфемик ибораси билан тасдиқланади (**обла** – тожикча **сув, суюқлик** бўлиб, уруғ, сперма, нутфа, алақ маъноларида).

Қўй (эчки, сигир) **чала туғибди, боласи ўлибди** гаплари ўрнида **бола ташлабди, чала ташлабди** эвфемаси қўлланилади.

Туғмоқ сўзи ўрнида туркий халқлар чорвадорлари нуткида **тўл** (29) **тушмоқ** (**тўл** – тўлмоқ, кўпаймоқ маъносида) эвфемаси қўлланилган: **тўл кечикди, тўл тушди, тўл бошланди, тўл давом этмоқда, тўл вақти, тўл тушиб бўлди, тўл томом бўлди** каби. Масалан, Бу йилги тўл томом бўлди. Ишқилиб эгамнинг ўзи кам қилмасин. Қўй-эчкиларнинг тўли авжида, эгизаклар ҳам кўп, ҳатто учамлар ҳам бор (уч қўзи ёки улоқ туғилса – **учам** дейилади) (Х.Холмўминов, «Кўкламнинг бир куни», 4-б.).

Тўл эвфемаси замирида улоқ, қўзи тушунчаси ҳам мавжуд. Чунончи, бу йил **тўл ололмадик** эвфемаси орқали **улоқ, қўзи... лар ўлиб кетди, қирилиб кетди** мазмунини англашилади. Худди шу вазифада **тўламиз қуриб қолди** метонимик эвфемаси ҳам қўлланади. **Тўла** атамаси даштда улоқ, қўзи, бузоқлорни, яъни тўлни сақлаш учун ерни қазиб тайёрланган махсус жой – ертўла (ертўла ҳам тўладан келиб чиққан). Демак, тўла (ертўла)си қуриди – унда сақланган ҳайвонлар ҳалокати: метонимик кўчим.

Баъзан услубий талаб билан ҳайвонга нисбатан ҳам **туғмоқ** ўрнида **кўз ёримок** эвфемаси қўлланилади: Орадан беш кун ўтиб кампир ўша кийикни ўт чимдиб юрганида кўради. Энди у ёлғиз эмасди. Ҳа, жонивор, кўз ёрибсан-ку, дейди пичирлаб (С.Аҳм., «Жимжитлик», 68-б.). Шўро даври тилшунослигида туркий халқлар чорвадорларининг азалий атамаси бўлмиш **тўл, тўл тушмоқ** эвфемаси «**қўзилатиш компанияси**» атамаси билан алмаштирилдики, бунда: 1) «тўл» тушунчаси «компания» тушунчасига сиғмайди; 2) минглаб қўйларни ҳеч ким қўзилатмайди – ўзи қўзилайди; 3) қўзилатиш деганда фақат қўйлар тушунилади. Агар «қўзилатиш компанияси» атамаси тўғри дейиладиган бўлса, у ҳолда улоқлатиш, бузоқлатиш, бўталоқлаштириш, қулунлаштириш, чурпалатиш (чўчқа), хўтиклатиш (эшак), кучуклатиш (ит) атамаларини ҳам қўллаш керак бўлади.

Ҳайвоннинг туғиши яқинлашиб қолганда, одатда, бир соат, ярим соат ичида ёки ҳа демай туғади дейилмайди. Бундай ҳолатда кўпинча қўй бўлса, **ётоқчилаяпти**, эчки бўлса, **бўчалааяпти**, безовталанаяпти ёки **чор ойнаси оқаяпти**, **болалайди** дейилади. Мол бачадонида ёки уруғдонида пайдо бўлган насл (ҳомила) бирор сабаб билан нобуд бўлганлиги **оқизмоқ** (қўй оқизибди, сигир оқизибди каби) эвфемик воситаси орқали англантилади: Бўғоз мол зўриқса, оқизади ёки бола ташлайди (чорвадор нутқидан).

Қўй, эчки... туғибди гапи ўрнида **қўй, эчки... болалабди; қўй, эчки... нечта туғибди** сўроғига (битта, иккита, учта туғибди ўрнида) **ялқи** (ёлғиз сўзидан), **эгиз** (икки сўзидан), **учам** (уч сўзидан) эвфемалари билан жавоб

беради. **Юз қўй бир юз йигирма қўзи туғди** гапи ўрнида **юз қўйдан бир юз йигирма қўзи олдик** эвфемаси қўлланилади.

Мол болалагандан кейин бола ўралган қобик (модда) ҳам чиқади ва маълум муддатдан кейин тушади. Мана шу модда **чув** (чувалмоқ феълидан; инсонга нисбатан – **йўлдош, эш**) эвфемаси билан аталади: **чуви чикди, чуви тушди, чув ташлади** каби. Масалан, Абдушукур қўйнинг чувини пуфлаб унга сутини соғиб олди (Х.Холмўминов, «Кўкламнинг бир куни», 4-б.).

Чув сўзининг бирламчи реал маъноси унинг кўчма маънолари (чуви чикмоқ, чув ташламоқ, чуви тушмоқ каби)нинг шаклланишига асос бўлган.

Қиш кечаларида туғиладиган қўзи, улоқлар музлаб ёки моллар босиб ўлиши хавфи борлигидан, улардан чўпонлар хабар олиб турадилар. Бунда чўпон қоронғуда ҳеч нарсани кўрмаса-да, қўй, эчки, сигир туғаётганини билади ва **туғаяпти** дейиш ўрнида **кучанаяпти** эвфемасини қўллайди. Туққанлигини қўй, эчкининг калта-калта, паст овозда иқранишидан билади. Бунда **туғибди** ўрнида **икранаяпти** эвфемаси қўлланилади. Мол одатда боласи устидаги хўлни (чор ойнани) оёққа тургунча ялаб қуритади. Бу жараён **қўй, эчки, сигир боласини қуришибди, оёқлантирибди** эвфемаси билан хабар беради. Туғилган **қўзи, улоқ, бузоқ ўлади** тушунчаси **эмолмаяпти, тили оғзидан чиқиб қолибди, бурни совуб қолибди, муздай ёки чала туғилибди** эвфемик иборалари билан англатилади.

2.4. Чорва маҳсулотлари билан боғлиқ эвфемик воситалар

Қадимдан чорва ва унинг маҳсулотлари инсон ҳаётининг асоси бўлганлиги учун муқаддаслаштирилган. Маҳсулотларнинг номи (ҳар хил ирим-сиримлар билан боғлиқ тилга олиनावеришдан тийилган – табулаштирилган. Масалан, **сут, қатик, қаймоқ, увуз (оғуз), келагай** атамалари **оқ, оқлик, оғарсин (оқарсин)** эвфемалари билан аталган. Ҳозир ҳам шундай: шукур, оққа етдик; оғзимиз оққа етди, оғзимиз оққа тегди эвфемик иборалари чорвадорнинг энг эъзозли гапларидир. Мисоллар:

Оғзимиз оққа текканда, сигиримизнинг бузоғи ўлиб қолса бўладими («Муштум», 1999, № 6-, 17-б.). Агар бўлса оқлигинг, билинмайди йўқлигинг (мақол). Ким қаҳратон қишда бола-чақаси оғзидаги оқини бериб қўяди (Т.М., «Ойдинда юрган одамлар», 378-б.). Бирор иш билан келганмидингиз? – Қатикқа уста эмишсиз, оқлик демоқчи эдим. – Оқлик керак бўлса, чодирдан олиб кета қолинг,– деди Хулкар (П.Қод., «Қора кўзлар», 92-б.).

Сут, қатик маъносидаги **оқ** лексемаси идиш лексемаси билан метонимик боғланиб, **бой бўлди** (косаси оқарди), **камбағал бўлди** (косаси оқармади) тушунчаларининг эвфемик воситаси бўлиб хизмат қилади: Узоқ йиллар ўзи азоб бериб, косасини оқартирмаган (Т.М., «Ойдинда юрган одамлар», 193-б.).

Чорвадорлар **оқлигингиз, сут-қатиғингиз** борми деган сўровга йўқ дейиш ўрнида **қўй, эчкиларимиз сутини тортган, қуритган, улоқ кўзилар оналарига қўшилган ёки сигирни сотганмиз, хурма сувга ташланган, кадилар йиғиштирилган** каби эвфемик жавоблар беришади: Жўрттага кимиз (рамзий, муҳаббат тасдиғи маъносида) сўраб турган Кўкаманга Барчин ҳам кимиз йўқ! дейиш ўрнида:

Сунбуланинг ярми ўтиб боради,

Аҳмоқ Қалмоқ, энди кимиз бўлами?! риторик эвфемаси билан жавоб беради («Алпомиш», 103-б.).

Сут соғиш жараёни ҳам эвфемалаштирилган. Маълум сабаблар билан ҳолати ўзгариб, «беҳудлашиб», мўлжалдагича сут бермай ёки соғдирмай қўйган ҳайвонларга нисбатан **тунггилибди, кўзикибди, қайтибди** эвфемалари ишлатилади. Туси бордан тунггуллама, туси йўққа унггиллама мақолида ҳам **тунггилмоқ** – қайтмоқ, инкор қилмоқ маъносидадир. Тунггилмоқ, кўзикмоқни даволаш воситаси ҳам юмшоқ тарзда эвфемалаштирилиб айтилади: исирик солинг, тумор, туғдона ёки кўзмунчок тақиб қўйинг каби. Соғувчи нуткида баъзан **сут берди, сут бермади** гаплари ўрнида **ийди, иймади** эвфемаси қўлланилади: Туя соғдим иймади, пешонамга сиймади (сиғмади) эвфемик мақоли заминиди бўталоғи ўлди,

энди онаси сут бермайди тушунчаси мавжуд. Қўзичоқ онаси кўзидан пана бўлса, совлиқ иймайди (сут бермайди) – (Т.М., «Ойдинда юрган одамлар», 289-б.).

Баъзан мол сутини охиригача беравермайди. Бунда мол елини силаниб, боласининг оғзини елинга тегизиб-тегизиб олиш, бироз эмизиш йўли билан қолган сут ҳам соғиб олинадики, бу **ийдирма ёки бузоқ ҳақи, улоқ ҳақи, кўзи ҳақи** эвфемалари билан аталади.

Иймоқ эвфемаси инсонга нисбатан **эритмоқ, бирон нарсага кўндирмоқ, бирон нарсани ундирмоқ** маъноларида ҳам қўлланилади.

Баъзан ҳайвон маълум сабаб билан ўз боласини эмизмай қўяди. Булар **олмас қўй, олмас сигир, олмас эчки** дейилади. Баъзан оналари ўлган етим кўзи, бузоқ, улоқларни бошқа оналарни эмишга, аксинча, бегона оналарни эса бегона болалар эмишига «кўндириш» – ўргатиш мураккаб кечади. Акс ҳолда улоқ-кўзилар ўлиб оналари сутини тортиб (қуритиб) кетади. Чорвадор ҳаётидаги мана шу мураккаб ва масъулиятли жараёнлар амалий чоратадбирлар (етим кўзи, етим улоқ, етим бузоқларни сунъий боқиш, оналарига олдириш учун устларига намакоп (тузли сув) сепиш, чучилалар яшаш кабилар)дан ташқари, қадимдан сут соғувчи хотинларнинг эвфемик фольклори, яъни **хўш, хўш¹** (сигирга нисбатан), **тур-ей, тур-ей** (қўйга нисбатан), **чур-ей, чур-ей; жир-ей, жир-ей** (эчкига нисбатан) каби **эвфоник, диафоник** воситаларнинг туғилиши ва ажиб бир жанрнинг шаклланишига сабаб бўлган: Мабодо боласи ўлган бирорта қўй бўлса, уни «тур-ай, тур-ай», эчкини эса «чирий, чирий» айтиб соғишарди (Х.Холмўминов, «Кўкламнинг бир куни, 4-б.).

Соғиш билан боғлиқ эвфоник ва диафоник шеърый нутқ олмас молларни ўз болаларини олишга – эмизишга ўргатиш, уларни етим улоқ, кўзиларни ҳам эмизишга «кўндириш» усули – воситаси бўлишдан ташқари, унда

¹ «Девони луғотит-турк» (индекс луғат. –Т.: Фан, 1967. –188-б.)да **ош-ош, уш-уш, хўш-хўш** хўкизни суғоришда қўлланадиган сўз дейилган.

соғилаётган молларнинг жим туриши, сут бериши, фарзандларини ҳам боқиши кераклиги, болали ва боласиз молларнинг аҳволи, руҳияти кабилар ҳақида майин, юмшоқ, ялинувчан, мақтов, ўгит, насихат, илтижо, мурожаат оҳанглари ҳазин, сеҳрли, мунгли куй бўлиб янграйди. Ҳайвон бу оҳанг таъсирига маҳлиё бўлиб, «алла» тинглаётган боладек ийиб, юмшаб, бир нуқтага термилиб, кавш қайтара бошлайди, ҳатто кўзидан ёш оқади. Бунда, хусусан, «хўш-хўш», «турей-турей», «чурей-чурей» радифлари ҳар хил (масалан, «хўш-хўш», «хўштим-хўштим», «хўштимов-хўштимов», «хўшшим-ей, хўшшим-ей», «хўшшим-а, хўшшим-а» каби) шаклларда такрорланиб, ритм – бир мусиқий оҳанг ҳосил қилади.

Қуйида соғим нутқи эвфоникаси ва диафоникасига (146; 3, 24; 149, 88-101) доир намуна берамиз:

«Хўш, хўш»

Асли молим оқилим, хўш, хўш,
 Қўра бошим туморим, хўш, хўш,
 Пайсалламай турағай, хўш, хўш,
 Бошинг болангга бурағай, хўш, хўш,
 Адирларда андиз бор, хўш, хўш,
 Кўнглингни қилмагил тор, хўш, хўш.
 Ийиб берсанг сутингни, хўш, хўш,
 Қимирлатма путингни, хўш, хўш,
 Болагинанг бети қашқа, хўш, хўш,
 Бошгинанг тегмасин тошга, хўш, хўш,
 Оғзимиз етганда ошга, хўш, хўш,
 Бетингни қилмагин қашқа, хўш, хўш.
 Қўшнилар умиди сутдан, хўш, хўш,
 Елининг сутидир ўтдан, хўш, хўш,
 Асли молим – жониворим, хўш, хўш,
 Шоҳингга тақдим туморим, хўш, хўш.

Меҳринг тошсин, оқилим, хўш, хўш,
 Молим боши – кокилим, хўш, хўш,
 Тинчгина ўзинг турағай, хўш, хўш,
 Бошинг болангга бурағай, хўш, хўш.

(Бойсун тумани Чилонзор жамоа хўжалигида яшовчи Ҳайдарова Иззат момодан ёзиб олинган).

Измолида ўтинг бор,
 Оқар булоқ сутинг бор,
 Отли молим, хўш, хўш,
 Зотли молим, хўш, хўш.
 Сени ҳайдаб боқайин,
 Кўз туморлар тақайин,
 Тарғил молим, хўш, хўш,
 Говмиш молим, хўш, хўш.
 Хўш, хўш дейман ола бош,
 Кўзинг ўткир қаламқош,
 Қалам қошинг сузилсин,
 Сутинг ерга сузилсин.
 Зотдор ола отинг бор,
 Қозон-қозон сутинг бор,
 Қуралай кўз хоҳишим,
 Туёқлари кумушим.
 Жонивор мени кўргил,
 Кавш қайтариб, жим тургин,
 Хурмаларни тўлдириб,
 Ийиб сутингни бергин.
 Кадимни тўлдирасан,
 Болангни кўндирарман,

Олаймагин жонивор,

Болангга қолдирарман (Т. М., «Ойдинда юрган одамлар», 59-б.).

«Турей-турей», «тур-ай тур-ай»

Ола чилвир эшайин,

Турей-тур, турей-тур,

Тўрт оёғинг тушайин (тушовлаш, боғлаш)

Турей-тур, турей-тур.

Агар алқор ўтинг бор,

Турей-тур, турей-тур,

Оқар булоқ сутинг бор,

Турей-тур, турей-тур.

Оқар булоқ сутингни қуритмагин,

Турей-тур, турей-тур,

Ўзинг туққан болангни унутмагин,

Турей-тур, турей-тур.

Болали қўйлар бозорда,

Турей-тур, турей-тур,

Боласиз қўйлар озорда,

Турей-тур, турей-тур.

(Дехқонобод туманида яшовчи 58 ёшли Ақл Жўраназар қизидан ёзиб олинган).

Тоғларда бор ола ғор-а, тур-ай, тур-ай,

Ола ғордан сув оқар-а, тур-ай, тур-ай,

Сен болангни олмасанг-а, тур-ай, тур-ай,

Болагинанг ким боқар-а, тур-ай, тур-ай.

Ёнингда ўйнар жон қўзинг, тур-ай, тур-ай,

Кўзида қувонч болангнинг, тур-ай, тур-ай,

Меҳри ошиб суйканар-а, тур-ай, тур-ай,

Ола қол-да, қуя қол-а, тур-ай, тур-ай.

Сен болангдан безибсан-а, тур-ай, тур-ай,
 Юрагинг тош бўлибди-а, тур-ай, тур-ай,
 Қўчқора борган ўзингсан-а, тур-ай, тур-ай,
 Ойлаб кўтарган ўзингсан-а, тур-ай, тур-ай.
 Янгилибсан, озибсан, тур-ай, тур-ай,
 Сен болангдан безибсан, тур-ай, тур-ай,
 Ол болангни жонивор-а, тур-ай, тур-ай,
 Эсли молим, оқилим-а, тур-ай, тур-ай.
 Болагинанг бош бўлсин, тур-ай, тур-ай,
 Егангинанг мош бўлсин, тур-ай, тур-ай,
 Кўзгинанг қош бўлсин, тур-ай, тур-ай,
 Сурувда сулув жонивор-а, тур-ай, тур-ай.
 Қўзилилар бош бўлар, тур-ай, тур-ай,
 Қўзисизлар ёш бўлар, тур-ай, тур-ай,
 Насиб бўлса, яна йил, тур-ай, тур-ай,
 Ўзингга йўлдош бўлар, тур-ай, тур-ай.

(Бойсун тумани, Чилонзор қишлоғида яшовчи Суюн момо Назар қизидан ёзиб олинди.).

Қуйидаги эвфоник шеърини нутқ кўзиси ёрдамида иядиган – сут берадиган совлиққа эмас, балки **совдига** – кўзиси ўлган ёки кўзисиз (қўшокда) соғиладиган қўйга нисбатан яратилган:

Қўй соғаман қўшокда, тур-ай, тур-ай,
 Қўй ишқи менга ёққан, тур-ай, тур-ай,
 Қўй сутини ичганлар, тур-ай, тур-ай,
 Кўпдан-кўп шифо топган, тур-ай, тур-ай.
 Совди бўлиб совдирган, тур-ай, тур-ай,
 Совса кади тўлдирган, тур-ай, тур-ай,
 Бунча куйма, жонивор, тур-ай, тур-ай,
 Тақдирингни кўндиргин, тур-ай, тур-ай.

Тоғларда бор қув олма, тур-ай, тур-ай,
 Совди бўлгин, сув олма, тур-ай, тур-ай,
 Болагинанг йўқлигини, тур-ай, тур-ай,
 Кўнглингга оғир олма, тур-ай, тур-ай.

(Т. М., «Ойдинда юрган одамлар», 289-б.)

«Чур-ей, чур-ей» («жир-ей, жир-ей»)

От оёгин от босар, чур-ей, чур-ей,
 Оқ юзингни гард босар, чур-ей, чур-ей,
 Агар шуйтиб соғдирсанг, чур-ей, чур-ей,
 Қассоб путингдан осар, чур-ей, чур-ей.
 Оғизгинангда ўтинг бор, чур-ей, чур-ей,
 Елингинангда сутинг бор, чур-ей, чур-ей,
 Серсоқолли жонивор, чур-ей, чур-ей,
 Керилиб турган путинг бор, чур-ей, чур-ей.
 Болагинанг бахтингдир, чур-ей, чур-ей,
 Уни олиб ухлагин, чур-ей, чур-ей,
 Болалилар маърашар-а, чур-ей, чур-ей,
 Боласизлар қарашар-а, чур-ей, чур-ей.
 Жона жерда жотгансан-а, чур-ей, чур-ей,
 Шалтоғингга ботгансан-а, чур-ей, чур-ей,
 Ўз болангни билмасдан-а, чур-ей, чур-ей,
 Ўзгалабсан, жонивор-а, чур-ей, чур-ей.

(Бандихон туманида яшовчи Мунаввар момо Имомқул қизидан ёзиб олинган).

Бўрининг момоси димоғидан куйлаб-куйлаб эчки соғди:

Эсли молим, оқилим, чури-я, чур-ей,
 Елкамдаги кокилим, чури-я, чур-ей,
 Шунча молнинг ичида, чури-я, чур-ей,

Тоғда очилган гулим, чури-я, чур-ей.
 Тоғларда бор гулхайр, чури-я, чур-ей,
 Оқ сутингни қил хайр, чури-я, чур-ей,
 Келар йили тукқанинг, чури-я, чур-ей,
 Бўлсин-да, зухра-тойр, чури-я, чур-ей.
 Турткиласам иясан, чури-я, чур-ей,
 Бир кади сут берасан, чури-я, чур-ей,
 Яшириб қолган сутингни, чури-я, чур-ей,
 Қай бир кимга берасан, чури-я, чур-ей

(Т.М., «От кишнаган оқшом», 20-б.).

Хуллас, чорвадор аёллар оғзаки ижодига хос бўлган минглаб шеърий матнлар ёзиб олиними, уларнинг ҳам эвфоник ва диафоник, ҳам лисоний эвфемикаси инсон, хусусан, ҳайвон руҳиятига таъсири махсус ўрганилиши керак.

Эвфоник ва диафоник шеърий матнлар лисоний эвфемаларга ҳам жуда бой. Масалан, юқоридаги шеърий матнларда **сигир** – кўра боши, тумор; **бузоғингни эмиз** тушунчаси – пайсаллама; бошингни болангга бур (I); **сутингни бер** тушунчаси – кўнглингни тор қилма, ийгин (II); **ўлма** тушунчаси – бошинг тошга тегмасин; **сут, қатик ичмоқ** тушунчаси – оғзимиз ошга тегди; **ярадор** тушунчаси – қашқа бўлмоқ (III); **қўшниларга ҳам сут берамиз** тушунчаси – қўшнилар умиди сутдан; **кўз тегмайди** тушунчаси – шохингга тумор тақдим (IV); **сигир** – молим боши (V); отли мол – зотли мол (VI); говмиш, тарғил (VII); зотдор, ола (IX); **сут бер** тушунчаси – кавш қайтар, жим тур, хурмани тўлдир, ийиб бер (X); кадини тўлдир, болангни кулдир (XI); **бўрига бераман, ўласан** тушунчаси – кўп бўрига қўшайин (XIII); **мўл сут** тушунчаси – оқар булоқ (XIV); **ўз кўзингни ол** тушунчаси – ўзинг тукқан болангни унутмагин (XV); **жинсий алоқа қилгансан** тушунчаси – қўчқорга борган ўзингсан; **қорнингда болангни кўтаргансан** тушунчаси – ойлаб кўтарган ўзингсан (XX); **кўзинг катта**

бўлади гапи – ўзингга йўлдош бўлади (XXIII); **қўзиси ўлган** тушунчаси – совди; **кўп сут бергин** тушунчаси – кадини тўлдиргин; **қўзинг ўлган** тушунчаси – тақдирингга кўнгин (XXV); **боланг ўлган** тушунчаси – боланг йўқ, кўнглингга оғир олма (XXVI); **сўйиласан, ўласан** тушунчаси – қассоб путингдан осар (XXVII); **ахлатига бўлганмоқ** тушунчаси – шалтоғинга ботгансан; **қўзисини олмаслик, эмизмаслик** тушунчаси – ўзгаланибсан (XXX); **сут бермоқ** – хайр қил; **урғочи ва эркак** (эгиз қўзи) тушунчаси – зуҳра ва тоир (XXXIII) сўз ва иборалар билан эвфемалаштирилган.

Соғим қўшиқлари ҳам айрим фольклоршунослар эътиборини жалб этган. Чунончи, Камол Очилов Қашқадарё воҳасидан меҳнат қўшиқлари бўйича тўплаган материалларини: а) ғаллакорлик; б) боғ ва боғдорчилик; в) касб ва хунармандчилик; г) чорвачилик билан боғлиқ меҳнат қўшиқлари тарзида тасниф қилган ва соғим қўшиқларига доир намуналар келтириб, уларни адабиётшунослик аспектида таҳлил қилган (84, 72-75). Соғим қўшиқларини бундай ёзиб олиш, тўплаш келажакда уларнинг услубини, жумладан, эвфемикасини ўрганишни янада осонлаштиради.

Муомала этикасига кўра, чорва маҳсулотлари (сут, ёғ, гўшт каби) миқдор жиҳатдан аниқ баён этилавермайди (табулаштирилади). Масалан, **сути кўп, серсут** ёки бир соғишда «фалон» литр сут беради тушунчалари – молнинг эвфемик атамаси (говмиш, «сут булоғи», зотли, зотдор, кастрома сигири, ҳисори қўй каби) орқали англатилади: Олаверинг, сигирим «сут булоғи»,– дея Афанди савдогарнинг қўлини қаттиқ силкиди («Афанди», 2000, № 7, 2-б.). Ҳисори қўй, говмиш сигирлар сизда бўлса, яна нега сут сўраб юрибсиз? («Сурхон тонги», 2001, 13 январь).

Гўшт-ёғи кўп ёки **семиз мол** тушунчалари ҳам юки оғир, чўғи баланд ёки катта, сағриси тўлган, бадани тўлган, орқаси теп-текис (тахтадай), ёюв (шевада жоюв) кўрган, ҳайдалган, ўтлатилган, бўзрайган (семиз), тахт бўлган, қовурғаси йўқолиб кетган, боқилган, қаралган, оби-тобида ёки тобга келган, ялтирайди, ярақлайди, битиб (ботиб) кетган, бозоргир, қассоббоп,

ётса туrolмайдиған (бу ориқ, кучсиз молга нисбатан ҳам қўлланади), тивит ташлаган, қип-қирик (эчкига нисбатан); аксинча, **ёғ-гўшти йўқ, ориқ, ўладиган, ўлимса, ўлимтик** мол тушунчаси кўтарам, сўлима, сўлимса, каппук, муррик, муррак (тож. – мурдак сўзидан), гиррик, кавара, тўрт оёғи қолган, қавурғасини санаса бўлади, фақат қавурғаси қолган, қавурғаси кўриниб қолган, ётса туrolмайди каби воситалар билан эвфемалаштирилган.

2.5. Чорва миқдори билан боғлиқ эвфемик воситалар

Одатда чорва эгаси ёки чўпон молнинг бор йўқлигини, йўқолган йўқолмаганлигини билиш, ҳисобга олиш мақсадида маълум бир вақтда (одатда бир суткада бир марта) санайди. Бу чорвадор нутқида «**мол тугаллаш**» дейилади. Мол миқдорини – сонини очик айтиш табулаштирилганлигидан, ҳатто санаш хуфия (ичда) ижро этилади; зарурият туғилмаса натижа айтилмайди: **ҳаммаси бор** ўрнида – тугал; **бир нечаси йўқ** ўрнида тугал эмас (инсонга нисбатан ҳам: ҳаммамиз бор гапи ўрнида одатда тўрт кўз тугалмиз) эвфемалари қўлланилади. Демак **бор, йўқ** тушунчалари ҳам маълум даражада табулаштирилган.

Соғувчининг молнинг ҳаммаси соғилдими? Соғилмаган мол қолдими? сўроқларига соғдирувчидан **ҳа, йўқ** ёки **қолмади** сўзлари билан эмас, **бойиди** (бойимоқ, бой бўлмоқ феълидан) эвфемаси билан жавоб бериш талаб қилинади. Молингиз қанча? ёки нечта? деб сўралганда, чорвадор молнинг сонини аниқ айтмайди; жамловчи, мавҳум сон билан **ҳа, худога шукур, бор бир тўрт бешта** ёки **бор бир ўн беш-йигирматача** деб қўя қолади. Ҳатто кўп ҳолларда чорва турларининг номлари тилга олиनावермайди: **хўкиз, сигир, тана, бузоқ** сўзлари мол, қора, катта, йирик шохли; **қўй, қўзи, эчки, улоқ, сарка, така** сўзлари кичик, майда, ушоқ каби атамалар билан эвфемалаштирилиб айтилади. Қанча хўкиз, сигирингиз, қанча қўй эчкингиз бор? деб берилган саволга: Худога шукур, қораси (йириги, каттаси)дан ҳам,

ушоғи (майдаси, кичиги)дан ҳам бор деб жавоб берилади; шунда ҳам мол сони аниқ ошкор қилинмайди.

Мол тушунчаси жонли (жонлиқ) сўзи билан эвфемалаштирилган: Шу куни Ҳазрати Довутга бир жонлиқ ҳам аталди каби.

Чорвадор чорванинг сонинигина эмас, балки чорва маҳсулотининг номи (гўшт, ёғ каби), миқдорини ҳам ошкор қилмасликка ҳаракат қилади. Бошқача айтганда, унинг аниқ сўроқларга берадиган жавоби эллиптик, тўлиқсиз гап шаклларида бўлиб, ундан маҳсулот номини, миқдорини англатувчи сўзлар тушиб қолади:

- Бўрдоқингиз неча кило гўшт-ёғ қилди?
- Ўттизга яқин.
- Бу йил неча қорин сариеғ олдингиз?
- Уч (суҳбатдан).

2.6. Мол суяклари ва уларнинг қисмлари билан боғлиқ эвфемик воситалар

Бунда кўпроқ **ошиқ, қовурға, шох суяк, илик, тўпиқ** каби сўзлар реал маъноларидан ташқари, кўчма маъноларида келиб, инсон ҳаракатига, фаолиятига нисбат берилган ва эвфемик маъно касб этган. Масалан, **«фалончи»нинг омади келди, омад кулиб боқди, бахти очилди, иши юришиб кетди** дейиш ўрнида ёмон кўздан, назардан, душманлардан сақланиш кераклиги назарда тутилиб **ошиғи олчи** эвфемаси қўлланилади: Қодировнинг ошиғи олчи, дўпписи яримта (Ш. Рашидов, “Олтин водийдан шабадалар”, 87-б.). Илоҳо, ошиғингиз олчи бўлаверсин, болам (М., «Меъмор», 179-б.).

Аслида яхши кўрмоқ, севиб қолмоқ, муҳаббат тушунчаси маъноларидаги **ошиқ** (ошиқ-маъшук) ҳам мол суякчаси (ошиқ) билан боғлиқ кўчган ва бугунги тилда омонимлашган.

Қовурғаси кўриниб қолибди, қовурғасини санаса бўлади гаплари ҳам **орик, сўйиб бўлмайди, гўштини еб бўлмайди** тушунчасининг эвфемик ифодасидир. **Қовурғамга келмаяти, қовурғаси қовурғамга тўғри келмаяпти** иборалари **ёқмаслик**, бирор масалада, чунончи, **савдода келишолмаслик** тушунчаларининг эвфемик ифодасидир: Отингизни ёмон демайман, олмоқчиман, бироқ қовурғамиз қовурғамизга тўғри келмаяпти («Чағониён», 2000, 3 май). **Қовурғаси қайишмайди гапи ачинмаслик, бел оғримаслик** тушунчаларининг эвфемаси: Сафарали саратонда сарғайиб, қишда қисилиб мол боққанмидики, энди қовурғаси қайишса («Чағониён», 2000, 3 май).

Шохи (-нг, -им) чиқдимиди? риторик сўроқ гапи сохта, зўрма-зўраки, ноқонуний ҳаракат орқали юзага келган «мақсад», нохуш воқеликнинг эвфемик ифодасидир: Асқар бобо кўшни йигитга (оиласини ташлаб, бошқа аёлга уйланиб пушаймон еяётганлигига писанда қилиб): Шохинг чиқдимиди? — деди (М. Сафаров).

Шохига урсанг, танасига зил кетади эвфемик мақоли андишасизлик, ўйламай иш қилмоқ (гапирмоқ) каби тушунчаларга нисбатан қўлланилади: Қултой Ёдгорни хўрлаётганларга қараб: Шохига урма, танасига зил кетади, деди («Алпомиш», 216-б). Бугунги кунда **шох қўймоқ** — исноти, хотини фоҳиша эркак (рус сўзлашувида — рагоносец) тушунчаларига нисбатан эвфемик ибора сифатида ҳам қўлланилади.

Пичоқ суякка етди гапи жондан тўймоқ, сабр косаси тўлмоқ, хужумга отланмоқ, бирор фожеавий воқеликка тайёр бўлмоқ тушунчаларининг эвфемаси. Эгасини сийласанг, итига суяк ташла мақоли — андишали бўл, мунофиқ бўлма тушунчаларининг эвфемасидир. Оталилар тўйдан илик олади, отасизлар қараб-қараб қолади (чорвадор нутқидан) гапи оғайнидор, орқаси (суянчиғи) борлар, мансабдорлар ҳамиша ардоқда, ҳурматда; ғариблар ғурбатда, хўрликда яшайдилар тушунчаларининг эвфемаси

(Қадимдан тўйга келган бой болаларнинг, улар норасида бўлса ҳам, қўлига илик беришган).

Илиги тўла, илиги бақувват – кучли, бой, бойвача; **илиги қуриган, илиги пуч** – камқувват, камдармон, камбағал киши; **илик узилди** ҳам одамнинг дармонсизланган, тинкаси қуриган фасли (қиш тугаб, баҳор бошланган давр) тушунчаларининг эвфемик ифодаси ҳисобланади.

Ота-бобоси илик еган, илик еганнинг боласи каби иборалар ҳам бойнинг боласи, кўрганнинг фарзанди, назари тўқ тушунчаларининг ўзига хос эвфемик ифодасидир.

Оқсуяк сўзи – юқори табақа, зотли, насли сифатли тушунчаларига нисбатан эвфема ҳисобланади.

Туғмаяпти, туғиши чўзилди ёки вақтида бажарилмаётган иш-ҳаракат **туя гўшти еган; тоғанг ўлади** тушунчаси **тоғояк** (тоғайли гўшт) **ема; шошиқ** (сийғоқ) тушунчаси **қўчқор** ёки **тана сингири** (жинсий орган, мояк) **емок; қарздор бўласан** ёки **чипқон чиқади** тушунчалари **буйрак ема; тез-тез ёзиладиган одам – шошадони** (пешоб қопи) **бўшашибди** рамзий эвфемик ифодалари билан ифодаланади.

Мол сўйилганда айтиладиган **ўти (ўт қопчаси)** **тўла** ёки **пуч экан** гапи мол эгасининг **бой** (пулдор) ёки **камбағал** (пулсиз)лигига, **ўпкаси гулдай** (чиннидай, тоза) **экан** гапи молнинг касал эмаслигига ишора қилувчи эвфемик воситаларидир ва б.

Чорвадор нутқида **тўпиқ¹ олган** – қарздор, **тўпиқ ютган** – қарздор қилган, **тўйда тўпиқ сўраган** – номард тушунчаларининг эвфемаси сифатида қўлланилади.

¹ Тўпиқ ўйини қадимдан чорвадорлар орасида мавжуд бўлиб, қўй сўйилиб, гўштхўрлик қилинган давраларда кимдир бировга билдирмай тўпиқли гўшт узатади. Олувчига тўпиқ узатган киши: «Бурдам» ёки «тўпиқ!», Бир қўй! Бир зиёфат дейди. Олган киши гўштини еб, тўпиқни ютса, тўпиқ берган енгилган – бир қўй ёки зиёфатга ўзи тушган бўлади. Ютолмаса, маълум муддат (бир ойдан бир йилгача) ўзида сақлаб, тўпиқ берувчи сўраганда исталган жойда, исталган вақтда тўпиқни кўрсата олса, қарздан қутулиб бораверади. Кўрсатолмаса, шартни бажаришга мажбур бўлади.

2.7. Чорва ахлати билан боғлиқ эвфемик воситалар

Ахлат сўзи (араб. бирлиги – **хилт**)нинг маъноси кенгайиб, бугунги тилимизда, чиқинди – «мусор» маъносидан ташқари, инсон, ҳайвон ва ҳашорот чиқиндисига нисбатан умумий эвфемик атама сифатида қўлланилади: одам ахлати, ҳайвон ахлати, қуш ахлати каби. Бироқ ҳайвон ахлати конкрет – тур тушунча сифатида ўз эвфемик номларига эга: туя ахлати – **қумалоқ**, қора мол ахлати – **таппи**, қўй-эчки ахлати – **қий** ёки **қумалоқ**, от, эшак ахлати – **тезак** эвфемик номлари билан аталади: Нурмат тоға ... қўзи қийи солиб қовун, тарвуз экарди (С.Аҳм., «Жимжитлик», 25-бет). Йўлда Тарлон тезак ташлаб-ташлаб борди (Т.М., «От кишнаган оқшом», 155-б.). Ташқарида ётган чўпоннинг устига гоҳ қўйлар бостириб келади, гоҳ қўзичоқлар қумалоқлаб (қийлаб) кетади (П.Қод., «Қора кўзлар», 90-б.). Қани, ошамлаб-ошамлаб ол қани. Ай, у тезак, у тезак! ...дея типир-типир этдим (Т.М., «Отамдан қолган далалар», 253-б.). Пода кетида тезак босиб, чанг ютиб юришибди (Н.Фозилов, «Саратон», 18-б.).

Мисоллардан англашиладики, ҳайвон ахлатининг номигина эмас, унинг диссимиляциян жараёни ҳам эвфемалаштирилган бўлиб, айнаи замонда, ҳайвон турларига ҳам ишора қилади: таппилади – қора мол, қумалоқлади – туя, қийлади – қўй, эчки ва бошқалар. Бундан ташқари, тезак сўзи умумий (ахлат) маънода ҳам қўлланилади. Яъни, **тезак термоқ** ибораси орқали: 1) ҳамма ҳайвон чиқиндисини (ёқилғи сифатида) йиғмоқ (реал маъно); 2) бекор, такасалтанг юрмоқ (кўчма маъно) англашилади.

2.8. Чорва ўлими билан боғлиқ эвфемик воситалар

Чорва ўлими билан боғлиқ **сўйилади**, **сўйилди**, **ўлди**, **ўлмай қолди**, **сўйилмай қолди** каби сўзлар эвфемалаштирилган.

Сўйилади тушунчаси **оғзига туз ташлаб қўйилган**, **аталган**, **айтилган**, **сўқим**, **бўрдоқи** каби эвфемик воситаларга эга: Жамоамизнинг

«Наврўз»га аталган иккита бўрдоқиси бор («Сурхон тонги», 2001, 3 март). Бу кўй курбонликка аталган (сўзлашувдан).

Сўйилди тушунчаси **жонлиқни бежон қилишди, кулликланди** (молни сўйишдан олдин оёқларини боғламоқ), **зўрға пичоққа етди, ағдарилди, ётқизилди, йиқитилди, бўғизланди, пичоқ тортилди, жулуғи қайтарилди, худойи қилинди, садақа қилинди, қон чиқарилди, қассобга берилди, топширилди** каби эвфемаларга эга: Толибжон оёғи остида кўй ётқизилди (С.Аҳм., «Жимжитлик», 6-б.). Бизга яхши бир тана керак улоққа. Бўғизлаб берайми,— деди чўпон (Т.М., «От кишнаган оқшом», 27-б.). Аҳли мўминлар курбонлик қилди, жонлиғ сўйиб қон чиқарди (Т.М., «Отамдан қолган далалар», 237-б.).

Баъзан **сўйилди** тушунчаси матн орқали англашилади. Масалан, Бу мавсумда беш юз дона қорақўл тери топширилди гапи **беш юз бош кўзи сўйилди** тушунчасининг эвфемасидир. **Сўйилмади** тушунчаси **куни битмаган экан** каби эвфемалардан ташқари, эвфемик матнга ҳам эга. Масалан, 200 кўзидан 150 та урғочи кўзи ўстириш учун қолдирилди гапи **150 таси сўйилмади** тушунчасининг эвфемасидир.

Сўймоқ тушунчаси **пих қилмоқ** (кўпроқ болалар билан боғлиқ муомалада) ибораси билан ҳам эвфемалаштирилади. Сенинг кўзичоғинг пих қилинди (сўзлашувдан) — сўйилди. **Сўймоқ** новербал восита (кўлни томоққа арра қилмоқ) орқали ҳам англантилади: Кўчқорни ушлаб нима қиласиз,— деди. Нортой чўпон кўлини бўғзига арра қилиб кўрсатди (П.Қод., «Қора кўзлар», 86-б.).

Сўймоқ тушунчаси **чалмоқ** сўзи билан ҳам эвфемалаштирилган: Ғўлчибой кўйни йиқитиб, оёғини кулликламай, чалиб юборадиган одати ҳам бор (чорвадор нутқидан). **Чалмоқ** одамга нисбатан ҳам қўлланилади: Қўлларимни боғлаб чалди Ҳожикулдай ёвуз эр (Ҳ.Ҳ., «Турсуной» марсияси). **Сўйилган** тушунчаси **ичаги тор қилинди, ичаги чадарға қилинди** эвфемаси билан ҳам ифодаланади. **Ичагинг тор бўлгур** қарғиши **сўйилгир**

(ўлгир)нинг эвфемаси. Ўтмишда дўмбира тори кўзи, улоқнинг аччиқ ичагидан қилинган, бу одат ҳозир ҳам айрим тоғ қишлоқларида мавжуд.

Сўймоқ тушунчаси **калла-поча қилинди, боши олинди, боши кетди, бўғзига тиг (пичоқ) тортилди, пичоққа етди, ҳалолланди, ҳалол қилинди** каби воситалар билан эвфемалаштирилади: Куёвникида неча-неча қўйлар боши кетди (Т.М., «Ойдинда юрган одамлар», 255-б.). Аммо қўй бўғзига пичоқ тортганда кўнгли безовта бўлди (П.Қод., «Қора кўзлар», 8-б.). Шу калла-поча бўлгур қўйни эртароқ пулла дедим (Т.М., «Отамдан қолган далалар», 203-б.). Аваз белидаги пичоғини ечиб Ҳулкарга узатди. Буни ол, битта-яримта кўзини ҳалоллаш керак бўладими? ... (П.Қод., «Қора кўзлар», 231-б.). Ўша куни ўттиз уч қўй жарга кулаб ҳаром ўлди... Ҳалоллаганларимизни айтмай қўя қолай (П.Қод., «Қора кўзлар», 89-б.). Холбек кийик бўғилса вақтида ҳалоллайман деб пичоғини сандал устига қўйди (П.Қод., «Қора кўзлар», 101-б.).

Касал мол сўйилганда, маълум сабаб билан унинг ҳалол ёки ҳаром бўлганлиги шубҳали бўлганда, **ҳалол** тушунчаси **оёқ қоқди, оёғи қимирлади, қони оқди, бадани учаяпти**; аксинча, **ҳаром** бўлди тушунчаси **оёғи қимирламади, пичоққа етмади, қони оқмади, оёқ қоқмади, қимир этмади, силкинмади** эвфемалари билан ифодаланади: Норбой қассоб ўлик буқани бўғизлади, оёқ қоқишни-ку қўйинг, лоақал дуруст қон ҳам оқмади (сўзлашувдан). Ола сигир ҳам пичоққа етмади (М.Сафаров).

Ўлмоқ, кўп ўлмоқ тушунчаси **талофат кўрилди, чиқим бўлди, талофат еди, туёғи камайиб кетди, сони камайиб кетди, офат тегди; ўлмади, ўлмай қолди** тушунчаси эса **чорва қишдан яхши чиқди, беталофат чиқди, чорва туёғи сақлаб қолинди, чиқим бўлмади, талофат кўрилмади; қирилиб кетди, бутунлай қирилиб кетди** тушунчаси **қиш қаттиқ келди, барча моллардан айрилдик, мусимиз қуриди, кўтон (кўра, кўшоқ, кўкан) бўшаб қолди, қуриб қолди** каби эвфемик воситалар орқали ифодаланади.

Ёки қадимдан Ҳут (фасл) номидан айтилиб келинган:

Яхши келсам, кади-кади сут,

Ёмон келсам, сойлар тўла пут.

Яхши келса ҳут, қозон-қозон сут,

Ёмон келса ҳут, керагада пут (чорвадор нутқидан)

мисралари: ҳут яхши келса чорва ўлмайди, ёмон келса қирилиб кетади тушунчаларининг эвфемик тасвиридир. Бунда пут – ўлик мол (синекдохавий кўчим).

Умуман, чорвадор нутқида **бу йил ёмғир ёғмади, ўт бўлмади, ер қуриб кетди** гапларига нисбатан **бу йил баҳор яхши келмади, чорва йили бўлмади; бу йил моллар, қўй-қўзилар кўп ўлди, қирилди** гапларига нисбатан **бу йил қиш ёмон келди, чўзилиб кетди, кўп чиқим бўлди, чорва талофат кўрди** ифодалари эвфемик характер касб этади.

2.9. Ўт лексемаси билан боғлиқ эвфемик воситалар

Чорвадорнинг омади чорва билан, чорванинг ривожига фаслларнинг, хусусан, баҳорнинг қулай келиши билан боғлиқ бўлган. Шу боис **ўт, майса, ёмғир** каби кўпгина табиий ҳодисаларнинг номлари эъзозланиб, очиқ айтилавермайди. Масалан, **ер кўкарибди, чимқима (чимтол) бўлибди, ерни қоплабди, ерни ёпибди, ер кўм-кўк, ер бир қарич, ер тиззадан, тиззага уради, майда мол ердан олибди, моллар тўйибди, мол овқати кечади, кўкдан олаяпти, кўкдан тўйибди; ёки ер кўкармади, ер ялонғоч, ер қуруқ, ер сарғайиб (қуриб) қолди, ердан ололмайди, қўйни тоққа ҳайдаш керак** каби ибораларда кўпинча **ўт** сўзи қўлланилмаса-да, у фикран (импликацион тарзда) англашилиб туради.

Ҳатто, **ўт**нинг турлари ва номлари, унинг чорвачиликдаги аҳамияти фольклорга кўчирилган, афоризмга айланган:

Ўтлар аро **қилғин** ёмон,

Мол рангини қилар сомон.

Йўнғичқадир ўт султони,
 Еган молнинг кирар жони.
Қоқдон молни қотирар,
Тортмоқ гўштин оширар,
Гул хайрига ҳайдасанг,
 Мою гўштга тўлдирар

(бойсунлик чорвадор 85 ёшли Хол катаридан ёзиб олинган).

2.10. Чорва касалликлари билан боғлиқ эвфемик воситалар

Ҳайвонга нисбатан **ўлат, вабо, қорасон, ланг (оқсоқ), оқсил (яшир), қўтир** каби касаллик номлари айтилавермайди. Улар умумлаштирилиб **ойин** (ойин тегибди, ойин оралабди, ойинлабди каби) эвфемаси қўлланилади. Қўтир касали **темираткиламоқ, оқармоқ**; молнинг сиёлмай қолиш касали – **қавс, сижжак**; ўпка, жигар касали – **қилқурт**; ўзини қашиб, тишлайверадиған касал – **хориш** (қўпроқ эшакка нисбатан), **сакуч** ёки **саккуч** (итга нисбатан); тентак касали – **ёмонламоқ** (жамолламоқ); оғзи-бурнидан қон келиш касали – **шуллуқламоқ**; оқсаб, юролмай, туролмай қолиш касали – **емламоқ, сув тушмоқ**; шамоллаш касали – **соқовламоқ** каби эвфемик воситалари билан ифодаланади. Саккуч очган кўппакдай сандирама ёр, ёр («Алпомиш», 406-б.). Бойбўри: Шу ёмонлагурнинг ўйнагани ҳам яхшилик эмас, деди («Алпомиш», 122-б.). Сигиримиз кейинги бир оёғини судраб босаяпти, деди чўпон (**ланг тегибди** маъносида) (Т.М., «Отамдан қолган далалар», 71-б.). Эчкилар темраткилабди (қўтирлабди маъносида), деди чўпон ташвишли оҳангда (Ш.Х., «Сўнгги бекат», 172-б.).

Мол касал бўлибди хабари кавшамаяпти, кавш қайтармаяпти, ем, ўт ёки хашак емаяпти, ётоқчилаяпти, қулоғи тушибди, қулоғи шалпайибди; улоқ, кўзи, бузоқ бўлса, онасини эммаяпти каби эвфемалар орқали; **соғайибди** тушунчаси эса юқоридаги эвфемик воситаларнинг аксини – тасдиғини

такрорлаш орқали ифодаланади: Қўзи ёки қўйнинг қулоғи тушса, одам бўлмайди (чўпон нутқидан).

Пичоқни тайёрлаб қўйинг, пичоқни қайраб қўйинг иборалари ҳам ўлади тушунчасининг эвфемик хабаридир.

Чорванинг бир жойи, чунончи, **қулоғи, туёғи, кети** (чиқарув органлари) **касалланибди, қуртлаб кетибди, сасиб кетибди** гаплари ўрнида «фалон» молга **чайир** (шу номли ўсимлик илдизидан тайёрланадиган суюқ дори) қўймоқ, дори суртмоқ эвфемалашган иборалари қўлланилади. **«Фалон» мол тентак бўлибди** тушунчаси қулоғини ченланг (озгина кесиб қон чиқармоқ), турган жойида айланади, сурувдан бўлиниб ёки чиқиб кетаяпти каби эвфемик гаплари орқали ифодаланади.

Чорвадорлар **қўй (сигир, эчки...)** касал бўлибди гапи ўрнида кўпинча, ёмон ўт ебди; **қўйни (сигирни, эчкини...)** илон чақибди, эмчаги шишиб **кетибди** дейиш ўрнида газанда тегибди, елини шишибди; **қўйда қил қурт (ўпка, жигар, қораталоқ...)** касали бор дейиш ўрнида оғзига зирк (қўртмоқ – сут ва қатик аралашмаси, тухум, чучитилмаган зиғир, кунжут ёғи, оқ мой, пахта ёғи) қўйинг гапларини қўллайдилар.

2.11. Чорвани бичиш ва тамғалаш билан боғлиқ қўлланадиган эвфемик воситалар

Одатда молни маълум мақсад билан эркакликдан маҳрум қилиш учун кичиклигидан наслий томири кесилади ёки узиб ташланади. Бу «жарроҳлик» амали **ахталамоқ, бичмоқ, тортмоқ**; жинсий аъзолари – **сингир** ва **мояк**; ижрочи эса **ахталовчи, бичувчи, тортувчи, уста** сўзлари билан эвфемалаштирилган. **Бичилган улоқ** катта бўлганда **сарка** (така эмас), **қўзи** – **ахта қўй** (қўчқор эмас), **бузоқ** – **ахта хўкиз** (буқа эмас) дейилади. Бундан ташқари, ҳар бир чорвадор хонадон ўз молларининг қулоқларини кичкиналигидаёқ, олдиндан маълум бўлган анъанавий шаклларда кестирадилар. Бу **тамға** мол кимники, қайси оилага қарашли эканлигини

билдириб туради. Мана шу кулоқ кестириш тушунчаси ўрнида **эн солмоқ**, кулоқ кесувчи шахс ибораси ўрнида эса **энчи**, баъзи жойларда, чунончи, Кўхитанг чорвадорлари нутқида **чиноқчи** (133, 256) эвфемик атамалари қўлланилади.

Чиноқчи чиноқ сўзидан ясалган. **Чиноқ** сўзи асосан, кулоғи кертик, кесилган, эгри-бугри туғилган молларга ва одамларга нисбатан, уларга эвфемик лақаблар сифатида ҳам қўлланилади. Чорвадорлар нутқида ҳали адабий тилга ва луғатларга кириб улгурмаган **чур** (чурри), **бучча** (пучча) сўзлари **чиноқ** сўзининг эвфемик синоними сифатида фаол қўлланилади: чур эчки, бучча эчки, чиноқ эчки каби. Буччанинг, чиноқнинг («фалончи»нинг ўрнида) оти кўпкарида катта зот айирди (сўзлашувдан).

2.12. Чўпон ва таёқ билан боғлиқ эвфемик воситалар

Чўпонлик энг қадимий машғулоти бўлиб, ҳайвонлар илк бор қўлга ўргатилган даврга бориб тақалади. Чўпон аслида уй ҳайвонларини ёввойи ҳайвон (йиртқич)лардан ёки ўғрилардан ҳимоя қилувчи (шаббон), боқувчи, қоровул шахс бўлган. Дастлаб шахсий мол (ўзиники), кейинчалик чакана мол (ўзгаларники), сўнгги даврларда ферма (давлатники) молини боқувчилар ҳам чўпон дейилган. Мол боқтирувчилар, яъни хўжайинлар чўпон нутқида **оғалиқ**, **оталиқ** (оғалиқ ёки оталиқ қилувчи, ғамхўр маъносида) эвфемаси билан аталган. Оғалиқ (оталиқ) қилувчилар **чўпонга бериладиган пул (мол, ҳақ)** сўзлари ўрнида **энчи**, **совун** эвфемаларини қўллайдилар.

Маълумки, ҳар бир оғалиқ (оталиқ)нинг ўз молларига соладиган **эн** (тамға)лари бўлади. Ферма молларининг эса кулоғи сирғаланган бўлади (шахсий моллардан ажралиб туриши учун). Бунда **давлат моли** тушунчаси **сирғаланган** эвфемаси билан ифодаланган. Масалан, Иймонсиз катталар учта молингизни сирғалабди (Ш.Холмирзаев) гапи учта қўйингизни давлатга олиб берибди; Отлар сағрисиға муҳр босилди (Т.Мурод) гапи асл отлар урушга жўнатилди тушунчаларининг эвфемик ифодасидир.

Чорвачилик жамият ҳаётида, тараққиётида асосий омил, ҳаттоки одамни қурбонлик қилишдан, инсониятни одамхўрликдан қутқарган восита бўлганлиги боис, чўпонлик барча иқтисодий формацияларда муқаддас профессионал касб даражасига кўтарилган. Шу сабабдан чўпон танланган, сараланган. Чўпонга таёқ топшириш, таёқ ушлатиш маросимлари ўтказилган.

Бунда чўпонлар пири Чўпон ота, Занги оталарга бағишлаб «қон» ҳам чиқарилган. Шу билан боғлиқ **таёқ ушламоқ, таёқ тутмоқ, таёқ олмоқ, таёқ топширмоқ, таёқ бермоқ** (чўпон бўлмоқ ўрнида) эвфемалари қўлланилган: Шу йил таёқ ушлаганимга йигирма беш йил бўлади.

Таёқ топшириш ёки таёқ туттириш удумига кўра чўпон бўлмишнинг отаси, устози, овул оқсоқоли чўпонга: **Таёғинг қутлуғ бўлсин, сутли бўлсин, бахту баракат, омад келтирсин** (чўпоннинг таёғи, келиннинг оёғи шу маънода қўлланилган), **бошинг тошдан бўлсин** каби эвфемик дуои олқишлар орқали оқ фотиҳа берганлар. Бу жараён халқ оғзаки ижодига ҳам кўчган:

Ирғайдан кесдим таёқ,
Йўлинг тўғри бўлсин деб,
Зарангдан йўндим таёқ,

Бошинг тошдан бўлсин деб (халқ оғзаки ижодидан). Бу эвфемик матнда ирғай (энг тўғри ва бутоқсиз дарахт) тўғри йўл – поклик йўлига; заранг (энг қаттиқ дарахт) узок яшашликка нисбат берилган.

Бир умр таёқ ушлаган, саркасевар номини олган, 95 ёшида вафот қилган бойсунлик Ғўччи Холиқ ўғлидан ёзиб олинган:

Молларимнинг саркаси,
Сузивимнинг эркаси,
Бўйнида бор қўнғироқ,
Ҳам осилган кўз мунчоқ.
Оқ-қоралар доримас,
Дориса, омон қолмас,

Олабўйноқ ёнимда,
 Дудамам бор қинимда,
 Елкамдадир қўшоғиз,

Эмасман сира ёлғиз матни чўпон нутқи эвфемикаси, унинг психологиясига доир маълумот берувчи этнографик манбадир. Бунда сарканинг сурувдаги мавқеи – кўз тегмаслик; эрка тушунчаси – кўзмунчоғи бор; бўри, айиқ келолмаслик тушунчаси – оқ-қоралар доримас; агар бўри ва бошқалар келса, ўлади тушунчаси – омон қолмас; ит тушунчаси – олабўйноқ; пичоқ, ханжар тушунчаси – дудам; милтиқ номи – қўшоғиз; итим, пичоғим, милтиғим бор тушунчаси – ёлғиз эмасман воситалари орқали эвфемалашган.

Таёқ (таянмоқ феълидан) сўзи метонимик маъно кўчим орқали чўпон тушунчасини англатадиган бўлган ва образлилик – эвфемик маъно касб этган. Масалан, **чўпонликдан чикдим, чўпонликдан кетдим** гапларига нисбатан **таёқни ташладим** дейиш – юмшоқ. Яна қиёсланг: 40 йил чўпонлик қилдим – 40 йил таёқ ушладим, таёқ ушлаганимга 40 йил бўлди; Чўпонликдан бахт топдим – таёқдан бахт топдим (55, 47-48) каби.

Шунингдек, овчилар фаолияти билан боғлиқ **“милтиқ кўмди”** удуми ҳам бор. Бунда овчи овни чалғитиш мақсадида, бундан буён ов қилмайман деган маънода **“милтиқ кўмди”** маросимини ўтказади: Одатда овчилар ўлжаларини санаб юрадилар. Ўлжалар сони маълум микдорга етганда, милтиқларини кўмадилар, гўё овни тарк этадилар – ташлайдилар. Бир нечта **“милтиқ кўмди”** удумини ўтказган овчилар бор. Овдан ўлжасиз қайтган овчи бу маросимни сўнгги марта ўтказади – овчиликни ташлайди (бойсунлик овчи Амонқул мергандан ёзиб олинган).

Таёқ тушунчаси (заранг, ирғай, тол каби дарахтлардан кесиб олинган, маълум ўлчам ва йўғонликдаги ёғоч, калтак) тараққий қилиб полисемантик, омонимик маъно муносабатларининг шаклланишига сабаб бўлган.

Таёқ сўзининг чорвадор нутқида ўттизга яқин маъноси мавжуд: 1) **химоя, уриш қуроли** (таёқдан йирткич ҳам кўрқади): Одатда кўй-эчкилар

чўпоннинг таёғи устидан ўтмайди, олдиға таёқ келиб тушса, дарров орқаға қайтади (П.Қод., «Қора кўзлар», 86-б.); 2) **дўппосламоқ, муштламоқ** (Безорилар роса калтаклаб кетишибди (Т.Малик, «Шайтанат», 2-китоб, 116-б.)); 3) **ногиронлик** (Асқарали қўлтиқтаёқда юради); 4) **аза, нохушлик, норозилик** (Кўлиға таёқ ушлаб йиғлайдиган замон эди (Шукрулло)); 5) **задагонлик рамзи** (Кўлида ҳассасини ўйнатиб турган кимса киборлардан эди (Асқ.М.)); 6) **жазо қуроли** (Таёқча ушлаган полициячилар бирдан оломонға ташланди (О.)); 7) **омадсизлик** (Чўпоннинг таёғи ёқмади); 8) **омадлилик** (Чўпоннинг таёғи ёқди. Мол қишдан талофатсиз чиқди (П.Қод.)); 9) **қариллик** (Бўриполвон ҳам таёққа суяниб қолибди) – таёқ ушлаб қолибди; 10) **йўл тўсмоқ, тўхтатмоқ** (Иккита бўз бола келин-куёв олдиға таёқ тутиб турди (Т.М., «Ойдинда юрган одамлар», 241-б.) – келин куёвнинг йўлиға таёқ ташлаб ҳақ ундириш удуми); 11) **тартибни бошқариш, интизомсизликка қаршилик рамзи** (Милиционер таёқчасини кўрсатишиға қарамай, машина катта тезлик билан ўтиб кетди («Сурхон тонги»)); 12) **онт – қасам ичмоқ** (Ўғри гумон қилинган шахснинг ташланган таёқдан ҳатлаб, ўзини оқлаш удуми. Бунда гумондор: олган бўлсам шу таёқдай қурий деб қасам ичади)); 13) **чўпонликдан чиқмоқ** (Аҳмад чўпон таёғини ташлабди – чўпонликдан чиқибди маъносида (сўзлашув)); 14) **аксинча, чўпон бўлмоқ** (Нурали ака кўлиға таёқ олибди – чўпон бўлибди (сўзлашувдан)); 15) **чўпон ёки чўпонлик** тушунчаси (Мен таёқсиз яшай олмайман; таёқнинг нони ширин – чўпонлик маъносида); 16) **меросий касб** (Таёқ бизға ота-бобомиздан қолган (М.Сафаров)); 17) **кутилмаган хурсандчилик** (бошиға таёқ ёки чўп синдириш керак (келмай-келмай келиб қолган кадрдонларға нисбатан айтилади)); 18) **безбетлик, фаҳмсизлик** (Кутилмаган кўноқ – йўнилмаган таёқ (мақол) – сурбет маъносидаги қашқатаёқ эвфемаси ҳам шу билан боғлиқ); 19) **ўл** (қарғиш) тушунчаси (таёғинг бошингдан қолсин (сўзлашувдан)); 20) **шофёрлар ола таёқдан кўрқишади**; 21) **ўлим ёки ўлди тушунчаси** (таёғи синди, таёғи гўри устиға қўйилди (сўзлашувдан)); 22)

ниҳол маъносида (Умид билан қадалган таёқ, бир кун келиб берар мевали япроқ (мақол)); 23) **ноҳақ жазоланмоқ** (Қилғилиқни бошқалар қилди, таёқ менинг бошимда синди); 24) **жангу жанжал, ўзаро низолар ҳар икки тарафга ҳам кулфат келтиради** (таёқ, калтакнинг икки боши (учи), қарғишнинг икки тоши бор); 25) **кеккаймоқ, ғўддаймоқ** маъносида (Миркомил таёқ, хода ютган (С.Аҳм.)); 26) **вақт** маъносида (Қуёш бир таёқ бўйи бўлди, икки таёқ бўйи бўлди – Вақт алламаҳал бўлиб кетди, тонг отиб кетди, сен ҳали ҳам ухлаб ётибсанми? (сўзлашувдан)) кабилар.

Юқоридаги 3-гап чўлоқ, ногирон (1-2-гаплар реал маънода); 4-гап ўлим, қотиллик; 5-гап задагонлик, киборлик, манманлик; 6-гап жазоловчилар; 7-гап омадсизлик; 8-гап омадлилик; 9-гап қарилик; 10-гап йўл тўсмоқ, пул ундирмоқ, 11-гап интизомсизликка қарши кураш; 12-гап қасамёд қилмоқ; 13-гап чўпонликдан кетмоқ, чиқмоқ; 14-гап чўпонликни қабул қилмоқ; 15-гап чўпон; 16-гап мерос; 17-гап кутилмаган хурсандчилик; 18-гап безбетлик; 19-гап ўл; 20-гап милиционер; 21-гап ўл; 22-гап ниҳол; 23-гап ноҳақ жазо; 24-гап ҳар икки томонга ҳам кулфат келтирмоқ, 25-гап кеккаймоқ; 26-гап ялқов, дангаса тушунчаларига нисбатан эвфемик воситадир. Юқоридаги кўчимлардан 10-12-13-лари эвфемик омонимиянинг шаклланишига сабаб бўлган: таёқ ташламоқ I – келин-куёвни тўсмоқ; таёқ ташламоқ II – онт ичмоқ; таёқ ташламоқ III – чўпонликдан чиқмоқ каби.

Умуман, чўпон таёғини муқаддас билганидек, боқаётган сурувини ҳам пок сақлайди, ёмон кўздан, ёмон сўздан асрайди; сурувга нопок, бегона кишиларни оралатмасликка ҳаракат қилади: Сурувга ювуқсиз киши оралабди, дейди 40 йил чўпонлик қилган қойроқлик (Қойроқ – қишлоқ номи) Панжи Холмамат ўғли. Суҳбат давомида чўпон ювуқсиз киши эвфемасини **нопок, зинокор, ғусл қилмайдиган** шахсга нисбатан қўллаганлиги, бунга моллар бесабаб касалланаётганлиги, бевақт сутини тортаётганлиги – қуритаётганлиги сабаб эканлиги аниқ бўлди.

2.13. Мол савдоси (бозор нутқи) билан боғлиқ эвфемик воситалар

Мол савдоси билан боғлиқ муомала жараёни бирмунча мураккаб бўлиб, ўйлаб-ўйламай айтилган бир сўз ёки гап олувчини ҳам, сотувчини ҳам омад ва омадсизлигига сабаб бўлиши мумкин.

Аввало, сотувчининг қиммат айтиши, олувчининг арзон сўраши бозор муомаласининг ўзига хос хусусиятидир.

Одатда, олувчи сотувчидан молнинг нарhini сўрайди, сотувчи молнинг нарhini бирданига **«фалонча»** ёки **«бунча»** деб қиммат айтиб, харидорни чўчитиб қўймаслик мақсадида: **ўзингиз сўранг, ўзингиз айтинг, ўзингиз тиланг, қанчага оласиз, қанча берасиз, қанчага сўрайсиз, эпга келтириб сўранг** каби эвфемик характердаги гаплардан фойдаланади.

Агар сотувчи хушмуомала бўлса, савдоси келишмаганда ҳам: Мол олишга келганмисиз ўзи? Молни биласизми? Ҳеч мол олиб кўрганмисиз? Сиз ололмайсиз! Мол олиш қўлингиздан келмас экан каби дағал дисфемик гаплар ўрнида: **бироз савдомиз келишмай турибди; майли, хоҳшингиз; мана бозор, бир айланиб кўринг; балки ҳали яна учрашармиз; савдомиз келишиб қолар** каби эвфемик воситаларни қўллайди. Савдо жараёни бундай нутқий муомалани олувчидан ҳам талаб қилади. **Қиммат, нарhini ошириб айтаяпсиз** гапи ўрнига харидор: **бироз тушинг, баландлаб кетдингиз, шекилли; олислаб кетдингиз, баланд айтдингиз, ошиб кетди, назримда** каби юмшоқ ибораларни қўллайди.

Одатда, савдо битими – олди-сотдидаги келишув **бор барака қилинди, баракаси берилди, ширинкома берилди, қўл ташланди, қўл олинди, лафз қиммат, ваъда вафоси билан** каби эвфемик иборалари орқали англашилади.

Ҳар икки томон нутқида ҳам бир-бирига нисбатан: **барака топинг, тўйларингизга кетсин, яхши кунларингизга буюрсин** каби олқиш воситалари қўлланилади.

Чорвадор нутқида бозор савдоси билан боғлиқ (бозорга бормоқ, мол олмоқ, мол сотмоқ, молни сотмай қайтармоқ каби) ҳолатлар маълум даражада эвфемалаштирилиб қўлланилади. Бозорчилар бир-бирларига: **қўйларингиз семириб қолибди, роса бозоргир бўлиб қолибди, бозорга олиб жўнадингизми (Бозорга бораяпсизми, кетаяпсизми?)** гаплари ўрнида мол ҳайдабсиз-да, савдонгиз ўнгидан келсин (**чаққон бўлсин, омадли бўлсин**), **бозорингизни берсин, бароридан келсин** дейилади. Бозордан қайтганда (сотилмай қолган мол назарда тутилиб), **молни сотолмабсиз-да, молингиз ўтмабди-да ўрнида мол арзон бўлдимиз, бозорга мол кўп кирдимиз? (келдимиз?)**; сотиб қайтаётган бозорчига: **қанчадан, неча сўмдан сотдингиз? қиммат сотдингизми?** каби саволлар билан эмас, балки қалай, савдо яхши бўлдимиз? моллар яхши кетдимиз? **бозор чаққонми?** каби эвфемик характердаги воситалар билан мурожаат қилинади. Сотувчи: **ёмон эмас, ёмон бўлмади, эп кўрганига, бозор кўтарганига бериб юбордик. Бозорда мол қимматми?** деган саволга бозорчи: **қиммат дейиш ўрнига кўтарилиб кетибди, ошиб кетибди, баландлаб кетибди, осмонда, йўлаб (яқинлашиб) бўлмайди, бозор босилиб кетди, тиқилиб кетди; нарх-наво арзон ўрнида эса тушиб (пасайиб, ташлаб) кетибди, сўраганига (тилаганига) олаяпти (бераяпти), ушлаган-ушлаганники, сув текин, қўшиққа беради** каби ифода воситалари қўлланилади.

Мол сотилмай, қадрсизланиб, эгаси зарар кўриб, камбағал бўлиб қолганлиги ёки, умуман, **омадсизлик – синмоқ** (банкрот) тушунчалари **касод бўлди, касодга учради, ўтмади, кетмай қолди, савдодан – бозордан қолди, тушди, тушиб кетди** иборалари орқали эвфемалаштирилади: Кимсан, минг қўй ҳайдаган Қувватбой ҳам умрининг охирида касодга учраган (сўзлашувдан). Суди савдодан қолиб, бозоридан айрилмасин (Мукимий) – **Ҳеч ким синиб, камбағал, ночор бўлиб қолмасин** маъносида.

Одатда, бош мол (от, сигир, хўкиз, туя) сотилганда, унинг жилови, бошбоғи, нўхтаси олувчига берилмайди. Бундан ташқари, улар бозорга

хайдалаётганда, от бўлса ёлидан ёки думидан, сигир бўлса думидан, туя бўлса жунидан бир неча тола юлиб ёки озгина кесиб олиб қолинади ва сақланади. Акс ҳолда, гўё омадсизлик юз беради: давлат қайтади, давом этмайди. **Нўхта, бошбоғ ёки жиловни берма гапи – давлатни бой берасан, уни ушлаб қололмайсан, камбағал бўлиб қоласан** тушунчаларининг эвфемик ифодасидир. Бозорга хайдалаётган молларга **исирик солдиринг** (тутатинг) ёки **дам сув септиринг** гаплари **бозордан қайтмасин, савдо касод бўлмасин** тушунчаларининг рамзий эвфемасидир.

2.14. Қассобчилик билан боғлиқ эвфемик воситалар

Пичоқ қайралди, оғзига туз ташланди ёки туз ялатилди, ялоқ қазилди, куллик ип ҳозирланди, кулликланди, бўйни қиблага бурилди, дуоси ўқилди, бисмилло (Бисмилло, Аллоҳу акбар, Аллоҳи акбар, ла илаҳа иллаллоҳ, Аллоҳу акбар, Аллоҳи акбар, Валлоҳу ал-ҳамду) дейилди гаплари – **мол сўйилади**; пичоқ тортилди, жулуғи қайтарилди, жон томири узилди (кесилди, урилди), бежон қилинди гаплари – **сўйилди**; сўйилгандан кейин мол оёғининг қимирлаши, этининг учиши – **қўли енгил**; ҳалол бўлди тушунчаси – **қони оқди, оёғи қимирлади**; ҳаром тушунчаси – **қони оқмади, оёғи қимирламади**; ўпка-жигари касал тушунчаси – **ўпка-жигари қорайиб кетган**; ўпка-жигари касал эмас тушунчаси – **ичи тоза, ойнадай, гулдай**; мол эгасининг бой, камбағаллиги тушунчаси – **ўти тўла, яъни ҳамёни тўла**; аксинча, ўти тўла эмас, яъни **ҳамёни тўла эмас**; жин (ахлат)ни тўқинг тушунчаси – **қоринни бўшатинг**; меҳмон келади аниқроғи, гўштнинг устига кимдир келади тушунчаси – **гўшт учаяпти**; молдан олиб ташланадиган ўн тўртта без, «ҳаром томир» тушунчаси – **одам емайдиган эт**; наслий органлар – **сингир, мояк, хоя, орқа тешик**; қассоб олиб кетиши керак бўлган гўшт (улуш) тушунчаси – **пичоқ учи**; сўйиб сотилган тушунчаси – **гўшт дўконга борган, чангакка илинган, сув бўлган** воситалари орқали эвфемалаштирилади.

Қассобчилик билан боғлиқ харидор муомаласида ҳам эвфемик воситалар муҳим аҳамият касб этади. Аввало, гўшт дўконига кириб борилганда, саломдан кейин, олувчи билан сотувчи ўртасида қўлланиладиган: **–Гўштга барака. –Умрингизга барака. –Гўшт тотли бўлсин. –Тотганда маълум бўлсин** тарзидаги воситалар ҳам диалогик эвфемадир. Айрим қассоблар **қаерини берай?** (бироз қўпол, қисман мантиқсиз) деган гаплар билан мурожаат қиладиларки, бу – харидорни **сонини беринг, орқасини беринг, қовурғасини беринг, думмасини беринг** тарзида жавоб беришга мажбур қилади. **Қаеридан берай?** саволи эса **сонидан (қовурғасидан... каби) беринг, тортинг** тарзидаги қисман эвфемик жавоб талаб қилади. **Қандай гўшт берай, суяклими, суяксизми?** деган саволга, агар суяксиз талаб қилинаётган бўлса, **лахмидан** эвфемаси қўлланилади. **Суяк берайми?** (баъзан суяк ҳам қайнатиш учун олинади) гапини **устухон оласизми?** гапи билан алмаштириш ҳам эвфема қўллашдир.

Суякни камиришга нисбатан **устухонни тозаланг** гапи эвфемадир. Харидорнинг **гўшт борми?** саволига қассобнинг: **гўшт йўқ, тамом бўлди, қолмади** тарзида эмас, балки **афсус, салгина кечикдингиз** каби, яъни ачиниш оҳангидаги баёни ҳам эвфемик жавобдир.

2.15. Бой(лик) ва камбағал(лик) тушунчалари билан боғлиқ эвфемик воситалар

Жамиятнинг ҳамма босқичларида ҳам бой ва камбағаллар ижтимоий қатлам, гуруҳ сифатида мавжуд бўлади. Одатда, **бой** атамаси мол-мулкдорларга нисбатан қўлланилса-да, кўп ҳолларда, молу мулк миқдорини ошкор этмаслик, кўз-кўз қилмаслик, ёмон кўздан сақланиш каби мақсадларда айтилавермаган. Қашшоқ (лик)ни, камбағал(лик)ни камситмаслик, писанда қилабермаслик одоби юзасидан **камбағал** атамаси ҳам эвфемалаштирилган.

Бой тушунчаси чорвадор нутқида қуйидаги воситалар билан эвфемалаштирилган:

1. **Чорва яшайдиган жой, макон** (тўла, қўра, қўтон, яйлов, дала, қир, адир, тўқай каби), **у боғланадиган восита** (қўкан, қўшоқ каби) номлар ёки **кўп, беҳисоб, ҳисоби йўқ, ҳисобсиз, беадад, ададсиз, сурув, гала, уюр, отар, ўра-ўра, уч-қуйруғи йўқ** каби умуммиқдор сўзлар билан.

Сўзлашувда **бой** тушунчаси кўпроқ **битиб кетган, молини қаерга қўйишини билмайди, сон-саноксик, сон-саноғи йўқ, моли қўтонга (қўрага, яйловга, қўканга, қўшоққа) сиғмай кетган, қўрли** каби шаклларда қўлланилади. Мисоллар: Буларнинг қирқ минг туяси бор, қўйнинг сон-саноғи йўқ, ададсиз, ўра-ўра: бир қўра, икки қўра, ўн қўра саналар эди. Йилқи молларини бир уюр, икки уюр дер эдилар. Бойсарининг тўқсон тўқай йилқиси бор эди. Беадад ёйилиб кетган кўп қўй – уч-қуйруғини киши билиб бўлмайди («Алпомиш», 77-б.). Бойбўри айтди Бойсарига: Эй ука, бизнинг молимиз беҳисоб (68-б.).

2. **Қўли узун, қўлини қаёққа узатса етади, ўзига тўқ, бели бақувват, «отлик»** каби сўз ва иборалар билан: Бу ишни ким қилса-да, қўли узун одам қилибди, ўзига тўқ одам қилибди (Т.М., «От кишнаган оқшом», 65-б.). Ўзига тўқлар қўй сўйди (Т.М., "Отамдан қолган далалар", 95-б.).

3. **Бор** сўзи орқали: Мардон жувозкаш борнинг боласи (Т.М., "Отамдан қолган далалар", 358-б.). Бор мақтанса топилар (мақол).

4. **Зўр** сўзи орқали. Зўрники тегирмон юритар (мақол).

Умуман, **бой** тушунчаси **бадавлат, давлатманд** сўзларидан ташқари, **бозори чаққон, бахти чопган, омади келган, оти чопган, омад кулиб боққан, Худо берган** иборалари билан ҳам эвфемалаштирилади.

Камбағал тушунчаси чорвадор нутқида **маърашга моли, борарга жойи йўқ** (мақол), **маҳаги йўқ, маҳактоши ҳам йўқ, молидан маҳак тушиб қолмаган, қўтони (қўраси, қўшоғи, қўкани) қуриб қолган, яйловни тарк этган, қишлоқда ўтириб қолган, моли соб бўлган, тухуми қуриб кетган, уруғликка қолмаган, одам бўлиб от минмаган, оёғи узангига тегмаган, қўли қамчи ушламаган, қорни тўйиб овқат емаган,**

бири икки бўлмаган, бир чопони икки бўлмаган, чориғпўш, оёғи маҳси кўрмаган, кўрмаганнинг боласи, қозони қайнамаган, ота-бобоси илик емаган, қозони қораймаган, бир умр қозонни сувга ташлаб қўйган, камбағалнинг қозони қораймайди, қорайса ҳам қайнамайди (мақол), қайт дейишга қўйи йўқ, кишт дейишга товуғи (мақол) каби мақол, афористик иборалар, шунингдек, қўли калта, қўли қисқа, камқувват, йўқ, бечора, қўри-қути йўқ, йўқчилик, индинига йўқ, ялонғоч каби сўз ва иборалар билан эвфемалаштирилади: Аҳли мўминлар қурбонлик қилишди. Қўли калта мўминлар қассобдан гўшт олди (Т.М., "От кишнаган оқшом", 357-б.). Борлар оҳорли кийимлар кийди, йўқлар кўхна бўлса ҳам, озода кийим кийди (Т.М., "Ойдинда юрган одамлар", 237-б.). Ўн кун бўлди, қозонимиз гўшт кўрмади (Т.М., "Отамдан қолган далалар", 124-б.). Ўғил уйлантирди, қиз чиқарди, бунинг устига ўлим кўрди – қўри қути ҳам тамом бўлди (Ш.Х. «Сўнгги бекат», 127-б.). Деҳқонларни сен ялонғоч қилибсан, элнинг экинини сен едириб қўйибсан («Алпомиш», 88-б.).

Молсизлик, камбағаллик тушунчаси қуйидаги гапда бит сўзи орқали ифодаланган: Келин,— деди онамиз, — анаву ошингни ейин Матросов нима деяпти. —Матацикл олаётган эмиш деди. —Эй-ей, қайси битига олар эмиш (Т.М., "Отамдан қолган далалар", 123-б.).

Камбағал(лик) тушунчаси чорвадор оғзаки ижодида ҳам кесатик, киноя, ачиниш, армон мотивлари

Сой бўйида соқа тош,

Бойнинг қизи қаламқош.

Олай десам пулим оз,

Ўпай десам бўйим пас(т) бандида йигит севгани (бой қизи)га етолмаслик сабаби (пулим оз, камбағалман демоқчи);

Чумчук отдим газ билан,

Кабоб солдим туз билан,

Бир армоним шу эди,

Ўйнамадим қиз билан бандида эса йигитнинг уйлана олмаслик сабаби (камбағал эдим демоқчи) эвфемалаштирилиб баён этилган.

Бир отим бор – ҳар ёнда,

Не ғамим бор бўронда,

Бойлар қўтон кураса,

Мен ётаман оромда бандида қўтон курамоқ – **бой**, оромда ётмоқ – **камбағал** тушунчаларининг киноявий-рамзий эвфемасидир.

Бой ва **камбағал** тушунчаси чорвадорлар яшайдиган **қора уй, ўтов, оқ ўтов, бахмал ўтов, каппа, чайла, олачуқ, чодир** каби воситалар орқали ҳам англашилади:

Шу йўлдан бурилмай тўғри борасан,

Бойсарининг бахмал уйин кўрасан...

Хабар борди шундай отлар чоптириб,

Намойишга оқ ўтовлар ёптириб («Алпомиш»дан). Узоқдан билинар-билинимас бир қапа кўринди (Н.Эргашев, «Ўзанбий авлодлари», 71-б.) гапларида **бахмал ўтов, оқ ўтов** бирикмалари – **бой, каппа – камбағал** тушунчасига нисбатан эвфемик ишора сифатида қўлланилган.

2.16. Ҳалол ва ҳаром тушунчалари билан боғлиқ эвфемик воситалар

Ҳаром сўзи арабча тақиқланган маъносида бўлиб, фойдаланилиши, истеъмол қилиниши шаръан ман этилган нарса. Қуръон («Ал-инжил», «Моида» суралари) орқали ҳаром қилинган чўчка, кузғун (ўлаксахўр) гўшти, ароқ (хамр), қон (дам) каби нарсалардан ташқари, бировнинг ҳақини, молини ейиш ҳам ҳаромдир. Луғатларда **ҳаром** сўзининг мана шу реал маънолари изоҳланган бўлса-да, уларнинг эвфемик маънолари ўз аксини топмаган.

Маълумки, шариатда жинсий алоқа қилиб ювинмаслик ҳам ҳаром ҳисобланади. Чорвадорлар мана шу маънодаги **ҳаром** сўзини талаффуз қилишдан тийилиб, кўпинча, унинг ўрнида **ювуқсиз, ғулсиз, чўмилмаган,**

покланмаган, жунуб, насъиятли, нас босган, кияли, қорали каби эвфемик воситаларни қўллайдилар.

Чорвадор нутқида ювуқсиз (ғулсиз, жунуб) бировнинг юзига юзинг тушмасин ёки молга оралама, мол соғма, сутини тортиб кетади, насъиятинг (қоранг, киянг) ўзингга урсин, сени нас босган, таёқ ушлама каби эвфемик гаплар қўлланилади.

Шунингдек, ҳароми, валади зино, ҳаромзода, зинодан туғилган, отасиз, фоҳиша (жалаб)дан туғилган, жазмани (ўйнаши)дан бўлган, кота, ҳашроти (кейинги иккиси шевада)дан туғилган каби сўз ва иборалар ҳам кўпинча очиқ айтилмайди. Бу тушунчалар ношаръий, беникоҳ, никоҳсиз туғилган, бебисмилло бўлган, худрўя (тож. – ўзи чиққан буғдой, арпа), йўл-йўлакай орттирилган, орттирма, «худо берган» (кесатик), норасмий, ноқонуний туғилган, баъзан қўчқори (буқаси) номаълум (кесатик) воситалари билан эвфемалаштирилади: Бебисмилло туғилган бола ким ҳам бўларди (Н.Эргашев, «Ўзанбий авлодлари», 75-б.). Жазманидан орттирилганини ҳам олиб келибди (Н.Эргашев, «Ўзанбий авлодлари», 81-б.). Қўчқор қўймай туғилган болалар кўпаймоқда,— деди Тоғай Полвон истехзо билан («Чағониён», 2000, 4-сон). Сен ҳеч ким эмассан, сен ноқонуний, норасмий туғилгансан (сўзлашув).

2.17. Ўғри ва ўғирланган тушунчаси билан боғлиқ эвфемик воситалар

Чорвадор нутқида ўғри ва ўғирланган сўзлари ошкор айтилавермайди. Ўғри тушунчаси қўли эгри, қўли қалб, қўли қалтис, оёғи эгри, оёғи қийшиқ, қадами эгри, юриши эгри, нопок, қаллоб, каззоб, ишончсиз, нафси бузук, қасамхўр, таёғи қийшиқ; ўғирланган тушунчаси топилмайди, қўлли бўлган, жойли бўлган, сув бўлган, «эга»ли бўлган, гумдон қилинган, умидни узинг, фотиҳасини бераверинг, асфалософинга кетган, қидирмаса ҳам бўлади, қидириш бефойда, йўқ эвфемалари билан

ифодаланади: Ўлиб-тирилиб ҳисор зотини хиллаганман. Юз йигирматадан кўзи олганман. Қўли эгри одам бир кечада меҳнатимни сув қилади (П.Қод., "Қора кўзлар", 54-б.). Отингиз қўлли бўлган. Бу тоғларда от ўғриси йўқ деб ким айта олади. Энди уни қидирмасангиз ҳам бўлади,— деди кекса чўпон («Сурхон тонги», 2001, 28-октябр). Қўли эгри чўпоннинг таёғи ҳам бефайз бўлади («Сурхон тонги», 2002, 27 май).

Қўйлари қароқчилар қўлига тушган, қўл-оёғи боғлаб ташланган чўпон бир марта най чалиб қолиш учун қўлини ечишини сўрайди ва най навоси орқали бойнинг қизи (севгилиси) Ойбастига қуйидагича эвфемик хабар беради:

Басти-басти, Ойбасти!

Оқиш қўйларинг ёв бости.

Отангнинг оқ саркаси,

Оқкўтал товдан ошди (80 ёшли Менглиқул бободан).

Бунда қўйларинг ўғирланди, қароқчилар олиб кетаяпти тушунчалари **ёв бости**, **Оқкўтал тоғидан ошди** гаплари билан эвфемалаштирилган.

2.18. Чорва пайрови билан боғлиқ эвфемик воситалар

2.18.1. **Чорва пайрови**да ҳайвон номи, унинг қисмлари, маҳсулотлари номи ва уларнинг хусусиятлари бошқа предметларга, кўпинча, одамлар ва уларнинг хатти-ҳаракатларига кўчирилади, образлаштирилади. Кўчирилувчи объектлар умумий, ижтимоий моҳият, характер касб этиб, танқид ёки кулги объектига айланади ва яширилган, аниқроғи, табулаштирилган — эвфемик пайровнинг шаклланишига сабаб бўлган воқеликнинг тасвирий ифодаси бўлиб хизмат қилади. Чунончи, эҳтиёт бўлинг, бу йил ҳам сигирларни бузоқлар эмиб қўймасин (66, 27) гапи — **юлғичлик**, **талон-торож қилиш** тушунчаларининг эвфемасидир.

Мана шу масалага доир қуйида мисоллар келтирамиз: Мен сизни **туёк шиқиллатиб** юрувдингизми деб ўйлабман гапи — **кетиб қолмоқ**, **ишсиз**

юрмоқ; Абдуллажон ака, **туёқ планини аллақачон бажардим-ку** (27-б.) гапи – **қўзи олиш планини бажармоқ**; У кунги ревизияда кам-қўстлар топилди, қўл келганда сиз ҳам **соғиб ичишга уста экансиз** (27-б.) гапи – яхшигина **тамагир, ташмачи, порахўр экансиз**; Ўзингиз у ёғ, бу ёғда юрсангиз, **бу ёқда бировлар сутингизни кавшашиб қўйишибди**, ахир (27-б) гапи – у ёғ-бу ёғда юрмоқ – **ундириб юрмоқ**, бу ёқда – **махсулотни ўғирлатиб қўймоқ**; Шунақа бўлаверса, гапларингизда ҳам **жир қолмайди** гапи – **ваъдангиз маъносиз**; эҳтиёт бўлинг, иш билмас деб **терингизни шилиб юрмайлик** (28-б.) гапи – **азобга, жазога гирифтор қилмоқ**; Ёрдам бермадингиз деб, жойи келганда, мен **терингизга туз тикаман** (сепаман) гапи ҳам **қаттиқ жазо бермоқ**; Бир томондан силос, бир томондан қишга ҳозирлик кўриш, ахир **зардоб қилиб** юбордиларинг-ку! (27-б.) гапи – **саргардон қилмоқ, қаттиқ саргардон қилмоқ, жондан ўтказмоқ**; Нариги биригадан қўшиб беришган ернинг жудаям **жири қочган** экан (25-б.) гапи – **ориқ, ташландиқ, ҳосил бермайдиган ер**; Оч қолиб сигирлар сизга қараб «мо» деса **гўштингни ейман** деб пўписа қилманг, Раис бобо (98-б.) гапи – **деҳқонларга нисбатан адолатсизлик, зуғм қилмаслик**; Бунча чорбозор қатнайсиз десам, нима қилай, **сигир-бузоқлиман**, дейди (24-б) гапи – **бола-чақам кўп, рўзғорим оғир**; Раис мудирга: **Увуб ўтирасизми, оқлик солинган қатикқа ўхшаб** гапи – **ишга аралаша олмаслик, ношудлик** тушунчаларининг эвфемик ифодасидир.

2.18.2. **Кўпқари (улоқ) пайрови эвфемасида** ҳам от ёки чавондознинг улоқ чопиши, улоқ (зот) ажратиши билан боғлиқ реал ҳаракатлари инсон фаолияти, хатти-ҳаракати ва ҳаёт тарзига кўчирилади. Пайров ижтимоий моҳият касб этади. Пайров талабига кўра, очиқ айтилиши керак бўлмаган воқеликлар юмшоқ, нозик, беозор тарзда ёпиб айтилади. Бунда нуткий интонацион вазият, нозик оҳанг, урғу, эвфония муҳим рол ўйнайди. Шунинг учун ҳам яхши пайров нуткий санъат даражасига кўтарилган бўлади: Биласизми, Махсум ака, чавандозман деб ҳаммани **жилдириб юрибсиз**

(31-б.) гапи – **алдамоқ ғафлатда қолдирмоқ**; Хорманг энди, бу йил пахтада **яхши ҳақ ташладингиз** (21-б.) гапи – **яхши ҳақ бермоқ**; Бу йил **улоқни ўнгариб кетдингиз** (22-б.) гапи – **планни уддаламоқ**; Келинг, **отингизни қамчиланг** (21-б.) гапи – **планни бажаришга шошилинг**; Пойгада **ўзолмади** (21-б.) гапи – **планни бажара олмаслик**; Бу гапларингизни **думда юрганларга айтинг** (20-б) гапи – **қолоқлик, планни бажаролмаслик**; Раис бобо **яхши чавондозсиз-ку, лекин жиловни қўлдан бериб қўйгансиз** гапи – **ишнинг уддасидан чиқолмай қолганлик, уддалай олмаслик** тушунчаларининг эвфемик ифодасидир. Таъкидлаш жоизки, пайровлар асосан эвфемик нутқдир. Чунки, пайров шаклланишида, унинг заминида кўпинча эвфемик маъно – кўчим ётади.

2.19. Эвфемик идиома

Эвфемик идиомада инсон маълум сабаб билан табиат, ҳайвонот, ҳашорот, набототнинг у ёки бу, жонли ёки жонсиз турларига нисбат берилади; уларнинг фақат номларигина эмас, маълум хусусиятлари ҳам инсонга кўчирилади. Бироқ бундаги алоқадорлик (ассоциация) окказионал бўлиб, муайян нутқий вазият талаб ва эҳтиёж (инсон номини образлаштириш, символлаштириш, ошкор айтавермаслик – вақтинча табулаштириш каби) асосида шаклланади. Масалан, нотаниш, бунинг устига душман Қоражон саволларига Алпомиш:

Кўкқамиш кўлидан Суқсур учирдим,
 Суқсурни излаган Лочин бўламан.
 Боғларим Зумраддан, чангалим пўлат,
 Бойсундан қуйилган Шунқор бўламан.
 Бойлигидан бедов отни бойлаган,
 Танқа тайлаб Олатовни ёйлаган,
 Камбағали қирқ минг гала ҳайдаган,
 Шул галада бизнинг бир моя келган,

Моянинг йўқчиси – нори бўламан («Алпомиш», 149-б.) деб жавоб беради. Бу матнда **Алпомиш** ва **Барчиной** номлари яширилиб, **Суксур** (кўлларда яшавчи гўзал бир қуш) ва **Лочин, Шунқор** (Суксур каби қушларни овловчи қушлар султони), **моя** ва **нор** (энг олий зотли урғочи ва эркак туялар) номлари билан аталганки, бу фавқулотда гўзал, рамзий эвфемик идиоманинг шаклланишига сабаб бўлган. Худди шу ўринда Алпомиш:

Хазон бўлса, зоғлар қўнар гулшанга,

Ажалли кесартки тегар илонга,

Индан чиқиб пишак билан ҳазиллар,

Магар ажал қамсаб келса чичқонга (149-б.) дейдики, бунда ҳам душман номи – **зоғ, калтакесак, сичқон**; буларнинг қушандаси (**Алпомиш**) – **лочин, илон, мушук** номлари билан берилган.

Ултон бости шундай шернинг изини,

Тўй бериб олмоқчи сарвинозини (360-б.).

Бунда **Алпомиш** – **шер, Барчиной** – **сарвиноз** сўзлари билан идиомалаштирилган. Ўғли Қоражон учун совчи бўлиб келган Сурхайлга Барчиннинг онаси: «Қарчиғай қарғага емтик берами»,– дейди (97-б.). Бунда **Алпомиш – Қарчиғай, Қоражон – қарға, Барчиной – емтик** (қолдиқ гўшт) номлари билан эвфемалаштирилган.

Умуман, «Алпомиш» достони эвфемик ва дисфемик идиомаларни ўрганишда энг муҳим объект бўлиб хизмат қилади. Масалан, **Алпомиш** номи дostonда **Алп, Шер, Арслон, Йўлбарс, Нор, Қўчқор, Шунқор, Бургут, Лочин, Қирғий; Илон, Аждарҳо; Хон, Бек, Оға, Тўра, Мард, Ботир, Полвон, Соҳиб, Эга, Шохчинор, Тоғ** каби эпитетлар билан аталиб, рамзий-эвфемик идиоманинг шаклланишига, шунингдек, **Бойсун, Қўнғирот, Бойсари, Алпомиш, Барчиной** каби номлар ўрнида (қалмоқлар нуткида) **ўзбак, ўзбакнинг қизи, ўзбакнинг қўйи, ўзбакнинг бойи, ўзбакнинг уйи, ўзбакнинг оти, ўзбакнинг полвони** каби атамалар қўлланилганки, бу

хурмат, эъзоз эмас, балки, нописандлик, камситиш, манманлик каби дисфемик (нутқ) идиоманинг шаклланишига сабаб бўлган.

Эвфемик идиоманинг шаклланишида ҳайвон, хусусан, мучал номлари фаол қўлланилади. Бунда инсонга ўз мучалининг хусусияти метонимик усул билан кўчирилади. Ўғри, бировнинг ҳақини ейдиган, порахўр тушунчаларига нисбатан **унинг йили сичқон**-да; фаҳм-фаросатсизликка нисбатан **мучали хўкиз**-да; субутсиз, бетайин, алдоқчи тушунчаларига нисбатан **мучали қуён**-да; тутқич бермайдиган, осонлик билан қутулиб кетадиган киши тушунчасига нисбатан **мучали балиқ**-да; зийрак, айни замонда, зарарқунанда киши тушунчасига нисбатан **мучали илон**-да; тўполончи, жангари, олди-кетига қарамайдиган киши тушунчасига нисбатан **мучали от**-да; оғир, босиқ, бепарво, сабрли киши тушунчасига нисбатан **мучали қўй**-да; найрангбоз, лўттибоз, қийинчиликдан осонлик билан қутиладиган киши тушунчасига нисбатан **мучали маймун**-да; иродасиз, ожиз, майдакаш киши тушунчасига нисбатан **мучали товук**-да; ҳаромхўр, тамагир, пасткаш киши тушунчасига нисбатан **мучали ит**-да, ҳеч нарсадан қайтмайдиган, муомала-муносабатни билмайдиган, фаросатсиз киши тушунчасига нисбатан **мучали чўчка**-да иборалари идиоматик эвфемадир.

2.20. Парафрастик эвфема

Баъзи олимлар кўчим асосидаги ҳосила маъноларни ҳосилавийлигини йўқотган лисоний ҳосила, лисонийлашган ҳосила, лисонийлашаётган ҳосила ва нутқий (лисонийлашмаган) ҳосила маъно турларига ажратиб таснифлайдиларки (70, 23-27; 56, 5; 72, 67-71), бунда эвфемик маъно кўчими ҳам тасдиқлайди. Чорва билан боғлиқ тарзда шаклланган эвфемик воситалар, уларнинг маъно кўчимлари эволюцион тараққиёт даражасига кўра иккига: **нутқий** ва **лисоний** эвфемаларга ажралади. Иккинчи тур (парафрастик ёки лисоний эвфема) умумий хусусияти (кўчимлилик) жиҳатидан биринчи турдан, яъни юқорида баён этилган чорва номи, унинг аъзолари ва

махсулотлари номи билан боғлиқ шаклланган идиоматик эвфема ва эвфемик пайровларга яқин турса-да, улардан қуйидагича фарқланади: Биринчи турда лақабланишган ҳайвон номлари (Кўкдўнон, Бойчибор каби), пайровдаги чорва ва унинг қисмлари, аъзолари, маҳсулотларининг номлари нутқий ҳодиса сифатида намоён бўлади. Унинг ишоравий маъноси (кўчими) аниқ гап, синтактик қуршов, муайян вазият, мулоқотдагина англашилади (оказионал маъно, вазият). Масалан, **жирсиз** сўзи «Ерингиз жирсизланиб қолган экан» пайровидагина **ташландиқ, ориқ, ҳосилсиз** маъноларини англатади, холос. Ёки **нон-қатик, сут-қатик, ош-қатик** жуфт сўзлари муайян гапдагина **ошна-оғайни, яқинлик, дўстлик**, аксинча, **яқин эмаслик; калла-поча** жуфтлиги **остин-устин** ёки **ўлим** тушунчалари билан боғлиқ эвфемик восита бўлиб хизмат қилиши мумкин: Мен сиз билан ҳеч қачон сут-қатик бўлганим йўқ (Т. М., «Отамдан қолган далалар», 57-б). Даҳо ўз ош-қатиклари олдида шу гапни айтди (Т. М., «От кишнаган оқшомда», 382-б.). Агар хотиним ўлса, ҳаммангни калла-поча қилиб ташлайман,— деб ўшқирди (Т. М., «Отамдан қолган далалар», 75-б.).

Ҳайвон номи ва унинг хусусияти асосида шаклланган парафрастик эвфема ёки лисонийлашган эвфема тарихий-эволюцион жараёнинг юқори босқичига кўтарилган, тил фактига айланган, хотирада бутун ҳолда шаклланидиган мақол, матал, топишмоқ, фразема, афоризм мақомини олган, маъноси (кўчими) ибора таркибидаги сўзларнинг реал (денотат) маъносидан англашилмайдиган, умумий, кўчма, образли, фалсафийлашган, маҳраж маъно (ҳосила маъно) англатадиган ҳодисалардир. Маълумки, парафраза (перифраза) термини кенг тушунча (16, 321; 97, 247). Бироқ ҳамма эвфемик воситалар парафраза эмас. Парафраза эвфемик маъно ифодалагандагина эвфемик восита бўлиб хизмат қилади. Демак, эвфемика эвфемик маъно ифодаладиган ҳар қандай лисоний ёки нутқий бирликларни ўзининг ифода воситаси сифатида ўрганади. Шу сабаб ҳайвон номи, унинг хусусиятлари асосида шаклланган ва эвфемик маъно ифодаладиган фразема ёки

парафразаларни **парафрастик эвфема** деб атадик¹. Парафрастик эвфеманинг яна бир ўзига хослиги шуки, у грамматик шакли (содда гапми, кўшма гапми)дан қатъи назар, матн ичида ҳам, матндан ташқарида ҳам ўзининг шакл ва мазмун бутунлигини сақлайди. Чунончи, **Отдан тушса ҳам, эгардан тушмайди** парафрастик эвфемаси (мақоли) ҳар қандай нутқий вазиятда **мансабпараст, шухратпараст, такаббур** ёки **нодон** тушунчаларини англатаверади.

Парафрастик эвфемалардан чорва номлари (зоонимлар) билан боғлиқ шаклланган лексик бирликларни фарқлаш зарурияти мавжуд. Зоонимлар билан ясалган ёки ифодаланган атамалар ҳам аслда парафрастик эвфема каби кўчим (метафора, метонимия каби усуллар) асосида шаклланган. Бироқ улар одатдаги содда ва кўшма сўзлар каби конкрет маъно касб этган — образлиликка, кўчимга, эвфемик маъно қатламига эга эмас. Бошқача айтганда, ҳайвон номлари билан ифодаланган тил бирликлари лексикологиянинг ўрганиш объекти бўлиб, улар тилнинг: 1) а н т р о п о н и м и к (Кўзибой, Кўчқор, Нортой, Бойтой, Арслонбек, Қоплон, Шербой, Бўтаёр, Норбўта, Бўрибой, Итолмас; русча: Баранов, Зверев, Медведев, Лев, Лебедев, Орлов, Блохин, Зайков, Волков, Муравьев каби); 2) т о п о н и м и к (Туясарой, Туятош, Туя ўлган, Сигиртош, Туябўйноқ, Туямўйин, Чўчкажар, Бўрижар, Арслондара, Айувдара, Қоплондара, Эшакўлди, Хукдара, Кўпакато, Кийиксоғди каби); 3) з о о н и м и к (туяқуш, бузоқбош, эчкиэмар, харгўш (қуён) каби); 4) о р о н и м и к (итқуш, италгу, бўриқуш каби); 5) б и о н и м и к (кўзиқорин, кўзиқулоқ, кўзигул, отқулоқ, кийикўти, сигирқуйруқ, илонтелпак, хардумма, такасоқол, туятоппон, туятиш, туяқорин, итоғиз, итбурун, итузум, итқовун, айикўти, чаёнўт, чўчкасингир, чўчказира, қуёнтовон, тулкитошоқ, гултожихўроз каби) қатламларининг шаклланиши ва тараққиётида катта рол ўйнаган.

¹ Эвфема, парафраза, фразема терминлари ҳақида ушбу бўлимнинг хулосасида тўхталдик.

Зоонимлар асосида шаклланган лексик бирликлар (атамалар) ва парафрастик эвфемалар вақт, замон жиҳатидан ҳам фарқланади. Зоонимик атамалар тил тараққиётининг асосан биринчи – дастлабки босқичига хос. Чунки ҳайвонот олами инсон ҳаёти, яшаш тарзи билан зич боғланган бўлиб, инсон ҳатто ҳайвонларни тотемлаштирган, номларини ўзи ва бошқа предметларга кўчириб қўйган (бу ҳақда 1-бобда тўхталганмиз).

Парафрастик эвфема инсон тафаккури, фантазияси ва заковатининг, демакки, тилнинг ҳам кейинги тараққиёт маҳсули бўлмиш мақол, матал, топишмоқ, фразема, афоризм каби сайқалланган, образли воситаларидир. Булар ўзбек адабий тилида маълум даражада ишланган (91; 92; 51; 52). Бирок ҳайвон номлари билан боғлиқ шаклланган эвфемик нутқимиз тадқиқот объекти бўлган эмас. Парафрастик эвфема термини остида аталаётган фактларнинг кўпи ҳали ёзиб олинмаган, хусусан, уларнинг семантик қатлами, мажозий кўчимлари тадқиқ қилинмаган, луғатлардан ўрин олмаган. Ҳолбуки, кўпгина олимлар, чунончи В.Н.Телия бундан ярим аср олдин мақол ва маталлар шакл ва мазмун жиҳатдан яхлитлашган, умумлашма – образли, фигурал маъно ифодалайдиган, тайёр ҳолдаги фразеологизмлар эканлигини ёзган ва шу билан бирга М.В.Ломоносов кўп миқдордаги мана шундай мақол ва маталларни тўплаб «Российская грамматика» китобида илова сифатида фойдаланганлигини ва булар келажакда луғатларга киритилиши кераклигини уқтирганлигини таъкидлаган (110, 7).

А.А.Потебня мақол, маталлар билан бирга, кичик сюжетли масалларни ҳам фразеологик оборот термини билан атаб, уларнинг маъно кўчимлари ишлатилиши кераклиги, аксинча, уларнинг маъно босқичлари унутилиб кетишини уқтирган (90, 103).

Таъкидлаш керакки, чорва нутқи ва унинг хусусиятлари асосида шаклланган, аввал чорвадор нутқида сайқал топган, сўнгра ижтимоийлашиб, умумадабий тил мулкига айланган мақол, матал ёки ибора каби лисоний бирликларнинг эвфемиклашиш даражасини аниқлаш мунозаралидир. Бу,

аввало, парафраза, фразема, жумладан, мақолларнинг семантик тизими, эволюцияси, кўчимлари етарли ўрганилмаганлиги билан характерланади.

От тепмас, ит қопмас дема; Ит қутурса эгасини қопади, эшак семирса (тўйса) эгасини тепади мақолларининг мазмуни чорвадорлардан сўралса, кўпчилиги асл, бош маънога, баъзиларигина мажозий (кўчим) маънога ишора қиладилар. Тўғри, бир қарашда юқоридаги мақолларда ҳайвон ҳаракати билан боғлиқ юз бериши мумкин бўлган **қопмоқ, тепмоқ, тишламоқ** тушунчалари англашилиб туради. Бу тушунчалар ҳали фикрдан ўчган эмас.

Бироқ парафраза, фразема, чунончи, мақоллардан бирламчи (генетик, реал) маъно изланса, тикланса, улар: 1) мақол бўлмайди; 2) улардан кўчим, жумладан, эвфемик маъно қидириш ортиқча бўлиб қолади. Ҳолбуки, чорва номлари билан боғлиқ пайдо бўлган мақолларда ҳукм қаратилган объект — адресат, асосан, ҳайвон эмас — инсон, жамият ҳисобланади.

Инсон ёки жамиятдаги ижтимоий иллат ва нуқсонлар, очиқ айтиш истиҳола қилинган, тилга олиш одобсизлик, кўпол ҳисобланган салбий ҳолатлар ҳайвон ҳаракати орқали (аллегорик) баён этиладики, бу н и с б и й э в ф е м и к и ф о д а н и н г шаклланишига сабаб бўлади. Масалан, **Синамаган отнинг сиртидан ўтма** мақоли реал маъно (синамаган отнинг сиртидан ёки орқасидан ўтма (фақат II шахсга қаратилган), тепади, майиб бўласан)га нисбатан ҳам, мажозий маъно (синамаган, билмаган одамга яқинлашма, балого қоласан, ғалва орттиришинг мумкин)га нисбатан ҳам юмшоқ ифодадир. Ёки Ватанингни, халқингни, оила ва дўстларингни ташлаб кетдинг! Охири қайси юз билан қайтиб келдинг, Ватангадо! Хоин! гаплари ўрнида **«Ҳа, от айланиб қозигини топаркан-да!»** дейиш эвфемик баён.

Демак, чорва номи билан боғлиқ шаклланган мақолларнинг ўзига хос хусусияти шуки, унда: 1) фикр тиғи формал жиҳатдан ҳайвонларга қаратилган бўлса-да, мантиқан ҳайвон номи ва унинг хусусиятлари орқали инсон хатти-ҳаракати ёки бирор ижтимоий воқелик ёпиқ «фельетон»

қилинган бўлади (бундай баённинг тўла кўринишлари масалларда акс этган); 2) чорва номи билан боғлиқ мақолларнинг эвфемиклиги нутқий эвфемадан фарқланади: нутқий эвфемада эвфемик восита кўчимлар (масалан, **сут, қатик** дейиш ўрнида **«оқлик»** сўзининг қўлланилиши каби) бўлса, чорва номи билан боғлиқ мақолларда эвфемиклик кўпинча кўчим ёки мажозий маънолардан қидирилмайди (кўпинча мажозда инсон салбияти яширилган, табулаштирилган бўлади), аксинча, мақолларнинг ўзи (нисбатан, албатта) эвфемик восита бўлиб хизмат қилади.

Масалан, **Бузоқнинг югургани (қочгани) сомонхонагача** иборасини ҳам таҳлил қилайлик. Туғилган бузоқ дастлаб (хусусан, қишда) сомонхонада сақланган. Онасини эмиш, соғиш ёки очиқ ҳавода сақлаш муносабати билан ташқарига олиб чиқилган бузоқ боғловдан, нўхтадан бўшалганда, тўғри сомонхонага – ўрганган иссиқ жойига югуриб (қочиб) борган. Бузоқнинг бу такрорий ҳаракати – одати **Бузоқнинг қочгани (югургани) сомонхонагача** дейилишига сабаб бўлган. Бу гап бора-бора инсонга нисбатан (аналогик усул билан кўчирилган) **қулидан иш келмайдиган, имконияти чекланган, ношуд одам** маъносида қўлланадиган бўлган. Бузоқнинг қочгани (югургани) сомонхонагача микроматнида тўғри (бузоқ ҳаракати билан боғлиқ) маънодан ташқари, кўчма маъно (инсон фаолияти билан боғлиқ) ҳам шаклланган. Ҳайвон ҳаракати билан боғлиқ бош (денотат) маънонинг эвфемиклашганлиги инсонга нисбат берилганда реаллашади. Бош маъно бирмунча беозор, кўчими нисбатан салбий, яъни қулидан ҳеч иш келмайди, йўли берк, ҳеч қаёққа қочиб қутила олмайди, ношуд тушунчалари (кўчим)га нисбатан Бузоқнинг қочгани сомонхонагача ибораси (денотат)нинг юмшоқлиги – эвфемиклиги исбот талаб эмас.

Парафразанинг денотатлари шаклан бироз салбий бўлиб туюлса-да, аслда улар орқали очиқ айтиш ноқулай бўлган инсоннинг салбий ҳаракати, характери ҳайвон ва унинг хусусиятлари орқали ўзига хос усулда ифодаланади.

Бироқ юқоридагилардан ҳамма мақолларни кўчимиға нисбатан эвфемик восита демоқчи эмасмиз. Чунки улар (мақоллар) кўчимининг «табулашиш» даражаси бир хил эмас. Яъни баъзи мақоллар нохуш ёки нисбатан айтиш ноқулай бўлган воқеликни юмшатувчи восита бўлолмайди. Масалан, **От йигитнинг йўлдоши** мақоли орқали англашилган кўчим (узоқни яқин қилувчи, инсон оғирини енгил қилувчи) табу эмас, тавсифдир. Унда от семаси сақланиб, фақат унинг ҳаракати кўчирилган – ижтимоийлаштирилган. **Семиз қўйнинг умри калта** мақоли эса семиз қўй сақланмайди, сўйилади (ўлади) тушунчасига нисбатан эвфема бўлса-да, у бутунлигича ижтимоий ҳаётга кўчиб улгурмаган ва б.

Бундан ташқари, **Қоронғи уйда қоплон гулдирар; Оғил тўла оқ эшак; Отим сийди, сийган жойи куйди; Отдан баланд, итдан паст** каби ҳайвон номи қатнашган парафрастик топишмоқлар ҳам эвфема эмас, аксинча дисфемадир. Ундаги **тегирмон, тиш, ари, эгар** сўзлари табулаштирилган эмас, топилиши керак бўлганлиги учун яширилган. Бироқ кўпгина топишмоқлар борки, улар жавобига нисбатан эвфемадир. Масалан, Бир отим бор ажабгина, Думлари бор гажаккина топишмоғи жавоби (чаён)га нисбатан эвфемадир. Ёки кўпгина чистон-топишмоқларнинг жавоблари табу характеридадир. Масалан,

Ҳаргиз-ҳаргиз, бўйни бир газ, Чақирса келмас, пиёда юрмас;

У нимадир тикмадилар бичдилар, У нимадир, деразасиз бинодир (Маҳтумқули) гапларининг жавоблари (**ўлик, кафан, қабр**)га нисбатан эвфемик ифодадир.

Боб бўйича хулосалар:

1. Чорвадорларнинг чорвачилик билан боғлиқ муомала воситалари тарихийлик нуқтаи назаридан бир-биридан кескин фарқланувчи икки даврга: 1) шўро тузумигача бўлган; 2) шўро тузumi даври чорвадорлари нуткига ажралади. Биринчи даврда асрлар давомида яратилган, минглаб нозик, образли сўз ва иборалар, эвфемик ифодалар, терминологик воситалар,

умуман айтганда, фундаментал тадқиқот объектига арзигулик тил бойликлари мавжуд бўлиб, булар иккинчи даврга келиб, муайян сабаблар билан, заҳираси тугаётган кон каби ботинлашган, профессионаллигини йўқотиб, «яланғоч»ланиб қолган; унинг ўрнини **СЖК** (қўйларни сунъий қочириш пункти), **қўзилатиш компанияси, сепаратор, қўзи сўйиш компанияси, қўзини ўстиришга қолдирмоқ, давлатга гўшт, сут, тери, жун топишмоқ, гўшт, сут, жун, тери ишлаб-чиқариш** (аслда етиштирилади) давлат планини бажармоқ, **қўй сирғалаш, ферма мудир, чорва бухгалтер, ветеринар врач** каби «эвфемик либоси ечилган», гўё адабийлаштирилган, замонавийлаштирилган «советизм»лар эгаллай бошлаганки, бу эстрадага айланган мумтоз қўшиқни эслатади.

2. Профессионал мумтоз чорвадор нутқи **чорванинг урчиштиғилиши, кўпайиши, маҳсулоти, сон-саноғи, сотилиши, семириши, озиши, ўлими, сўйилиши, йўқолиши, касаллиги, тури, ёши, жинси, унга бўладиган инсон «мулоқоти», чўпон ва таёқ, мол савдоси (бозор нутқи), қассобчилик, бойлик ва камбағаллик, молдорлик ва молсизлик, ҳалоллик ва ҳаромлик, ўғрилиқ ва тўғрилиқ** каби тушунчалар билан боғлиқ шаклланган жуда бой эвфемик қатламга эга.

3. Чорва номи, қисмлари, аъзолари, маҳсулотлари номи, баъзан қуш ва паррандалар ҳамда уларнинг хусусиятлари бошқа предметларга, кўпинча одам ва унинг хатти-ҳаракатларига кўчирилади – образлаштирилади. Кўчирилувчи объектлар умумий-ижтимоий моҳият, характер касб этади; яшириб ифодаланаётган, яъни табулаштирилаётган тушунчанинг тасвирий-эвфемик ифодаси бўлиб хизмат қилади. Мана шу жараён чорва билан боғлиқ **идиоматик эвфема, пайрав эвфемаси, парафрастик эвфема, мақол эвфемикаси** каби бир-биридан фарқланувчи бадиий ифодаларнинг шаклланишига сабаб бўлади.

4. Фактлар бефарқ қўлланиб келинаётган парафраза ва фразема терминларининг синонимлигини тасдиқлайди. Эвфема, умуман, семантик-

функционал категориялиги билан парафраза ёки фразема терминлари билан ёндош: булардан материал ҳам олади. Бироқ у (эвфема) ўзига хос семантик-функционал маъно категорияси эканлиги, алоҳида ўз ўрганиш объектига эгаллиги билан ажралиб туради. Эвфема парафраза ёки фраземадан материал олганда, унга нисбатан парафрастик эвфема, фразематик эвфема терминларини қўллаш мумкин. Бу терминлар фактнинг лисоний (нутқий эмас) эвфема эканлигига ҳам ишора қилиб туради.

3-боб. ЭТНОГРАФИК УДУМЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ ЧОРВАДОР НУТҚИ ЭВФЕМИКАСИ

Чорвадорлар ёки элибойлар баҳор бошланиши билан яйлов (шевада **жайлов** ёки **юрт, баҳорюрт, қўниш**)ларга кўчиб чиқиб, овул (5 уй, ўтов, кора уй, капали; 10 уйли, 15 уйли каби) бўлиб яшашади ва қишда қишлоққа қайтишади (бу **яйловқайт** дейилади), чўл зоналарида қишлаб ҳам қолишади: Агар энди ҳа десаларингиз яйловқайт қилсак,—деди Оқсоқол (Х.Холмўминов, "Кўкламнинг бир кунида", 9-б.).

Кўчиш ва қайтишда овул оқсоқоллари розилиги, маслаҳати олинади. Энг муҳими, кўчиш ва қайтиш юлдузлар ҳаракати ва унинг авзойига қараб қайси куни қаёққа: тоғ томонгами, чўл томонгами, қиблагами, кун чиқар томонгами ёки машрик, мағриб, шимол, жанубгами кўчиш мумкин-мумкин эмаслигини айтиб берадиган ҳисобдонлар (мунажжим)нинг маслаҳати асосида бўлади. Бу — чорвадор нутқида соат сўраш, яъни **соатми, бесоатми** дейилади. Кўчиш мумкин бўлса, соатли (кун), мумкин бўлмаса, соатсиз, бесоат (кун) дейилади. Бундаги соатли, соатсиз атамалари омадли ва омадсиз, яхши ва ёмон, бахтли ва бахтсиз кун тушунчаларининг эвфемасидир. Ўзбошимчалик билан (соат сўрамай) кўчиб, бирор омадсизликка учраган, масалан, оти, сигири, ўзи ёки кимидир ўлиб қолган кишига нисбатан бесоат кўчган, юлдуз урган, юлдуз хоҳламаган эвфемалари қўлланилади. Соат сўрашга эътиборсиз, қайсар, лоқайд, ўзбошимча одамларга нисбатан: Олсанг — маслаҳат, олмасанг — бесоат ёки Англасанг — соат, англамасанг — бесоат; бахтли ва бахтсиз, омадли ва омадсиз тушунчаларига нисбатан соатли кун (яхши кун)да туғилган, соатсиз кун (ёмон кун)да туғилган эвфемик мақол ва афоризмлари қўлланилади.

3.1. Абрук чиқармоқ удуми

Бу удумга кўра, ҳамма қатори белгиланган соат кунида кўчиш имконияти бўлмаган оила нарсаларидан бирортасини (масалан, ўтов ёки қапа жиҳозларидан) кўчганлардан бериб юборади. Сўнгра соат сўрамай кўчиши мумкин бўлади. Чунки абрук (арабча, бирлиги: барака) чиқарилган. Демак, **абрук чиқарилган** ибораси бесоат кўчиш билан боғлиқ юз бериши мумкин бўлган бахтсизликнинг олди олинган, деган тушунчанинг эвфемик ифодасидир.

Чорвадор яйловга кўчиб боргач (яйлов ҳаёти, ўрнига қараб, 6-7 ой давом этиши мумкин), қўйлар семира бошлаши билан, овул аъзолари бир-бирига тенг (тир) келадиган, навбатма-навбат сўйилиши керак бўлган биттадан қўйларини кўтон ўртасига олиб келишади; овулбоши маъқуллагач, **буруш урилади** (буруш уриш – қўй думбасидан биров жойининг жунини кесиш: белги қўйиш). Мана шу удум билан боғлиқ сўйиладиган қўй **шерда** (шерикли маъносида) дейилади. Шерда овул аъзолари томонидан тенг тақсимлаб (кўпинча тарозисиз, чамалаб) олинади. Демокчимизки, чорвадор нутқида **Бугун шерда куни, Бугун шерда бўлади** гаплари бугун қўй сўйиладиган, гўшт ейиладиган кун ёки шерда қўй, буруш урилган қўй – **сўйиладиган қўй** тушунчаларининг эвфемик ифодасидир. **Болалар ёвғонсирабди** (ёвғон аслда тож. ровған, рўған – ёғ; йовғон: р-й билан алмашган) гапи – **ёғсирамоқ, гўштсирамоқ** тушунчаларининг эвфемаси.

Дангана чорвадорларда кимдир ўз молини нархлаб сўйиб сотишидир. Шу билан боғлиқ дангана гўштидан пули борлар оладилар, камбағаллар ололмайдилар тушунчасининг эвфемик воситаси сифатида:

Дангана деса ёқади,

Пули мени чақади.

ёки Дангана деса ёқади

Пулаш мана мегаззад (чорвадор нуткидан) образли ифодаси ҳам мавжуд.

3.2. Ис чиқармоқ удуми

Чорвадор баҳору ёзни ўтказиб, қишлоққа кўчиб келгач, **янги юрт** маросимини ўтказди (Бу яйловга кўчиб чиққанда ҳам ўтказилади). Ўтганлар руҳини эслаб (хусусан, азадорлар), мол сўйиб, ис чиқарадилар, чўзма-чалпак, ҳолвайтар пиширадилар, чироқ ёқадилар, ўчоққа ёғ томизадилар (Бундай анимистик удумлар ҳозир ҳам бор).

Демак, ис чиқариш дастлаб кўй сўйиш: гўштини қовуриш, кабоб қилиш, оловга мойини томизиш орқали ҳид таратиш – ис чиқариш (гўё арвоҳ шу ҳиддан баҳраманд бўлади) маъносида қўлланилган: **Исга сўйилгир, ис-чироқ бўлгир, чалпак бўлгир, исқотга кетгур** каби ўлим тилаш билан боғлиқ қарғиш-эвфемалари ана шу асосда пайдо бўлган. Бироқ бугунги тилимизда **ис чиқармоқ** ҳид таратмоқ эмас, балки **мол сўймоқ** тушунчасининг эвфемасидир. Ис чиқардингизми? гапи заминиди мол сўйдингизми? тушунчаси ётади.

Яйлов (кўниш, юрт)га кўчиб борганда, овул аъзоларидан бирортаси касал бўлаверса (баланд тоғ ҳавоси ёки, аксинча, чўл ҳавосига мослашолмай), моллар ўлаверса, буларга овулбоши (оқсоқоли) бошқа яйловга кўчиб ўтишга рухсат беради. Бу омадсизлик тушунчаси **жойдан, юртдан теккан; жойгир; жой, юрт ёқмади; жой, юрт хоҳламаган** каби эвфемик иборалари билан аталади. Бундай оилалар кейин ҳам олдинги юртга кўчиб бормасликка ҳаракат қилади. Бу билан шу юртдан теккан инс-жинс, ёвуз кучлар адаштирилган ҳисобланади.

3.3. Мотам-маросим билан боғлиқ эвфемалар

Чорадор нутқида ҳам **"фалончи"** ўлди тушунчаси **"фалончи"никига жанозага!!!** эвфемаси билан хабар берилади. **Етти, қирқ, йил** сонлари аза маросимининг номи (еттиси, қирқи, йили – эллиптик шакл) маъносида қўлланганда, асл тушунча (ўлганига етти кун, қирқ кун, бир йил тўлди)га нисбатан эвфемадир. Баъзан юқоридаги мотам тушунчалари ўрнида **тадбир,**

худойи, маросим, маърака эвфемалари қўлланиладики, бунинг эвфемиклик даражаси янада юмшоқ бўлади: Қабристондагилардан бири баланд овоз билан: Мусулмонлар! Бобомизнинг тадбирлари (еттиси ўрнида) жума куни бўлади, деди (сўзлашувдан). Ёки "Фалончи"никига худойига!!! (қирқига, йилига дейиш ўрнида) деб чақирилади.

Кўп ҳолларда отаси, онаси, боласи... ўлган тушунчалари ўрнида **кўк кийган, қора кийган (бошига оқ ўрабди** эвфемаси кейинги даврда пайдо бўлган), **оғзи қон, азадор** эвфемалари билан ифодаланади.

Мархумнинг йили ўтгач, азадорлар бошига оқ рўмол ташланади. Бу **азаёпти, азадан чикди**, баъзи жойларда **оқсолар** эвфемалари билан аталади.

3.3.1. **"Момоши" билан боғлиқ эвфема қўллаш.** Болалар бирдан оқсаб ёки шайтонлаб қоладилар. Бу ҳолатга нисбатан қўлланиладиган **жин тегибди, жин урибди, жин чалибди** иборалари ўрнида **учинибди, сесканибди, йўлиқибди, кул босибди, момолар бад олибди** каби эвфемик ифодалардан фойдаланилади. Сўнгра супра ёйилиб, чироқ ёкилиб, увмоч ёки кескан ош қилиниб момолар ёки жинлардан узр сўралади. Ҳаттоки, бу сиғиниш чорвадор фольклорига ҳам кўчган:

Жиги-жиги момолар,
Сиз ҳам бизнинг холалар.
Сизни бориб босганлар,
У ҳам сизнинг болалар.
Жиги-жиги момолар,
Айланайин момолар.
Айланайин холалар,
Бу ҳам сизнинг болалар каби.

Баъзан беморнинг ўзи одат бўйича чироқни култўда ёки култепага олиб бориб қўйиб, орқасига қарамай уйга қайтади.

Чорвадорларнинг **кул босма!** деган эвфемик гапи бор. Бу – жинлар кўпинча кулда яшайди, ўйнайди, уларни билмай босиб оласан, сўнгра улар сенга зарар қилади деб тушуниш натижасидир.

3.3.2. **Қурбонлик билан боғлиқ эвфемик воситалар. Қурбон** лексемаси аслида ўлдирмоқ, сўймоқ, жонли мавжудотни мубаддал қилмоқ демакдир. Ибтидоий даврда Худоларга, чунончи, ёвуз руҳларга ёки бошқа бирор кўрқинчли воқеликка атаб одам сўйилган; олов ва сувга ташланган. Бунда ўлдирилган кимсанинг руҳи Худога кўшилиб кетади, абадий фароғатда – жаннатда яшайди, тирикларга ҳам омонлик, яхшилик келтиради; ёвуз кучларнинг ғазаби босилади деб тушунилган.

Эрамининг VII асрида яшаган, бутун умрини 20 метрли Будда ҳайкалини яратишга сарфлаган хитойлик ҳайкалтарош, манах Чен Гун ҳайкал қуйилаётганда, ўзини қайнаб турган метал қоришмасига ташлаб жонини қурбон қилган ва бу билан гўё Будда ҳайкалига – руҳига кўшилиб кетган (26, 6). Илоҳий руҳларга атаб одам қурбонлик қилиш тараққиётнинг кейинги давларида мол сўйиш билан алмаштирилган (Исмоил ибн Иброҳим воқеасини эсланг).

Бугунги тилимизда қурбон ва қурбонлик сўзлари алоҳида лексема сифатида мавжуд. **Қурбон** (атокли от бўлишидан ташқари): 1) **ўлмоқ** тушунчасининг эвфемаси сифатида қўлланилади: Ватан урушида минглаб одамлар қурбон бўлдилар; 2) **жабр-зулм кўрмоқ, моддий ва маънавий эзилмоқ** тушунчасининг эвфемик воситаси бўлади: У адолатсизлик, ноҳақлик қурбони бўлди (Ш., "Кафансиз кўмилганлар", 179-б.); 3) **ўлмоқ** тушунчасини **бадал бўлмоқ, мубаддал бўлмоқ** эвфемаси алмаштиради: Бу билан Бобур ўзини Ҳумоюнга мубаддал қилган эди (П.Қод., "Юлдузли тунлар", 157-б.); 4) кўп ҳолларда **ўлмоқ** тушунчаси ўрнида қурбон бўлмоқ билан бирга (синоним сифатида) **фидо бўлмоқ, садқа (садақа) бўлмоқ** иборалари қўлланади. Бу содиқлик, яқинлик, фидойилик тушунчаларининг мажозий эвфемаларидир: Жоним фидо бўлсин сенга..., жоним садқа бўлсин

сенга... ёки Қуюн бўл, дағи элтиб садқа қилғил гул узоримға (Н.). Қурбонингман, ҳай ёр-ей, Садағангман, ҳай ёр-ей ("Ироқ"дан); 5) сўзлашув, жумладан, чорвадорлар нутқида **ўлай, қурбон бўлай, садқа (садақа) бўлай, олдингизда ўлай, жонимни берай, сизга ўлай, сизга жоним чиқсин (қурбон бўлсин), айланай, ўргилай** каби бугунги нутқимиздан чиқиб бораётган кўплаб дуои олқишлар, миннатдорчилик воситалари қўлланиладики, булар ҳам аслда ўлмоқ, қурбон бўлмоқ тушунчалари билан боғлиқ шаклланган.

Қурбонлик – зулҳижжа оyi муносабати билан Худо йўлига бағишлаб сўйиладиган мол. Бунда **қурбонлик** сўзи – **сўймоқ** тушунчасига нисбатан эвфема: Қурбонликка қўй келтирдик (сўямиз маъносида). Қурбон – Қурбонда тўймаганни Худо урган эвфемик мақолида ҳам қўй кўп сўйилади, ҳамма гўштдан тўйиши керак тушунчаси мавжуд.

3.3.3. Кўпқари билан боғлиқ эвфемик воситалар. Кўпқари (улоқ) ва кураш кўпроқ суннат (хатна) тўйи муносабати билан ўтказилганлигидан, уларга шўро даврида хурофот, бидъат, эскилик қолдиғи – исломий деб қаралган. Ҳолбуки, марказий Осиёликларнинг бу маросимлари исломдан муқаддам ҳам ривожланган эди (масалан, чавгон, от пойгаси каби). Кўпқари ва кураш лексикаси етарлича ўрганилмаганлигидан унинг эвфемикасини тадқиқ қилишни ҳам бирмунча қийинлаштиради, албатта.

“Кўпқари” сўзи ўзбекча **“кўп”** ва тожикча **“кор+й”** элементларидан ясалган атама бўлиб, кўпнинг иши, кўпчилик бўлиб ижро этиладиган тадбир маъносидадир.

“Кўпқари” тушунчаси **баковул** (бек+овул – овул боши, овул оқсоқоли) ва **чавандоз** (туркий **чавгон** ва форсча **андоз** сўзларининг қўшилиб, қисқарган шакли) фаолиятидан иборат.

Кўпқаригача от маълум муддат (одатда 40 кун) боқувда бўлади: Отингиз боқувдами? Отни боқувдан чиқардингизми? саволига: боқувда дейиш ўрнида **боғловда, таблада, сайсхонада, оғилда, отхонада** каби

нисбий эвфемалари билан жавоб берилади (гўё боқувда дейиш кўзикиш билан боғлиқ). Отингиз кўпкари ёки улоқ чопишга тайёрами? саволига: **билмасам, совутаяпмиз**; Отингиз кўпкарига ярамади, улоқ ажратолмади гаплари ўрнида **от яхши совутилмабди, тобда эмас экан**; От юролмай қолибди гапи ўрнида **отни қизиганда сувлабсиз, оёғига сув тушибди**; От кўп ем еб, бўкиб, оёқлари қалтираб, оқсаб қолибди гаплари ўрнида **ем тушибди, емлабди**; От семиз экан, бекорга кўпкарига қўшибсиз гаплари ўрнида **хом экан, хомлабди**; Отни ортиқча жиловлаб бўйнини қайтарибсиз, қийнабсиз, урибсиз ўрнида **тобгардон қилибсиз** каби эвфемик воситалар қўлланилади.

Бу фикрлар Т.Муроднинг "От кишнаган оқшом" асарида қуйидагича акс этган: Бизнинг Тарлонга сув тушибди. Отга сув тушишини-ку биламан. От оёғига ем тушди дегани нима дегани? От оёғига ем тушса, қотиб қолади. Пайлари дириллаб-дириллаб учади. Ҳа-а, ҳар икковиниям кўпкарига чопиб бўлмайди-я? — эгачи. От хомлаб қолди дейди, у нима дегани? Унда от мой ташлайди. Кейин кўпкарига ярамай қолади. Боқилган отни билиб-билмай чопиб қўйсангиз, от ичида мой тўлиб қолади. Бундай отни-да бир йилгача кўпкарига чопиб бўлмайди (200-б.).

Кўпкари ва улоқ тушунчаси ажралмас бўлганлигидан, кўпкари ўрнида улоқ атамаси ҳам қўлланилади (метонимия): кўпкари берди // улоқ берди; оти кўпкарига ярамади // улоққа ярамади каби. Кўпкари билан боғлиқ **улоқ** тушунчасида ҳам маъно кенгайиш юз берган: **тана, сарка, така, бузоқ, хўкиз** ҳам **улоқ** деб аталаверади: Улоқ келди. Бутидан кўтариб кўрдим. Улоқ бир тана эди. Олтмиш-етмиш килолик улоқни ердан қандай қилиб кўтариб олдим. Ўзим ҳам сирини билмай қолдим (159-б.). Демак, **улоқ** атамаси ҳам нисбатан эвфемик маъно касб этган.

Кўпкарида от чавандоз — эгаси маъносида ҳам қўлланилади: 500 чавандоз, 1000 чавандоз келди ўрнида 500 ёки 1000 от келди дейилади (метонимия).

Чорвадор нутқида отлар инсон каби ном олади – лақаб билан аталади. Кўпкари вақтида чавандоз кўпинча минган отининг лақаби билан аталади: Баковул қамчисини боши узра кўтарди: Ҳалол! Ҳалол! Чағир (от) ташла,– деди. Тарлон (от)ники ҳалол! Тарлонники ҳалол! Тарлон, ма, ҳаққинг! (131-б.). Ай, баковул! Тўриқ (от) чилвир солди. Тўриқнинг улоғи ҳаром! (125-б.). (Чилвир ярим қулоч келадиган арқон, ип, чизим; учи эгар қошига сиғадиган ҳалқа қилиб тугилади; бир учи улоқнинг кезанагидан ўтказиб олинади. Бунда улоқни тортиб олиш имконияти бўлмайди). Чил (от) йўлини чап солиб-чап солиб чопди. Чағир Чилга яқин ҳам боролмади. Чағир армонда қолди (125-б.). Айниқса, Тарлон улоқни баковулга бергиси келмади (119-б.). Ҳалол! Саман (от)ники ҳалол! Ташла, Саман, ташла! Э, баракалла-е, Саман. Ҳаққингни ол! Саман улоқни ерга ташлади (118-б.) (Т.М., "От кишнаган оқшом").

Юқоридаги гапларда инсон (чавандоз) фаолиятининг от фаолиятига кўчирилиши, чавандоз номининг от лақаби билан аталиши ҳам эвфемик маъно кўчишнинг ўзига хос – оригинал метонимик усулларида биридир.

Яна бир мисол: Биродарлар, Тарлон ғайрат қилди. Яна икки марта улоқ айирди. Шунда гуж одамлар орасидан кимдир биров овоз берди: –Тарлон! Бу ёққа бир қаранг! – деди (Т.М., "От кишнаган оқшом", 119-б.).

Кўпкарининг ҳам боши, давоми, охири бўлади. Кўпкари кўпинча баковулнинг қуйидаги одатий талаби – мурожаати билан бошланади: О...о...о..., чавандозлар-ов! Гапимни ўнг қулоғинг билан-да, чап қулоғинг билан-да эшитиб ол! Чилвир солма – бир! Бир-бировингни ёмон гап билан сўкма – икки! Қамчи солма – уч! Йиқилган чавандоз устига от солма – тўрт! От қочганда ушлашга ёрдам бер – беш! Ол, ҳа-ол!! (Т.Мурод, "От кишнаган оқшом", 117-б.). Бу: 1) кимки тартиббузарлик, ғирромлик, виждонсизлик қилса; 2) уят сўз билан ҳақорат қилса; 3) қамчилашса, урса; 4) чавандоз йиқилганда, уни отга бостирса; 5) қочган отни ушлашишдан бош тортса,

ундай чавандоз жазоланади, кўпкаридан ҳайдаб юборилади деган фикрнинг эвфемик матнидир.

Кўпкарига қўйиладиган бойлик (от, туя, пул, гилам, олтин, машина каби)нинг умумий эвфемик атамаси **зот, ҳақ, соврин** сўзларидир: Тарлон кетма-кет икки зот айирди. Шунда баковул яна зотни оширди (117-б.). Чавандозга узиб ажрата олмаган бўлса-да, зот берилди (119-б.).

Одатда, кўпкари давомида баковулнинг Ҳалол! Ҳаром! Ғирром! Бўлди! Бўлмади! Бекор! деган хитоби янграб туради. Улоқни тўда (200, 500, бундан кўп ёки оз от) ичига кириб олиб чиққан, беш ва ундан кўп метр чамаси тўдадан узоқлашган чавандозга нисбатан: Ҳало-о-ол!! Бў-ўл-ди-и-и!; Аксинча, тўдадан олиб чиқиб, ажрата олмаган, тушириб қўйган чавандозга нисбатан: Ҳаро-о-ом! Бў-ўл-ма-ди-и-и! хитоблари янграйди.

Мисоллар: Ўзим Самаднинг Четгир (ўзи тўдага кириб, улоқни ердан кўтариб олиб чиқолмайдиган, бироқ олиб чиқилган улоқни четда туриб илиб кетадиган от ва чавандоз **четгир** дейилади) кўк саманини миндим. Ўўлдош улоқни ҳалол олиб кетди. Ўўлдош чавандозга ҳалақит қилмадим, ошига шерик бўлмадим... Қўйиб юбор ҳақнинг ярмини бераман деб шивирлади (127-б.). Баковул: Беко-о-о-ор! Чилники беко-о-ор! деди (134-б.). Чил бу сафар улоқни дангал ташлади: Ҳало-о-ол! Ҳа-ло-о-ол! деган овоз янгради (127-б.). Ай, баковул, Тўриқ чилвир солди! Ҳаро-о-о-ом! Тўриқнинг улоғи ҳаро-о-ом! (125-б.). Тарлонники ҳалол! Тарлонники ҳалол! Тарлон, ма ҳақинг (125-б.).

Кўпкарида бир удум бор: улоқ майдон четидан каттароқ ўчоқдай қазиб қўйилган чуқурга олиб бориб ташланиши керак. Шу чуқур **қоралиқ** дейилади. Қоралиқ қўймоқ эса бир йиртим қизил мато байроқча қилиниб, чуқур четига қадаб қўйилишидир. Демак, **қоралиқ қўйилади** гапи – зот ажратишнинг энг машаққатли усули деган тушунчанинг эвфемасидир: Чавандозлар! Энди қоралиқ қўяман! Мана! деди баковул (Т.Мурод "От кишнаган оқшом", 132-б.).

Эшитмадим деманглар! Охири!! Олган-олганники! Устида катта зоти ҳам бор! (кейин улар аниқ айтиб борилади) хитоблари **кўпкари тамом бўлди**, улоқни ким ажратса ўзиники тушунчасининг эвфемик символидир. **Охири** (ажратилган мол – улоқ) от ёки чавандознинг шуҳрати – ғалаба рамзи. Ҳатто, айрим касаллик, зиён-заҳматлардан халос бўлиш, туғмас аёлларнинг туғиши билан боғлиқ "охири" гўштидан ейишга интилиш одати ҳам мавжуд. Кўпкари сўнгида бакавулнинг: Тўйи-тўйига улашсин, тўй соҳибининг топгани тўйга кетсин, боши тўйдан чиқмасин деган эвфемик дуои олқиши – эвфоник нидоси янграйди.

3.3.4. **Кураш** (шевада: олиш, чавки) ҳам баковул ва полвонлар фаолиятдан иборат. Курашда ҳам ғолибларга бериладиган нарсалар (хўкиз, туя, қўй, пул, тилла, машина каби) **зот, ҳақ, соврин** каби эвфемиклашган сўзлар билан эълон қилинади. Одатда полвонлар баковул қаршисида чўккалаб дуо олади. **Дуо олмоқ, дуо бермоқ** ибораси албатта курашаман, олишаман тушунчасининг эвфемик аҳдномасидир: Баковул соврин айтди. Сўнгра энг яхши тўн қўйилди. Омин! Оллоҳу акбар! (42-б., кейинги мисоллар Т.Муроднинг "От кишнаган оқшом"идан). Яхшироқ олишинглар, яна бир зот қўямиз (13-б.).

Курашмоқ тушунчаси **томоша кўрсатмоқ** ибораси билан ҳам эвфемалаштирилади: Халойиқ... тортинмай даврага чиқиб, элга томоша кўрсатинг (81-б.).

Одатда полвонлар устозлари билан олишмайдилар. Мана шу тушунча **устоз ёқасини ушламаслик** эвфемаси билан ифодаланади: Полвон айтаяптики, у киши менга устоз бўладилар, мен устозимнинг ёқасидан ушламайман (8-б.).

Курашда **йиқитди, йиқита олмади, босди, ҳалол босди, босолмади, урди, уролмади, кўтариб урди, ҳалол урди, ғирром, бекор, бўлди, бўлмади, итйиқилиш, ёнбош тушди, орқаси билан урди, қўл чил билан**

урди, қоқма билан урди, ётиб отар қилди, туя чил солди, елкадан ошириб урди каби хилма-хил терминлар мавжуд.

Кўп ҳолларда **йиқилди, мағлуб бўлди** гаплари айтилавермайди. Бунинг ўрнида **елкаси (кураги, орқаси, яғрини) ерга тегди; чалқанча тушди, чалқайрама (чалқайрамон) тушди; елкаси (яғрини, орқаси) билан тушди; юлдуз санади** каби эвфемик воситалар қўлланилади: Хўжасоатликлар ўтган ҳафта Шўрчидаги даврада бизнинг яғринимизни ерга теккизиб келди (83-б.). Э, қўйинг-э, полвон бова чалқайрамон ташлади-ю (87-б.). Ўша мактаб кўрган спорт мастерлариям яғринидан ошиб кетди (91-б.). Содир полвон шўрчилик Рўзи полвонни елкасидан оширди (41-б.). Исмоил Бўри полвоннинг тўғаноқ оёғи устидан ошиб давра ўртасида чалқанча тушди! Исмоил полвон юлдуз санади (60-б.). Бўри полвон номини олгандан буён биринчи марта елкаси ер кўрди. Бўри полвоннинг елкаси ерга теккани элга ёйилди (49-б.). Шукур Эрматни устидан ошириб отмоқчи бўлди. Аммо... ўзи остида қолди (15-б.). Тиловберди полвон икки яғрини билан гуппиллаб тушди (91-б.). Спорт устаси Максим полвон юлдуз санади (79-б.).

Йиқилмаслик, ғолиблик тушунчаси **яғрини (елкаси, орқаси, кураги) ерга тегмаган, ер кўрмаган, ер искамаган, тенги йўқ, тенги топилмаган, қойил қилади, териб ташлайди, енгилмас** каби эвфемик воситалар билан ифодаланади: Паҳлавон Маҳмуднинг елкаси ер кўрмаган, ер искамаган (радиодан). Сариосиёдаги ўша даврада Бўри полвонга тенг топилиши қийин бўлди (34-б.). Регардан Ўтан полвон деган чиқиб Сурхондарёнинг суянган тоғларигача териб ташлади (34-б.). Бўри полвон барингни қойил қилдимми дегандай қаради (56-б.).

Юқоридаги мағлублик билан боғлиқ бўлган эвфемик воситалар моҳиятан субъектнинг объект — воқеликка бўлган салбий (юлдуз санади, териб ташлади) ёки ижобий (елкаси ер кўрмаган, ўктамлик қилган каби) муносабатини ҳам ифодалайди. Тиловбердини ўғлинг билан уч сафаргача

олиштираман, борди-ю, уч мартасида ҳам ўғлинг ўктам келса (урса, босса, йиқитса маъносида), ... унда на илож (100-б.).

Шўри қисган сенга дучор бўлади,

Сенинг билан ким барабар бўлади

("Алпомиш", 153-б.). Шоҳимардон Ҳакимбек билан ҳеч ким барабар бўлолмасин,— деди ("Алпомиш", 70-б.).

Курашда **товоқ қўймоқ, товоқ кўтармоқ** ибораларининг маъноси шуки, бир вақтлар махсус тайёрланган ош, қовурма, қайнатма ёки кабоб гўштли товоқлар давра ўртасига қаторлаштириб қўйилган. Ҳар бир товоқ муайян зот (соврин)ни ва курашувчилар мавқеини билдирган. Талабгорлар ана шу товоқлардан бирини келиб кўтарган. **Товоқ полвон** ибораси ана шундан қолган. Кейинчалик зот (соврин) товоқлар орқали эмас, балки бошқа бирор белги, чунончи, бир ёки ярим метр мато қўйиш билан англатиладиган бўлган. Талабгор полвонлар энди товоқ эмас, товоқ маъносидаги белгини кўтарадиган бўлганлар (вазифавий маъно кўчиш). Бу одат жойларда ҳозир ҳам сақланиб қолган.

Баковулнинг: Биродарлар, **энди товоқ қўйилади, товоқ ташланади** нидоси энди зўр полвонлар курашади, ҳал қилувчи вазият, шу билан кураш томон бўлади, тугайди тушунчаларининг рамзий-эвфемик ифодасидир: Бўри полвон билди: полвонлар ҳал қилувчи вазиятни — товақ қўйишни кутаяпти. Товақни оз ташлайман, кўп бўлса — иккита! Бўри полвон бош баковул билан кенгашиб товақ қўйди. Давра ўртасига иккита матони бўлак-бўлак узатиб ташлади. Мана ҳўкиз товақ. Буни ким кўтарса, унга бир ҳўкиз... Манави гилам товақ. Буни ким кўтарса, бир туркменча гилам... қўйилади (82-б.).

Одатда ғолиб келган полвон даврада: **Халойиқ! Мен йиқитдим! Мен босдим! Мен урдим!** (урмоқ — йиқитмоқ маъносида) **Мен ғалаба қилдим!** тарзида жар солмайди. Бу манманлик, такаббурлик, одобсизлик бўлиб, нутқнинг этик-эстетик талаб нормасига зиддир. Мана шу жараён, яъни полвоннинг ғолиблиги: 1) баковулнинг **Ҳалол! Ташлади! Елкаси (яғрини,**

орқаси, кураги) ерга тегди! эвфемик-эфвоник нидоси; 2) полвоннинг хатти-ҳаракатлари, давра вазияти (экстралингвистик-эвфемик восита) орқали тасдиқланиб, англашилиб туради: Абрайполвон қўлларини осмонга чўзиб ирғишлади. Даврани айланиб чиқди. Шўрчиликлар ўрнидан туриб кетди. Бировлари телпагини осмонга отди. Бировлари кучоқлашиб кетди. Абрай полвон баковул олдига чўккалади. Баковул Абрай полвон елкасига тўн ёпди. Хўккизни тўйхонадан оласиз деди. Абрай полвон тўнини баланд кўтарди. Даврани тагин бир айланиб чиқди (91-б.).

Шуни таъкидлаш керакки, мумтоз курашимиз моҳиятан сақланиб, янги анъаналар билан бойиб, жаҳонга юз тутишидан қатъи назар, товоқ қўймоқ (баковул қўяди), товоқ кўтармоқ (полвон кўтарди), дуо олмоқ (полвон олади), дуо бермоқ (баковул, устоз ва пирлар беради), устоз ёки мураббий, ака ёки тоға билан курашмаслик, олинган зот (соврин)дан хайрия бериб дуо олиш каби мумтоз удумлар йўқолиб бормоқда.

3.3.5. **Хатна** сўзининг асл маъноси — кесмоқ, қисқартирмоқ. Мусулмонларда ўғил болалар жинсий аъзосининг уч қисми терисини қисман кесиш ҳам — **хатна**; хатна муносабати билан ўтказиладиган тадбир — **хатна тўйи**; бу удум Муҳаммад Пайғамбар фаолияти билан боғлиқ юзага келганлигидан — **суннат**; тадбири эса — **суннат тўйи** дейилган.

Хатна (қилмоқ), **суннат** (қилмоқ) атамалари Марказий Осиё халқлари тилида қўлланадиган чўчоқ кесиш, чук кесиш, чукбуррон (чук бурридан) атамаларига қараганда, ҳам эвфемик, ҳам адабийдир. Бундан ташқари, ҳозирги ўзбек тилида **ётқизиб олмоқ, қўлини ҳалоллатмоқ, уммат қилмоқ, мусулмонлар сафига қўшмоқ (ўтказмоқ), хуйдо-хуйдо қилмоқ** каби янада нозик, юмшоқ, образли, эвфемик воситалар мавжуд: Ҳали бунча қарз, чиқимларнинг устига икки қизни узатиш, бир ўғилни уйлантириш, бир хатна тўйи ҳам бор (Ҳ.Ҳ., "Тухматчилар жазоси", 138-б.). Дадам бечоранинг бошида укаларимни суннат қилиш фикри уйғона бошлади (Ғ.Ғ., "Кўнгилсизнинг қилиғи", 5-б.). Мактаби очилмасдан неварани ётқизиб

олайлик, – деди бобо. Алибек ҳам, Аллоҳга шукур, мусулмон бўлди (сўзлашувдан). Муҳаммадга уммат бўлган, тўй бола (қўшиқдан).

Тоғ қишлоқлари аҳолиси нутқида **суннатий** ва **суннатий эмас** гаплари кестирилган ва кестирилмаган тушунчаларидан ташқари, мусулмон ва кофир тушунчаларининг ҳам эвфемик воситаси сифатида қўлланилади. Масалан, бирор сабаб билан кесилмай қолган кишига нисбатан "фалончи" суннатий эмас ёки суннат қилинмаган (мусулмон эмас маъносида) дейилади.

3.4. Қасам матни эвфемикаси

Қасам матни диний ва дунёвий характерда бўлади. Бунда қасам субъектларининг дунёқараши, шу билан келтирилган қасам аргументларининг моҳияти, характери муҳим рол ўйнайди.

Дастлаб диний қасамёд матнлари шаклланган. Бунда бут, санам, Лот, Манот, ўт (олов) каби қабилалар сиғинадиган предметлар қасам воситаси бўлиб хизмат қилган. Тилнинг кейинги тараққиётида, чунончи, исломий халқларда Аллоҳ, унинг ном ва сифатлари қасам воситаси вазифасида "Қуръон" орқали мустаҳкамланган. Яҳудийлар Мусо алайҳиссаломга "Таврот"ни юборган Аллоҳ номи билан, насронийлар Исо алайҳиссаломга "Инжил"ни юборган Аллоҳ номи билан, маъжусийлар ўтни яратган Аллоҳ номи билан, бутпарастлар ўз илоҳлари номи билан онт ичганлар (63, 272). Арабларда қасам воситаси (Аллоҳ номи)га **б, в, т** ҳарфлари (қасам ҳарфлари – биллоҳи, валлоҳи, таллоҳи каби)ни қўшиб айтилганки, бу ҳозирги исломий халқлар, жумладан, ўзбекларда ҳам мавжуд. Исломда қасам аслида фақат Аллоҳ номи ёки унинг сифати ифодаланган сўзлар билан ичилган бўлса-да, кейинчалик қасам воситасининг ҳаракат доираси жуда кенгайган. Бора-бора Муҳаммад, "Қуръон", Каъба ёки шайхул-авлиёлар номлари, мазорлари, муқаддас ҳисобланган жой номлари, ота-она, бола, нон, чой, сут, туз, пичоқ, таёқ, соқол, жон, имон, номоз, рўза каби номлар ҳам қасам воситаси сифатида қўлланила бошланган. Бунга табиатнинг илоҳийлаштирилганлиги

(моҳиятлаштирилганлиги), хусусан, "Қуръон"да кеча, кундуз, тонг, қуёш, шаҳар, тоғ, сув, дарахт, мева каби номлар билан қасам ичилган¹лиги сабаб бўлган.

Қасамёд (онт ичмоқ), Аллоҳ, "Қуръон", нон кабилардан ташқари, чорвадорларда **таёқдан, пичоқдан ирғитиш** (хатлатиш, шевада – ҳаллатиш), **"фотиҳа" бериш, "мозор тептириш"** каби анъанавий удумлар ҳам мавжуд. Бунда мана шу қасам воситалари ҳам муқаддаслаштирилган: таёқдан, пичоқдан ноҳақ хатлаган, ўтқи ноҳақ узган одамнинг умри, ризқи кесилади, таёқдай қурийди, ўтдай узилади деб тушунилган, ҳозир ҳам шундай. Зотан, қасам вақтида гумондор томонидан: **Молингизни олган бўлсам, пичоққа кесилай, таёқдай қурий, ўтдай узилай, "Фотиҳа" ёки мазор урсин** гаплари одамлар гувоҳлигида баралла айтилади. Мана шу жараён билан боғлиқ фалончи гумондор (ўғри эмас экан маъносида) даъвогарнинг олдидан ўтибди, ўзини оқлабди каби эвфемик воситалар пайдо бўлган. Бир бўлган воқелик: Чўлдан яйлов учун тоққа келган сурувдан учта қўй адашиб (уёзлаб), қолиб кетади. Қўйларни топиб олган уч тоғлик чўпон сўйиб ейди. Кейинроқ молларини излаб келган қўй эгаси уч чўпон йигитчани гумон қилиб, ўт (қиймиқ ёки қиёқ) узишни талаб қилади: биринчи ва иккинчиси узади, учинчиси (Менглиқул исмли чўпон) қўли қалтираб узолмайди. Бундан хабардор бўлган отаси қўйлар ўрнига қўй бериб, ўғлига: Сен одам бўласан, етти пуштингни омадсизликдан сақлаб қолдинг, дейди (сўзлашувдан).

Чорвадорлар бирор ноҳуш воқеликка дахлдор эмасликларини, бирор нарсани олмаганликларини таъкидлаш, ўзини оқлаб олиш учун: **яна баҳорни кўрмай, дубаргазорни кўрмай** (дубарга – эрта баҳорда чиқадиган икки баргли ўсимлик – ўт; дубаргазор – шу ўт ўсадиган яйлов), **себаргани** ёки **себаргазорни кўрмай** (бу – уч баргли ўсимлик, ўт), **тут пишиғини кўрмай** (ўтмишда захираси тугаб, тут пишиғига етолмаганлар бўлган), **яна кўчиб чиқишни кўрмайин** (ҳар йили баҳор бошланиши билан қишлоқдан яйловга

¹ "Ват-тийн", "Вал-лайл", "Ваш-шамс", "Вал-фажр" сураларига қаранг

кўчиб чиқиш бахти ҳаммага ҳам муяссар бўлавермаган) каби ёки **ўғирлаган бўлсам, жону имоним сизники бўлсин; рўза-намозим сизники бўлсин; қилган савобим сизники бўлсин; гуноҳингиз бўйнимга (зиммамга) бўлсин** каби воситалардан фойдаланадилар.

Фотиҳа бермоқ бирор ўғирлик, хиёнат, жиноят, фитнани содир этган номаълум кимсанинг жазосини Аллоҳдан сўраш ва дуоибад қилиш муносабати билан қон чиқарилиб масжидда ёки гузарда тақводорлар иштирокида ўтказиладиган диний руҳдаги удум. Бунда агар гумондор (у ёки буниси) ва унинг оиласида маълум муддат ичида (ҳатто бир йил ва ундан кўп) бирор нохушлик, бахтсизлик юз берса, у жиноят содир этган, шу сабабли фотиҳа урган ҳисобланади ва унга нисбатан: **Худодан топди, фотиҳа урди** эвфемаси қўлланилади.

Шуни ҳам қайд қилиш керакки, қарғиш, олқиш, дуои олқиш, илтижо, муножот, қасамёд каби удумлар билан боғлиқ бўлган лисоний-нутқий бойликларимизни XX аср дахрийлик фалсафаси таъсирида кўп асрлик этнографик анъаналаримиз билан бирга адабий тилдан, бугунги ўзбек онгидан, нутқидан чиқиб кетаётганлигидан уни, асосан, бадий асарларда эмас, сўзлашувда, мулоқотда, фольклорда кузатиш мумкин, холос.

3.5. Қарғиш ва олқиш эвфемикаси

Қарғиш ва олқиш тушунчаси, унинг воситалари (156, 40-43) тарихий-этнографик ҳодиса бўлиб, у диний тасаввурлар, ёвузлик ва эзгулик кучлари ҳақидаги тушунчанинг инсон онгидаги инъикоси, нутқ орқали реаллашган тафаккурий, шуурий намоёни, аниқроғи, инсоннинг воқеликка бўлган индивидуал, субъектив, модал муносабати маҳсулидир.

Қарғиш ва олқиш воситалари нутқий восита сифатида пайдо бўлади, яшайди, бора-бора лисонийлашади, архивлашади ёки янгиланиб туради. Унда ҳар бир давр, ҳар бир халқнинг этнографияси, психологияси, менталитети, синфий позицияси, онги, ривожланиш даражаси акс этган

бўлади: Уйинг куйгур босмачилар неча-неча оилаларнинг ёстиғини қуритди (Ҳ.Ғ.). Абдуллани ўлдирган қўлинг қуриб кул бўлсин (қўшиқ) – Хайр, ўғлим, оқ йўл бўлсин (Ҳ.О.). Германнинг ёки фашистнинг ўқиға учгур (сўзлашувдан).

Қарғиш халқнинг ёвузликка қарши нафрати, олқиш эзгулик тантанасига бўлган хайрихоҳлиги, фидойилик ғоясидир. Қарғиш ва олқиш бир адабий-фалсафий жанрни эслатади. Унинг воситалари сўз, сўз бирикмаси, гап эмас, баъзан бутун бир абзац, шеърий ёки насрий матн билан ҳам ифодаланади. Мисоллар:

Абдулланинг тилини,
Кесган қўллар кесилсин.
Унинг азиз бошини,
Узган бошлар узилсин.
Уйинг куйгур босмачи,
Беш эркакка тош отди.
Имонсиз кет, Саломбек
Абдуллани йўқотди (Бойсун фольклоридан).

Ёмғир ёғсин, ўт бўлсин,
Кади-кади сут бўлсин,
Аямажиз қурисин,
Қор-бўронлар йўқ бўлсин (Бойсун фольклоридан).

Демак, қарғиш ва олқиш воситалари муайян халқнинг анъанавий яшаш тарзи, шароити, замони, табиати, касб-машғулоти билан боғлиқ шаклланган микронутқий қатламдир. У адабий тил билан узвий, унинг таркибий қисми бўлиши, уни эмоционал-экспрессив эвфемик воситалар билан бойитишидан ташқари, ҳозирги тил эгаларига номаълум бўлган бой диалектал воситаларга, шевавийликка эгаллиги билан ундан ажралиб туради. Ҳатто бир миллат

тилига хос бўлган қарғиш ва олқиш воситалари, унинг эвфемикаси жуда бой, худудий хилма-хилликка эга.


Шу ўринда, аввало, қарғиш ва олқиш воситаларининг семантик-грамматик асоси (структураси)га назар ташлайлик.

Қарғиш ва олқиш воситаларининг семантик асоси, асосан, уч компонентли бўлади: 1) қарғиш ва олқиш субъекти – қарғовчи ёки алқовчи (I ш.); 2) қарғиш ва олқиш объекти (II ш.); 3) ўзга (III ш.). Бу компонент қарғиш ва олқиш билвосита йўналтирилган шахс ёки предметдир.

Қарғиш ва олқиш воситаларининг грамматик асоси қуйидагича: 1) гапнинг кесими I-II-III шахс буйруқ майлидаги феълнинг -ай (-ин), -гин (-кин), -гир (-кир), -гур (-кур) ва -син қўшимчалари билан шаклланади: **қуриб кетай, қуриб кетгир, қуриб кетсин; барака топай, барака топгир, барака топсин** каби. Мантиқан, қарғиш ва олқиш субъекти I шахс, қарғиш ва олқиш объекти ҳар учала шахс. Бир изох: -ай (-ин) қўшимчаси I шахсни бўлса-да, у II шахсга қаратилган қарғиш ва олқиш объектини ҳам кўрсатади (**азангни очай(-ин), дардингни олай(-ин)** каби). -син қўшимчаси эса шахсан III шахсга қаратилган бўлса-да, эганинг қайси шахсни кўрсатиши билан боғлиқ ҳолда ҳар учала шахсга қаратилган қарғиш объектини кўрсатиш учун ҳам хизмат қилади: **тилим қурсин, тилинг қурсин, тили қурсин** гапларида қарғиш объекти мантиқан – ҳар учала шахс; қарғиш субъекти эса – I шахс.

Англашиладики, баъзан қарғиш субъекти маълум сабаб билан қарғиш объектига айланади. Бунда ҳам қарғиш воситаси икки компонентли (субъект ва объект) ҳисобланади.

Юқоридаги баённи схемада қуйидагича ифодалаш мумкин:



3.5.1. **Эвфемик қарғиш воситаларини** қуйидагича таснифлаб ўрганиш мумкин:

- Одамга ўлим тилаш (ўл, ўлсин) тушунчаси билан боғлиқ эвфемик қарғиш воситалари
- Молга ўлим тилаш (ўл, ўлсин) тушунчаси билан боғлиқ эвфемик қарғиш воситалари
- Молга эгасининг ўлими билан боғлаб ўлим тилаш эвфемик қарғиш воситалари
- Туғмаслик, бефарзандлик билан боғлиқ эвфемик қарғиш воситалари
- Камбағаллик билан боғлиқ эвфемик қарғиш воситалари ва ҳоказо.

1. **Ўл** (ўлгин, ўлсин) тушунчасига нисбатан қуйидаги эвфемик қарғиш воситалари қўлланилади: **баҳоринг қишга айлансин; тахти торинг чаппа қайтсин; даврингга дев дорисин (тегсин); садрингга кирай (садрингни тепай); боришинг бўлсин, қайтишинг бўлмасин; оқ тош, қора тош, бора-бора ўмақон ош; оёғинг билан бориб, бошинг билан қайт; хонасалот бўл; оғзингга сув томизай; онанг (отанг)нинг ёнига (олдига) олиб борай (ўлган бўлса); отанг (онанг) чақиргир (-син); юзингни отанг (онанг) кўрсин (-гир); жағ (ияк)ингни боғлай; болаларинг отамлаб қолсин; хотининг тўрамлаб қолсин; болаларинг етим бўлсин; болаларинг ота-онасиз қолсин; болангни боқиб олай; тоғдан уч (учгин, учгир, учсин); молинг еттингга сўйилсин (кетсин); молинг қирқингга сўйилсин (кетсин); молинг қораошингга сўйилсин (кетсин); молинг жанозангга буюрсин; молинг ёмон кунингга кетсин (буюрсин); отинг даврангга боғлансин; кўкингни кияй; яшил (яшин) урсин; яшамагур; тобутингни кўтарай; тобутингни йўнай; шу ёғоч тобут чўп (инг) бўлсин; тобутга солай; тобутга олай; тобутингга боғлай; тобутингга тош отилсин; тобутга тортай; жанозангни ўқий; тобутингга ёпилсин; тобутинг ерда қолсин; тобутингни ҳаммол кўтарсин; хайротингга кетсин (буюрсин); исқотингга кетсин (буюрсин); тахтага олай (тортай);**

сочингни тахтага еяй (сочинг тахтага ёйилсин); сочимни ёяй; юз-бетимни юлай (кейинги учови, айниқса, аёлларга тегишли); сувингни қуяй (солай); кифтинг (елканг)ни ушлай; халтага ўрай (халталай); кафанингни бичай; кафанга ўрай (кафанлай); кафанингни калта бичай; сурпга ўрай; кафан бўлсин (кафанингга кетсин); кафансиз (бекафан) кўмилгир; кафан элтма (-гир); желагингни ювғич (ғассол) олсин, ювғич (ғассол)га берай, мурдашўй олсин (мурдашўйга берай); юзингни ювғич (мурдашўй, ғассол) кўрсин; гўрга калланг; гўрга кўзинг; гўрга чакканг; гўрга солай; юзингни гўр кўрсин; мозорга олиб борай (мозорга қўяй); юзинг (афтинг, турқинг, кўзинг) қуригур; соқолинг (афтинг, юзинг, кўзинг...) гўрда чиригур (чирисин); кўзинг тупроққа тўлсин; гўринг куйсин; гўрда ётмагур; гўр қабул қилмасин; гўр олиб отсин; тупроғингдан (хокиихлосингдан) олай; тупроғингни тортай; тупроғингни тайлай (ташлай); кўмай (кўмиб келай); қўяй (қўйиб келай); жойи ростонингга қўйиб келай (олиб борай); чапаклаб (чапак чалиб) қолай; азангни очай; мотамингни тутай; гўринг бошида ўтирай; атрофингга гул экай; гўрингни шивай (сувай); гўрингни шипирай (супурай); бахтинг қора кийсин; тут пишиғини кўрмагур; ошингни ей; шўрвангни ичай; еттингни ей; қирқингни ей; йил ошингни ей; яна баҳорни кўрмагир (-гин); дубаргазорни кўрмагир (-гин); себаргазорни кўрмагир (-гин); яна кўчиб чиқишни кўрмагир (-гин); яна яйловни кўрмагир (-гин); бола юзини кўрмагир; туғмай тўғралгир (-гин); қора боссин (босгир); боланг қорнингга қолсин; қоранг ўчсин; овоз (товуш, сес)инг ўчсин (ўчқир); қоранг қора товдан ўтсин; Хўжайдод ота (мозор)га боргир; овоз (товуш, сес)инг гўристондан келсин; Худо олсин; Худо кўтарсин; даф бўлгур; арвохга айлангир; қора ерга солай (қора ерга боргир); номинг (отинг) учсин (ўчгир); ер ютгур; ер тортгур; бешигинг бўшаб қолгур (-син); қирилиб кетгур; тухуминг қуригур каби.

2. Молга ўлим тилаш билан боғлиқ эвфемик қарғиш воситалари: **қирилгир (қирилиб кетгур, қирилиб кетсин); уруғинг қуригур (қурисин); дори бўлгир; битта қолмагир; маҳак бўлгир; бўри дорисин (бўри есин, бўри егир); бўрига ем бўлгир; ғажир егир (ғажирга ем бўлгир); ҳаром қотгир; теринг ёйилгир (терингни ёй); теринг шилинсин (терингни шилай); терингни чорик қилай (теринг чорик бўлгур); терингни супра қилай (теринг супра бўлгур); терингга сомон тикай (терингга сомон тикилгур); терингга туз тепай (терингга туз сепилгур); терингни ошлай (теринг ошлангур); оқсил тексин; қорасон тексин; ўлат тексин; вабо тексин; қузғун егир; лош бўлгур; жалоллагир (ёмонлагур); хориш бўлгур; сакуч очкир; ичагинг тор бўлгур (ичагингни тор қилай); даштда қолгир; гўштингни ит (бўри, ғажир, қузғун)лар есин; калла-поча бўлгур каби.**

3. Молга эгасининг ўлими билан боғлиқ ўлим тилаш эвфемик қарғиш воситалари: **ис-чироқ бўлгур; исга сўйилгур, жанозага сўйилгур, маъракага сўйилгур; қора ош бўлгур (бўлсин, қораошга кетсин); конталаш бўлгур (бўлсин); тарана (таркона) бўлгур; исқотга кетгир (кетсин); еттига кетгир (кетсин); қирққа кетгир; еттига (қирққа, қораошга) сўйилгур каби.**

Бунда: а) эгаси орқали молига ўлим тилаш эвфемик қарғиш воситалари: **сабил (сабил бўлсин, сабил бўлгур), ордона қолгур (ордона қолсин: ордона — орқада қолмоқдан); безга (эгасиз) қолгур (қолсин), бесойиб (бесохиб) қолгур, даврага боғлангур (азага боғлангур), тобут ортилгур (тобут ортилсин) зор қолгур; б) моли орқали эгасига ўлим тилаш эвфемик-қарғиш воситалари: қўтонинг қуриб қолсин, кўканинг (қўшоғинг, қўранг) қуриб қолсин, тухуми молинг қолмасин, маърашга молинг қолмасин, оғзинг оқлик кўрмасин, туёғинг қирилсин кабилар фарқланади.**

4. **Туғмаслик, туғмай ўлиб кетмоқ** тушунчаларининг эвфемик қарғиш воситалари: **бола (фарзанд) кўрма; бола юзини кўрмай ўт; туғмай тўғралгир; қўлинг бешик кўрмасин; "инга"га зор бўлгур; "туёғ"сиз ўт ("туёқ" кўрма); зурриёт кўрма, безурриёт ўт; ном-нишонсиз ўт; "тирноқ" кўрмай ўт; ном-нишон кўрма; бесамар ўт (кет); чироқсиз (бечироқ) ўт; чироқ кўрма; иккиланма (-гир) каби.**

5. **Камбағаллик** тушунчаси билан боғлиқ шаклланган эвфемик қарғишлар: **косанг оқармасин; оғзинг оқлик кўрмасин; кўнарги (уютки, томизғи)га зор бўлгур (-гин, -син); яйлов кўрмай ўт (-гир, -син); бошинг ўтов кўрмасин; қўтонинг қўй кўрмасин; маърашга маҳагинг бўлмасин; "ча" дейишга эчки, "қўш" дейишга қўй, "бош" дейишга мол топма (-гур, -син); биринг икки бўлмасин; бир тўнинг икки бўлмасин; оёгинг изанги (узанги) кўрмасин; нонга зор бўлгур; қорнинг (нонга...) тўймагур (-син) каби.**

Энди шу ўринда юқоридаги **"ўл" ("ўлмоқ")** тушунчаси билан боғлиқ гаплар қарғиш (ўлим, ёмонлик иташ, тилаш) воситалари бўла туриб, қандай қилиб эвфемик восита бўла олади деган бирмунча ҳақли саволга жавоб шуки, 1) эвфемик маъно мезони (бу ҳақда 1-бобда тўхталганмиз)ни белгилашда табу тушунча ўрнида қўлланилаётган воситаларнинг нисбатан юмшоқлик даражаси назарда тутилади; 2) эвфемик қарғиш воситаси табу тушунча (ўл, ўлгин, ўлсин)нинг, яъни денотатнинг бевосита ифодаси эмас, балки коннотати, яъни кўчимлашган, рамзийлашган тасвирий ифодасидир; 3) қолаверса, қарғиш тушунчаси қанчалик эвфемалаштирилмасин, унинг салбий, нохуш таъсири хотирадан бартараф бўлмайди; 4) эвфемик қарғиш воситаларининг шаклланишида **қон, жон, кафан, тахта, сув, ювғич (ғассол), гўр, тупроқ, тобут, хайрот, аза, мотам, етти, қирқ, йил каби** таянч (реализатор) сўзлар қатнашади, булар ҳам барибир ўлим тушунчасини эслатиб туради.

Бундай фикрни бошқа турдаги қарғиш воситаларига нисбатан ҳам айтиш мумкин. Масалан, **бола кўрмагир, бешик кўрмагур, чирок кўрмагур, туёк кўрмагур, тирноқ кўрмагур** каби қарғиш воситалари, қарғишлигидан қатъи назар, **туғма, туғмай ўт** (табу тушунча)га нисбатан эвфемадир ва ш.к.

Қуйида эвфемик қарғишга доир бадиий асарлардан мисоллар келтирамиз: Ҳа, қирчинингдан қийилгин, қирчинингдан қийилгин. Ҳа, хурмоларинг бошингдан қолсин, бошгинангдан қолсин (201-б.) Келин,— деди онамиз,— анави ошингни ейин Матросов нима деяпти (123-б.). Кекирдагингни чўза берма ошингни ейин (100-б.). Матросовни кафангинасини бичайин! Э, қирилик қирғинни олдидан кетсин, бундайчикин қаҳрамон! (92-б.). Ҳа, фотиҳангга борайин сендайчикин Матросовни, фотиҳагинангга борайин! Ҳа, пахталаринг қиёмат кетсин-а, пахталаринг қиёматгина кетсин! (92-б.). Илойим, қум қўйилсин оғзингга (161-б. – мисоллар Т. Муроднинг "Отамдан қолган далалар"идан). Илоҳи, тили калимага келмасин (Н.Эргашев, "Ўзанбий авлодлари", 79-б.). Бу зор қолгир сарка ўн кундан бери тутқич бермаяпти (П.Қод., "Қора кўзлар", 67-б.). Бўрининг бетини мурдашўй кўрсин (27-б.). Омин, ўз отангни уйингдан ҳайдаган бўлсанг, Илоҳим, косагинанг таги оқармасин! Отамлаб йиғловчинг бўлмасин!(254-б.) Ҳа, ошингни ейин, сендай ҳешимнинг!.. Илоё, оламдан бепушт ўткин! Менинг ёшимга етолмайин жувонмарг бўлгин, Аллоҳ Акбар деди. Илоё, оғзингдан чиқиб ёқанга ёпишсин, —деди Барчин хола (296-297-б.). Бети қурсин, бетидан бузилсин (пес бўлмоқ маъносида) – (275-б.— мисоллар Т.Муроднинг "Ойдинда юрган одамлар"идан). Юзингни "Бовали" (қабристон номи) кўрсин (Н.Эргашев, "Ўзанбий авлодлари", 21-б.). Олдиндан қора пишак (мушук) чиқсин (сузлашувдан).

Эвфемик қарғиш, хусусан, халқ оғзаки ижодида, ривоятларда ҳам ифодасини топган.

Ўзининг дўмбира садоси, найининг навоси билан ўтиб кетаётган карвонни тўхтатиб, юрдирмай қўйган бир чўпонга сарбон қуйидагича мурожаат қилган:

Қув ёғочни бунчалар қуйлатмагил,
 Қув ёғочдай қувраб қолгил, эй чўпон.
 Бўталарим бунчалар бўзлатмагил,
 Бўталардан бўзлаб қолгил, эй чўпон.
 Наво айлаб қалбимни тилкаладинг,
 Найингдек сарғайиб қолгил, эй чўпон.
 Манзилимга етолмайман энди мен,
 Манзилингга етмай қолгил, эй чўпон.

(ривоят Бойсун туман, Мачай қишлоғида яшаган 80 ёшли Омонтурди бобо Менглиқул ўғлидан)

Юқоридаги қув ёғочдек қувраб (қуриб) қолмоқ, бўталардай бўзлаб қолмоқ, Найдай сарғайиб қолмоқ, манзилга етмай қолмоқ — мурод-мақсадингга етма — ўл! тушунчаларининг эвфемик тасвиридир.

Тадқиқот кўрсатадики, қадимги халқлар, хусусан, тоғ чорвадорлари нутқида қарғиш воситалари катта миқдорни — қатламни ташкил қилганки, булар ҳозирги адабий тилда сўзлашувчилар нутқида қисман сақланиб қолган. Бу қарғиш воситалари, унинг эвфемикаси тарихий-этнографик ҳодиса сифатида этнолингвистика, социоллингвистика фани томонидан махсус ўрганилиши кераклигидан далолат беради. Бошқача айтганда, ҳар бир қарғиш ва олқиш воситаси муайян удум, расм-русум билан боғлиқ пайдо бўлганлигидан, уларнинг кўпчилиги бугунги тил эгалари учун тушунарли эмас ёки ғайритабиий бўлиб туюлади. Шу муносабат билан қуйида бирор удум ёки қарғиш, ўлим билан боғлиқ қўлланган айрим эвфемик воситаларга доир изоҳ берамиз:

Бемор сакарот устида ибораси у ўлади, ўлаяпти тушунчасининг эвфемик воситасидир. Сакарот — арабча (бирлиги — сакрат) талваса, васваса;

сакарот ул-мавт – ўлим талвасаси, Азроил билан жон талашаяпти маъносида: Азроил ўлаётган кишига одам қиёфасида келиб, зўрлик билан жонни олиб кетади деб тушунилган. **Жон берди, жон таслим қилди, жонини олди, жони чиқди, жони узилди, жони парвоз қилди, жони учиб кетди** каби иборалар мана шу жараён билан боғлиқ шаклланган. Ўзбек тилида ўлди тушунчасининг 400 га яқин эвфемик воситаси мавжуд (77; 78).

Ўлган кишига бошқалар, хусусан, мархумнинг аёл қариндош уруғлари сочини ёйиб, белини боғлаб, бетини (юзини) юлиб, чапаклаб, кўкрагига уриб **садрга тушади** (садр – арабча кўкрак). Садр – давра, кур бўлиб, айланиб, ер тепиб мотам қилиш удуми. Ўртада гўянда аёл мархумнинг сифатларини кўшиқ қилиб куйлайди. Бу одат, яъни садр қилиш (садрга кириш, садр тепиш, садрга тушиш) ҳозир ҳам айрим тоғ қишлоқларида мавжуд (131, 70-75).

Ўл (-гин) ўрнида қўлланган **сочимни ёяй, даврангга кирай, садрингга кирай, садрингни тепай, чапаклаб қолай, чапагингни чалай, чапагингни урай, бўтадай бўзлаб қолай** каби эвфемик қарғишлар ана шу удум асосида шаклланган.

Ўлган, хусусан, йигит киши бўлса, оти унинг мотам даврасига контариб боғланган (тобути отига ортилган ҳам). От ҳам эгасига мотам тутади, ҳатто йиғлайди. Мархумнинг қийиқчаси ёки дастрўмоли отининг жиловига боғлаб қўйилади. Бу удумни Музайяна Алавия куйидагича тасвирлаган: Йигит киши вафот этса, отини ясатиб, ўлганнинг кийимини отининг устига ташлаб, отнинг атрофида йиғлайдилар. Буни **"от тўрлади"** деб аташади (11, 195).

Бу удум бойсунлик шоир Сафар Омоннинг:

Садрингга бедовгинанг сувлиқ тортиб бойланди,

Фироқингда онагинанг кўк каптарга айланди мисраларида ёрқин акс этган.

Отнинг даврангга боғлансин, тобутинг отингга ортилсин, отинг кишнаб қолсин, отинг безга (эгасиз) қолсин каби эвфемик ифодалар ана шу асосда шаклланган.

Эшикдан кириб, тешикдан чиққин (мурда қадимда эшикдан эмас, деразадан олиб чиқилган); **оёғинг билан бориб, бошинг билан келгин** (бирор жойга бориб вафот этган киши, удумга кўра, боши уй ёки қабристон томонга қаратилиб олиб келинган); **боришинг бўлсин, келишинг бўлмасин** (бор-у, лекин ўша ерда ўлгин – тирик келмагин) каби қарғишлар ҳам ўл (-гин) тушунчасининг эвфемик ифодасидир.

Спарталикларнинг жангга кетаётганларга: "Қалқонда бориб, қалқонда қайт" ("Қадимги дунё тарихи"дан) эвфемик олқишида қалқонни йўқотма, илоҳо, қалқонинг йўқолмасин (қалқон йўқолиши – ўлим), қалқонсиз қайтмаслиги (ўлганда ҳам қалқонда олиб келинган) тушунчаси мавжуд.

Тобут олиб кетилаётганда, хусусан, у ёмон одам бўлса, одамлар билдирмай (қайтиб келмасин маъносида), орқасидан майда тош отишган. **Тобутингга тош отай** (тош отилсин) қарғиши шу асосда пайдо бўлган. Тобут ўрнида чўбин от, тўрт оёқли чўбин от эвфемаси қўлланилган. Аҳмад Яссавий: **бир кун ўласан, тобутга тушасан** маъносида "Тўрт оёқли гўбин от, Бир кун сенга етаро" дейди.

Жавобнома ёздиринг гапи – марҳум гуноҳкор, саволларга жавоб беролмайди, қабрда қаттиқ азобда қолмасин тушунчаларига нисбатан эвфемик ҳодисадир.

Гўр бошига борган киши қабр тупроғидан бир ҳовуч олиб, унга дуо ўқиб дам солади: йиғиштирилган тупроқ (хоки ихлос) марҳумнинг бош томонига тўкилади. Бу гўё марҳумга тасбеҳ айтиб туради. Хоки ихлосдан ёки қабр тупроғидан уйга олиб қайтувчилар (ўлик тутмасин, ушламасин; гумон килинса, сувга солиб ичиш учун) ҳам бўлади.

Хоки ихлосингдан олай, тупроғингдан олай, тупроғингни ташлай қарғишлари ўл (-гин) маъносида қўлланадиган эвфемик воситалардир.

Таборақ ўқилиб, одамлар қабр бошидан қўзғалганда, кимнингдир: **"Мархум қандай одам эди?"** деган саволига халойиқ одатда: **"Яхши одам эди"**, деб жавоб берадики, бу эвфемик гап гўё қулоқ солиб турган Мункар-накрни юмшатиш учун хизмат қилади, яъни бу одамга азоб бериш керак эмас демоқчи бўлишади.

3.5.2. **Эвфемик олқиш воситаларини** ҳам бош (табу) тушунчага нисбатан қуйидагича таснифлаб – мундарижалаб ўрганиш имконияти мавжуд:

1. Ўлма ёки узоқ яша тушунчаси умринг узун (узоқ) бўлсин; умринг, ризқинг фароғ бўлсин; умрингдан барака топ; чинор умрини берсин; чинордек умр кўр (-гин); умринг зиёда бўлсин; завол кўрма; жонинг тошдан бўлсин; бошинг тошдан бўлсин; умрингга барака; изли, тубли, болали-чақали, ували-жували, ёғли-сутли бўлсин; Хизр умрини берсин; дунё тургунча тур (-гин); дунё бориша бор бўл; кўп яша; юлдузинг ўчмасин (кўчмасин), чироғинг ўчмасин; бахтингиз барқарор бўлсин; доим соғ-саломат бўл; кўкар; ўн; ўс; камол топ каби воситалар билан эвфемалаштирилган.

Эвфемик олқиш воситалари – дуои хайр, дуои олқиш шеърӣ ва насрий матн шаклларда ҳам бўладики, бу Э.Воҳидовнинг қуйидаги мумтоз мисраларида тўла намоён бўлган:

Куй авжида узилмасин тор,
 Шеър ярмида синмасин қалам.
 Яшаб бўлмай умрини зинҳор,
 Бу дунёдан кетмасин одам.
 Қўлдан тушиб синмасин қадах,
 Лаб текканда тўкилмасин май.
 Тўхтамасин уриб турган қалб,
 Бошлаб қўйган қўшиғи битмай.

1-банднинг 1-2-мисраларида **йигитлик чоғи** – куй авжи, шеър ярми; **ўлмаслик** – тор узилмасин, қалам синмасин; 3-4-мисраларда илгари сурилган фикрлар – ҳеч ким ёш ўлмасин тушунчаларини мустаҳкамлаш учун хизмат қилган.

Бир қарашда, 2-банддаги ғоя 1-банддаги ғояни такрорлагандай кўринади. Лекин аслида бундай эмас. 2-банд 1-банддаги ғояни тугалловчи – олий босқич: қадаҳ синмаслик, май тўкилмаслик, қалб тўхтамаслик мажозий эвфемалари қўшиқ (ҳаёт, умр)нинг битиши билан узвий боғлиқ бўлиб, бир бутун ҳолда боқий умр, мангуликка дахлдорлик мураккаб метафорик эвфемик матн орқали яқунланган.

Э.Воҳидов услубининг мукамаллиги шундаки, саккиз мисрали шеърда ўлим билан боғлиқ саккизта эвфемик олқиш воситаси қўлланган.

2. Бой бўлмоқ тушунчаси билан боғлиқ эвфемик олқиш воситалари.

Кишилар, хусусан, чорвадор тиллангиз, пулингиз, молингиз, туянгиз, хўкиз-сигирингиз, қўй-эчкингиз кўп бўлсин ёки, умуман, бой бўлинг деяверишдан тийилади. Бунинг ўрнида **қўтонингизга барака берсин; қўтонингиз тўлсин; бирингиз икки бўлсин; бирига – юз, юзига – минг берсин; кўканингиз (қўшоғингиз, қўрангиз, қўтонингиз) тўлсин; хайдаганингиз қўй бўлсин, чайнаганингиз мой бўлсин; тупроқ олсанг олтин бўлсин; таёқ эксанг кўкарсин** каби эвфемик олқиш воситалари қўлланилади.

С.Айнийнинг "Қуллар" романида Қилич халифа қароқчиларни қуйидагича дуои олқиш қилади:

Ўнтасини ўрдан берсин,
Қирқтасини қирдан берсин,
Бошбоғини боғлаб берсин,
Қозиғини қоқиб берсин.

Ушбу матнда қўй номи (табулаштирилган) ўнта, қирқта; бошбоғ, қозик сўзлари билан пардалаб (эвфемалаштирилиб) ифодаланган. Бу ҳолат, айтилган замонда, эвфемик олқиш матнининг шаклланишига сабаб бўлган.

3. **Сафарга кузатиш** тушунчаси билан боғлиқ қуйидаги эвфемик олқиш воситалари қўлланилади: **хайр, оқ йўл, яхши бор; ой бориб омон, соғ бориб саломат қайт (кел); йўлинг беҳатар бўлсин; йўлинг ойдин бўлсин; сафаринг беҳатар бўлсин; олдингдан ой чиқсин, орқангдан кун (кўёш); йўлинг бўлсин; Босган изинг-эй, гул бўлсин (қўшиқ); Олгин олдирма, тўлгин тўкилма; Аллоҳ ёр, пирлар мададкор, Хизр алайҳиссалом жиловдор бўлсин** каби.

4. **Жаннатга кирсин** тушунчаси билан боғлиқ қуйидани эвфемик олқишлар қўлланилади: **имонини берсин; номаи аъмоли ўнгидан келсин; Худо раҳмат қилсин; раҳматига олсин; марҳамат қилсин; мағфират қилсин; ғарқи раҳмат, шоҳистаи жаннат қилсин; жойи жаннатда бўлсин; ҳавуз ул-кавсардан сероб бўлсин; гўри нурга тўлсин (хуру нур бўлсин); гўри равшан бўлсин; руҳи муқаддас бўлсин; арвоҳи шод бўлсин; охирати обод бўлсин; даргоҳига қабул қилсин; у дунёсини обод қилсин** каби.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, тўғридан-тўғри жаннатга кирсин деб айтилмай, уни эвфемик дуолар орқали баён этилишига сабаб диний-ахлоқий одоб нормасига риоя қилинишидир.

Мусулмон халқларида: **"Раббана, атина фиддуња ҳасанатан ва фил охирати ҳасанатав ва қина азабаннар"** (Эй, Аллоҳимиз, марҳумларимизни бу дунёсини обод, охиратини ҳам гўзал қил, дўзахдан ўзинг асра).

Худо бандам десин, Муҳаммад умматим десин, чоҳорёрлар дўстим десин, Иброҳим ҳалилуллоҳ миллатим десин, Имоми Аъзам мазҳабим десин, Биби фотима кўчагим десин мазмунидаги дуои хайрларда ҳам жаннатга бормоқ тушунчалари эвфемалаштирилган ва ҳоказо.

Эвфемик олқишларга доир бадиий адабиётлардан мисоллар: Урушнинг оти ўчсин. Бу орден-медалларни мен тақдим, сизларга тақиб насиб этмасин, –деди сержант Орзикулов. Илоё, урушни охирги кўрган биз бўлиб қолайлик (Т.М., "От кишнаган оқшом", 363-, 415-б.). Бу олқиш-истаклар орқали энди уруш бўлмасин тушунчаси эвфемалаштирилган. Ўғилларингиз ҳам келиб турадими? – Қаерда бўлсаям омон бўлишсин, доғини кўрмайин (Ш.Х., "Сўнгги бекат", 185-б.). Бу гапдаги омон бўлишсин, доғини кўрмайин олқиш эвфемалари **ўлмасин** тушунчасини ёпиш учун қўлланилган.

Баъзан эвфемик олқиш воситаларида хайрихоҳлик эмас, норозилик, мамнун эмаслик, танбеҳ маъноси (дисфемик оҳанг) ифодаланади: Катта бўлиб қолишса ҳам, бу бор бўлгурларнинг болаликлари қолмади-қолмади-да. Мана бу бор бўлгур ўтин ёнмаяпти. Куйлагингни ечиб сувга ташласак бўлмайдами, бор бўлгур (Н.Фозилов, "Саратон", 8-, 9-б.). Ахир, икки йилдан бери режа бажарилмаяпти-ку, барака топкур. Бу ҳаражатларни ким қоплайди, уйинг буғдойга тўлгур (сўзлашувдан). Бу норозилик заминида ўлим ёки ёмонлик тилаш йўқ, албатта.

3.6. Оила қуриш билан боғлиқ муомала эвфемикаси

Оила қуриш билан боғлиқ жараён қадимдан муайян тартиб (совчи қўйиш ёки одам қўйиш, унаштириш, тўй қилиш каби)га эга. Оила қуриш билан бирга пайдо бўлган оила маънавияти, шаъни, зеб-зийнати, иззат-икроми, диний эътиқоди каби анъаналар билан боғлиқ шаклланган кўпгина урф-одатлар, чунончи, совчи қўйиш удуми ҳам шўро даврида, афсуски, бузилди. Ёшларнинг ўзаро келишувига кўра (баъзан ота-она совчилигида, баъзан совчисиз, ота-она розилигисиз) оила қурилди. Шу сабабдан бўлса керак, Шўровий адабиётларда оила, никоҳ, совчилик билан боғлиқ нутқий воситалар, уларнинг эвфемик мумтоз намуналари деярли кузатилмайди.

3.6.1. Совчи нутқи эвфемаси. Совчилик аслида давлат дипломатиясига ўхшайди, ҳатто, ундан ҳам нозик. Дипломат давлат номидан гапиради, талаб

(баъзан ултиматум) қўяди. Совчи бировнинг уйига (от савдосига, суюнчи олишга, суҳбатлашишга эмас, албатта) боласини – қизини олишга боради. Бу жараён ҳар қандай одамни сукут сақлашга, ўйлашга, гапни нимадан бошлашга, нозик иборалар қўллашга, эҳтиёт бўлиб сўзлашга, ўйлаб жавоб беришга мажбур қилади. Шунинг учун ҳам совчилар гапга чечан, гапдон, суҳандон, сўзамол, доно, зукко, топқир, зийрак, донишманд, босиқ, психолог, айти замонда, кўпни кўрган, оқ-қорани таниган, эътиборли, баобрў кишилардан танланган.

Умуман, оила қуришда совчининг нотиқлик маҳорати катта роль ўйнайди. Масалан, совчи қизнинг ота-онасига: Биз совчимиз. Сизнинг бир қизингиз бор экан. Куёв бўлмишга шу қизингизни беринг. У кўп вақтдан бери қизингиз билан юрар экан. Уларни тўй қилиб, эр-хотин қилиб қўшиб қўйишдан бошқа чора йўқ ёки куёв бўлмишнинг отасини, мансаб-мартабаси, давлату савлати, қасри, машиналарини кўкларга кўтариб: Қизингизни берсангиз шундай хонадонга берасиз-да, бундан яхши жойни тополмайсиз. Қизингиз уйда ўтириб қолади. Бошингизни ғалвага қўйиб нима қиласиз, қизингизни бошингизга ёстиқ қиласизми, қари қиз бўлиб қолади каби салбий таъсир қилувчи, қиз хонадонининг иззат-нафсига тегувчи дисфемик нутқ эгалари (совчилар) ҳам борки, бу – нохуш воқеликларнинг юзага келишига, қош қўяман деб кўз чиқаришга сабаб бўлади.

Тоғай Муроднинг "Ойдинда юрган одамлар" асарида Оймомо (етим қиз) учун акаси Эсон қассобнинг уйига келган совчиларнинг бири (Эсон қассоб билан таниш) чойдан кейин, бирданига: Синглингни бошига бахт куши қўнди, учириб юборма (яхши куёв ёки эр топилди, синглингни бер тушунчасининг эвфемик ифодаси) деган гапига Эсон қассоб: **Аслини билмай сўз демаслар, Наслини билмай қиз бермаслар** эвфемик мақоли билан ўринли жавоб беради (219-б.).

Ҳа ёки **йўқ** жавобини ололмаган совчилар йигитнинг кимлиги, асли-наслини эвфемик воситалар билан тавсифлагач, Эсон қассоб: "Мен бир

нима деёлмайман. Оғайни, жамоа бор, қиз боққан янгаси бор. Яна бир келинлар, маслаҳатлашиб олайлик",— дейдики (221-б.), бунда **"ҳа"**, **"майли"**, **"розиман"** тушунчаларига мойилликнинг эвфемик ифодаси намоён бўлган.

Совчининг нутқий фаолиятида икки этап бор: 1) совчи қизнинг отасиникига борганда, совчи эканлигини иложи борича очиқ, яъни гап билан (биз совчимиз, қизингизга келдик шаклларида) эмас, психологик сигналлар, сукут сақлаш каби ҳаракатлар, совчиликни англатувчи **қулликка келдик**, **эшик ёки ҳовли супуришга келдик**, **қариндош бўлиш учун келдик**, **бир фарзандингизнинг кўлини сўраб келдик**, **бир болангизни бизларга фарзандликка берарсиз деб келдик**, **бир қизимиз (ёки фарзандимиз) иккита бўлсин деб келдик**, **бизнинг фарзандимиз сизга ҳам ўғил бўлсин деб келдик**, **чақирилмаган (кутилмаган) меҳмон бўлиб келдик** каби анъанавий эвфемик гаплар орқали англатилади: Сарижа оға хайрли ишга қўл уриб, Маржонбийникига "қулликка" келди. Шу тариқа Жанғилой Бобоқулига қаллиқ бўлиб тушди (Н.Эргашев, "Ўзанбий авлодлари", 103-б.); 2) совчилиги аниқ бўлгач, асосий мақсадга ўтилади. Ўзи келган хонадон ҳақида қисқа ва камтарона тавсиф беради. Бунда совчи бўлиб келган оиланинг тағли-тубли, кўрган-кечирган, худотарс, зиёли, маданиятли, таълим-тарбияли, мўмин-қобил, эътиборли, иззат-иқромли, ахлоқ-одобли, меҳнаткаш, ҳалол, пок, ҳамма ҳавас қиладиган, ибратли оила эканлиги таъкидланади.

Совчи фаолияти қиз томоннинг розилигини олишдан иборат. Розилик эса **бўпти**, **майли**, **жуда яхши**, **хўп**, **розимиз**, **қизимизни берамиз** тарзида эмас, одатда (хусусан, биринчи марта борган совчиларга) **уруғ-оғайнилар билан бир маслаҳатлашиб кўрайлик**, **ўйлашиб кўрайлик**, **онасидан ёки қизимиздан ҳам сўраб кўрайлик** тарзида намоён бўлади. Чунончи, Эсон қассобнинг "Мен ҳозир бир нима дея олмайман, оғайни, жамоа бор, қиз боққан янгаси бор, бир келинлар, маслаҳатлашиб олайлик" (юқорида келтирилган) тарзидаги камтарона нутқларида ўз ифодасини топган. Қизнинг

розилиги ҳам "бўпти", "тегаман" тарзида эмас, кўпинча, сукут сақлаш йўли билан намоён бўлади. Бу жараён янгаси билан Оймомо ўртасида қуйидагича кечган: Янга қайин синглиси қўйнига қўл солади.

–Сен нима дейсан?

–Нимани нима дейман?

–Талмовсирама. Бирор нима де. Совчи кепти.

–Кимга?

–Менга бўлармиди сенга-да.

–Эб-ей, мен сизга нима қилдим? Боринг-е! Оймомо терс бўлди. Билқ-билқ қайнаётган қозонга юз берди. Косов билан ўчоқ қовлади.

–Уялсанг-уялмасанг, бу баримизнинг бошимизда бор савдо,— деди янга, – биз ҳам сендайин уялиб эдик. Мана оқибати жиянинг шўрпиллатиб-шўрпиллатиб эмиб ўтирибди... Менга қара, бугун, бугун бўлмаса эртага барибир келин бўласан. Жойи чиқиб турибди, хўп дея бер. Қоплон икки елкасига уй тикса бўладиган йигит.

–Мен ундайчикин одамни билмайман...

–Энди биласан-да. Айтганимдан қолма. Чиройинг борида чинорингни топ.

Бу диалогик нутқ — ҳамма қизлар ҳам эрга тегади, хотин бўлади, туғади, она бўлади, бола эмизиб, катта қилади, агар ҳозир эрга тегмасанг (чинорингни топмасанг) эрсиз, қари қиз бўлиб қолиб кетасан, Қоплон жуда зўр йигит каби очиқ ёки дисфемик ахборотнинг эвфемик матнидир.

Ёки янгаси сенга совчи кепти деганда, Оймомонинг: "Эб-ей, мен сизга нима қилдим? Боринг-е!"; Қоплон номи тилга олинганда: "Мен ундайчикин одамни билмайман" эвфемик эътирозларида қизнинг сўз билан ифодалаб бўлмайдиган ички бир эмоционал туйғулар, ички бир розилик ифодаланган.

Оймомо чўққа тикилиш кўйи ўтира берди. Чўғ Оймомо юзларидан, Оймомо юзлари чўғдан қолишмади. Янга бўлмиш кенжасини Оймомога берди.

–Бўлди, сукут – аломати ризо,— деди. Янга оғайни-жамоа қошига борди. Оймомо сукутини айтди. Совчилар дастурхонга ўралмиш нонни ўртага қўйди (нонни ўртага қўйди – унаштирилди тушунчасининг эвфемик ифодаси).

Англашиладики, Оймомонинг юзлари қизариб, узоқ вақт чўққа тикилиб, сукут сақлаб ўтиравериши – унинг розиман, тегаман деган хулосага келганлигидан далолатдир.

Совчилик билан боғлиқ бегона, ҳатто душман хонадан вакиллари нутқи ҳам ўзига хос эвфемик ифодаларга эга. Бойсарининг уйига совчи бўлиб келган Сурхайл деди:

Қозонда қайнаган ширбоз гўшмиди,
Шул қизнинг агар боши бўшмиди,
Боши бўшми дейин, сендан сўрайин,
Келин қилиб бирор рўмол ўрайин,
Қоражонга оташтириб берайин.

...

Қизингизни бошида таралган сочи,
Қоражон ҳам йигитларнинг меърожи,
Қоражоннинг вақтин хушлаб турайин,
Қизингман икковин бирга қилайин,
Иккови ҳам ўйнаб юрсин ҳар кеча,
Қизинг билан рўзғор қилсин ўлганча ("Алпомиш", 96-б.).

Ушбу матнда **боши бўшми** – эрсизми; **оташтирмоқ** – хотинликка олмоқ; **йигитлар меърожи** – юқори, энг олийси, зўри; **қизингман бирга қилайин, рўзғор қилсин** – бир умр эр-хотин бўлсин тушунчаларининг эвфемик воситасидир.

Бойвича (Барчиннинг онаси) деди:

Қозонда қайнаган ширвоз гўш эмас,
Тўрда ўтирган қизнинг боши бўш эмас,

Қизим домод бобосининг улига,
Мол бергани Бойсун-Қўнғирот элида.

...

Ҳар ким ўз элида бекми, тўрами,
Қарчиғай қарғага емтик берами (98-б.).

Ушбу матнда **тўрда ўтирган қиз** – Барчиной, **қизим домод бобосининг улига** – барчиной амакиси Бойбўрининг ўғли Алпомишнинг қаллиғи, **мол берган** – қалин берган ҳам Алпомиш, Барчинойни ҳеч қачон Қоражонга бермайди-ку! тушунчаларининг эвфемик воситасидир.

Совчи, одатда, ҳар қандай вазиятда ҳам кимлиги (мавқеи)дан қатъи назар, дабдаба, тазйиқ оҳангида муомала қилмаслиги (юқоридаги Сурхайл кампир каби), қиз томон ҳам ахлоқ-одоб қондасига риоя қилиши, рад жавоб ҳам ҳақоратомуз, камситувчи, қўпол гаплар (ундай хонадонга берадиган қизимиз йўқ, ерда қолган (қўчада қолган) қизимиз йўқ, улар бизнинг тенгимиз эмас каби) билан эмас, балки **кечикдиларингиз, насиб этмаган экан ёки қизимизнинг боши бўш эмас, боши очиқ эмас, боши боғлиқ, бахшидаси, говрабахши, бешиккертиси¹, этакйиртиши, сирғасолдиси, унаштирилгани, аташтирилгани, номзод қилингани, фотиҳахондаси, нон синдирилгани бор** каби қадимдан қўлланиб келинган, мумтоз, эвфемик атамалар; ёки **вақт эрта, қизимиз ҳали ёш, ўқиши керак** каби замонавий эвфемик ифодалар орқали берилиши керак. Бундай муомала фольклор тилида, чунончи, тоғ чорвадорлари аҳолиси нутқида фаол қўлланилади: Вазир Ҳасанхон ўлими олдидан: "Эй ўғлим, англаб қўйгилким, подшоҳнинг қизи сенинг бирла говрабахшдир. Ғариб айди: Э, Шоҳсанам менинг

¹ Болаларни туғилмасдан ёки туғилгандан кейин унаштириб қўйиш ("бешиккerti") одати бўлган. Бунда бўлғуси қудалар бир-бирларига сўз беради ёки қиз бола туғилса, ўғил боласи бор қутлуг бўлсинга келишганда, эр киши дўпписи билан, хотин киши бўлса, рўмоли билан иримиға уйни супуради. Қиз томон унаса, қизчанинг бошига рўмолча танғиб ёки бўйнига маржон тақиб кетади. Баъзан чақалоқ қўйлақчасининг этагидан озгина йиртиб қўядилар (М.Алавия. Ўзбек халқ маросим қўшиқлари. -Т.: Фан, 1976. -160-б.).

бахшидам экан-да" (42, 93). Шоҳимардон пири Ҳакимбекка Ойбарчинни "бешиккерти" қилди ("Алпомиш", 13-б.). Бу ерда "бешиккерти"ни бузиш даҳшатли номус ҳисобланарди (П.Қод., "Қора кўзлар", 33-б.). Хулқар ўн яшарлигида Холбекка "фотиҳа" қилиб қўйилган эди. (П.Қод., "Қора кўзлар", 15-б.). Норгулимизнинг "аташтирилган"ига олти ой тўлди ("Чағониён", 2003, 17 июнь). Менинг севган ёримнинг Найлай "боши боғлиқ" экан (қўшиқ). Азизлар, огоҳ эмас экансизлар-да, минг афсус, кечикдиларингиз, жигарпорамизга "нон синдирилган" ("Чағониён", 2002, 5 сент.).

Яна мисоллар: Ўртада бир андиша бор, у ҳам бўлса ёшликларида этак йиртиш қилиб қўйганимиз, холос (М.И., "Фарғона тонг отгунча", 76-б.). Бизлар ҳам "Қизимиз ёш, қолаверса бир йигитга "бешик керти" қилинган", деб ипини узиб юбордик (М., "Чўри", 26-б.).

Одатда совчиларнинг қайтиши, яъни натижа сабрсизлик билан кутилади. Ҳаттоки баъзан совчига берилиши керак бўлган бўлдим-бўлмадими, кўндими-кўнмадими, ҳа дедими-йўқ дедими, нима деди каби одатий саволлар ўрнида **бўрим-тулкими** эвфемаси қўлланилади: Совчиликдан қайтган Сурхайил кампирга Қоражон: Қалай, қалай эна? Бўри бўп келаяпсизми, тулки бўп келаяпсизми?– деди. Энаси айтди: Мен борган ердан ҳам тулки бўламанми, бўри бўп келаетибман. Шунда: Эна, бўри бўлганингиздан гапир,– деди Қоражон ("Алпомиш", 99-б.).

Совчиларнинг кийит (сарпо) кийиб қайтишлари ҳам қиз томоннинг розилигини англатувчи эвфемик аломатдир. Агар совчи аёлларнинг товоқлари бузилмай қайтарилса, қиз томоннинг рози эмаслиги – кўнмаганлиги, аксинча, товоқлари бўшатилиб, ичига бир жуфт нон, оқлик (оқ мато, рўмол) солиб қайтарилган бўлса, бу – розилик, кўнганлик тушунчасининг эвфемик рамзи ҳисобланган. Бу одат ҳозир ҳам мавжуд.

Маълумки, совчи "бўри" бўлиб қайтгач, йигит ва қизнинг бўлажак эр-хотинлиги расмийлаштирилади. Мана шу жараён **унаштирмоқ, патир**

ушатмоқ, нон синдирмоқ, кўп маълуми қилмоқ, фотиҳа қилмоқ, номзод қилмоқ каби эвфемик иборалар билан аталади.

Этнограф-тилшунос А.Журабоев республикамизнинг кўпгина жойларида унаштириш билан боғлиқ бу удум **хом тугун, хом оши, хамир учидан патир, кичик сават, кичик патир** каби иборалар билан аталишини таъкидлайдики, бу атамалар ҳам берилажак мол-пул, қалиннинг бошланиши тушунчасига нисбатан этнографик-эвфемик воситалардир. Шу билан бирга муаллиф урф-одат номларини ўрганиш этнографик, изоҳли луғатлар тузиш учун қимматли материал бўла олишини ҳам уқтирган (43, 60-63).

Шуни ҳам айтиш керакки, XIX асрнинг охирларига қадар тоғ чорвадор қишлоқларида бўлажак куёв олдиға турли анъанавий шартлар қўйилган: от чопиш, от устидан сакраб ўтиш, кураш (олиш, чавки), кунда (тўнка) ёриш, ўт ўриш, дарахт (арча, писта, заранг, чинор) кесиш каби. Бунда йигитнинг жисмоний соғломлиги, ақл-фаросати, ҳаётга тайёргарлиги синаб кўрилган ("Ҳазор савол"даги Маликанинг минг бир саволи, "Алпомиш"даги Барчинойнинг тўрт шарти каби). Шу удумлар билан боғлиқ халқ орасида **"Кунда ёролмай, ёрсиз қолган"** (тўнка ёролмаганлигидан севгилисидан жудо бўлган маъносида); **"Комакни тор олган"** (дарахтни рисолабоп кесолмай, севгилисидан жудо бўлган маъносида); **"Оёғи узангига етмаган, қўйнига ярим нон кетмаган"** (отдан сакрай олмаган, ношуд, ақлан, жисмонан норасо, палағда йигит маъносида) каби иборалар мавжудки, булар ҳозир ҳам қавс ичида изоҳланганидек, омадсизлик, бахтсизлик каби нохуш воқеликларнинг эвфемик рамзи сифатида қўлланилади.

3.6.2. Никоҳ нутқи эвфемаси. Никоҳ сўзи арабча – накаҳа, никаҳун; ўзбекча – никоҳга кирмоқ, уйланмоқ, эрга тегмоқ (21, 1055). Бошқача айтганда, шаръий қонун асосида қилинган "байъат", "аҳду паймон". Никоҳ билан боғлиқ ўқиладиган "Хутба" ёки муомала ва баёнлар ўзига хос, бирмунча қолиплашган эвфемик матнлардир. Мулла томонидан келин-куёвларга бериладиган саволлар ҳам (Бир-бирингизни севасизми? Сиз бу

қизни хотинликка оласизми? Сиз бу йигитга эрга тегасизми? тарзида эмас), келин-куёв томонидан бериладиган жавоблар ҳам (Ҳа, биз бир-биримизни севамиз. Мен бу қизни оламан. Мен бу йигитга тегаман тарзида эмас) исломий ахлоқ-одоб нормалари асосига қурилган бўлади. Яъни мулла нутқида **"фалончи ибн фалончи", "Сиз фалончи бинни фалончи" билан жуфтлашишга, жуфти ҳалолликка, бирлашишга, маҳрамликка (таммаҳрамликка), бирга ҳаёт кечиришга, ёстукдошликка розимисиз** (қиздан ҳам шу тарзда сўралади) каби эвфемик саволлар қўлланади (65, 22-23). Ҳатто "ҳа" деган мавҳум тасдиқ ҳам гўё қиз учун ҳаёсизлик ҳисобланганлигидан, экстралингвистик (сукут) ёки кинетик (имо-ишора, бош ирғаш) воситалари орқали амалга оширилади. **"Сукут – розилик аломати"** мақоли шундан келиб чиққан.

Хайрулла домла сўради: Сизким Оймомо Абдубой қизи, ўзингизни Қоплонбой Қурбонбой ўғлига бағишладингизми?

–Сукунат. Хайрулла домла охирги – учинчи бор сўради. Жавоб бўлмади. Учдан кейин пуч бўлди. Домла ташқари равона бўлди. – Келин хоҳламаяпти, никоҳни қолдирамиз деди. Шунда оқ парда ичидан: –Ҳа... демиш заиф овоз келди. (Т.Мурод, "Ойдинда юрган одамлар", 227-б.).

Ҳозир ҳам тоғ чорвадорлари ҳаётида никоҳ билан боғлиқ жуда кўпгина удумлар мавжудки, булар орқали кутилган эзгу мақсадлар нутқ орқали ифодаланмайди (новербал ифода). Унинг тағмаъноси атрофдагиларга англашила беради. Масалан, келин ота ҳовлисидан чиқаётганда, куёв уйига келганда ҳам дарвоза икки ёнида гулхан ёқилади, исирик (ҳазориспанд) солинади. Бу **зиён-заҳматдан ҳимояланмоқ, сақланмоқ** демакдир. Ёки келин-куёв олдини тўсиш – таёқ ташлаш, арқон тутиш аслда **ҳаётий қийинчиликларни, тўсиқларни енгиб ўтсин**; ун сепиш – **кўнгил қоралик юз бермасин**; сочқи сочиш (сочалоқ) – **ризқли бўлсин**; "кампир ўлди", "қўй ётқизиш" (келин оёғи остига) – **юксак эътиқодлилиқ**; эшикка бош уриш (келин боши эшикка тегизилади) – **куёв уйининг муқаддаслиги**; ойна

кўрсатар – **тиниқ, ёруғ ҳаёт**; соч сийпатар – **текис, равон ҳаёт**; оёқ бости – **ўктамлик**; қўл ушлатар – **бир-бири билан боғланиб қолмоқ**; куёв елкасидан игна билан ип ўтказиш (чатиб қўйиш) – **ажралмаслик**; буғдой сепиш (куёв елкасига) – **ризқ, серпуштлик**; гўдак ушлатиш (келинга) – **серфарзандлилик**; куёв товоқ – **куёв томон мардлигини синовдан ўтказмоқ**; итялоққа овқат қўйиш – **вафодор бўлмоқ**; келин салом – **келиннинг куёв хонадонига эътиқоди, ҳурмат ва таъзими**; учоққа мой томизиш – **ризқ-насибали бўлмоқ**; "келин ош емади" – **совға-сарпо олмоқ**; бет очар – **мерос олмоқ**, "тўққиз" – **келинникига тўйлик сарполари юбориш – тўй келмоқ** тушунчаларининг рамзий эвфемик ифодасидир.

Бу удумлар Тоғай Муроднинг "Ойдинда юрган одамлар" қиссасида ҳам акс этган:

Ит ғириллатар, кампир ўлди, соч сийпатар, қўл ушлатар бўлди. Кайвони аёл келин-куёвга ойна тутди – ҳаёти тиниқ бўлсин деди. Никоҳ ўқилиш мобайнида онаси куёв елкасига беқасам чопон ёпди. Беқасам елкасидан игна билан ип ўтказиб олди. Бу, куёв-қайлик ҳамиша бирикиб юрсин, ажралиб кетмасин дегани бўлди. Ип учларини тугмади. Келин-куёв тақдир пешонаси тугилмасин деган бўлди. Куёв боши узра бир ҳовуч буғдой сепди. Бу, буғдойдай сероб бўлсин, бола-чақали бўлсин дегани бўлди (229-, 233-234-б.).

Келин тонгда турди. Шу хонадонга содиқ бўлиш рамзида ит ялоғига овқат қўйди. Пориллаб ёнмиш оловга мой томизди. Невара-чеварали бўлиб юрайин дея, қўлига гўдак олди. Барча палов еди. Келин бўлса қўлини-да узатмади. Шунда "келин ош емади" бўлди. Юз очар бўлди. Куёвнинг укаси чопқиллаб борди. Янгаси юзидаги рўмолини тортиб юборди. Келин юз очди (244-б.). Ой ўтди. Келинникига кўрпа-тўшак матолари билан пахта келди. Бу "тўққиз" деб аталди (225-б.). Исмат боболар илгари Хулкарга берган "тўққиз"ларини қайтариб олишди (**тўйни қайтариш** маъносида) (П.Қод., "Қора кўзлар", 37-б.).

3.6.3. Никоҳ тўйи нутқи эвфемияси. Шўро даврида никоҳ тўйи ўтказиш удуми янгича шаклланди: асосан, ёшлар тўйига айланди; кўп ҳолларда қизнинг ота-онаси, қариндош-уруғлари ҳам қатнашадиган бўлдики, бундай замонавий никоҳ тўйларида айтиладиган гап – нутқнинг шарқона, одоб-ахлоқ талаб нормасида бўлишини, баъзан эвфемик ифодаларда баён этилишини тақозо қилади. Бошқача айтганда, никоҳ тўйларида сўзланган нутқ ибрат, ўғит, эзгу ният ва истаклар, дуолар ёшларнинг келажаги учун назарий дастур бўлиши керак. Шундай экан, мана бугун висол оқшоми, икки ёшнинг энтиқиб, интиқиб кутган оқшоми, икки ёшнинг қовушадиган кечаси; бир йил ўтиб (баъзан ўтар-ўтмас), шу уйда чақалоқ овози ингаси эшитилсин; болалари бир футбол командаси бўлсин; ҳаттоки, "горька-горька" дейиш (ўпишишсин маъносида); келин-куёв бир ўйнаб берсин; эру хотин – кўш хўкиз бўлсин; ўзидан кўпайсин (бировдан кўпаймасин дегандай), ўрталаридан қора мушук ўтмасин каби номуносиб, ибосиз гаплар ўрнида **кўша қарисин, борган жойидан бахт топсин, илдиз отсин; келин-тушган уйининг қизи, куёв-келин ота-онасининг ўғли бўлиб қолсин; келин-куёвга меҳр-муҳаббат қанот берсин; Аллоҳ мададкор бўлсин** каби дилкушо эвфемик ибора ва ифодалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

3.6.4. Келин ва куёв нутқи эвфемаси. Унаштирилган (“фотиҳа” қилинган) кундан бошлаб қиз – **келин**, йигит – **куёв** атамасини олади. Никоҳдан кейин келин тилида куёв ва унинг оила аъзоларининг номлари, куёв тилида келин ва унинг оила аъзоларининг номларини аташ табулашади. Бир-бирлари учун уларнинг оталари – **қайнота**, оналари – **қайнона**, акалари – **қайноға**, укалари – **қайин** (қайн ини, қайн ука), опалари – **қайнопа**, сингиллари – **қайнсингил** бўлгач, ўзига хос эвфемик воситалар билан мурожаат қила бошлайдилар.

Келин ва куёв нутқида қўлланадиган қайнота, қайнона, қайноға, қайнопа, қайнука, қайнсингил атамаларнинг эвфемиклиги исмга нисбатан,

албатта. Бундан ташқари, ҳар иккала шахс (келин, куёв) нутқида қайнотага **ота, дода, дада, ада**; қайнонага **она, ая, оий, ажа**; қайноғага **ака**; қайнопага **опа** каби қариндошлик атамалари билан ҳам мурожаат қилинадики, бунини табу тушунчаларни эвфемалаштиришнинг иккинчи босқичи дейиш мумкин. Масалан, Воҳидов ёки Воҳидова дейишдан кўра **қайнота** ёки **қайнона** (нисбий эвфема), қайнота ёки қайнона дейишдан кўра эса **додда, дада, ада** ёки **оий, ая, ажа, она** деб мурожаат қилиш янада қулай ва юмшоқдир.

Тоғ чорвадорлари нутқида қайнотага нисбатан (уруғи, қариндоши бўлмаса ҳам) **бобо, тоға, амаки, почча**; қайнонага нисбатан **момо, хола, амма, янга** каби қариндошлик атамалари эвфемик восита сифатида қўлланилади. Келинлар қайноғаларига **ака** ёки касби кори билан боғлиқ **Раис ака, Катта ака, Мудир ака, Ҳожи ака, Мулла ака, Чўпон ака, Муаллим ака...**; қайин ука, қайин сингилларига эса **ука, сингил** дейишдан ташқари, уларнинг характерли белгиларига асосланиб, ўзлари қўйган номлар: тахаллус ва лақаблар билан (**Холдор қиз, эрка қиз, қора соч, жингалак бола, оқ қиз, кокилдор бола, кенжа бола, кенжа қиз** каби) мурожаат қиладиларки, бу жараёнлар ҳам бадиий адабиётларда ўз аксини топмаган.

Келин-куёв мурожаати билан боғлиқ, умуман, тилга олинаши одобсизлик ҳисобланган шахс исмлари ўрнида қўлланилган эвфемик атамалар бора-бора ўша шахснинг лақаби ёки тахаллусига айланиб, расмий ном унитилиб ҳам боради (39, 118-120).

Масалан, қатор тоғ қишлоқларида табу туфайли орттирилган **Кенжа, Мерган, Қорасоч, Оққўзи, Полвон, Мулла, Бахши, Юзбоши, Оқсоқол, Даллол, Қассоб** каби номлар борки, бугунги кунда буларни аслда "бош ҳарфлар" билан айтиладиган эвфемик лақаблар эканлигини ҳамма ҳам пайқамайди.

Ўтмишда ҳам қиз ва йигит унаштирилиши билан, хусусан, никоҳга киргандан кейин, бир-бирларининг номларини атамаслик кўпгина халқларда қатъийлаштирилган (табу): Рам, Сита, Лакшман афтода ҳолатда ўрмон

четидаги бир хонадонга келиб қолишади. Аёллар даврасида ўтирган Ситадан бир хотин бу йигитлар кимингиз бўлади деб сўраганда, Сита: Ана у – қайним (Лакшманга ишора қилиб), униси... деб тўхтаб қолади. Сўраган хотин: Бўлди, бўлди тушундим, дейди ("Рамаяна"дан). Шу ўринда Сита: Унинг оти – Рам ёки у – менинг эрим дея олмайди.

"Қиссаси ул-анбиё"да ҳам аёл сўзи ўрнида **аврат**, эр сўзи ўрнида **мард** сўзи эвфема сифатида қўлланилган: Сулаймон... хориб, очиб бир кентга кирди. Бир қапуғда бир аврат кўринди. Сулаймон айди: Таомга мухтожман. Аврат айди: Мардим эвда йўқ (73-б.).

Кўпгина тоғ қишлоқлари аёллари нутқида ҳозир ҳам эр ўрнида **мардим, эркак, мардак, киши** сўзлари эвфема сифатида қўлланилади (уйда мардагимиз, мардимиз йўқ ёки мардагим йўқ, кишим йўқ тарзида).

Оғир изтиробда турган, бироқ тегаётган йигитни Отабек эканлигини билиб қолган Кумуш: Дод! Сиз Отабек акамисиз деб юбориши мумкин эди. Мана шу жараёнларнинг ҳаммаси: **"Сиз ўшамми?"** эвфемаси орқали ифодаланган.

Яна бир жонли мисол: Сайлов руйхатини тузиш учун бир хонадон соҳибасидан эрининг исми, фамилиясини сўрадик. Олдин айтмади (табулаштирилганлигини англадик), кейин зўрға фамилиясини айтди (Салимов). Исмини айтмади. Қистайберганимиздан кейин: «Усталар ишлатадиган асбоб» деди. "Фолбинлик" қилиб **Теша** эканлигини билиб олдик.

Келин ва куёв (энди эр ва хотин) бир-бирларининг номларини очик айта олмаслик удуми бу тушунчаларнинг эвфемалашишига сабаб бўлган.

Жуфтликларнинг келин-куёвлик давридаги бир-бирига қиладиган мурожаат воситалари ўзига хос бўлиб, уқадар шаклланмаган бўлади. Хусусан, бировлар олдида очик мурожаат ўрнида **у, улар** каби мавҳум олмошлар воситасида муомала қилинади. Келин қайнота ва қайнонага эрини – **ўғлингиз**; куёв ҳам ота-онасига хотинини **келинингиз** ёки келин ўз

ота-онасига эрини – **куёвингиз**; куёв қайнота ва қайнонасига хотинини – **қизингиз** эвфемик атамалари билан мурожаат қилади.

Шарқда, жумладан, ўзбекларда келин-куёвнинг бола кўриш даври бошлангач, бир-бирларини тўнғич (хоҳ қиз, хоҳ ўғил бўлсин) фарзандларининг номи билан атай бошлайдилар: «Ўзбекда ахир ҳар бир эркак ўз хотинини – ўз ҳалол жуфтини қизи ё ўғлининг номи билан атаб чақиради. Ўз хотинининг исмини айтиб чақириш ярамайди. Хотинининг исми Марям, қизининг исми Хадича бўлса, мўъмин-мусулмончилик, шарму ҳаё юзасидан хотинини Хадича деб чақиради. Аксар она-бола баравар «лаббай» дейди. Шундайда оиланинг ҳақиқий эгаси бўлган ота: «Каттангни айтаяпман, каттангни!» дейди. Ҳатто шунда ҳам «Марямни» демайди (134, 576).

Англашиладики, келин ва куёв бир-бирларининг номлари ўрнида қизингиз, ўғлингиз; куёвингиз, келинингиз сўзларини қўллашларида ёки фарзанд номи билан онасига мурожаат қилинишида муайян ахлоқ-одоб нормаси сабаб бўлади.

“Ўзи” олмошининг эвфемиклиги. Эр-хотиннинг ўзаро муомаласида қўлланадиган эвфемик воситалар тоғ чорвадорлари нутқида ўзига хос хусусиятларга эга. Масалан, **ўзи** олмоши эр тушунчаси ёки эр номининг эвфемаси сифатида қўлланилади. Бунда ўзи олмоши шаклан III шахсда бўлса-да, келин-куёв ёки эр-хотин ўртасидаги диалогик муомалада (фақат хотин нутқида), мазмунан II шахсни кўрсатади. Бошқача айтганда, хотин (I шахс) эри (II шахс)га қаратилган фикрини III шахсдаги гап модели орқали баён этади. Шу сабаб ўз олмоши ҳам III шахс (ўзи)да шаклланади:

Куёв қайлиқ... нималарни хаёл сураяпти, шуни билмоқчи бўлдилар:

–Гапир, – деди куёв.

–Ўзи гапирсин, – деди қайлиқ.

–Сен гапир.

–Ўзи гапирсин-да.

–Нимани гапирайин?

–Ўзимизнинг оқшомлардан гапирсин,

–Қирдаги бугдой ўримида гапирсин.

–Сен гапир... Мен сенга зардоли териб берганимни.

–Ўзи гапирсин, қўллари зардоли шохларида бўлса-да, кўзлари менда эканини... (Т.М., «Ойдинда юрган одамлар», 234-б.).

–Мени қизиллар йўқласа, тоққа – ўтинга кетган де.

–Ўзи қаерда юрибди?

–Ишинг бўлмасин.

–Нега ишим бўлмайди, ўлик-тиригини билайин-да.

–Ҳайиткал жарида ётибмиз.

–Жарда нима қилади? Бир ўзими?

–Бир ўзим қаёқда, ўнта жигит.

–Кечаси Ҳайиткалнинг жарида нима қилади-а? Уйгинасида ётса бўлмайдами? (Т.М., «Отамдан қолган далалар», 30-б.).

Бу матнларда, бир қарашда, эвфемик ифода англашилмайди. Аксинча, эрга **ўзи** сўзи ўрнида II шахс кўпликдаги **ўзингиз** (ҳурмат маъносида) олмоши билан мурожаат қилиш юмшоқ-ку! деган савол туғилади: Мени севган ўзи эди-ку (Т.Мурод) гапидан Мени севган ўзингиз эдингиз-ку гапи юмшоқда. Бироқ бунда: 1) адресатнинг – фикр йўналтирилган шахснинг II шахсдан олиниб III шахсга кўчирилиши (шаклан, албатта) воқеликни юмшатиб туради; 2) **ўзи** олмошида, юқорида айтилганидек, эр тушунчаси, унинг номи яширилган бўлади; 3) бу индивидуал ёки окказионал услуб муайян ҳалқ, уруғ, қабиланинг анъанавий муомала, ахлоқ нормасига мос келади; 4) муомала тарихимиз ҳам II шахсга III шахсдаги гап модели билан мурожаат этиб (эга-кесимни кўпликда келтириб), эвфемик ифода ҳосил қилинганлигидан далолат беради: Ўзларидан сўрасак. Бир вақтлар жаноби олийларидан (ўзларидан) ўгит эшитганмиз. Ўзлари ижозат берсалар, машғул бўлур эдик. («Темурнома»); 5) тоғ қишлоқлари аҳолиси хотирасида **ўзи** сўзи

илоҳий маънони (Худо, Эгам; эгам – эрим маъносида ҳам қўлланилади) ҳам эслатиб туради: Ўзи қўлласин, Ўзига топширдим каби.

Юқорида таъкидлаганимиздек, бола туғилгач, келин ва куёв ота ва она бўлишади: **отаси, онаси** эвфемик атамаслари пайдо бўлади. Энди хотин эрига – **отаси**, эр хотинига – **онаси** деб мурожаат қилади. Невара туғилгач, **бобоси, момоси** эвфемик атамалари пайдо бўлади. Бу удум Т.Муроднинг «Ойдинда юрган одамлар» қиссасида қўйидагича акс этган:

Куёв қайлиғи юзини бағрига босди.

–Отини нима қўямиз? – деди.

–Барчиной.

–Сен ҳали...

–Қиз яхши-да. Менга ёрдамчи бўлади.

–Йўқ, ўғил бўлсин. Отини-да ўйлаб қўйибман.

–Хушвақт!

–Кейин?

–Кейин Хушвақтни катта қиламиз, уйлантирамиз, жойлаштирамиз, невара-чевара кўрамиз. Мен бова бўламан, сен момо бўласан. Қайлиқ завқланиб-завқланиб кулди.

–Мен бу кишини боваси деб чақираман.

–Мен сени момаси деб чақираман.

–Боваси.

–Момаси (240-б.).

–Уфф, ишнинг охириям бормикин-а, –Тирикчилик, момоси, тирикчилик. Ҳозир кимимизнинг юз хотирини қиладилар момоси... Эшитдингми, момоси, Вахшиворда биров етмишида фарзанд кўрибди (841-б.). Бобоси, сизга таом тайёр бўлди. Сиз бозорга бормоқчи эдингиз, бобоси (76-б.).

Оймомо ва Қоплон то ўлгунча бир-бирларига **Бобоси** ва **Момоси** деб мурожаат қилишади. Ёзувчи ҳам қиссада бош қаҳрамон номларини тилга

олмайди. Уларни **отамиз, онамиз, сўнгроқ бобомиз, момомиз** эвфемик атамалари билан номлайди: Онамиз отамиз янги рўзгор қиляпти деб эшитди. Онамиз ғамгин бўлди. Онамиз куйиб-куйиб кетди. Отамиз отланди. Отамиз жамоа билан юзма-юз бўлди (318-319-б.) каби.

Бобомиз бошларини эгганларича туриб қолдилар.

–Момоси, юр кетамиз... дедилар.

Бобомиз йўлларида бир-бир босиб давом этдилар (353-б.).

Айтиш мумкинки, жаҳон халқлари учун муштарак бир одат – бобо, момолар вафотидан кейин унинг невараларига бобо ва момо номларини қўйиш удуми (ўтганларнинг руҳини шод қилиш, унутмаслик мақсадида) бўлган. Бу удум ханузгача айрим жойларда (чунончи, Ўзбекистоннинг ҳам кўпгина қишлоқларида) давом этиб келмоқда.

Аждодлар номи авлодларга қўйилгач, у (бобо ва момо номлари) табулаштирилади ва бола **Бобо Катта, Калон**; қиз **Момо, Буви, Биби** каби эвфемик номлар билан атала бошлайди. Аждодлар (бобо, момо, ота, она каби) қандай эъзозлансалар (масалан, сизламоқ, қаттиқ гапирмаслик каби), ном олган авлодга ҳам шундай иззат-иқром кўрсатилади. Бора-бора аждодлар номини олган болаларнинг номлари унутилиб, эвфемик номлари расмий номга айланиб кетиши ҳам мумкин (Бобо, Момо, Катта, Калон, Улуғ каби).

Ўзбек тилида **эр (эрим)** тушунчаси (хотинлар нутқида) **отаси, дадаси, адаси, умр йўлдош (-им), умрдош (-им), турмуш ўртоқ (-им), ҳаёт йўлдош (-им), жуфти ҳалол (-им), жуфт (-им), кўз очиб кўрган (-им), танмахрам (-им), хўжайин (-им), хўжа(-м), тўра (-м), бек (-им), киши (-м), бой (-им), мард (-им), мардак(-им), эркак (-им)** каби эвфемик воситаларга эга. Бу эвфемаларнинг нутқий қиммати, қўлланиш хусусиятлари бир-биридан фарқли, албатта: баъзилари сўзлашув, баъзилари адабий тил, баъзилари бадий тил, баъзилари эски тил, баъзилари эса диалектал восита услубига хос: Болаларимнинг отаси бутунлай бошқа соҳанинг кишиси («Саодат», 1989, № 10, 20-б.). Мени табрикланг, дадаси! деди энтикиб (С.С., «Хурматли

ўртоқ рафиқам», 210-б.). Уйда ота-онам, севимли умрдошим, ҳамма-ҳаммалари насихат қилишди (Т.Расулов, «Қора илон қурбони», 12-б.). Шунда онахонимиз ҳам умр йўлдошларига мулойимгина товушда сўзладилар («ФТ», 1992, № 3, 227-б.). Нусратулла Нетайхоннинг жуфти ҳалоли (А.Қ., 4-Т., 161-б.). Кўз очиб кўрганим, то ўлгунча шу билан бирга бўламан (Н.А., «Елвизак», 59-б.). Узр, бегим, Райҳон уялиб эрининг кўксига юзини бекитди (Э.Тур., «Бу тоғлар – улуғ тоғлар», 67-б.). Қўйларингиз ҳам кўпдир-а!? – Билмадим. Кишим билади. – Чақиринг-да, кишингизни! (С.С., «Туя лўк-лўк этади», 169-б.).

Ичай десам чойим йўқ,

Ҳақ дўст, ё Аллоҳ.

Ўйнай десам бойим йўқ,

Ҳақ дўст, ё Аллоҳ (С.С., «Саратонда қор ёғди», 33-б.).

Эр номини айтиш бутунлай табулаштирилган жойларда **хай, хей, охай** каби ундовлар билан мурожаат қилинади: Хей дейман, меҳмонлар жўнатаяпти (М.Сафаров, «Турналар учади», 19-б.).

Умуман, **эр(им)** тушунчасини англатувчи 20 дан ортиқ эвфемик атамаларнинг ҳар қайсисининг қўлланиш ўрни мавжуд. Шулардан **умрдошим, бегим** сўзлари ихчам ва адабий тилга жуда мос келади.

Хотин (им) тушунчаси ўрнида **аёл (-им), оила, онаси, ойиси, аяси, опаси, ажаси, бийиси, бека (-м), қаллиқ (-им), умрдош (-им), умр йўлдош (-им), йўлдош (-им), турмуш ўртоқ (-им), ҳаёт йўлдош (-им), ёстикдош (-им), рафиқа (-м), соҳиба (-м), завжа (-м), аҳлия (-м), заифа (-м), ожиза (-м), зан (-им), ҳалола (-м), аврат (-им), ҳасм (-им), танмахрам (-им), ҳарам (-им), маҳрам (-им), эвлуг (-им)** каби эвфемик атамалар қўлланилади. Булар ҳам тасвир объектига, услубнинг турларига, сўзловчининг шахсиятига қараб фарқли қўлланади. Масалан, **хотин** сўзи билан **умр йўлдош** атамасининг услуб жиҳатдан фарқли қўлланилиши қўйидаги матнда равшан кузатилади: Заргаров (телефонда): – Бизнинг бошимизга бир мушкул иш

тушиб қолди. Умр йўлдошимиз қаттиқ бетоб... Хуморхон: Бунақа гапларни сизга ким қўйибди хотиним деяверин, дейди (А.Қ., 4-т., 90-б.). Ёки Россия Президенти рафикаси билан келди гапида **рафика** сўзи бошқа эвфемик синонимларига нисбатан услуб жиҳатдан энг мосидир.

Хотин тушунчасининг эвфемик воситаларига мисоллар: Аёлим вафотидан кейин дардманд бўлиб қолдим (М.Коз., «Қўрқинчли Техрон», 127-б.). Нимаики ёзсам, энг аввало оиламга, ўғлим, қизимга ўқиб бераман. Умр йўлдошим – адабиётчи (Ў.Х., «Нотаниш орол», 12-б.).

Астойдил ҳар эркак йўлдош демаса,

Инсоф маҳкамаси судга боради (Ғ.Ғ., 5-т., 96-б.). Қаллиғинг ҳам бориши керак эди, ўтир машинага (Ў.Х., «Икки карра икки – беш», 156-б.). Ҳа, Раззоқ сўфининг ожизаларимиз (Ч., «Кеча ва кундуз», 107-б.). Қари одамга маҳрам керак (А.Қ., 2-т., 313-б.). Мен бир танмаҳрамга зор (П. Қод., «Авлодлар довони», 106-б.). Наргизхон энди ҳалолинг-ку! (Ў.Х., «Икки карра икки – беш», 150-б.). Қиз бировнинг ҳасми (Ғ.Ғ., 5-т., 59-б.). Кўнгилсиз амир айди: Сароймулк завжамнинг изидан савол қилайин («Темурнома», 98-б.). Бир киши рўзада ўз аҳлияси билан жинсий алоқа қилиб қўйганини айтди («Ҳадис»дан). Сен ҳам кимгадир маҳрам бўлишинг керак-ку! (П.Қод., «Авлодлар довони», 107-б.). Қози домладан айрилган ҳарамни фукаро у ёқда турсин, ҳатто эшонлар ҳам ололмайди (Х.Х., «Бой ила хизматчи», 78-б.). Одам Атомиз, Ҳаво онамиз бир-биридан – Одам занидан, Ҳаво эридан юз йил адашди («Темурнома», 129-б.). Агар Исмоил забиҳ эрди теб уч талоқ онт ичса эвлуги талоқ бўлмагай («Қиссасул анбиё»дан). Бу киши аёлимиз бўладилар,— деди Салимхон Обидий жиндан ширакайф, давлатимнинг соҳибаси, боламнинг аяси (М., «Умид», 147-б.) (77, 41-47).

3.7. Гўянда нутқи эвфемикасининг лингвопоэтикаси

Ўзбек фольклори адабиётшунослик аспектида асосан ўрганилган, илмий тадқиқотлар яратилган. Насрий (достон, халқ китоблари каби) ва

назмий (алла, ёр-ёр, ўлан, ё рамазон, лапар, терма, келин салом, мотам-маросим қўшиқлари каби) жанрлари маълум даражада ёзиб олинган. Бирок бу – фольклоршуносликда ўз ечимини кутаётган муаммолар ҳали борлигини инкор этмайди. Унутилиб бораётган ўзбек халқ оғзаки ижодини ўрганишни янги босқичда жиддий давом эттириш, хусусан, уларнинг лингвопоэтик, услубий хусусиятларини, жумладан, эвфемикасини тадқиқ қилиш ана шундай долзарб масалалардандир.

Фольклор тили эвфемикаси алоҳида тадқиқот объекти бўлиб, биз қуйида тоғ қишлоқлари аҳолиси чорвадор гўяндалари нутқи эвфемасига доир фикр юритиш билан чегараланамиз.

Гўянда (тож. гўфтан – айтмоқ феълидан) лексемаси аслида кенг маънода – айтувчи маъносида (бахши, шоир, ёр-ёрчи, аллачи, ўланчи, лапарчи, ё рамазончи каби) қўлланилган бўлса-да, бугунги тилимизда тор маънода азада айтиб йиғлайдиган, мотам маросимини бошқарувчи шахс (асосан, аёллар) тушунилади. Гўяндачилик (оғзаки ижод) энг қадимги удумлардан бўлиб, марсия жанри (ёзма ижод)нинг шаклланишига асос бўлган.

Фольклор асарлари, жумладан, гўяндалар нутқи эвфемияси умумадабий тил эвфемик воситалари билан муштараклигидан қатъи назар, ўзига хосликка эга: умумадабий тил эвфемик воситалари кўпроқ лисонийлашган, тайёр ҳолдаги, ҳамма учун бир хил тушунарли (вафот этди, казо қилди, дунёдан ўтди, жон берди каби) бирликлардир. Фольклор тили эвфемик воситалари эса кўпроқ ижодий – импровизацион жараён, яъни индивидуал, окказионал, ситуатив нутқ ҳосиласидир. Шу сабаб нутқий эвфемаларнинг табу тушунчани компенсация қилиш (қоплаш, ёпиш, пардалаш), унинг салбий таъсирини хотирадан узоқлаштириш имконияти юқори бўлади.

Масалан, қуйидаги халқона насрий мулоқотда **жойлаштирмоқ** ва **қуймоқ** лексемалари **ўлмоқ** ва **кўймоқ** тушунчаларининг эвфемик ифодаси

сифатида қўлланилганлигига қарамай, контекст ва нутқий вазият орқали реаллашавермайди:

–Қандай, калтакланган ошнангиз, қандай?

–Бир бало қилиб жойлаштириб келдик.

–Ия-ия... Бандачилик қилдими-а?

–Йўғ-е, беморхонага жойлаштириб келдик.

–Э, ҳа-а, шундай денг.

...

–Кайфиятингиз йўк, ўртоқ Қурбонов,— деди Рихсиев.

–Доно момони қўйиб келдик.

–Қаёққа қўйиб келдингиз?

–Доно момо оламдан ўтди, шуни айтаяпман.

–А-ҳа, дафн қилдик денг. Қўйиб келдик деганингизга Доно момони бирор жойга қўйиб келибдими дебман (Т.М., «От кишнаган оқшом», 174-б.).

Гўянда нутқи эвфемиясининг яна бир ўзига хослиги унда табиий (биологик) ва бевақт (уруш, қотиллик, тоғдан учиш, сувда чўкиш, касаллик кабилар) ўлим, шу билан боғлиқ **жаноза ўқимок, тобутга солмок, қабрга олиб бормок, кўммок** каби нохуш тушунча ёки воқеликлар эвфемалаштирилишидан ташқари, мархумнинг **тавсифи, шакли-шамойили, либоси, буюмлари, касби кори, севимли машғулоти, ёши, жинси, яшаш тарзи, географик макони, муҳити, табиати, ҳайвонот ва наботот олами, халқнинг урф-одати, менталитети** – ҳаммаси уйғунлашган ҳолда эвфемик-бадий буёқларда акс этган бўлади.

Қуйида Бойсун туманининг Мачай қишлоғида яшаган бувим, машҳур гўянда Тошбиби Янгибой қизидан ёзиб олинган аза қўшиқлари эвфемасини таҳлил қилайлик:

1. Йилинг тўлди дўмбиранг,
Керагага осувли.

- Чанг тегмасин деб унга,
Белқарсгинанг ёпувли.
2. Эшитилмай қолди-ку,
«Қўзи маъраш» куйларинг.
Чўпон болам келмадинг,
Ўтмай қолди тўйларинг.
3. Найгинангнинг навосин,
Қумсаб қолдик, жон болам.
Ҳар кўрганда найингни,
Юрак-бағрим қон, болам.
4. Ўзинг кесган таёғинг,
Бошгинангга қўйилди.
Боқиб юрган қўйларинг,
Меҳмонингга сўйилди.
5. Кўчиб чиқсак қирларга,
Сени сўрар яйловлар.
Не деб жавоб бераман,
Бошим тўла ўйловлар.
6. Келмас бўлиб кетганим,
Ойдек бўлиб ботганим,
Қора ерда ётганим,
Не деб жавоб берайин?
Қайси гўрга борайин?
7. Етим тоғи ер бўлсин.
Эриб қори – чўл бўлсин.
Зомин бўлди оғамга,
Мерган оғам қайтмайди,
Ёниб, тоши кул бўлсин.
8. Термулиб қолди тоғлар,

- Силкиниб қолди боғлар,
 Тўлғаниб оқди дарё,
 Сенга айтиб алвидо!
 Бир қайрилиб боқмадинг,
 Бир оғиз сўз айтмадинг.
9. Мотамсаро яйловинг,
 Шаршарали сойларинг,
 Ўйнаб турган тойларинг,
 Мангу сукутда қолди.
 Бир қайрилиб боқмадинг,
 Бир оғиз сўз айтмадинг.
10. Чўпон болам, энди қайдан излайман,
 Боботоққа борайинми сўроқлаб.
 Сени истаб бўтадайин бўзлайман,
 Қабргинанг ётайинми қучоқлаб?
11. Эй, ёронлар, биродарлар,
 Обираҳматга олинг.
 Уйғотинглар боламни,
 Қўлига дуторин беринг.
 Куйлатинглар боламни.
12. Одамзодни элитган,
 Ғафлат уйқу қурисин.
 Ёқа тутган қўллари,
 Ер остида чирисин,
13. Афғон кетди, жон болам,
 Ёзишга топмадик қалам.
 Келаман деб келмадинг,
 Қалбимда қолди алам.
14. Қаламларинг қайрилди,

- Жоним болам, ўлайин.
 Қалам тутган қўлларинг,
 Жиг-жигидан айрилди.
15. Ипакдан қилган арқонинг,
 Тортарга келмай узилди.
 Қизиблар турган бозоринг,
 Савдолар келмай бузилди,
 Онанг бўлсам, ўлайин-а, жон қизим.
16. Қирқ кокилинг қирқ тахтага олинди,
 Сепликкинанг узун дорга ёйилди.
 Кумуш тананг тупроқларга қорилди,
 Онанг бўлсам, ўлайин-а, қизгинам.
17. Очилмади ўн гулингдан бир гулинг,
 Сайраб қолди ўтовингда булбулинг.
 Жоним қизим, хабар олмайсан бир бор,
 Куёвгинанг йўлларингга интизор.
18. Қора ерлар қаттими, жон болам,
 Қовурғачанг боттими, жон кўзим,
 Эна деган тилларинг-а, жон кўзим,
 Танглайингга қоттими, жон болам.
19. Гул тергани кетибсан, дилбандим,
 Ҳури-ғилмон бўлибсан, асал-қандим.
 Болагинам ўксима,
 Сутим йиғдим кўксима,
 Худойимга зорлангин,
 Онангни ҳам чорлагин.
20. Ўтирувдим ялангбош,
 Нураб келди тоғу тош,
 Мен тўрамдан айрилиб,

Ичар бўлдим заҳарош.

21. Оти энар энишдан,
От абзали кумушдан.
Бегим кетди бевақт,
Насиб этсин беҳиштдан.
22. Келмас ердан кент солдинг, вой бегим,
Келаман деб келмадинг, вой бегим.
Пиёлага қанд солдинг, вой бегим,
Ичаман деб ичмадинг, вой бегим.
23. Жойнаmozга бош қўйдинг, вой бегим,
Кўтармадинг бошингни, вой бегим.
Туринг десам турмадинг, вой бегим,
Ичолмадинг ошингни, вой бегим.
24. Етти қават тўн кийиб,
Тўқсабога ўхшаган, отам.
Тол ёғочдан от миниб,
Саркардага ўхшаган, отам.
25. Йўлим узoқ келолмадим, жоним отам,
Арзу ҳолинг сўролмадим, жоним отам,
Суяб сувинг беролмадим, жоним отам,
Дардингни ололмадим, жоним отам.
26. Қиблагоҳим, ободим, отам,
Қандим билан наботим, отам,
Солиб қўйган работим, отам,
Қалбимдаги бисотим, отам.
27. Золим фалак, чиноримни суғурдинг,
Кўрар кўзим – қарoғимдан айирдинг,
Учар эдим, қанотимни қайирдинг,
Доним олдинг – сомонимни совурдинг.

Юқоридаги бандларнинг 1-сида **йилинг тўлди** (йил оши) – ўлганига бир йил тўлганлик, дўмбиранг керагага осувли, устига белқарсинг ёпувли (дўмбира – аза рамзи) эгаси ўлган; 2-сида **«қўзимағраш» (маъраш) куйларинг эшитилмай қолди-ку** – ўлганлик, келмадинг – ўлганлик, ўтмай қолди тўйларинг – ўлганлик; 3-сида **найгинангнинг навосин қумсаб қолдик, жон болам** (най – аза рамзи) – най эгасининг ўлганлиги; 4-сида **таёғинг бошгинангга қўйилди** – таёқни қабр устига қўймоқ (таёғинг гўрингга қўйилсин қарғиши шу билан боғлиқ), **қўйларинг меҳмонингга сўйилди** – таъзия (жаназа)га сўйилмоқ; 5-сида **яйловлар сўраганда не деб жавоб бераман** – ўлди деб айтолмаслик; 6-сида **ойдай бўлиб ботганим, келмас бўлиб кетганим, қаро ерда ётганим** – боласи ўлган; 7-сида **Етимтоғи ер бўлсин... зомин бўлди оғамга, мерган оғам қайтмади** – овчи оғам Етимтоғдан учиб ўлди; 8-сида бутун куплет – ўлдинг; 9-сида **мотамсаро яйловинг... мангу сукутда қолди** – яйлов соҳиби ўлди; 10-сида бутун куплет – чўпон йигит ўлди; 11-сида **обирахматга олинг** – ўликни ювмоқ, **ўйғотинглар** – тирилтирмоқ, **қўлига дуторини беринглар** – ўлган йигит ҳофиз; 12-сида **одамзодни элитган ғафлат уйқуси** – ўлим, **ёқа тутган қўллар** – ўлим, **ер остида чирисин** – йўқолсин ўлим; 13-сида **келаман деб келмадинг** – ўлдинг; 14-сида **қаламларинг қайрилди** – ўлдинг, **қўлларинг жиг-жигидан айрилди** – ўлдинг; 15-сида **арқон узилиши** – бевақт ўлим, **бозор бузилиши** – совчи келмай ўлмоқ; 16-сида **қирқ кокилинг тахтага олинди, сепликкинанг узун дорга ёйилди, кумуштанинг тупроқларга қорилди** – ўлдинг (чорвадор нутқида сочингни тахтага олай, сепинг дорга ёйилсин эвфемик қарғишлари шу маънода қўлланилади); 17-сида **очилмади ўн гулингдан бир гулинг** – бевақт ўлим, **сайраб қолди ўтовингда булбулинг** – севгилисидан жудо бўлган куёв, **хабар олмайсан бир бор** – ўлган; 18-сида бутун куплет – ўлдинг; 19-сида **гул тергани кетибсан** – ўлдинг, **ҳуриғилмон бўлибсан** – ўлдинг, **онангни ҳам чорлагин** – мен ҳам ўлай; 20-сида **нураб келди тоғу тош** – ўлим ғами; 21-сида **боши кетди**

бавақт – эрим ёш ўлди; 22-сида **келмас ердан кент солдинг** – қабр, **келаман деб келмадинг** – ўлиб кетдинг, **чой ичаман деб ичмадинг** – ўлдинг; 23-сида **жойнамозга бош қўйдинг, кўтармадинг бошингни** – жойнамоз устида ўлмоқ; 24-сида **етти қават тўн** – кафан, **тол ёғочдан от** – тобут тушунчаларининг эвфемик ифодасидир.

25-26-бандларда бутун ҳолда ўлим ёки ўлганлик тушунчасининг контекстуал-ситуатив эвфемик матни ифодаланган. 27-сида **золим фалак** – ўлим, **чинорим, қароғим, қанотим, доним** – фарзанд (эр ёки ака, ука), **суғурдинг, айирдинг, қайирдинг, совурдинг** – ўлдирмоқ тушунчаларининг эвфемик ифодаларидир.

85 ёшли бандихонлик гўянда Мунаввар Имомкул қизидан ёзиб олинган

1. "Қора хат"инг келса ҳам,
Келмаслигинг билсам ҳам,
Сени кутиб ўтаман,
Хатлар битиб ўтаман.
2. Бир чинорим бор эди,
Соясига қўнгидай.
Болагинам бор эди,
Дийдорига тўйгудай.
3. Эшигинг олди шудгор,
Сендан қолмади ёдгор.
Сендан қолганда ёдгор,
Бунча бўлмасдим абгор.
4. Ўлим, ўлим, ўлим-ов!
Ёқангга етмайди қўлим.
Ёқангга етганда қўлим,
Бўлмасди бунча зулм.
5. Ўлим келди оралаб,
Тор кўчадан мўралаб.

Шунча йигит ичидан,
Ўғлимни олдинг саралаб.

бандларининг 1-сида **"қорахат"** – ўлмоқ; 2-сида бутун матн – ўлган; 3-сида **сендан қолмади ёдгор** – бола кўрмай ўлмоқ; 4-сида **ўлим, ёқангга етмайди қўлим** – ўлим муқаррар, унинг олдида банда ожиз; 5-сида шунча **йигит ичида ўғлимни олдинг саралаб** – ўғлим ўлди тушунчаларининг эвфемик ифодасидир.

Гўяндалар нутқида ўлди сўзи айтилмайди. Мана шу биргина табу сўз (генератор, тиргак тушунча) ўнлаб эмас, юзлаб эвфемик ифоданинг шаклланишига сабаб бўлади. Ўлим тушунчасининг эвфемалаштиришида: 1) инсоннинг одатдаги ҳаракатини англатувчи **кетди, ташлаб кетди, гул тергани кетди, ўтди, кетиб қолди, келмади, келмайди, келмас бўлиб кетди, келмас (қайтмас) жойдан кент солди, келмас (қайтмас) жойдан макон (манзил, раббат) қилди, ажралдик, айрилдик, айрилиб (ажралиб) қолдик, термилиб (отамлаб, онамлаб, боламлаб...) қолдик, чапаклаб (ер тепиб, юз юлиб, соч ёйиб) қолдик каби**; 2) предмет ёки табиат ҳодисалари ҳаракатини, хусусиятини анлатувчи **қулади, йиқилди (чинор, иморат, устун, кўрғон, тоғ...), сўлди, қуриди (гул, лола...), сўнди (юлдуз, чироқ...), ўчди (шаъм, чироқ, олов...), қайрилди, синди (қанот, суянч, таянч...), ботди (ой, қуёш...), узилди (арқон, умид, ришта...), бузилди (иморат, бино...), учди, учиб кетди (булбул, суқсур, лочин, шунқор...), сукутда қолди, мангу қолди (тоғлар, дарёлар, яйлову қирлар...) каби**; 3) марҳумнинг номи айтилмайди. **У кўзим нури, қораси, белим қуввати, жоним, работим, гулим, булбулим, арслоним, қоплоним, шерим, норим, кўзим, лочиним, шунқорим, ойим, қуёшим, юлдузим, осмоним каби** номлар билан эвфемалаштирилиб, марҳумга нисбат берилади: ёнган чароғим ўчди; ойим (қуёшим) ботди; тоғим қулади; лочиним учиб кетди; кўзимдан айрилиб қолдим; сарвиғул соясида сўлди гул (ривоят) каби; 4) марҳумнинг гўяндага кимлиги (қариндошлиги) ёки унинг ёши, жинси кабиларга қараб

бобо, момо, ота, она, ака, ука, опа, сингил, ўғил, қиз, бола, тўра, бек, завжа, гул каби атамалар эвфемик восита бўлиб хизмат қилади. Бироқ бу атамалар одатда; а) эгалик қўшимчаси (**бобом, отам** каби); б) **-о, -ов, -овв; -ай, -эй** каби юклама, ундов сўзлар (**бобом-о-о-о, отам-о-ов, энам-эй** каби) билан шаклланади; в) эвфемик йиғи ундалмаси такрорий (такрор бир нафас кучи миқдорида ҳам бўлади) шаклга эга: **бобом-овв, бобом-овв, бобом-овв** каби.

Ёш-яланглар момомлаб-момомлаб йиғлади:

Осмондаги қирқ юлдуз,
Қиёлаб кетди ботгани.
Вой, момом-овв, момом-овв!
Мен момомни бир ўпайин,
Қиёмат кетди-ётгани.
Вой, момом-овв, момом-овв!

Ёки қайтганлар акамлаб-опамлаб йиғлади:

Ўовлимизнинг толини,
Тобут бўлсин дебмидик.
Вой, энам-овв, энам-овв!

Ташқарида эркаклар айтиб-айтиб йиғлади:

—Холам-овв, холам-овв!
—Онам-овв, онам-овв!

—Аммам-овв, аммам-овв! (мисоллар Т.Муроднинг “Отамдан қолган далалар” асаридан олинган).

Такрорий йиғи ундалмалари, кўпинча, оммавий йиғиларда қўлланилади, хусусан, аза қўшиғини билмайдиганлар ундалмаларнинг ўзини такрорлаш орқали, оҳангни кўтариб-тушириб (градацион оҳанг: климанс, антиклиманс), айтишни тугаллайдилар.

Айтиб йиғловчиларда йиғи ундалмаси мисра, байт ёки банддан кейин, кўпинча, бир марта (такрорланмасдан ёки **“вой, отам”** шаклида) қўлланилади:

Ўлмай туриб келмадим, отам,

Суяб сувинг беролмадим, отам... каби.

Профессионал гўяндалар аза ундалмаларини деярли қўлламайдилар (ёки факультатив). Чунки улар аслида йиғловчилар эмас (агар ўзи азадор бўлмаса), балки давра ўртасида туриб, айтиб ўзгаларни йиғлатувчилардир. Ўзгалар маълум байтдан кейин уввос тортиб, жўр бўлиб гўяндага қўшилиб турадилар.

Шуни таъкидлаш керакки, гўяндачиликда асосий матндан кейин аза ундалмаларининг ҳар гал такрорланиб, сўнгра пасайиб, сўнишида шундай бир ритмик-мелодик ёки эвфоник, юмшатувчи, далда берувчи оҳанг борки, у шубҳасиз азадор ғамини енгиллаштиради. Зотан, "тур-ей, тур-ей", "кур-ей, кур-ей", "чур-ей, чур-ей", "қўшшим-ов, хўшшим-ов", "алла-ё, алла-ё", "бижи-бижи, гала-бижи" каби эвфемик (эвфоник) такрорлар қўй, эчки, сигир, болага ёки илон, чаён, бий (қорақурт) чакқан кишиларга сеҳрли таъсир қилгани каби (1-бобда сўз магиясига доир тўхталганмиз) эвфемик аза ундалмалари ҳам асрлар давомида инсон мусибатини камайтиришга, унга далда беришга хизмат қилган. Ҳатто, чорвадорлар қадимдан гўяндаларнинг «Тўрамлаш», «Боламлаш» куй (оҳанг)ларини думбира, дутор воситасида чалиб келишган, ҳозир ҳам чалишади.

Гўяндачилик мазмун — мотивининг ҳар хиллигидан қатъи назар, «Алла», «Ёр-ёр» каби жанрлар билан муштаракдир. «Алла»чилар боланинг, «ёр-ёр» чилар келиннинг, гўяндалар азадорнинг руҳий-психологик оламига эмоционал таъсир этиб, уларга руҳий қувват, ирода бахш этади, ҳаётга тайёрлайди, яшашга чорлайди. Бу борада сўз кучи — сеҳри (эвфемик нутқ) билан бирга, эвфоника ҳам тенг, олий даражада аҳамият касб этади. Раҳматжон Турсунов «Ёр-ёр»лар оҳангига ноталар ёрдамида (қисман ёзиб

ҳам олган) жиддий ўрганиш кераклигини таъкидлайдики (118, 59-62), бу келгусида ўзбек халқ поэтик жанрларини, жумладан, гўяндалар овозини (фақат дўмбира, дутор, чанқовузлардагина эмас) ёзиб олиш, сақлаб қолиш, тадқиқотлар қилиш зарурлигини кўрсатади. Зотан, тил ханжар бўлса, эвфемик нутқ, унинг эвфоникаси – ханжар ғилофи (қини), инсон руҳини жароҳатдан сақловчи воситадир.

3.8. Прогностик эвфема

Бирор воқелик ҳақида мантиқий қонунлар ёки жамият ва табиат тараққиёти қонунларидан келиб чиқиб эмас, балки воқеликларнинг замон ва макондаги ташқи алоқаси, боғланишлари (ассоциацияси)га асосланиб чиқариладиган ҳукмлар прогностик ҳукмлар дейилади. Прогностик ҳукмлар халқ тажрибасига, узоқ йиллик кузатувиغا асосан чиқарилади. Прогностик ҳукм тўғри чиқиши ҳам, тўғри чиқмаслиги ҳам мумкин (38, 3-21). Маълумки, фан оламида Ал-Ҳаким ат-Термизий, Юсуф Пайғамбар, Нострадамус каби машҳур прогнозчи (башоратчи, фолбин, таъбирчи, қуръачи каби)лар, прагматиклар бўлган. Масалан, Ал-Ҳаким ат-Термизий Наврўзи олам ҳафтанинг қайси кунида ёки қайси мучал йилида киришига қараб, қандай воқеа юз беришини башорат қилган (12, 3-10).

Ибтидоий даврлардаёқ ўлган кишининг руҳи тирикларни (ёмон кўриб юрганларини) таъқиб қилади, ушлайди, ўлимига ҳам сабаб бўлади ёки яхши кўрганларини, хусусан, оғайниларини ҳам чақиради, ёнига олиб боради деб тушунилган. Бундай анимистик қараш ҳозир ҳам айрим тоғ чорвадор қишлоқларида мавжуд. Агар касалланган киши яхши бўлавермаса, удумга (фолбин таъбирига) кўра, шубҳа остига олинган марҳум руҳига сиғинилади, унинг номига «ис» чиқарилади, чий (қамиш)га ёғлиқ пахта ўралиб ёндирилади (бу «чироқ ёқиш» дейилади) ёки марҳум шакли ҳамирдан (қўғирчоққа ўхшатиб) ясалиб, иссиқ ёққа солинади (бу «ёрак» – ёр, йўлдош маъносида). Агар ёқилган чироқ қайрилиб, эгилиб, қайишиб, буралиб ёнса;

ёки «ёрак» ёрилса, марҳум руҳи беморга қасд қилган деган хулосага келинади. Мана шу удум билан боғлиқ чорвадорлар нутқида **тутибди, ушлабди, чақирибди, тортибди, қайишибди** каби прогнозтик эвфемалар қўлланилади. Агар «ёрак» марҳум қабрининг ёнига келтириб қўмилса, **мана, «фалончи»** (касал бўлган киши) **ўлди, келтириб ёнингга қўмдик** дейиш ўрнида «Мана, тинч ёт, чақирганингни олиб келдик» дейилади. Фолбин ёки қушночлар ҳам ўғлингизни «фалончи» тутибди дейиш ўрнида **ис чиқаринг, қон чиқаринг, чироқ ёқинг, ёрак қилинг** каби эвфемик воситаларни қўллайдилар.

Дарҳақиқат, кўпгина соҳалар, хусусан, чорвачилик ва деҳқончиликдаги омад ва омадсизлик табиий ҳодисалар, чунончи, йил фаслларининг қандай келишига боғлиқ. Шу сабаб чорвадор ёки деҳқон табиий ҳодисалар ривожини, ҳаракатини, уларнинг инсон ҳаётига ижобий ёки салбий таъсирини кузатиб маълум хулосаларга келган. Масалан, бу йил **сағом** (чангли туман) **кўп тушаяпти** (одатда ёзда, кузда тушади) гапи қиш қаттиқ келади, кўп ем-хашак ғамлаш керак, акс ҳолда чорва қирилиб кетади тушунчаларининг прогнозтик эвфемасидир. **Хазон дарахтнинг бошидан бошланибди** гапи қиш вақтли тушишига ёки қаттиқ келишига; **хазон дарахтнинг пастидан бошланибди** гапи қиш кечикиб ёки юмшоқ келишига ишора.

Фаслларнинг қандай келиши, умуман, воқеа-ҳодисаларнинг қандай юз беришини прогноз қилишда табиатдаги барча ҳодисалар (шамол, булут, чакмоқ, наботот, осмон ва сайёралар) қатнашади ва уларнинг ҳаракати, хусусиятлари ҳисобга олинади.

Биргина **қор** ёки **ёмғир ёғади** тушунчасига нисбатан чорвадор нутқида қибла (ғарб)дан шамол турди; **Тарози** (юлдузлар туркуми) **туғса, чўлга қоч** гаплари – совуқ бошланди, совуқ янада кучаяди; **туя эгиз туғибди** гапи – қиш қаттиқ келади тушунчаларининг эвфемик прогнозидир. Шунингдек, **осмонни қора булут қоплади, булутлар югуришаяпти, осмонда сувли**

булутлар пайдо бўлди, булутлар шарққа юраяпти, тоғ бошини туман қоплади, момақалдирок бўлаяпти, чакмоқ чақаяпти, қарғалар, қалдирғочлар пастлаб учаяпти, қарғалар қағиллаяпти, какликлар сайрашаяпти, чумчуқлар чуғурлашаяпти, чумоли инидан чиқаяпти, ой ёки кун қутонлабди (гардиш ясаяпти), ой қўтонласа ойда, кун қўтонласа кунда ёғади (мақол) каби ўнлаб прогнозтик эвфемалар қўлланилади:

Қоплон ташқарилаб келди. Айтдим-ку, момоси деди: Ой ўз гирдида ўров тортибди (қутонлабди), ёғади, босиб ёғади. Кўршапалаклар инларидан учиб чиқса, ҳаво айнийди (Т.М., «Ойдинда юрган одамлар», 245-б.). Эрининг кўнгли нотинч эканини сезиб турган Ҳулкар: –Юрагингиз дуккулламасин, осмонда булут йўқ,— деди (ёмғир ёғмайди, сел келмайди маъносида) (П.Қод. «Қора кўзлар», 231-б.).

Қор, ёмғир тўхтайди тушунчасига нисбатан эса қуёш қизариб ботди, осмон куйди, қибла қизарди, шамол тоғ (шарқ)дан эсаяпти каби прогнозтик эвфемалари қўлланилади.

Бойчечак чиқибди, далалар кўклабди, қўйнинг оғзи кўкка тегибди, бодом гуллабди, турналар ўтаяпти, мусичалар кукуллашаяпти, пишаклар мов бўлибди, музлар эрий бошлабди каби гаплар – **баҳор келди**; жизиллавуқ (саратон) чиқибди, жизиллавуқ жизиллаяпти, арпа, буғдойга ўроқ тушибди, ўрик сарғаяпти, буғдой думбул бўлибди гаплари – **ёз келди**; дарахтлар хазон бўлаяпти, дарахт барглари олтиндай товланаяпти, турналар қайтаяпти, (Саратон сарғайди. Сунбул болалади. Мезонлар арғамчи солди. Яккахон бедана жуфтини чорлаб битбилдади. «Оқ олтин» ҳашарга чорлади (Т.М., «От кишнаган оқшом», 383-б.) гаплари – **куз келди** тушунчаларининг прогнозтик эвфемасидир.

Ғажир айланаяпти, ғажир ташланаяпти, ғажир қўнаяпти гаплари **ўша жойда бирор мол ўлиб қолган ёки бўри олган** (йўқолган мол шу белги орқали топилади). Қушлар тўда-тўда бўлиб «шах-шах»лашаяпти гапи **ўша**

ерда бирор йиртқич ёки илон бор; итлар безовта, пишаклар жонсарақ гаплари – **зилзила бўлади** тушунчаларининг прогностик эвфемасидир.

Тез-тез зилзила бўлаяпти, ой, қуёш тутилаяпти, юлдузлар кўчаяпти, молга ойин тегаяпти гаплари **гуноҳимиз ошиб, Аллоҳнинг ғазаби келаяпти, қиёмат яқин**; қарға қағиллаяпти, бойўғли уккулаяпти, ит улияпти, юлдуз учаяпти гаплари **нохушлик, ўлим, шу билан боғлиқ дарвешона, Худойи, қурбонлик қилиш керак** деган ғояларнинг прогностик эвфемаларидир.

Ит қаттиқ-қаттиқ ҳураяпти гапи **атрофда ўғри, бўри, айиқ бор**; ит ер тирнаб ғиншияпти гапи **бўшанмоқчи** (боғланган бўлса) ёки **жуфтига бормоқчи**; от узоққа қараб чўзиб-чўзиб кишняяпти гапи жуфтини **бияни қумсаш**; от ҳи-ҳилаяпти (паст кишнаш) гапи **овқат сўраш – ем вақти**; от пирқиллаб ер тепаяпти гапи **атрофида йиртқич ёки газанда бор** тушунчаларининг прогностик эвфемасидир.

Қўйларнинг тумшуғи оқарибди гапи унинг **қарилигига**; қулоғи тушибди ёки кавш қайтармаяпти гаплари унинг **ўлимига** ишора.

Олдиндан қора мушук (ёки қора ит чиқибди) кесиб ўтибди гапи **омадсизлик, нохушлик** тушунчасининг эвфемик рамзидир.

Ёғма-ёғма ёмғиржон,

Ҳайдарқулжон подада,

Уйи сувнинг лабида,

Томлари ҳам битмаган,

Лойлари ҳам қотмаган (Бойсун фольклоридан) банди **Ҳайдарқул далада беҳабар, уйи сув остида қолиб кетади** тушунчаларининг эвфемик сигнафикаторидир.

Прогностик эвфемик воситалардан воқеликни (масалан, тушни) таъбирлашда ҳам кенг қўлланилади. Чунончи, «Алпомиш» достонида кўса синчи Пойгада ўзбекнинг оти ўзади дейиш ўрнида: **«Бойчиборнинг**

қўлтиғида тўрт ярим газ қаноти бор» деган прогнозтик эвфемани қўллайди (168-б.).

Ёки Барчиннинг:

Қирқ аждаҳо бир бургутни кўтарар,
 Шул бургут келиб тушди қошима,
 Қанотининг учи тегди бошима,
 Бир нечалар ушлаб турди қўлимнан,
 Аждарҳолар тишлаб турди тилимнан,
 Қайсар йўлбарс пайдо бўлди кейинимнан,
 Қочсам қўймай маҳкам қисди белимнан

мазмунисидаги тушини Суксурой қуйидаги прогнозтик эвфемик матн орқали жўрайди (таъбирлайди).

Қирқ аждарҳо – қирқ чилтон пирлар бор,
 Кўтарган бургути бобонг Чибори,
 Устида Ҳаким шунқори,
 Шул булар бувишим, тушнинг табгири,
 Эртан чошка келар бобонгнинг ули,
 Бойчибори ем емайми қўлингнан,
 Вакиллари савол сўрар тилингнан,
 Қочсанг, нега қўйсин сени Алпомиш,
 Баҳмал уйда маҳкам қисар белингнан (146-147-б.).

Умуман, прогнозтик ва прагматик илм келажакда ҳар хил аспектларда тадқиқ қилиниши керак.

Воқеликни эвфемик прогнозлаш чорвадор-деҳқон нутқида ҳам фаол қўлланилади. Масалан, ҳосил яхши бўлмайди, ҳосилни уриб кетади, ҳосил нобуд бўлади, дон ёки пахта яхши етилмайди каби салбий тушунчалар **ҳаво бук бўлди (бук уради), ҳаво паст келди, пахтага вильт, буғдойга қорақуя тушибди** каби эвфемик прогнозтик ибора ва ишоралар билан ифодаланади. Ҳатто, бу жараёнлар эвфемик мақолларга ҳам айланган. Масалан,

Сунбуланинг кўраги, гўсаланинг хўраги гапида сунбула (август)га келиб кўсак боғлай бошлаган пахта бузоққа емиш бўлади, яъни сунбуладаги кўрак пахта бўлмаслигига ишора.

Айниқса, тушни таъбирлаш ва прогнозлаш инсон онгига ё кучли ижобий (аустрес), ё салбий (дистрес) таъсир қилади. Бу жараёнлар ҳам тоғ чорвадорлари аҳолиси ва уларнинг таъбирчилари нутқида ўзига хос тарзда эвфемалаштирилган. Чунончи, «Ер қимирлаб, тоғлар силжиб, Ой, Қуёш ва юлдузлар ерга кулаб тушганмиш» тушининг таъбири «Қиёмат бўлади, олам бузилади, ҳамма ўлиб кетади» бўлса-да, у кўп ҳолларда **«Демак, гуноҳимиз кўп ёки кўпаяпти, тавба қилиш керак»** каби эвфемик воситалар орқали таъбирланади. Туя ҳужум қилинган туш – **бирор буюк ёки мозорлар руҳини йўқланг**; дарёда оқибман туши **сув – тиниқлик, оби ҳаёт**; отам, онам... ўлибди туши **умри узок бўлибди** тарзида эвфемик таъбирланади.

Бироқ «янги уй курибман» туши – **гўр, қабр**; отим ёки итим ўлибди туши – **омадсизлик, давлат қайтиши, юз ўгириши** бўлганлигидан тушингизни сувга (кудукқа) ёки ойнага айтинг, садақа беринг каби эвфемик таъбирлар берилади ва ҳоказо (75).

УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

1. Дастлаб этнографик, сўнгра лингвистик табу пайдо бўлган.

2. Табу ва эвфема 1) диний-мифологик дунёқараш; 2) сўз магияси; 3) нутқнинг этик-эстетик талаб нормаси; 4) сиёсий-мафкуравий зарурият; 5) сўзловчининг субъектив эҳтиёж талаблари асосида шаклланган.

3. Табу ва эвфема тушунчалари диалектиканинг сабаб ва оқибат қонунига бўйсунди: табу эвфемани келтириб чиқаради; табу пайдо бўлиши билан эвфема қўллаш зарурияти туғилади.

4. Табу ва эвфема қўллаш жараёнини муайян нутқий вазият, контекст, сўзловчининг диди, ахлоқ-одоби, ақлий (интеллектуал) қобилияти, савияси, маданийлиги, эътиқоди, нотиклик даражаси, ёши, касби, қайси ижтимоий қатламга мансублиги, дунёқараши бошқаради.

5. Миллий адабий тил, шу жумладан, профессионал нутқ эвфемикаси қуйидагича таснифланди: 1) воқеликнинг табулашиш даражасига кўра: номини айтиб бўлмаслик ва номини айтиш мумкинлик каби; 2) семантик-грамматик шаклланиш даражасига кўра: а) лисоний ва б) нутқий эвфемалар. Лисоний эвфема терминиға нисбатан “аслий” ёки “мутлок”, нутқий эвфема терминиға нисбатан “нисбий” ёки “муваққат” атамаларини қўллаш мумкин; 3) таъсирчанлик, оригиналлик, бўёқдорликка кўра: а) индивидуал ва б) окказионал эвфемалар; 4) маъно ифодалаш усулиға кўра: а) очик ва ёпик – тағмаъноли (пресуппозитив), ва б) кинетик эвфемалар; 5) тил эвфемик қатламини шакллантиришдаги роли, фаоллигига кўра: а) риторик ва б) олмошли эвфемалар; 6) ифода воситасига кўра: а) вербал ва б) новербал эвфемалар; 7) қўлланилиш доирасига кўра арго-символик эвфема ва унинг: а) умумнутқий ва б) хусусий нутқий турлари ажратилди.

6. Тилимиздаги табу ва эвфемикани ўрганмай, фольклор ва мумтоз тилимиз поэтикасини тадқиқ қилиш мумкин эмас.

7. Ўзбек халқининг этнографик удумлари билан боғлиқ касбий нутқи ўзига хос табулаш ва бой эвфемик қатламга эга.

8. Тил эвфемик қатламининг маълум қисми, жумладан, чорва билан боғлиқ профессионал эвфемик воситалар бора-бора ижтимоий-фалсафий моҳият касб этиб, умумадабий тилга хос идиома, парафраза, фразема, аския, пайров, мақол, матал, топишмоқ, туш таъбирлаш, аллегория, ривоят каби бадиий ифода ва халқ оғзаки ижодига хос жанрларнинг шаклланишига асос бўлган.

9. Инсонларнинг қадимдан ўз ҳаёти, тақдири, келажаги билан боғлиқ юз бериши мумкин бўлган яхши ва ёмон воқеликларни олдиндан билиш зарурияти фолбин, мунажжим, таъбирчи ва прагматик (башоратчи)ларни кашф этган. Бу жараёни, хусусан, яшаши энг кўп ғайритабиий ҳодисалар билан боғлиқ бўлган деҳқон ва чорвадорлар яхши билганлар. Ҳаттоки, прогнозлаштирилган нохуш воқеликлар, хусусан, ўлим, уруш, очарчилик, қурғоқчилик, кўрқинчли туш, зилзила каби ҳодисаларнинг эвфемик баёни билан боғлиқ таъбирнома ва фолномалар яратилган.

10. Профессонал нутқ ва унинг эвфемикасининг ўрганилиши минглаб сўз, термин, ибора ва ифодаларни бугунги умумадабий тилга олиб кириш, изоҳли эвфемик, тарихий-этимологик, этнолингвистик луғатлар яратиш, этнолингвистика ва эвфемиологияни махсус фан сифатида ўқитиш имконини беради.

11. Келажакда ўзбек тилининг профессионал нутқи ва унинг эвфемикасининг тарихий-эволюцион этаплари махсус режада ўрганилиши керак.

12. Тилимизнинг маълум социал сабаб ва субъектив мақсадлар туфайли истеъмолдан чиқиб кетган ёки йўқолиб бораётган айрим вазифавий услублари (масалан, диний-мадраса услуби), хусусан, мумтоз профессионал қатламлари, унинг эвфемикаси ва эвфоникасини мукаммал даражада ўрганиш, фундаментал тадқиқот, дарсликлар яратиш – биринчидан, бугунги кекса авлод касб-ҳунар эгалари нутқини, халқнинг барча этнографик удумлари ижроси билан боғлиқ муомала воситаларини, иккинчидан,

фольклорнинг барча жанрлари (алла, ё рамазон, ёр-ёр, мотам-маросим, марсия, соғим, хирмон қўшиқлари; дўмбира, дутор, най, сибиздиқ, чанқовуз куйлари ва ҳоказо) тилининг эвфемика, эвфоника ва диафоникасини фонограмма, транскрипция, техник воситалар ёрдамида фонограммалаштириш, ноталаштириш кабиларни тақозо қилади.

13. Табу ва эвфемизм фан сифатида бутун бошли терминологик асосларга эга. Ҳодисанинг номига нисбатан **эвфема, эвфемик, эвфемистик**; фаннинг номига нисбатан **эвфемика, эвфемия, эвфемиология, эвфемиологик**; мутахассисга нисбатан **эвфемиолог, эвфемист, эвфемашунос, эвфемачи** каби терминларни қўллаш мақсадга мувофиқ.

ИЛОВА

Умуман, чорва номлари (зоонимлар) ва уларнинг хусусиятлари билан боғлиқ шаклланган мақолларнинг маъноларини аниқлашга бағишлаб тарқатилган сўровларга берилган жавоблар (чорвадорларгина эмас, қисман зиёлиларнинг жавоблари ҳам)нинг, асосан, қониқарсизлиги ўзбек тилининг парафрастик, жумладан, мақол ва маталлари семантикаси махсус режада тадқиқ қилинмаганлиги (синтаксиси нисбатан ишланган (6; 20, 78-80)), алоҳида луғат тузилмаганлиги, лоақал этимологик, изоҳли луғатларда ҳам етарли акс этмаганлиги билан изоҳланади. Мана шу заруриятлар чорва номлари билан боғлиқ бўлган 300 га яқин мақолларимиз маъносига, айниқса, мавзуимиз билан боғлиқ, уларнинг мажозий кўчимга нисбатан эвфемиклик даражасини аниқлаш, изоҳлаш билан бирга уларни иш охирида илова қилишни тақозо этди.

Отдир йигитнинг йўлдоши. Кўчими: узоқни яқин қилувчи, оғирини енгил қилувчи, машаққат ва хавф-хатардан, ҳатто, ўлимдан қутқарувчи, нажоткор.

От тепкисини от кўтарар. Кўчими: мардга мардлик қилмоқ; мард хатони кечира олади. Номард бунга қодир эмас.

От кўрмаган мина-мина (чопа-чопа) ўлдирар. Кўчими: нарса қадрига етмаслик, фаросатсизлик, ақлсизлик.

От тепмас, ит қопмас дема. Кўчими: хушёр, эҳтиёткор, зийрак бўлмоқ; бирор нохуш воқеа юз беришидан огоҳ бўлмоқ.

Эрсиз хотин – югансиз байтал. Кўчими: ихтиёри ўзида, хоҳлаган ишини қиладиган киши ёки оёғи суюқ аёл.

Отдан йиқилса ёлини, эшакни йиқилса туёғини тўшайди. Кўчими: фожиа юз берганда, мард ҳимоя қилади; номард ташлаб кетади (**Отдан йиқилса пахта, эшакдан йиқилса тахта** варианты ҳам бор).

Эр бошига иш тушса, этик билан сув кечар,

От бошига иш тушса, сувлиқ билан счув ичар. Кўчими: кийинчиликларга чидамоқ, бардош бермоқ; иродасизлик қилмаслик.

Отдан тушса ҳам эгардан тушмайди. Кўчими: мансабпараст, шуҳратпараст, такаббур, нодон, фаҳмсиз киши.

Оёғи узангига етмаган, қўйнига ярим нон кетмаган. Кўчими: ношуд, нодон, бўлмас одам.

Яхши тулпор туёғидан тойриларми. Кўчими: мақсаддан чекинмаслик, ҳаёт тўсиқларини енгиб ўтмоқ.

Отлиқнинг эшакли (ёки пиёда) билан не парвойи бор. Кўчими: бой ёки мансабдор одам камбағал, ночорларга этиборсиз бўлади.

От ўрнини той босар. Кўчими: аждодлар ўрнини авлодлар тўлдиради: Отаси ўлган бўлса, боласи бор.

Яхши отга бир қамчи, ёмон отга минг қамчи. Кўчими: ақлли кишига бир ишора етади, ёмон яхши бўлмайди.

Отларнинг туёғига бўлай наъл,

Душманларнинг томоғига бўлай ажал. Кўчими: дўстнинг бахти, душманнинг ўлими учун тайёр турмоқ.

Отга наъл қоқса, эшак ҳам оёғини кўтарибди. Кўчими: номард, паст, нодон киши ўзини мен ҳам мард, буюк деб тушуниши.

Яхши от кейин чопади. Кўчими: зоти пок ёки иқтидорли одам барибир, олдинми, кейинми ўзини намоён қилади.

От боғладим бодомга, куним қолди нодонга. Кўчими: марднинг номардга, ношудга мухтожлиги – **(От бойладим арчага (ёки ҳаччага), куним қолди бачча (бола)га** варианты ҳам бор).

Замонанинг озгани – отдан эшакнинг ўзгани. Кўчими: ақлли ва донолар устидан ақлсиз ва нодонларнинг ғолиб келиши.

Яқин турса тепишар, узоқ турса кишнашар. Кўчими: тирикликда, омонликда, биргаликда бир-бирларининг кадрларига етмайдиган инсонлар.

Синамаган отнинг сиртидан ўтма. Кўчими: эҳтиёт бўл, акс ҳолда бирор фожеага дучор бўласан.

Йигитга панд берар отнинг майиби,

Қозига панд берар ношуд ноиби. Кўчими: хиёнаткорлик, нодонлик туфайли юзага келадиган кулфатлар.

Ёлғиз отнинг чанги чиқмас,

Чанги чиқса ҳам донғи чиқмас. Кўчими: инсон бахти – жамиятда; бир киши бахтли бўла олмайди.

Алп – онадан, от – биядан, лўк – тўядан. Кўчими: зоти паст онадан яхши зурриёт қолмайди.

От айланиб қозигини топар. Кўчими: инсон қанчалик беқарор, бебош бўлмасин, у барибир оиласини, ватанини тарк этмайди ёки қўмсайди.

Пиёда (ёки эшакли)ни-ку қўйинг, отликқа ҳам топилмайди. Кўчими: камбағални-ку қўйинг, бой-бадавлатга ҳам йўқ.

От босмайман деган жойини ҳам босади. Кўчими: инсоннинг тарк этган, воз кечган, бормайман деган жойига яна қайтиб бориши.

Отнинг ўлими – итнинг байрами. Кўчими: фақат ўз манфаати учун курашувчи худбин шахслар.

Тойчопарларга кунинг қолмасин. Кўчими: ҳеч кимнинг ношуд, норасо, қўлидан иш келмайдиганларга иши тушмасин.

Бировнинг отидан тушмайдиган. Кўчими: бировларнинг меҳнати, шуҳрати ҳисобига яшайдиганлар.

Отаси бир отга мин, отаси бошқа отдан туш. Кўчими: уруғ-аймоғчилик, ошна-оғайнигарчилик, таниш-билишчиликка йўл қўймоқ, кенг маънода миллатчилик қилмоқ.

Ёмон отнинг ҳам олти ой азаси бўлади. Кўчими: инсонни кадрлашга даъват.

Қулунли байталнинг бошига иш туғса, қулунига қарамас. Кўчими: пичоқ суякка етганда, сабр косаси тўлганда, инсон шавқатсиз бўлади.

Так-такка турмайди (так – отни тўхтатишда қўлланадиган ундов сўз).
Кўчими: муомала-мулозаматга кўнмайдиган, иззат-икромни билмайдиган шахс.

Бировнинг отини боғласанг, биров сенинг ҳам отингни боғлайди.
Кўчими: ҳурмат қилмасанг, ҳурмат кўрмайсан.

Отдай. Кўчими: соғлом, бақувват одам.

Эгарланган отдай. Кўчими: топшириқ, иш-ҳаракат ижросига тайёр шахс.

Ишлаган тишлайди, ишламаган кишнайди. Кўчими: кишнайди – оч қолади, хор бўлади.

Айғири қаттиқ – жилови қаттиқ. Кўчими: ўзгаларга бош эгмайдиган, тан бермайдиган, мағрур, ўжар одам.

Жилдириб қўймоқ. Кўчими: бировларни алдаш, ғафлатда қолдириш.

Жиловини қўлга олмоқ. Кўчими: ўзгалар ихтиёрини ўзига қаратмоқ, бўйсиндириб олмоқ: Ўлмасак кўрамиз. Катта-кичик идора раҳбарларининг жилови шуларнинг қўлига ўтади (Т. Малик, «Шайтанат», 1-китоб, 312-б).

Дўнон офати, ғунон офати бор. Кўчими: мақсадга эришиш учун жуда кўп қийинчилик ва тўсиқларни енгмоқ, синовлардан ўтмоқ.

Озиқли от хоримас. Кўчими: заҳирасиз, моддий таъминотсиз ҳаёт ишончли эмас – хавфли.

От ўйнатмоқ. Кўчими: бошбошдоқлик, ҳақорат, ахлоқсизлик, жабр-зулм қилмоқ.

Арпа емас отларим ажриққа зор бўлди,

Бугдой емас отларим бугдойиққа зор бўлди. Кўчими: қаноатсиз, ношукур, борининг қадрига етмайдиган одам.

Баланд охурдан ем еган. Кўчими: кибру ҳаволи, собиқ раҳбар, оддий халқни назар-писанд қилмайдиган одам.

Отни қамчилаб қолмоқ. Кўчими: ими-жимида қочиб қолмоқ.

От устида қулоқ боғлайди. Кўчими: такаббур, буйруқбоз, бюрократ одам.

Ёмон яхши бўлмас, эшак бахши бўлмас; Эшак тўйса (семирса), эгасини тепади; Эшак эгасини, пишак бекасини танимас: бу мақолларнинг кўчими: номард мард бўла олмайди, нокасу ножинсдан одам чиқмайди: **Асли қора оқармас, туби қинғир тузалмас** (мақол) тушунчалари мавжуд.

Инсонга – либос, эшакка – тўқим. Кўчими: инсон ўзига ярашадиган иш, қилиқ қилиши билан инсондир.

Лўлининг эшагини суғор-у, пулини ол. Кўчими: қўл учида иш қиладиган, енгил кун кечирадиган, бепарво яшайдиган одам.

Эшакнинг тушига ем киради. Кўчими: ҳар кимнинг ўз дарди бор.

Эшак мингanning оёғи тинмас, икки хотинлининг қулоғи тинмас. Кўчими: тинч, осойишта яшаш учун кураш орзуси.

Эшакда қилсанг сафар, қайғую ғаминг ортар. Кўчими: ночорлик, камбағаллик туфайли мақсадга эриша олмаслик.

Юки енгил эшак ётагон бўлар. Кўчими: ишсиз, бекорчи одам.

Эшакнинг танлагани – шўра. Кўчими: дидсизлик ва фаросатсизлик тушунчаси.

Биров эшагингни «иш» деган эмас. Кўчими: ҳеч ким томонидан тегинилмаганлик, халақит берилмаганлик, дахлсизлик тушунчалари.

Мулла минган эшакдай. Кўчими: ҳорғин, ёввош; ўзига келиб қолган шахс.

Эшагидан тушови (тўқими) қиммат. Кўчими: ўзидан ташвиши ортиқ нарсa, буюм.

Эшак минган етар муродга, отлиқлар ҳам қолар уятга. Кўчими: камтарлик камолга, манманлик заволга олиб боради тушунчаси.

Эшак ўтда турмайди, бўқда туради. Кўчими: нодон, фаҳмсиз, ўз кадр-қимматини, ўз ўрнини билмайдиган киши.

Эшакнинг қулоғига танбур чалгандай. Кўчими: фаҳм-фаросатсизлик, бирор нарсанинг моҳиятига тушуниб етмаслик.

Эшакка айил, ҳўкизга гаврон, отга тушов (ёки жилов) бўлолмас. Кўчими: ношуд, бўлмас, нокас шахс.

Эшакка эгар чи кора (не керак); Эшакка эгар ярашмас. Кўчими: таги паст, ношуд, фаҳмсиз бўла туриб, олий мансаб-мартаба давосини қилувчи шахс.

Давлатни бой кўтарар, семизликни қўй кўтарар. Кўчими: ўзидан кетиб қолиш, кимлигини унутиб қўйиш, манманлик, такаббурлик.

Кўчқор бўламан деган қўзининг манглайи дўнг бўлар. Кўчими: бўладиган бола ёшлигидан билинади.

Кўй оғзидан чўп олмаган. Кўчими: беозор, безарар, одобли одам.

Мардлик қилдинг қўй сўйдинг,

Итлик қилдинг тўш қўйдинг

Ёки

Кўчқор сўйиб, мардлик қилдинг,

Калла қўйиб, итлик қилдинг. Кўчими: меҳмон кутиш маданиятини ўрнига қўя олмаслик; бирор ишни охирига, маромига етказмаслик.

Каллапаз синса, ўчоғини оқламайди. Кўчими: ишсиз, бекорчи бўлиб қолмоқ.

Етим бола асрасанг, оғиз-бурнинг қон этар,

Етим қўзи асрасанг, оғиз-бурнинг мой этар. Кўчими: яхшиликни билиб қилиш – қайтмаслиги мумкин; шўр ерга уруғ сепмаслик тушунчаси.

Кўй кўрмаган бўлса ҳам, қий (қумалок) кўрган. Кўчими: бадавлат, обрўли хонадоннинг фарзанди, кўрганнинг боласи, қўзи тўқ.

Минг қўйлининг иши бир қўйлига тушибди. Кўчими: одамга одамга керак, одам одам билан тирик, одам одамсиз яшай олмайди.

Икки кўчқорнинг боши бир қозонда қайнамас. Кўчими: дунё учун курашиш, келишмовчилик, муросасизлик.

Шишак единг – пишак единг. Кўчими: шишак (уч яшар қўй) ориқ бўлади, сўйиб еб бўлмайди.

Эчки пастда бўлса маърайди, тоққа чиқса тош юмалатади. Кўчими: бебурд, сотқин, чидамсиз, фирибгар, худбин, амалпараст шахс.

Эчкимижоз одам. Кўчими: енгилтак, бетайин, ўйловсиз (**эчки қасам одам** ҳам шундай).

Эчки элчи бўлолмас (ёки **эчкидан элчи чиқмас**), **Тулки совчи бўлолмас** (ёки **тулкидан совчи чиқмас**). Кўчими: енгилтак, беқарор, риёкор, тутруқсиз, нобакор, бебурд шахс.

Эчкининг ўлгиси келса, қассобга тегинади (сурканади). Кўчими: тўғри юрмаслик, ўзини бошқара олмаслик, зўрни зўр билмаслик.

Эчкига жон, қассобга ёғ қайғуси. Кўчими: ҳар кимнинг ўз манфаати учун курашиши, бу йўлда бир-бирига шавқат қилмаслик.

Туяни шамол учирса, эчкини осмонда кўр. Кўчими: буюклар олдида оддий одамлар ҳеч ким эмас.

Ўзини ака, эчкисини така дейди. Кўчими: хушомадгўйлик, лаганбардорлик.

Тилаб олган эримни эчки тепиб ўлдирди. Кўчими: машаққат билан эришилган нарсани қўлдан бой бериб қўймоқ.

Офтобда қолган эчкидай. Кўчими: ғариб, ожиз, мадорсиз, ланж шахс.

Бир эчки сўйдим, ҳаммаси ичакка чиқди. Кўчими: совурилган бойлик, беҳуда сарфланган меҳнат.

Туянинг мозор билан нима иши бор. Кўчими: инсонлар ўртасидаги муносабатсизлик, совуққонлик, бир-бирига лоқайдлик, бепарволик; худбинлик, бефарқлик.

Туя соғдим иймади, пешанамга сиймади (сиғмади). Кўчими: омадсизлик, йўқотиш – ўлим.

Туяга янтоқ керак бўлса, бўйнини чўзади. Кўчими: ҳар ким ўзи учун ишламоқ; ўзинг учун ўл етим.

Туя – сахро кемаси. Кўчими: бардошлилик.

Туя сўйса ҳам келмайди. Кўчими: ўта азиз, буюк одам.

Туя кўрдингми, йўқ. Кўчими: бирор нарса (сир)ни айтиб қўйиб балога қолмаслик, тинч юрмоқ.

Туя қанча бўлса, жиҳози ҳам шунча. Кўчими: ҳар бир нарсанинг ўзига яраша ташвиши бўлади.

Туянинг териси – эшакка юк. Кўчими: донолар қилган ишни ношудлар қила олмайди. Ношуд ва нодонлар буюк бўла олмайди.

Туя миниб узоқни кўзламоқ. Кўчими: ўйловли, андишали бўлмоқ.

Қаторда норинг бўлса, юкинг ерда қолмайди. Кўчими: оғайнидорлик, содиқ дўстларга эгалик.

Туя элакка қолганда бўкирибди. Кўчими: қийинчиликларга бардош бера олмаслик, арзимаган ишга чидамаслик, ишни охирига етказмаслик, иродасизлик; Қирқига чидаб, қирқ бирига чидамаслик (мақол).

Юк тойлоққа қолмасин,

Юрт нодонга қолмасин. Кўчими: кунинг ношуд, нодон, номард, норасоларга қолмасин.

Хайт деган туяга мадад. Кўчими: ташвишда, оғир кунларда қолган, бошида ташвиш тушган кишиларга ёрдам, далда бермоқ.

Камабағални туянинг устида ит қопибди. Кўчими: омадсизлик, кутилмаган бахтсизлик.

Йилдан қолган туядай. Кўчими: қуруқ савлатига ишониб, обрў-эътибордан, мансаб-мартабадан қуруқ қолмоқ.

Туядай қиз узатдим-у, тугмадай жез (жаз, жизза) тотмадим. Кўчими: кўп яхшиликлар қилиб, эвазига ёмонлик кўрмоқ.

Туянинг думи ерга текканда. Кўчими: ҳеч қачон ижро қилинмайдиган иш-ҳаракат, юзага чиқмайдиган воқелик (Туя ёнғоқ ташлаганда ёки Тошбақа тоққа чиққанда ҳам шундай маънода).

Нафси туяни ютадиган. Кўчими: очкўз, порахўр одам.

Ит ҳураp, карвон ўтар. Кўчими: куруқ гапирмоқ, лақиллаб қолмоқ.

Ит – вафо, хотин – жафо. Кўчими: умуман, вафо ва вафосизлик, одабий ва ноодабийликни таъкидлаш.

Ит боласи тура озар. Кўчими: боланинг маълум ёшда айниб кетиши, аслига тортиши.

Ит ётиш – мирза туриш. Кўчими: кўринишдан яхши, аслида ёмон ҳаёт, усти ялтироқ, ичи қалтироқ яшаш.

Ит эгасини танимайди. Кўчими: оғир замон, масалан, уруш.

Итнинг кейинги оёғи. Кўчими: обрўсиз, беписанд.

Итнинг ўлгиси келса, мачитнинг меҳробига сияр. Кўчими: қилиқсиз, аҳмоқ, ўзини бошқара олмайдиган шахс.

Эгасини сийлаган, итига суяк ташлар. Кўчими: дўстининг дўсти, биродари, қариндош-ақраболарини ҳурмат қилиш.

Ит иззатни, эшак тарбияни билмас. Кўчими: яхшиликни билмайдиган, кадрлай олмайдиган, паст, нокас одам.

Ит қўрилган жойга ўч. Кўчими: нопок кишиларнинг енгил бойлик, ҳазинага эга бўлишга, юлишга, ўғирлашга уриниши, ноқонуний ҳаракати.

Ит қуруқ – чўмич қуруқ. Кўчими: ҳаром, макруҳ таом ва нарсалардан тортинмаслик, фарқламаслик.

Ит қутурса, эгасини қопар (тишлар, талар). Кўчими: тўқликка шўхлик, яхшиликка ёмонлик қилмоқ.

Итининг феъли (қилиғи) эгасига маълум. Кўчими: қилиғи, қилмиши, кирдикорлари маълум киши.

Ит енгганини талар. Кўчими: ўзидан кучсиз, ожиз, бечораларга зулм қилиш.

Минг бир икки пандим бор, хуби този кўрмасин. Кўчими: қанчалик ақлли, тадбиркор бўлсанг ҳам эҳтиёт бўл, ўлим хавфи йўқ эмас.

Боғланган този овга ярамас. Кўчими: эрксиз, қарам одам мустақил фикрлай олмайди, кураша олмайди, ожиз бўлади.

Бировлар юртида қози бўлгандан,

Ўз юртингда този бўлганинг яхши. Кўчими: Ватанга муҳаббат, садоқат, халқпарварлик, меҳр-вафодорлик.

Ит итлигини қилади. Кўчими: ёмон яхши бўлмайди; тарки одат амри маҳол.

Оғзидан оқ ит кириб, қора ит чиқди. Кўчими: ўта беҳаё, маданиятсиз, шаллақи, оғзи бепошна.

Ит-мушук бўлмоқ. Кўчими: муросасизлик, душманлик, келишмовчилик.

Ораларидан ола мушук ўтган. Кўчими: муносабатнинг бузилиши, араз, душманлик.

Мушугини «пишт» деёлмайди. Кўчими: лаганбардор, таъзимкор, қарам (муте), номустақил одам.

Олдиндан қора ит чиқсин. Кўчими: (қарғиш) бахтсизликка учра.

Оқ ит, қора ит - барибир ит. Кўчими: кўринишидан, вазифасидан қатъи назар, нопок, нобакорлар, риёкор яхшиси бўлмайди тушунчаси.

Шаҳарда итинг адашдимиз? Кўчими: мақсадсиз дайдиб юрувчи шахсга нисбатан.

«Олҳа-ол»га ит ўлибди. Кўчими: ҳуда-беҳуда ваҳима қилавериш салбий оқибатларга олиб келади.

Итга сув сепсанг, юзингга сугал тошади. Кўчими: бировга озор берсанг, ўзингга қайтади.

Яхши ит ўлигини кўрсатмас. Кўчими: ақлли одам ўз ғамини ўзи ейди – бировга оғирлигини туширмайди.

Ит итга буюради, ит қуйруғига. Кўчими: буюрилган ишни бажармаслик, бировга буюриш.

Ўзбекнинг кичиги бўлгунча кучуги бўл. Кўчими: ёши кичиклар катталарга хизмат қилиши кераклиги.

Ит теккан. Кўчими: ҳаром (овқатга нисбатан); қизлик номуси бузилган: Умида ерга қараб: Менга ит теккан,— деди (А.Қ., 2-т., 83-б.).

Ит боласи қурбонликка ярамас. Кўчими: таги паст, ношуд, нобакор одам ҳаёт учун яроқсиздир.

Қўйдан чиққан итдай молга эргаша олмабди. Кўчими: қўлидан иш келмайдиган, нўноқ, ношуд, яроқсиз одам.

Эр-хотин – қўш ҳўкиз. Кўчими: ҳаёт ташвишларини тенг тортмоқ, тенг ҳаракат қилмоқ.

Хўкизинг хўро бўлди – берди Худо,

Хотининг хўро бўлди – урди Худо. Кўчими: бойимоқ ва камбағал бўлмоқ рамзи.

Хўкиз ўлди – ўртоқ айрилди. Кўчими: бирор манфаат асосида қурилган муомала-муносабатнинг бузилиши.

Хўкизнинг шохига урсанг, танасига зил кетади. Кўчими: болалари, уруғларига зуғум қилиш орқали катталарини ранжитиш, азоблаш, хўрлаш.

Силаганни сигир билмас, сийпаганни хўкиз билмас. Кўчими: яхшилиқни билмайдиган, бошқаларни қадрлай олмайдиган одам.

Хўкиз бўлсин сут берсин. Кўчими: фойда, мафаат учун кураш.

Бузоқнинг югургани сомонхонагача. Кўчими: қўлидан иш келмайдиган, имкониятсиз, ношуд одам.

Яхши бузоқ (ёки улоқ) икки онани эмади. Кўчими: зийрак, тадбиркор, эпчил одам.

Аммамнинг бузоғи (дай). Ношуд, қўлдан иш келмайдиган, лапашанг, латта одам.

Моли тўқнинг кўнгли тўқ. Кўчими: очлик, ночорлик, камбағаллик хавфи йўқ.

Одам оласи ичида, мол оласи ташида (сиртида). Кўчими: инсон кўнглини билиш қийин – муғомбир, тулки бўлади.

Мол эгасига ўхшамаса, ҳаром ўлар. Кўчими: яхшидан яхши, ёмондан ёмон қолади.

Бузоқнинг ҳақи кетади деб, сигирнинг сутини ичмайди. Кўчими: кесатиқ маъносидаги тақводор, аслида ҳаромхўр, зикна одам.

Подадан олдин чанг чиқармоқ. Кўчими: ўйловсиз, шошиб қилинган иш, айтилган гап, чиқарилган хулоса.

Икки сигирлининг уйи айрон,

Икки хотинлининг уйи вайрон. Кўчими: икки сигирли – (умуман, молдор) бой-бадавлат, икки хотинли – маънавий қашшоқ, пароканда, бахтсиз.

Сигир қуйруқ қилиб гапирмоқ. Кўчими: фикрни ётиғи билан ифодаламақ, кўполлик қилмаслик.

Ғуножин кўзини сузмаса,

Буқа ипини узмайди. Кўчими: қарс икки кўлдан чиқади.

Айрилганни айиқ ер,

Бўлинганни бўри ер. Кўчими: бирлик ва иттифоқ бўлмаса, ютуқ ва муваффақиятларга эришиб бўлмайди; пароканда бўлмоқ.

Айиқ бўлсин, эринг бўлсин,

Унгур бўлсин, уйинг бўлсин. Кўчими: дунёдан эрсиз, уй-жойсиз, тоқ ўтмаслик – Ватанни улуғлаш ғояси.

Бўрини йўқласа, қулоғи кўринар,

Хизрни йўқласа, таёғи кўринар. Кўчими: ўйлаб турганда, тасодифан келиб қолган одам, содир бўлган ҳодиса.

Бўрида Азроилнинг туки бор. Кўчими: ҳазар қилинадиган, кўрқинчли шахс.

Бўри бир кечада юз қўтонни санайди (Бўри бир кечада минг овул санаркан). Кўчими: жонсарак, эртаю кеч фойда излайдиган одам.

Кийигим тоққа чиқиб кетди. Кўчими: бирдан жаҳлланмоқ, ғазабланмоқ.

Арслоннинг ўлиги – сичқоннинг тириги. Кўчими: дононинг ўрнини ношуд, нодоннинг боса олмаслиги.

Бўрининг еса ҳам, емаса ҳам оғзи қон. Кўчими: бадномлик, ёмон отлик бўлмоқ.

Бўрими, тулкими. Кўчими: яхши ва ёмон хабар рамзи.

Занжирбанд шер, енгаман дер. Кўчими: иложсиз бўла туриб, бирор ишга ортиқча, беҳуда уринмоқ.

Отанг чўчқа бўлса ҳам, нўхталаб боқ. Кўчими: ота олдидаги хизматни адо этиб бўлмаслик.

Бўрини қанча боқсанг ҳам, ўрмонга қараб қочади. Кўчими: душман эл бўлмайди.

Филдай кучинг бўлса ҳам, мўр бўлиб кўрин. Кўчими: камтар бўлмоқ, манманлик қилмаслик.

Сичқоннинг уйи минг танга. Кўчими: иложсизлик, танг аҳволда қолмоқ.

Туя бир танга – қани бир танга?

Туя минг танга – мана минг танга. Кўчими: пул – имконият гарови. Камбағаллик – хўрлик, бойлик – фаровонлик рамзи.

Арслон изидан, йигит сўзидан қайтмас. Кўчими: ваъдага вафо қилмоқ.

Икковга биров етолмас,

Отлиққа яёв етолмас. Кўчими: имкониятини билмайдиган, ўзгаларга таассуб қилиб, овора, сарсон, масхара бўлиб қолмоқ.

Уюрли қўйдан бўри ҳам қўрқар. Кўчими: бирлашиш, аҳиллик (иттифоқлик) душмандан, фожеалардан, ҳатто ўлимдан сақлаб қолади.

Отинг борида йўл тани, ақлинг борида эл тани. Кўчими: ёшликданок бахт учун курашиш, яшаш сирларини шўлаштириш – бахт гарови.

Кун ҳисобини ой олар,

Бедов ўрнини той олар. Кўчими: умр ўткинчи; қарилар ўлиб, ўрнини ёшлар олади.

От сурунмай, йўл топмас. Кўчими: муайян қийинчиликларни, тўсиқларни енгмай, бахтга, мақсадга эришиб бўлмаслик.

Йўлбарс боласини тутмоқ учун, йўлбарс уйига кирмоқ керак. Кўчими: инсон риёзат чекиб, ҳатто ўлимга тик бориб бахтга, мақсадга эришади.

Бозор кўрган эчкидан кўрқ. Кўчими: айёр, туллак, беҳаё, имонсиз одам ҳамиша хавфлидир.

Бозордан қайтган сигирдай. Кўчими: обрўсиз, шарманда, масхара.

Ёв йўқ дема – бўрқ остида,

Бўри йўқ дема – жар остида. Кўчими: хавф-хатардан ҳамиша огоҳ бўл, акс ҳолда фожеа, ўлим кутади.

От минсанг ўйлаб узоқни, билиб юр йўлдаги тузоқни. Кўчими: кучли бўлсанг ҳам, огоҳ бўл! Хавф-хатардан ҳоли эмассан.

Тулкининг тавбасидан кўрқ, муғомбирнинг навҳа (йиғи)сидан кўрқ. Кўчими: нобакор, таги пастларга ишонма, ҳазар қил, акс ҳолда ҳаётинг хавф остида қолади.

Эл ўғрисиз бўлмас,

Тоғ – бўрисиз. Кўчими: кутилмаган хавфдан огоҳ бўлмоқ, бирор фожеа юз беришининг олдини олмоқ.

Бошинг икки бўлмагунча,

Молинг икки бўлмайди. Кўчими: оилавий ҳаётга тайёр бўлмаган киши камбағал, бахтсиз бўлиб қолаверади.

Бўрини аясанг, сени талайди. Кўчими: душманни ўлдир, акс ҳолда у сени ўлдиради.

Ёмон отда юргунча,

Яёв юрган яхшироқ. Кўчими: нокасларга суяниб яшагандан қашшоқ, фақир бўлиб умр кечирмоқ афзалдир.

Қобил фарзанд от миндирар,

Ноқобили (отдан) индирар. Кўчими: қобил фарзанд отани (халқини, элини) бахтли, ноқобили бахтсиз қилади.

Ўзи бозорга сиғмаган туя қўшани билан кирибди. Кўчими: ўз имкониятини билмайдиган нодон, бефаҳм, аҳмоқ шахс (Сичқон сиғмас инига, ғалвир боғлар думига варианты бор).

От кишнашиб топишар,

Одам – эслашиб. Кўчими: инсон ақл-фаросати, ўй-фикри, хотираси билан ажралиб туради.

Одам тилидан топар,

Хўкиз – мўғузидан. Кўчими: хато, ноўрин қилиқлар, ёмон феъл инсонга фожеа, бахтсизлик келтиради.

Бир товукқа ҳам дон керак, ҳам сув. Кўчими: ҳаёт машаққат ва ташвишлардан иборат.

Отни аяган отга етар,

Тўнни аяган тўнга етар. Кўчими: тежамкорлик (ақл) инсонни бахтли, исрофгарчилик (ақлсизлик) камбағал, бахтсиз қилади.

Товуқни есанг бир ейсан,

Тухумни есанг минг ейсан. Кўчими: исрофгарчилик инсонни камбағал қилади, тежамкорлик бой қилади.

Ёнида бир пули йўқ,

Туянинг тишини кўрар. Кўчими: ўз имкониятини билмайдиган, нодон, бефаҳм, аҳмоқ шахс.

Эшак юрар қатқоқда,

Маълум бўлар ботқоқда. Кўчими: қийинчиликлардан, ҳаёт синовларидан ўта олмаслик.

Эшаги лойдан ўтган. Кўчими: иши битиб, яхшилиқни унутган нокас шахс.

Ёмон отга ёл битмас,

Ўлармонга мол битмас. Кўчими: таги паст, асли ёмон одамнинг бири икки бўлмайди; яхши ёки бахтли бўлмайди.

Ёмон ҳўкиз шамиён синдирар (ёки қайтарар). Кўчими: ақлсизлик, фаросатсизлик, тартибсизлик, яхшилиқни билмаслик.

Итнинг иши узмоқ,

Ёмоннинг иши бузмоқ. Кўчими: ёмонлиқни ўзига касб қилиб олган одам, зарарқунанда.

Тулки тумшуғидан илинар. Кўчими: муғомбирлик, ёлғончилик, эгрилик ҳалокатга олиб боради.

Тиррақи бузоқ подани булғар. Кўчими: халққа, жамиятга иснод келтирувчи шахс.

Ёли қуюқ эшакдан,

Яғир бўлган от яхши. Кўчими: ноқас, нодон бойдан, ақлли, доно камбағал яхши.

Озган от арғумоқ бўлмас. Кўчими: кўримсиз (жасадсиз) кишидан полвон чиқмайди.

Илон қувса йўлга қоч,

Туя қувса ўрга қоч.

(ёки Илон қувса яқалаб қоч,

Йўлбарс қувса гўрга қоч). Кўчими: муайян хавф-хатарларнинг олдини олмоқ, даф қилмоқ; баъзи ҳаракатлар одамни ўлимга олиб бориши мумкинлиги.

Тойчани той деб ҳўрлама,

Эрта-индин от бўлур. Кўчими: калтафаҳмлик, узоқни кўра олмаслик.

Ўзингни эр билсанг,

Ўзгани шер бил. Кўчими: худбин, манман, шуҳратпараст бўлмаслик; камтарлик.

Бир кунга ҳўкиз ўлмас,

Икки кунга эгаси бермас. Кўчими: хасислик, бахиллик, очкўзлик, ноодамийлик, пасткашлик.

Бўридан қўрққан тўқайга кирмас.

(ёки **Бўридан қўрққан мол қилмас; Чумчукдан қўрққан тарик экмас**). Кўчими: иродасизлик, журъатсизлик, қўрқоқлик, бирор ишни бажара олмаслик.

Бўрининг қулоғи овда. Кўчими: фақат фойдани, «ўлжа»ни, манфаатдорликни ўйловчи, тамагир шахс.

Ер овлоқ бўлса, тўнғиз тепага чиқар. Кўчими: имконият туғилди дегунча фойдага, мансабга ўзини урадиган нопок кимса.

Овул ити ола бўлса,

Бўри келса, бирикар. Кўчими: халққа хиёнат, жиноят қилмоқ.

Оч бўри йўртағон келар. Кўчими: ҳаёт қийинчиликлари, йўқлик ҳамма нарсага, ҳатто жиноий ишларга қўл уришга мажбур қилади.

Танлаб-танлаб тозига учрамоқ. Кўчими: кўп уринишга қарамай, иш ўнгидан келмаслик, бахтсизликка учрамоқ.

Бўрини қанча боқсанг, ўрмонга қочади (итни қанча боқманг, оғзини гандаликка уради). Кўчими: қанчалик тарбияламанг, яхшилик қилманг, нокас нокаслигича қолади.

Тилаб олган эримни (боламни) эчки тепиб ўлдирди. Кўчими: қийинчилик билан қўлга киритилган бахтни қўлдан бериб қўймоқ, омадсизликка учрамоқ.

Эшагига яраша тушови. Кўчими: меҳнатига яраша роҳат, ҳаракатига яраша натижага эришмоқ.

Эшакнинг ёмони қозикни булғар,

Отнинг ёмони-охирни. Кўчими: қош қўяман деб, кўз чиқарадиган, устабузармон, ишининг уддасидан чиқолмай, шарманда бўладиган, ўз ишига номуносиб шахс.

Қўйни ҳам ўз оёғидан осад,

Эчкини ҳам ўз оёғидан осад. Кўчими: кимлигидан қатъи назар, ҳар бир шахс қилмишига яраша жазо олади.

Хар ернинг тулкисини ўз тозиси билан овлар. Кўчими: хиёнаткор, гуноҳкор қаерда бўлмасин, ўша ерда унинг ўз жазоловчиси бор.

Кулунли биядан қудуқ суви ортмас. Кўчими: бойлик қанча бўлса-да, оила ёки жамиятни таъминлаш қийин; Ётиб еганга тоғ чидамас (мақол).

Чўпон (қўйчивон) кўп бўлса, қўй харом ўлар. Кўчими: сансолорлик, ишнинг бажарилмай, ўлда-жўлда қолиб кетиши.

Бир терининг ичида қўй неча бор семириб, неча бор озади. Кўчими: инсоннинг умри давомида жуда кўп бахтли ва бахтсиз, хуш ва нохуш, омад ва омадсизликни бошидан кечириши.

Ер қаттиқ бўлса, ҳўкиз ҳўкиздан кўради. Кўчими: ҳақиқатни тушуниб етолмай, бир-бирига беҳуда душманлик қилиб юрувчи нодон шахслар.

Кепак еган от югурук бўлмас. Кўчими: етарли таълим-тарбия кўрган одам узоққа боради.

Кўнгўл ўйга тўймайди,

Бўри – қўйга. Кўчими: дунё бир кишига кўплик, икки кишига камлик қилганидек, инсон эҳтиёжи чексиз, у бойликка тўймайди.

Семиз қўйнинг умри калта. Кўчими: ўз реал маъноси (сўйилади)дан ташқари, инсон умри етилиб, поёнига етгач, ўлим бошланади.

Эшак минган элда кўп,

Йўл кўрмаган юртда кўп. Кўчими: уқувсизлик, тажрибасизлик.

Туркистонда қўй бир сўм,

Кела-кела ўн бир сўм. Кўчими: нарх-навонинг ошиб бориши, қимматчилик.

Эшаги уч танга,

Тўқими беш танга.

(ёки Эшагидан тўқими (тушови) қиммат). Кўчими: фойдасидан зарари кўпроқ тегадиган одам ёки нарс-ходиса, буюм.

Оғилда ҳўкизим йўқ,

Элимда обрўйим йўқ. Кўчими: камбағаллик, қашшоқлик.

Хон чориғини қўймас. Кўчими: ўтмишини, кечаги кунини унутмаслик (“ким эдинг, ким бўлдинг” маъносида).

Англашиладики, юқоридаги мақолларнинг шаклланишига асос бўлган ҳайвонлар номи (от, туя, хўкиз, қўй, қўчқор, арслон, шер, йўлбарс каби) ва уларнинг хусусиятлари орқали буюклик, адолат, куч-қудрат, садоқат, мардлик, тантилик; ёки, аксинча, эшак, тулки, ит, эчки каби номлар ва уларнинг хусусиятлари орқали номардлик, пасткашлик, ношудлик, ақл-фаросатсизлик, ёлғончилик, ноодамийлик каби салбий фазилатлар рамзий-эвфемик тарзда ўз аксини топган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Абдиев М. Ҳозирги давр касб-ҳунар лексикаси // Ўзбек тили ва адабиёти.— 2002.— №1, Б. 65-66.
2. Абдиев М. Соҳавий лексиканинг систем таҳлили (Самарқанд вилояти касб-ҳунарлари материаллари асосида): Филол. фанлари д-ри дис. ... автореф. —Т., 2005.—55 б.
3. Абдуазизов А. Фоностилистик воситаларнинг ўрганилишига доир // Ўзбек тили ва адабиёти.— 1985.— №2.— Б. 24.
4. Абдуллаев Ф. Ўзбек тили лексикасининг баъзи бир масалаларига доир // ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти асарлари.—Т.: Фан, 1949.— Б. 25-26.
5. Абдурасулов Ё. Нутқ жараёнида сўз маъносини кучайтириш усул ва воситалари // Нутқ маданияти масалалари. —Т.: 1993.— Б.118-121.
6. Абдурахмонов Х. Ўзбек халқ мақоллари тили синтаксиси // Адабиётшунослик ва тилшунослик масалалари.— Т.: Фан,1961.— Б.275-284.
7. Агаян А.Э. Введение в языкознание.— Ереван: Ун-т.,1960. —271 с.
8. Аджиев А.М. Кумикские свадебно-обрядовые загадки, «Киритмелер» // Советская тюркология.— Баку, 1985. —№4.— С.23-27.
9. Азизов О. Тилшуносликка кириш.—Т.: Фан, 1963.—160 б.
10. Айдарав Т. Ареальная характеристика диалектной лексики казахских говоров Узбекистана: Автореф. дисс...д-ра филол. наук.— Алмаата, 1980.— 48 с.
11. Алавия М. Ўзбек халқ маросим кўшиқлари. — Т.: Фан, 1976. — 195 б.
12. Ал-Ҳаким ат-Термизий // Наврўз ва табиат сирлари.—Т.: Меҳнат, 1991.—Б. 3-10.
13. Арнольд И.В. Лексикология современного английского языка. —М.: Наука, 1957.—186 с.
14. Асамутдинова М. Названия одежды и его частей в узбекском языке: Автореф. дисс... канд. филол. наук.— Т., 1969. —19 с.

15. Атаев С. Эвфемизмы в туркменском языке: Автореф. дисс...канд. филол. наук.—Ашхабад: 1955. —21 с.
16. Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. —М.: Наука, 1966. —371 с.
17. Ахметов Э.К. Туркі тілдеріндегі табу мен эвфемизмдер: Автореф. дисс... д-ра филол. наук.— Алматы: Ғылым, 1995.— 62 б.
18. Ахметов Э.К. Туркі тілдеріндегі табу мен эвфемизмдер.— Алматы: Ғылым, 1995. —176 б.
19. Бакаева Н. Терминология золотошвейного производства Бухары и Гиждувана: Автореф. дисс...канд. филол. наук.—Т., 1971.— 20 с.
20. Бакиров П. Ўзбек тилида номинацентрик мақоллар // Ўзбек тили ва адабиёти.—2004.— № 1.—Б. 78-80.
21. Баранов Х.К. Арабско-русский словарь.— М.: ГИС, 1957.—1187 с.
22. Баскаков Н.А. Пережитки табу и тотемизма в языках народов Алтая // Советская тюркология. — Баку, 1975.— №2.—С.17.
23. Баскаков Н.А. Принципы выбора признаков для наименования гор у алтайцев // Исследования по восточной филологии.— М.: Восточ. лит., 1974.— С.23-27.
24. Бегматов Э.А. Исм чиройи. —Т.: Фан, 1994.—152 б.
25. Бегматов Э.А. Номлар ва одамлар. —Т.: Фан, 1966.— 56 б.
26. Бердимуродов А. Будданинг ғаройиб сири // Даракчи.— 2001.— 14 июль.— 6.
27. Богатырев П.Г. Магические действия, обряды и веровская Закарпатье // Вопросы теории народного искусства. — М., 1971.— Б.189-191.
28. Босчаева Н.Ц. Эвфемистичность в диалогической речи. — Л.: ЛГУ, 1989. —178 с.
29. Будагов Л. Сравнительный словарь турецко-татарских наречий.— Т. I—II.— СПб: Б.И., 1869-1871.
Т.1. — 1869.— сплетены.

- Т. 2. – 1870. – 810 с.
- Т. 3. – 1871. – 415 с.
30. Будагов Р.А. История слов и история общества.– М.: Просвещение, 1971.– 270 с.
31. Булаховский Л.А. Введение в языкознание. Часть II. –М.: Наука, 1953.– 175 с.
32. Вайнштейн С.П. Личные имено-термины родства и прозвища у тувинцев // Ономастика. – М.: Наука, 1969. – С.128-131.
33. Валихонов О. Тасвирий ҳарфлар // Гулистон. – 1972. – №5. – Б. 22.
34. Вандриес Ж. Язык. – М.: Соцэкгиз, 1937. – 410 с.
35. Виноградов В.В. Проблемы литературных языков и закономерностей их образования и развития. – М.: Наука, 1967. – 186 с.
36. Гафурова Л.Х. Бытовая лексика современного узбекского языка.– Т.: Фан, 1991.– 135 б.
37. Дарбакова В.П. Оронимия. МНР // Ономастика.– М.: Наука, 1969.– С.199-299.
38. Дунасарий Ш. Оламни билиш илми. – Т.: Ёзувчи, 1990.
39. Ергазиева Н.И. Взаимосвязь прозвищ, табу и эвфемизмов в казахском языке //Ономастика Узбекистана. – Т.: Фан, 1989. – Б.118-120.
40. Ермолаева Л.С., Сабанеева М.К. К проблеме морфосинтаксиса // Вопросы языкознания, 1986. – № 6. – С.65.
41. Жувонмардиев А. Рақамлар ҳарфга айланганда. – Т.:Фан,1966.–60 б.
42. Жуманиёзов Р. Эски ўзбек ёзуви. – Т.: Меҳнат, 1989. – 276 б.
43. Жўрабоев А. Урф-одат номлари // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1970. – №3. – Б. 60-63.
44. Жўраев Б. Юқори Қашқадарё ўзбек шевалари.–Т.: Фан, 1969.–168 б.
45. Звягнецев В.А. Семасиология. – М.: МГУ, 1957.– 171 с.
46. Иброҳимов С. Фарғона шеваларининг касб-хунар лексикаси.–Т.: Фан, I, 1956, II-III, 1959.

Т. 1. – 1956. – 144 б.

Т. 2. – 1959. – 456 б.

Т. 3. – 1959. – 453 б.

47. Иброҳимов С. Ўзбек тили касб-хунар лексикаси тадқиқотидан // Ўзбек шевалари лексикаси. – Т.: Фан, 1966. – Б.121-124.

48. Исматуллаев Н. Ҳозирги ўзбек тилида эвфемизмлар // ТошДПИнинг «Илмий асарлар»и. – Т.: ТошДПИ, 1963. – Т.42; китоб I. –Б. 3-59.

49. Исматуллаев Н. Эвфемизмларнинг луғат составини ва сўз маъноларини бойитишдаги аҳамияти // Тош ДПИнинг «Илмий асарлар»и. – Т.: ТошДПИ, 1964. – 2-китоб. – Б. 3-12.

50. Исматуллаев Н. Эвфемизмы в современном узбекском языке: Автореф. дисс...канд. филол. наук.– Т., 1963. –19 с.

51. Йўлдошев Б. Фразеологик услубият асослари. – Самарқанд: Нашриётсиз, 1999.–200 б.

52. Йўлдошев Б. Ҳозирги ўзбек адабий тилида фразеологик воситаларнинг услубий-функционал хусусиятлари: Филол. фанлари д-ри дис. – Т., 1993. – 297 б.

53. Кармышева Б.Х. Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана. – М.: Наука, 1976. – 323 с.

54. Кацев А.М. Эвфемизмы в современном английском языке: Автореф. дисс... д-ра филол. наук. –Л., 1977. – 48 с.

55. Кичкилов Ҳ., Қобилов Э. Чўпон таёғининг ҳосиятлари // Мулоқот. – №3. – 2003. – Б. 47-48.

56. Кошғарий Маҳмуд. Девони луғотит-турк. Т 1.– Т.: Ўз Фан,1960.– 499 б.

57. Мираҳмедова З. Ҳозирги ўзбек тили анатомия терминологияси: Филол. фанлари номзоди... дис. – Т., 1994. –150 б.

58. Мирзаева С. Ўзбек халқ афсун-дуолари фольклор жанри сифатида // Ўзбек тили ва адабиёти.– 1992.– №2.– Б. 31-34.

59. Михайловская Н.Г. Русская речь. – М.: Наука, 1985. – 172 с.
60. Мукаррамов М. Кўчимларнинг ўзаро муносабати // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1976. – №5. – Б. 52-53.
61. Мусабоев Г.Г. Ҳозирги замон қозоқ тили. – Т.1.–Лексика.– Алматы: Ғылым, 1959. – 285 б.
62. Мирзаев И.К. Проблемы лингвопоэтической интерпритации стихотворного текста: Автореф. дис. ...д-ра филол. наук.– Т., 1992.
63. Мухтасар: Шариат қонунларига қисқача шарх. – Т.: Чўлпон, 1994. – 336 б.
64. Муҳаммад Боқир. Баҳоуддин Балогардон. –Т.: Ёзувчи, 1993. – 208 б.
65. Муҳаммад Исо ибн Турсунбой ибн Юнусхожи // Ислом дини ва ибодати қоидалари. – Т.: Ўзбекистон, 1993. – Б. 22-23.
66. Муҳаммадиев Р. Аския. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1970. – 144 б.
67. Муҳаммад Содик. 30-Амма пораси // Тафсири Ҳилол. – Т., 2006. – Б. 150.
68. Навоий асарлари луғати / Тузувчилар: П.Шамсиев, С.Иброҳимов. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1973. – 782 б.
69. Навоий А. Асарлар. 15 томлик. 14-т. – Т.: Ўзадабийнашр, 1967. – 270 б.
70. Неъматов Ҳ. Сўз, унинг тил ва нутқдаги ўрни // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1988.– №6. – Б. 23-27.
71. Нишонова Н. Ўзбек тилида «ҳайвон» архисемали лексемалар майдонининг мазмуний тахлили. Филол. фанлари номзоди дис. ...автореф. – Т., 2000. – 24 б.
72. Нурмонов А. Сўз ҳақида сўз // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1991. – №5. – Б. 67-71.
73. Нурмонов А. Тасдиқ ва инкорнинг паралингвистик воситалар ёрдамида ифодаланиши // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1979. – №1. – Б.32-33.

74. Нурмонов А., Маҳмудов Н., Солихўжаева С., Аҳмедов А. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси / А.Ҳожиёв таҳририда. –Т.: Фан, 1992.–296 б.
75. Об-ҳаво даракчилари. Тўплам / Тўплаб нашрга тайёрловчи М.Жўраев. – Т.: Нашриётсиз, 1996. – 122 б.
76. Омонтурдиев А. Юристлар нутқи // Қонун ҳимоясида. – 2000.– №10. – Б. 21-23.
77. Омонтурдиев А. Ўзбек нутқининг эвфемик асослари. – Т.: Халқ мероси, 2000. –128 б.
78. Омонтурдиев А. Бир сўз луғати. – Термиз: Бойсун, 1996. – 45 б.
79. Омонтурдиев А. Ўзбек тилининг қисқача эвфемик луғати. – Т.: Фан, 2006. – 231 б.
80. Омонтурдиев Ж., Омонтурдиев А. Сўз қўллаш санъати. – Термиз: Жайхун, 1994.– 60 б.
81. Омонтурдиев Ж. Навоийда сўзнинг тасаввуфий талқини // Тафаккур.– 2004. – №4. – Б. 93-93.
82. Отамирзаева С. Олтин бешик сарвари // Саодат.– 2003.– №2. –Б. 25.
83. Ота Раҳим. Тил ва эл ули // Гулистон .– 1990. – № 5. – Б. 24-26.
84. Очилов К. Соғим қўшиқлари ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти.– 2004.– № 2.– Б. 72-75.
85. Очилов К. Суннат тўйининг халқ оғзаки ижодида тасвирланишига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. – 2004. – № 5. – Б. 64-66.
86. Пардаев З. Ўзбек тилининг заргарлик терминологияси: Филол. фанлари номзоди ... дис. –Т., 1994.– 128 б.
87. Перетрухин В.Н. Беседа о языке и культуре речи. – Тюмень: КН.Издат, 1962. –72 с..
88. Пинхасов Я. Ҳозирги замон ўзбек тилининг лексикаси. – Т.: Ўздавнашр, 1960. – 66 б.
89. Поливанов Е.Д. Узбекская диалектология и узбекский литературный язык. – Т.: Узгосиздат, 1933. – 45 с.

90. Потебня А. А. Из Лекций по теории словесности. Басня. Пословица. Поговорка. – Харьков: Из-во А.А.Потебня, 1894. – 622 с.
91. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек фразеологиясининг баъзи масалалари. – Т.: Фан, 1966. – 266 б.
92. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг фразеологик луғати. – Т.: Қомуслар Бош таҳририяти, 1992. – 382 б.
93. Раҳматуллаев Ш., Юнусов Р. Жой лексемаси семаларининг лексик контексти, Тош ДУнинг «Илмий асарлар»и – Т.:ТошДУ, 1975.–Т.2.– Б. 53-54.
94. Раҳимов С. Сурхондарё ўзбек шевалари луғати. – Т.: Нашриётсиз, 1995. – 122 б.
95. Реформатский А.А. Введение в языковедение. – М.: Просвещение, 1967. – 544 с.
96. Розенталь Д.Э. Практическая стилистика русского языка. – М.: Высшая школа, 1965. – 356 с.
97. Розенталь Д.Э., Теленкова М. А.. Справочник лингвистических терминов.– М.: Просвещение, 1972. – 248 с.
98. Сайфиддинова Ж. Жонзотлар ҳаёти // Тафаккур. – 4-сон, 2004. – Б. 53-55.
99. Саломов Ғ. Тил ва таржима. – Т.: Фан, 1966. – 384 б.
100. Самойлович А.Н. Женские слова у алтайских турков // Язык и литература. – Л., 1929.– Т.III. – С. – 124-125.
101. Самойлович А.Н. Запретные слова в языках казах-киргизской замужной женщины. – СПб.: Б.И., 1915. – 167 с.
102. Саримсоқов Б.И. Ўзбек маросим фольклорининг жанрлар состави, генезиси ва поэтикаси: Филол. фанлари д-ри дис.– Т., 1987.
103. Саримсаков Б.И. Узбекский обрядовый фольклор, его жанровый состав, генезис и поэтика: Автореф. дисс...д-ра филол. наук. – Т., 1987. – 48 с.
104. Сат Ш.Ч. Табу и эвфемизмы в тувинском языке // Советская тюркология. – Баку, 1981. – №5. – С.45-46.

105. Сафаров П.С. К формированию зоонимов узбекского языка: названия коз и овец // Советская тюркология. – 1989. – №5. – С.85-92.
106. Сафарова Р. Гипонимия в узбекском языке (на материале общеупотребительных зоонимов). Автореф. дисс...канд. филол. наук. – Т., 1990. – 22 с.
107. Содиқов А., Абдуазизов А., Ирисқулов М. Тилшуносликка кириш. – Т.: Ўқитувчи, 1981. – 266 б.
108. Суперанская А.Б. Личные имена в официальном и неофициальном употреблении // Антропонимика. – М.: Наука, 1970. – С.180-188.
109. Таъбирномаи Юсуф алайҳиссалом / Ношир Саидбек Ҳасан. – Т.: Ўзбек маскани, 1990. – 64 б.
110. Телия В.Н. Что такое фразелогия? – М.: Наука, 1966. – 86 с.
111. Темур тузуклари. – Т.: Нашриёт матбаа бирлашмаси, 1991. – 144 б.
112. Толстой Н.И. Некоторые проблемы и перспективы славянской и общей этнолингвистики // Известия АН СССР, серия литература и язык. – 1982. – Т.41. – №5. – С. 397-405.
113. Толеънома / Ноширлар Маҳмуд Ҳасаний, Маҳмуд Умар. – Т.: Фан, 1993.
114. Тошалиев И. Стилистик норма муаммолари // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1984. – №5. – Б. 29-42.
115. Тошева Г. Совчилар қадами етган уй // Мулоқот. – №3. – 2002. – Б. 47-48.
116. Тоғаева Д. Инс-жинслар ҳақида ўзбек оғзаки ҳикояларининг образлар системаси // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1991. – № 6. – Б. 44-47.
117. Трубачев О.Н. Из истории табуистических названий // Вопросы славянского языкознания. – М.: Наука, 1958. – вып.3. – С.12-15.
118. Турсунов Р. Ёр-ёрларнинг мусиқий табиати // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1990. – № 1. – Б. 59-62.

119. Турсунова Т. Ўзбек тилида гиламчилик лексикаси тарихидан. Низомий номидаги ТошДПИнинг «Илмий асарлар»и. –Т.: Тошду, 1974. – 87-том.– Б. 3-17.
120. Турсунова Т. Ўзбек тили амалий санъат лексикаси. – Т.: Фан, 1978. –139 б.
121. Тўйчиев Б. Яйлов, қишлов, керага ва олтин сўзларининг шаклланиши // Ўзбек тили ва адабиёти.– 2000.– №3.– Б. 68-69.
122. Умаров Э. Ўзбек тили фразеологияси тараққиётида Алишер Навоийнинг роли. – Т.: Фан, 1968.
123. Умуркулов Б. Бадиий адабиётда сўз. – Т.: Фан, 1993. – 132 б.
124. Усмонов С. Модал-релятив формалар // ТошДПИнинг "Илмий асарлар"и.– Т.: ТошДУ, 1964. – 2-китоб. – Б. 208-209.
125. Усмонов С. Ҳозирги замон ўзбек тилида омоним ва синонимлар // Тош ДПИнинг «Илмий асарлар»и. – Т.: ТошДУ, 1959. – Б. 25-26.
126. Усмонов С. Умумий тилшунослик. – Т.: Ўқитувчи, 1972. – 208 б.
127. Усмонов С. Ўзбек тилида ундовлар. – Т.: Ўз Фан, 1953. – 12 б.
128. Файзиев Т. Мирзо Улуғбек авлодлари. – Т.: Ёзувчи, 1994. – 40 б.
129. Файзиева Х. Бойсун-Шўрчи ўзбек шеваларида отларнинг ёши, туси, жинсига кўра номланиши // Тилшуносликнинг долзарб масалалари ва Нутқ маданияти муаммолари (Республика конференцияси материаллари).– Термиз, 2004. – Б. 81-84.
130. Фрэзер Дж. Золотая ветвь // Магия идеологии. – М.: Госиздат, 1928. – вып. 1. – С. 37-38.
131. Холмирзаев Ш. Сўнгги бекат. – Т.: Ёзувчи, 1976. –186 б.
132. Черкасова Е.П. О метафорическом употреблении слов, Исследования по языку советских писателей. – М.: КН. Изд., 1959. – 280 с.
133. Чориев З. Тарих атамаларининг қисқача изоҳли луғати. Иккинчи нашри. – Т.: Академия, 2002. – 256 б.
134. Чўлпон. Кеча ва кундуз. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1991. – 576 б.

135. Шахжури К.К. Эвфемизмы и их роль изменение значения слов: Автореф. дисс...канд. филол. наук. – Тбилиси, 1956. – 20 с.
136. Широков О.С. Введение в языкознание. – М.: МГУ, 1985. – 264 с.
137. Шоабдурахмонов Ш. Ўзбек шеваларида лексик мослик ва унинг адабий тилга муносабати // Ўзбек шевалари лексикаси. – Т.: Фан, 1966. – Б. 16-17.
138. Шоабдурахмонов Ш. Антропонимик формантларнинг таркибий-функционал ривожи ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. – 2003.– №4.– Б. 20.
139. Шоабдурахмонов Ш. Ўзбек адабий тили ва ўзбек халқ шевалари. – Т.: Фан, 1962. – 371 б.
140. Шомақсудов А., Расулов И., Қўнғуров Р., Рустамов Х. Ўзбек тили стилистикаси. – Т.: Ўқитувчи, 1983. – 248 б.
141. Шамсиддинов Ҳ. Ўзбек тилида сўзларнинг функционал-семантик синонимлари: Филол. фанлари д-ри дис. ...автореф.– Т., 1999.– 48 б.
142. Юлдашев Б. Стилистический анализ узбекской художественной прозы. – Т.: Ўқитувчи, 1989. – 136 б.
143. Яхшиева Г.Т. Ўзбек тилида фонографик услубий воситалар: Филол. фанлари номзоди дис. –Т., 1997. – 132 б.
144. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2-том. – М.: Рус тили, 1981.
Т. 1. А – Р. – 1981. – 631 б.
Т. 2. С – Ҳ. – 1981. – 715 б.
145. Ўзбекистон Республикаси жиноят кодекси. – Т.: Адолат, 1995. – 149 б.
146. Ўз СЭ // Каннибализм.– Т.,1974.– 5-т. – Б. 302.
147. Ўринбоев Б. Сўзлашув нутқи ва эвфемизм//Тошкент ДПИ илмий асарлар тўплами.–Т., 1979. – Б. 3-37.
148. Ўринова О.Т., Ўринов Т. Чорвачилик лексикаси ва ўзбек ономастикаси // Ономастика Узбекистана. – Т., 1989. – Б. 178-179.

149. Қиличев Э. Ўзбек тилининг амалий стилистикаси. – Т.: Ўқитувчи, 1985. – 160 б.
150. Қиссаси Рабғузий. 1-китоб. – Т.: Ёзувчи, 1990. – 240 б.
151. Қобилов Э. От ҳақида нималар биламиз? // Мулоқот.– №3.– 2002. – Б. 46-47.
152. Қобуснома. – Т.: Ўқитувчи, 1973. – 128 б.
153. Қодиров З. Пайғамбар қиссаси. –Т.: Чўлпон, 1992. – 96 б.
154. Қурбонов Т., Йўлдошева А. Орнитонимлар – услубий восита сифатида // Тилшуносликнинг долзарб масалалари ва нутқ маданияти муаммолари (Республика конференция материаллари). – Термиз, 2004. – Б. 121-123.
155. Қўнғуров Р. Ўзбек тилининг тасвирий воситалари. – Т.: Ўқитувчи, 1992. – 160 б.
156. Қўчқоров Н. Халқ қарғиш ва олқишларининг тарихийлик принциплари // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1991.– №6. – Б. 40-43.
157. Ғойибов С. Эмоционал-экспрессив қатлам ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1976. – №5. – Б. 42.
158. Ғуломов А. Ўзбек тилида кўплик категорияси. – Т.: Ўзакаднашр, 1944.– 32 б.
159. Ғуломов Х. Чил сўзининг қўлланиши ва маънолари // Ўзбек шевалари лексикаси. – Т.: Фан, 1966. – Б.181-227.
160. Ҳаким Термизий. Наврўзнома ва солнома.–Т.:Меҳнат, 1991.–128 б.
161. Ҳафтаномай Юсуф алайҳиссалом / Ношир Т.Тўрабеков. – Т.: Ўзбекистон маскани, 1990. – 63 б.
162. Ҳомидий Х., Абдуллаева Ш., Иброҳимова С. Адабиётшунослик терминлари луғати / Н.Маллаев таҳририда. – Т.: Ўқитувчи, 1967. – 300 б.
163. Ҳожиёв А.П. Модал ёки субъектив баҳо формалари ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1978. – №1. – Б. 3-6.

164. Ҳожиёв А.П. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. – Т.: Ўз МЭ, 2002. – 163 б.

Интернетдан олинган адабиётлар рўйхати:

1. [http: // google.co.uz /books](http://google.co.uz/books) = эвфема &s
2. [http: // mirslovarli.com/content_bes/JEvfemizm-72311.html](http://mirslovarli.com/content_bes/JEvfemizm-72311.html)
3. [http: // www.taboo /bright.Htm](http://www.taboo/bright.Htm)
4. [http: // zhivotnovodstvo.com](http://zhivotnovodstvo.com)
5. [http: // ru.wikipedia.org/wiki/табу](http://ru.wikipedia.org/wiki/табу)
6. [http: // feb.web.ru/feb/litenc/encyclop/le4/le4-0522.htm](http://feb.web.ru/feb/litenc/encyclop/le4/le4-0522.htm)
- * Бу масала алоҳида режада ўрганилиш керак.
- ** Бу жараёнлар махсус ўрганилиши керак

Респондентлар рўйхати:

1. Амонкул мерган – бойсунлик овчи, 96 ёшда вафот этган.
2. Ақл Жўраназар қизи – Дехқонобод тумани, 58 ёшда.
3. Мунаввар Имомкул қизи – бандихонлик гўянда, 84 ёшда вафот этган.
4. Менгликул бобо – Бойсун туман, Мачай қишлоғида яшаган 80 ёшда вафот этган.
5. Менглихол Жўра қизи – Бойсун туман, Мачай қишлоғи, илон ва бий ўқийди, 75 ёшда.
6. Омонтурди бобо Менгликул ўғли – Бойсун туман, Мачай қишлоғида яшаган, 82 ёшда вафот этган.
7. Холбобо – Бойсуннинг Катари қишлоғидан, чорвадор, 85 ёшда
8. Суюн момо Назар қизи – Бойсун тумани, Чилонзор қишлоғи, 73 ёшда.
9. Гўччи Холиқ ўғли – деҳқонободлик машҳур чўпон, 95 ёшда вафот этган.
10. Ҳайдарова Иззат момо – Бойсун тумани Чилонзор жамоа хўжалиги, сут соғувчи, 65 ёшда.